



**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ  
СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА  
ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР  
ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЙ ДАВОМ  
ЭТТИРАМИЗ**

**6**

«O'ZBEKISTON»







06.3/33  
M540



# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ  
СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА  
ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР  
ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЙ ДАВОМ  
ЭТТИРАМИЗ



SamDTU  
axborot-resurs markazi  
319144

“O‘ZBEKISTON”  
ТОШКЕНТ – 2023

УЎК 321.7:323(575.1)

КБК 66.3(5Ў30)


М 54



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларининг 6-жилдига юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеалар, халқаро миқёсдаги форум ва саммитларда сўзлаган нутқ ва маърузалари, юртимизда кенг нишонланиб келинаётган умумхалқ байрамлари, тарихий саналар, оммавий тадбир ва маросимлар муносабати билан йўлланган табрик ва кутловлар киритилган.

ISBN 978-9943-7953-1-0



9 789943 795310

© “O‘zbekiston” нашриёти, 2023



---

## ХАЛҚЛАР ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК – ЮКСАЛИШ АСОСИДИР

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Қадрли меҳмонлар!

Авваламбор, “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференциясининг барча иштирокчиларини чин қалбимдан самимий қутлайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларига Форумни қўллаб-қувватлаганлари учун алоҳида раҳмат айтмоқчиман.

Бугунги даврамизда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани Жаноби Олийларини ҳамда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон Жаноби Олийларини кўриб турганимдан хурсандман ва уларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманимизда бевосита катнашаётган, асосий ҳамкор давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва юқори мартабали вакилларига, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жаҳоннинг етакчи молия институтлари раҳбарларига ҳам ташаккур билдираман.

Мураккаб пандемия шароитига қарамасдан, сиз, азизларнинг Форумимиздаги иштирокингиш икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган юксак эътибор ҳамда қатъий интилишингизни яққол тасдиқлайди.



Саховатли ва серкуёш Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!  
Хурматли анжуман иштирокчилари!

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий ва Жанубий Осиё узок асрлар давомида халқлар ва цивилизациялар ўртасида фаол мулоқотга хизмат қилди.

Икки минтақанинг ўзаро яқин ҳамкорлиги натижасида янги билим ва фалсафий қарашлар, тиббиёт ва астрономия, жўғрофия ва математика, геодезия ва меъморчилик, дипломатия санъати ва давлат бошқаруви соҳасидаги ютуқлар, юксак маданий ва маънавий-маърифий кадриятлар кенг ёйилди.

Минтақаларимиз халқлари бир неча бор умумий давлатчилик тузилмалари таркибида, шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар маконда ўзаро ҳамжиҳатликда умр кечирганлар.

Ушбу ҳудудда вужудга келган Хараппа цивилизацияси, Юнон-Бактрия ва Кушон подшоҳлиги, Турк хоконлиги, Хурон ва Мовароуннаҳр, Ғазнавийлар, Темурийлар, Бобурийлар ва бошқа давлатлар инсоният тарихида чуқур из қолдирган.

Марказий ва Жанубий Осиё азалдан ишончли савдо йўллари билан боғланиб, Яқин Шарқ, Европа ва Хитой мамлакатлари учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган.

Бу ҳақда қадимги юнон тарихчиси Страбон ҳам ўз асарларида Оқс дарёси – ҳозирги Амударё бўйлаб “Каспий ва Қора денгиз орқали Европага маҳсулотлар етказилган”ини қайд этган.

Эрамиздан аввалги учинчи-иккинчи минг йилликлардаёқ Ҳайбар ва Болан доволари орқали ўтган савдо йўллари тармоғи бизларни ўзаро боғлаб турган.

Марказий ва Жанубий Осиёда ислом, буддавийлик, ҳиндуийлик динлари ва турли халқларнинг ноёб анъаналари тарқалиши туфайли буюк этномаданий муштараклик қарор топган, Шарқнинг бой ва ранг-баранг маданияти шаклланган.

Халқларимиз ўртасидаги ана шундай ўзаро қалин алоқалар жадал интеллектуал ва маърифий юксалишни таъминлади.



Бу жараён дунёга Чарака ва Сушрута, Брахмагупта ва Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний ва Форобий, Беруний, Ибн Сино сингарияна кўплаб етук олим ва мутафаккирларни етказиб берди.

Улар инсоният илмий ва фалсафий тафаккурининг бўлгуси ривожини бир неча аср олдиндан белгилаб бердилар.

Миллий адабиётларимиз мумтоз намояндаларининг номлари бутун дунёга маълум ва машҳурдир.

Бу, биринчи навбатда, Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Муҳаммад Ҳайдар, Махтумкули, Мирзо Ғолиб, Абай, Рабиндранат Тагор, Садриддин Айний, Чингиз Айтматов ижодига дахлдордир.

Улар ўлмас асарлари билан жаҳон халклари ўртасида тинчлик, озодлик ва инсонпарварлик тамойилларини, дўстлик ва ўзаро ишонч ғояларини ривожлантиришга улкан ҳисса кўшдилар.

Буюк олимлар – Абу Райҳон Беруний ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари тарихи, илм-фани ва маданиятининг чинакам энциклопедиясидир.

Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Жаваҳарлаъл Нерунинг Бобур ҳақидаги “У дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори”, деган таърифи кўпчиликка яхши маълум.

Хусусан, Бобур ўзининг фундаментал асари “Бобурнома”да қайд этганидек, “ўн олтинчи асрда Афғонистон худуди оркали Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасида турли моллар ортилган минглаб туялардан иборат карвонларнинг мунтазам қатновлари йўлга қўйилган”.

Унинг фармонига биноан савдо йўллари бўйлаб карвонсаройлар, кудук ва сардобалар бунёд этилган.

Бобурнинг набираси – Буюк Акбаршоҳ ҳам бобосининг ишларини давом эттирган ҳолда, Ҳиндистон тарихида бағрикенг ва узокни кўра биладиган ҳукмдор сифатида ёрқин из қолдирган.



Таъкидлаш жоизки, ўша вақтларда Марказий ва Жанубий Осиёнинг савдо алоқалари Эрон, Арабистон, Усманийлар давлати, Хитой, Россия сингари бошқа мамлакатлар билан ҳам фаол олиб борилган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ҳиндистон ҳукмдори Аврангзеб 1695 йилда рус савдогари Семён Маленькойга мамлакатда савдо қилиш учун рухсатнома беради. Мазкур фармон эски ўзбек тилида ёзилгани диққатга сазовордир.

Афсуски, тарихий вазият тақозоси билан ўн тўққизинчи асрда икки қўшни минтақанинг алоқалари узилиб қолди.

Ўзаро зиддиятлар қучайиб, кескин можароларга айланиши туфайли Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида тўсиқлар пайдо бўлиб, чегаралар ёпилди.

Ҳамкорлик ва бир-бирини англаш даври тугаб, унинг ўрнини қарама-қаршилик ҳамда ишончсизлик муҳити эгаллади.

Бунинг салбий оқибатларини биз ҳозирги вақтда самарали трансчегаравий йўллар мавжуд эмаслиги, савдо-иқтисодий алоқалар яхши ривожланмагани ҳамда маданий-гуманитар муносабатлар салоҳияти тўлиқ ишга солинмагани мисолида ҳам сезиб, ҳис этиб турибмиз.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида мужассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди.

Шундай мураккаб шароитда қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда.

Ўйлайманки, халқларимизнинг улкан тарихий, илмий, маданий-маърифий мероси ҳамда иқтисодиётларимизнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда,



мавжуд интеллектуал салоҳиятни, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни ўзаро мувофиқлаштириш вақти келди.

Бу эса, ҳеч шубҳасиз, ўзининг қудратли таъсир кучини намоён этади.

Биз ўзаро боғлиқлик, ҳамкорлик, мулоқот ва энг асосийси, ишонч изчил ва барқарор ривожланиш, минтақаларимиз аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини оширишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланишига аминмиз.

Бундай ёндашув – давр талабидир.

Буларнинг барчаси, бир томондан, зиддият ва ижтимоий-иқтисодий ларзалардан холи бўлган минтақалараро ҳамкорлик ва шериклик майдонини, иккинчи томондан, маҳсулотлар, хизматлар, инвестиция ва инновацияларнинг кенг бозори шаклланиши учун зарур шароитларни яратади.

Биз ушбу халқаро конференцияни ўтказиш ташаббусини илгари сурар эканмиз, куйидаги омиллардан келиб чиққанимизни таъкидлашни истар эдим.

**Биринчидан**, кўшни мамлакатлар билан тинчлик ва дўстлик, ишонч ва яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, конструктив сиёсат олиб бориш Марказий ва Жанубий Осиёдаги барча давлатларнинг умумий манфаатларига жавоб беради.

**Иккинчидан**, биз мамлакатларимиз ва минтақанинг узок муддатли истикболи, келгуси ривожланишининг асосий драйвери бўлиб хизмат қиладиган барқарор савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация алоқаларини шакллантириш тарафдоримиз.

Пандемия инсоният дуч келаётган янги таҳдидларни кучларимизни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқалигина енгиш мумкинлигини кўрсатди.

Биз ўзаро ҳамкорликни иқтисодиётни рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантириш ва инновацияларни кенг жорий этиш орқали мустаҳкамлашга объектив эҳтиёж сезмоқдамиз.



Учинчидан, Афғонистон Ислом Республикаси Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлигини амалда таъминлашнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади.

Ишонамизки, минтақавий шериклигимиз ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, унинг иқтисодий тикланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бугун Афғонистон ўзининг энг янги тарихидаги муҳим бурилиш даврини бошдан кечирмоқда.

Биз донишманд афғон халқи умуммиллий муросага эришиш йўлида ўзаро келишувларга тайёр эканини намойиш этишига аминмиз.

Афғон заминида кўпдан буён кутилаётган тинчликка эришиш учун можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш ва бу жараён халқаро ҳамжамият томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши принципиал муҳим аҳамиятга эга.

Бу Афғонистоннинг умумминтақавий жараёнларга интеграцияси учун янги истиқболлар эшигини очади.

Тўртинчидан, хавфсизлик ва барқарорлик – минтақаларимизнинг изчил ривожланиши ва ўзаро алоқаларимиз мустаҳкамланишининг асосий шартидир.

**Бизнинг хавфсизлигимиз бўлинмасдир ва уни фақат конструктив мулоқот ҳамда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз орқали таъминлаш мумкин.**

Ҳурматли форум қатнашчилари!

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги фаол ва очик мулоқот улкан савдо-иқтисодий ва маданий-цивилизация салоҳиятимизни тўлиқ рўёбга чиқариш учун бекиёс имкониятлар яратишига ишончим комил.

Шу муносабат билан куйидаги таклифларни билдирмоқчиман.

**Биринчи.** Бизнинг устувор вазифамиз савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро сармояларни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.



Маҳсулот ва хизматлар ҳамда инвестицияларнинг эркин ҳаракати учун транспорт-коммуникация ва энергетика инфратузилмаларини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш ушбу масалалар ечимига амалий ҳисса қўшган бўлур эди.

Бунинг учун ота-боболаримиз мажлис ва курултойлар, лойя жирға, васи мушаварат ва сабха каби йиғинларда тўпланганларидек, биз ҳам мамлакатларимиз ўртасида долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун инвестициявий ҳамкорлик ва кооперацияни чуқурлаштириш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича йиллик минтақалараро форум ўтказишни таклиф этамиз.

Бундай мулоқотлар доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар янги иш ўринларини яратиш, иқтисодиётларимиз салоҳиятини ривожлантириш ва уларнинг барқарор ўсишини таъминлашга қаратилган аниқ дастур ва лойиҳаларни уйғунлаштириш имкониятини беради.

Шунингдек, минтақаларимиз давлатлари ўртасида кўп томонлама Иқтисодий ҳамкорлик битимини тузиш масаласини қўшма экспертлик таҳлилидан ўтказишга доир ташаббусни илгари сурамиз.

**Иккинчи.** Марказий ва Жанубий Осиёда замонавий, самарадор ва хавфсиз транспорт-логистика инфратузилмасини яратиш.

Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар темир йўл тармоғи минтақаларимиз ўртасидаги ўзаро боғлиқлик архитектура-сининг асосий бўғинига айланиши керак.

Ушбу лойиҳа етакчи халқаро молия институтлари томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Бу темир йўл тармоғининг қурилиши ҳар икки минтақанинг транзит салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, Жанубий Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасида Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудуди орқали ўтадиган энг қисқа йўлни очиш, шу билан бирга, юкларнинг туриб қолиши ва ташиш



муддатларини сезиларли даражада қисқартиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу трансчегаравий темир йўлни фойдаланишга топшириш Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг инклюзив иқтисодий ривожини учун мустаҳкам замин яратди.

Мазкур темир йўл тармоғи Ҳинд-Ганг текислигини Таксила, Гандара, Термиз сингари тарихий шаҳарлар орқали Евроосиёнинг жанубий ҳудуди билан боғлаган, Уттарापатха номи билан маълум қадимги шимолий савдо йўлининг ўзига хос замонавий шакли бўлади.

Ҳиндистонни Марказий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган “Шимол – Жануб” транспорт коридори мана шундай трансминтакавий инфратузилмани ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишнинг ёрқин намунасидир.

Бундан ташқари, Трансафғон темир йўл қурилиши лойиҳаси келгусида мамлакатларимизни Хитой ва Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа етакчи давлатлари билан боғлаши мумкин. Бу эса “Бир макон, бир йўл” ташаббуси мақсадлари билан ҳам уйғундир.

**Учинчи.** Истикболли рақамли платформаларни жорий этиш Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини иқтисодий ривожлантиришнинг локомотивига айланиши даркор.

Савдо, транзит, чегаралардан ўтиш борасида рақамли ҳамкорликни кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва Қўшма ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиш зарур.

Бу жараёнга мамлакатларимиз ва БМТнинг ихтисослашган тузилмалари етакчи экспертларини кенг жалб этиш муҳимдир.

**Тўртинчи.** Бепоеён минтақаларимиз ҳудудида ҳамкорликда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлларини излаш.

Сўнгги вақтда асосий озик-овқат маҳсулотларининг нархи жадал ўсиб бораётгани, дунёнинг баъзи минтақаларида аҳоли



кескин озик-овкат тақчиллигини бошидан кечираётгани кузатишмоқда.

Бундай таҳдидларни бартараф этиш бўйича Дастур ишлаб чиқиш учун БМТнинг Озик-овкат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) шафелигида мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашувини ўтказишни таклиф этамиз.

Мазкур ҳужжат ишлаб чиқариш кооперацияларига оид лойиҳаларни амалга ошириш, илғор технологияларни татбиқ этиш, қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ва тегишли тадқиқотлар ўтказиш каби вазифаларни назарда тутиши зарур.

**Бешинчи.** Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда кучларни бирлаштириш.

Биз терроризм, экстремизм, трансмиллий, хусусан, кибермакондаги жиноятчиликка қарши фақат биргаликда самарали кураш олиб боришимиз мумкин.

Бу борада дастлабки кадам сифатида БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси иштирокида Гиёҳвандликка қарши қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Кучларни бирлаштириш зарур бўлган асосий йўналишлардан яна бири – терроризм хавфига қарши кураш, деб ҳисоблаймиз.

Биз ушбу масалалар бўйича икки минтақа вакиллари иштирокида махсус экспертлик учрашувини ташкил этишга тайёрмиз.

Бу мулоқотни жорий йил ноябрь ойида БМТнинг Марказий Осиёда глобал терроризмга қарши стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинганининг ўн йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказиладиган халқаро конференция доирасида уюштириш ҳам мумкин.

**Олтинчи.** “Яшил” иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш ва экология масалалари алоҳида эътиборни талаб этади.



Марказий ва Жанубий Осиёнинг барча мамлакатларида жадал саноат ва демографик ўсиш жараёни глобал иқлим ўзгаришлари шароитида юз бермоқда.

Бундай вазиятда сув ресурслари тақчиллиги, атроф-муҳит ва атмосферанинг ифлосланиши, тупроқ катламининг емирилиши ва чўлланиш барчамизга дахлдор муаммолар ҳисобланади.

Тобора умумбашарий тус олиб бораётган Орол денгизининг куриши билан боғлиқ вазият экологик таҳдидларнинг ўта салбий таъсирига яққол мисол бўла олади.

Бу фожиянинг оқибатларини юмшатиш, келгусида инсониятни бундай офатлардан огоҳ этиш учун барча чораларни кўришимиз керак. Бу борада табиат билан уйғун бўлишга интилиб яшаган аجدодларимизнинг тажрибасига таянишимиз зарур.

**Еттинчи.** Биз Марказий ва Жанубий Осиёнинг улкан сайёҳлик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш тарафдоримиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, машҳур сайёҳлик брендларини, янги ва қулай сайёҳлик маҳсулотлари ва йўналишларини, жумладан, кизиқиш тобора ортиб бораётган “зиёрат туризми”ни ривожлантириш, вакцинация бўйича ўзаро тан олинган сертификатлар асосида “Янги шароитдаги туризм” концепциясини кенг жорий этиш зарур.

Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти доирасида Марказий ва Жанубий Осиё бўйича халқларимизнинг тарихий ва маданий меросини оммалаштиришга қаратилган Дастур ишлаб чиқишни таклиф қиламиз.

**Саккизинчи.** Илмий ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда, Термиз шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида “Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий мероси” мавзусида халқаро форум ўтказишни таклиф этамиз.

Мамлакатларимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларни жалб этган ҳолда, таълим ва илм-фан, маданият



ва спорт соҳаларида кўшма дастурларни амалга ошириш устувор аҳамият касб этмоқда.

**Ёшлар – бизнинг бебаҳо бойлигимиз эканини барчамиз яхши англаймиз.**

Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг тақдири ва келажаги – айнан ёш авлоднинг қандай таълим ва тарбия олиши, улар учун қандай шарт-шароит ва “социал лифт”ларни яратиб беришимизга бевосита боғлиқ.

Ёшлар масаласида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида доимий фаолият юритадиган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ёшлари кенгашини тузишни таклиф қиламан.

**Тўққизинчи.** Бугунги кунда илм-фан, технология ва инновациялар соҳасида юксак марраларга эришиш мамлакатларимизнинг жадал ривожини йўлидаги муҳим омил ҳисобланади.

Биргаликда кўшма тадқиқотлар ва инновацион ишларни олиб бориш, илмий ва ўқув стажировкаларини, тажриба алмашиш дастурларини рағбатлантириш зарур.

Шу муносабат билан Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг олим ва тадқиқотчилари учун соддалаштирилган виза тартибини жорий этиш, шунингдек, университетлар ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича онлайн-платформа яратишни таклиф этамиз.

**Ўнинчи.** Минтақаларимизнинг ўзаро боғлиқлиги ва таракқиёти суръатини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида чуқур ўйланган қарорлар қабул қилиш ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Мазкур Форум арафасида Тошкентда Марказий Осиё халқаро институти очилди.

Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ушбу таҳлил маркази қошида мамлакатларимизнинг таниқли олимлари, тадқиқотчи ва таҳлилчиларидан иборат Экспертлар кенгашини тузишни таклиф қиламиз.



Бундан ташқари, бугунги конференция яқунлари бўйича Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида, умуман, Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида махсус резолюция лойиҳасини ишлаб чиқиб, БМТ Бош Ассамблеясига тақдим этишни таклиф қиламан.

Ушбу ҳужжатда мулоқотларимизнинг умумий ёндашувлари, асосий тамойил ва йўналишларини акс эттириш лозим.

Резолюция лойиҳасида бизнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий боғлиқлиги бўйича юқори даражадаги доимий форумларни мунтазам ўтказиб боришга тайёрлигимизни акс эттириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ушбу жараёнларда мамлакатимизнинг тутган ўрни ҳақида сўз юритиб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидламоқчиман.

Бизнинг бугунги анжуманимиз янги Ўзбекистоннинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ муҳим тарихий даврда бўлиб ўтмоқда.

Биз жамиятимизнинг барча соҳаларида тизимли ва туб демократик ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширмоқдамиз.

Бу ўзгаришлар кенг қўламли ва ортга қайтмайдиган муқаррар тус олди. Бу – халқимизнинг принципиал танловидир.

Марказий Осиё минтақасида – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган туб ўзгаришлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий ютуғидир.

Умумий саъй-ҳаракатларимиз натижасида минтақамизда ўзаро ишонч ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳига асосланган мутлақо янги муҳит шаклланди.

Биз ривожланиш драйверлари ҳамда “янги ўсиш нуқталари”ни биргаликда аниқлаш ва мунтазам мулоқотлар учун самарали майдон яратдик. Марказий Осиё давлатлари раҳбарла-



рининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини август ойи бошида Туркманистонда ўтказишни режалаштирганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистон конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга доимо тайёр бўлган ишончли ва барқарор, катъий позицияга эга шерикдир.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Азиз меҳмонлар!

Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустаҳкам замин яратади.

Ўзаро алоқаларни ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамламасдан туриб, бугунги кунда мамлакатларимиз дуч келаётган хавф-хатар ва таҳдидларни енгиб бўлмаслигини чуқур англаш вақти келди.

Биз фаровонлик ва тараққиётга эришиш йўлида биргаликда ривожланиш истиқболлари бўйича яхлит ёндашувларни ишлаб чиқишимиз лозим.

**Бизнинг олдимизда Марказий ва Жанубий Осиё, умуман, бутун Евроосиё минтақасини барқарор, иқтисодий ривожланган фаровон ҳудудга айлантириш вазифаси турибди.**

Анжуманимизнинг барча иштирокчиларига самарали фаолият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқ*

2021 йил 16 июль



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли юрtdошлар!

Қалblаримиз файзу илоҳий шукуҳга тўлиб турган ушбу улуг кунда юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни тинчлик, шукроналик, меҳр-окибат ва саховат рамзи бўлган муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу табаррук айёмни байрам қилаётган ер юзидаги барча мусулмон умматига, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимизга халқимиз номидан самимий салом ва табриқларимизни йўллаймиз.

Бу йилги Қурбон ҳайити Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллик тарихий санаси арафасида ўтаётгани унинг бетакрор руҳи ва кўрку тароватини янада зиёда этмоқда.

Мустақил юртда буюк мақсадлар билан тинч ва осойишта яшаш, ҳалол меҳнат қилиш муқаддас динимизнинг эзгу ғояларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Сўнгги йилларда эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқлар катори муқаддас динимиз, миллий-диний кадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Улуг уламоларимизнинг беназир илмий меросини чуқур ўрганиш, динимизнинг инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган эзгу анъаналарини муносиб давом эттириш мақсадида мамлака-



тимизнинг бугунги янги тараққиёт босқичида ислом маънавия-ти ривожига улкан эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби ва Мир Араб олий мадрасаси каби янги муассасаларнинг ташкил этилгани, ҳадис, калом, фикх ва тасаввуф мактабларига асос солингани, ўнлаб янги масжидлар ва зиёратгоҳлар қурилаётгани ҳамда таъмирланаётгани бу борадаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари қаторида диний соҳадаги талаб ва эҳтиёжлари ҳам тўлиқ таъминланмоқда. Бу ҳақда гапирганда, яқинда янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мухтарам ватандошлар!

Барчамизга аёнки, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустақам қарор топтиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ижтимоий ва диний бағрикенгликдир. Юртимизда турли конфессиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитида яшаётгани, жонажон Ватанимиз равнакига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Маълумки, халқимиз асрлар давомида диний ва дунёвий илмларни ўзаро уйғун ривожлантириш борасида ноёб тажриба мактабини яратган. Бу фикрнинг амалий тасдиғини ўзининг беқиёс илмий кашфиётлари, маънавий-маърифий тафаккури билан жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган улуғ олимлар ва уламоларимизнинг бебаҳо мероси мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда ана шундай нодир маънавий хазинани чуқур ўрганиш борасида янада катта имкониятлар очилмоқда.

Ишончим комилки, икки дунё саодатига эришишдек улуғ орзу-ниятлар билан яшаётган олижаноб халқимиз униб ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда ана шу



имкониятлардан самарали фойдаланиб, улкан ютуқларга албатта мушарраф бўлади.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Ҳозирги мураккаб пандемия даврида диний ибодатларни уй шароитида адо этиш бўйича кўпни кўрган уламоларимиз томонидан билдирилган таклиф, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёти ва саломатлигини асрашга қаратилган энг тўғри қарордир.

Ушбу улуғ айём кунларида барчамиз Қодир Аллоҳдан бутун инсоният бошидан кечираётган бундай оғир синовларни енгиб ўтишда Ўзи мададкор бўлишини сўраймиз.

Сиз, азизларни муборак Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга Аллоҳ таолодан сихат-саломатлик, бахту саодат, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Дуогўй кексаларимизнинг эзгу тилаклари ижобат бўлсин!

Ёшларимизнинг бахтини, камолини берсин!

Юртимиз доимо тинч, халқимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин!

*2021 йил 19 июль*



---

## ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини мамлакатимизда биринчи бор нишонланаётган байрам – Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан, самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ, 30 июль – бутун дунёда Халқаро дўстлик куни сифатида нишонланиб келади. Ўзбекистонда шу йил 10 февралда қабул қилинган қонунга асосан ушбу сана Халқлар дўстлиги куни деб белгиланди. Бу байрамнинг таъсис этилиши бутун республикамиз аҳолисининг айни кўнглидаги иш бўлди.

Бизнинг қадимий ва қутлуғ заминимиз кўп асрлар давомида Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашиб, турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро муносабатга киришган, нафақат савдо, балки гуманитар алоқалар амалга оширилган марказ бўлиб келган. Бу ерда ёнма-ён яшаган турли халқлар, маданият ва динлар вакилларининг айнан дўстлик, яхши кўшничлик муносабатлари минтақамизнинг маданий ривожига учун қудратли омил бўлган.

Чиндан ҳам, бизнинг аجدодларимиз оғир замонларда авваламбор кўп миллатли халқимизнинг бирлиги ва жипслиги, фидойилиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглигига таяниб, барча синов ва машаққатларни енгиб ўтган.



Ўзбекистон – улкан имконият ва ресурсларга эга бўлган мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз – турли миллат ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир.

Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирамиз.

Мустақил Ўзбекистонда миллатлар ва конфессиялараро тоғувлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, ёш авлодни бағрикенглик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани муҳрлаб қўйилган. Уларга ўз маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Кейинги йилларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ўзининг сифати ва маъно-мазмунига кўра янги, янада юксак босқичга кўтарилди.

Бугун биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадни қўйдик. Ҳеч шубҳасиз, бу борада жамиятимизда қарор топган дўстлик ва бирдамлик муҳити мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ислоҳот ва янгиланишлар йўлидан изчил илгарилаб бориш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам асосидир.

Ҳурматли дўстлар!

Сизларга маълумки, биз Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепциясини қабул қилдик. Бу ҳужжат ушбу йўналишдаги изчил ишларимизнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим ҳуқуқий пойдеворига айланди.



Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил онла бўлиб яшаётгани барчамизни қувонтиради. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақи ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Юртимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар ўз фаолиятини эркин амалга оширмоқда. Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 150 та миллий маданий марказ катта роль ўйнамоқда. Уларнинг кўп қиррали фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ушбу мақсадлар учун зарур маблағларни йўналтирмоқда, турли субсидия ва грантлар ажратилмоқда.

Тошкентда Дўстлик боғи ташкил этилмоқда. Пойтахтимиз ва ҳудудларимизда барпо этилган Дўстлик уйлари фуқароларимизни ўз бағрига чорлайдиган марказларга айланмоқда.

Давлат таълим муассасаларида ўқув ишлари 7 тилда олиб берилмоқда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатув ва эшиттиришларини 12 тилда бериб бормоқда.

Биз сўнгги йилларда чет элларда истикомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқаларни кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Ушбу йўналишда чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Биз барчамиз мамлакатимизда яшаб, Ватанимиз тараккиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари, жумладан, миллий маданий марказларнинг раҳбарлари ва фаолларини яхши биламиз ва юксак кадрлаймиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, Виктор Пак, Маргарита Филонович, Галина Мельникова, Владимир Бойко, Виктория Акилова, Раҳматулла Жабборов, Ришат Набиуллин, Гуландом Субҳонова, Ҳанифа Солиҳова, Умризоқ Қувватов, Серикбай Усенов, Кайкеп Алиева, Темур Кападзе каби ёш авлодимизга ўрнатилган бўлиб кела-



ётган таниқли жамоат арбобларининг номларини алоҳида тилга олишни истардим.

Қутлуғ байрам – Халқлар дўстлиги куни арафасида турли миллатга мансуб фуқароларимиз юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларни чин дилдан табриклаб, барчасига чуқур миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугунги мураккаб замонда дунёнинг турли минтақаларида миллатлар ва конфессиялар ўртасида кескинлик кучайиб бормоқда. Бундай таҳликали шароитда биз, биринчи навбатда, жамиятимиздаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, фарзандларимизни кўп миллатли халқимизнинг юксак маънавий-ахлоқий кадриятлари руҳида тарбиялашимиз зарур.

Ҳурматли дўстлар, барчангизни яна бир бор Халқлар дўстлиги куни билан табриклайман.

Ишончим комилки, ушбу байрам юртдошларимиз калбида мустаҳкам ўрин эгаллайди ва ҳаётимизда эзгу анъанага айланади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, ютуқ ва омад, оилаларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Гўзал ва бетакрор юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик ҳукм сурсин, кўп миллатли Ўзбекистон халқига бахту саодат ёр бўлсин!

*2021 йил 30 июль*



---

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ МИНТАҚАДА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ ИНТИЛМОҚДА

Хурматли Гурбангули Мяликгулиевич!

Муҳтарам учрашув қатнашчилари!

Бетакрор Авазада аъло даражада ташкил этилган саммит ва анъанавий самимий меҳмондўстлик учун хурматли Туркменистон Президенти ва қардош туркман халқига чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этаман.

Ушбу муҳташам залда муҳтарам ҳамкасбларимни кўриб турганимдан мамнунман.

Анжуманимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юқори мартабали вакили Наталья Герман хонимнинг иштирокини олқишлайман.

Муштарак сиёсий иродамиз ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида минтақамиз яхши кўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда барқарор ривожланиш маконига айланиб бормоқда.

Минтақамизда янги сиёсий муҳит шаклланишида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бизнинг олий даражадаги учрашувларимиз мунтазамлик тусини олаётгани минтақамизнинг ноёб ва улкан салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга имкон яратмоқда.

Туркман дўстларимиз томонидан таклиф килинган учрашув кун тартибини долзарб ва замонавий талаблардан келиб чиққан, деб ҳисоблаймиз.



Ўз навбатида, бу борада Ўзбекистоннинг таклиф ва карашларини билдиришни истардим.

**Биринчи.** Бугунги реал воқелик биздан Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш йўлида қатъий қадамлар ташлашни талаб қилмоқда.

Ўзоқ муддатли истиқболда янги ўсиш нуқталари ва тараккиётимизнинг янги драйверларини белгилаб олиш ғоят муҳимдир.

Худудлараро савдо-сотикни янада кенгайтириш зарур. Эркин савдо тартибига тўлиқ ўтиш мақсадида мавжуд тўсикларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Саноат кооперацияси, инновациялар ва рақамли технологияларни ривожлантириш орқали биз мустақкам қўшимча қиймат занжирларини яратишимиз мумкин бўлади.

Бунинг учун тадбиркорларимиз ва минтақаларимиз ўртасида тўғридан-тўғри бизнес алоқалари ўрнатишни рағбатлантиришимиз ҳамда мунтазам равишда инвестицион ва иқтисодий форумлар ўтказишни йўлга қўйишимиз зарур.

Хурматли ҳамкасбларим томонидан бу соҳада илгари сурилган муҳим ташаббус ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги Битимни қабул қилиш вақти етди, деб ҳисоблайман.

**Иккинчи.** Муштарак стратегик манфаатларимиз йўлида биз минтақанинг транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланишимиз зарур.

Ишончимиз комилки, мамлакатларимиздаги ривожланган ва бир-бирига интеграциялашган транспорт тизимлари минтақамизни Евроосиё китъасининг муҳим транспорт хабига айлантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, мавжуд транспорт йўлаклари ва инфра-тузилмаларидан, жумладан, Каспий денгизи портлари, йирик трансчегаравий логистика марказларидан тўлиқ фойдаланиш тарафдоримиз.



Бундан ташқари, биз келажакда Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар трансафғон коридори, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон автомобиль ва темир йўлларининг имкониятларидан фойдаланишни режалаштирмоқдамиз.

Шунингдек, санитария талабларига амал қилган ҳолда мамлакатларимиз ўртасида тўлақонли транспорт катновларини тиклашни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

**Учинчи.** Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, миллий иқтисодиётлар ва аҳоли нуфузининг ўсишини ҳисобга олсак, минтақанинг энергетик хавфсизлиги масаласи янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Шу муносабат билан, биз «яшил» энергетика ва энергия соҳасидаги самарадор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб, бу борадаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун Марказий Осиё мамлакатлари электр энергиясини мувофиқлаштириш кенгашининг фаолиятини кучайтиришни, унинг мандат ва ваколатларини кенгайтиришни, шунингдек, мамлакатларимизнинг ушбу тузилмадаги вакиллик даражасини оширишни таклиф қиламиз.

**Тўртинчи.** Пандемия шароитида аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари кескин тус олмоқда. Жаҳоннинг маълум бир минтақаларида асосий турдаги озик-овқат маҳсулотларининг нархи ошиши ва уларнинг етишмовчилиги кузатилмоқда.

Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашувларини доимий равишда ўтказиб бориш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлайман. Унинг биринчи йиғилишида озик-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича минтақавий тизимни жорий этиш ҳақидаги масалани киритишни таклиф қиламан.



Бу озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва уларнинг сифатини назорат қилиш, жумладан, халқаро бозорларга етказиб бериш бўйича аниқ йўналишлар ва қўшма дастурларни белгилаб олишга хизмат қилади.

**Бешинчи.** Афсуски, пандемия ҳамон аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказиб, иктисодиётга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти прогнозларига кўра, биз унинг оқибатларини яқин йилларда ҳам ҳис қилишимизга тўғри келади. Буларнинг барчаси биздан яқин минтакавий ҳамкорликни ва бир-биримизга ўзаро ёрдам кўрсатиб боришни талаб қилади.

Бунинг учун вакцинация сертификатлари ва тест натижаларини тан олиш мақсадида ягона ахборот тизимини ишга туширишни, юкумли касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда тажриба алмашишни ҳамда тиббиёт ходимларини тайёрлашни кенгайтиришни, ҳаётий муҳим дори-дармонларни ишлаб чиқариш учун фармакология ва кооперация соҳасида илмий ҳамкорликни йўлга қўйишни таклиф қиламан.

**Олтинчи.** Минтақадаги экологик муаммолар доимо барчамизнинг диққат-эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Орол денгизининг ҳалокати оқибатларини юмшатиш учун барча зарур чораларни кўриш, ҳамкорлик кўламини кенгайтиришимиз керак.

Биз, шунингдек, мамлакатларимизнинг иқлим ўзгаришларига мослашуви, шу билан бирга, ресурсларни тежайдиган технологияларни кенгрок татбиқ этишга кўмаклашадиган “Марказий Осиё учун “Яшил кун тартиби” минтакавий дастурини ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Ҳурматли делегация раҳбарлари!

Бунёдкорлик режаларимизнинг истиқболи ҳақида сўз юритар эканмиз, афғон омилини ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас.



Бутун минтақамиз хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан кўшни Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл орқали тартибга солиниши билан бевосита боғлиқдир.

Бизнинг бу масаладаги ёндашувимиз – ўт очиш ва зўравонликни тўлалигича тўхтатиш, музокаралар асосида барча томонлар учун мақбул бўлган келишувга эришишдан иборат бўлиб, бу тинчлик жараёнларини таъминлашнинг асосий шарти, деб ҳисоблаймиз.

Биз мамлакатда вайрон бўлган иктисодиётни тиклаш учун йирик транспорт-коммуникация ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш ташаббусини илгари сурамиз.

Дўст афғон халкига имкон борича гуманитар ёрдам кўрсатишни давом эттирамиз.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида сезиларли ютуқларга эришдик.

Бу амалий жиҳатдан янги мазмунга эга вазифаларни, яъни дунёнинг бошқа минтақалари билан янада яқин алоқалар ўрнатишга имкон беради.

Яқинда Тошкентда ўтказилган Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий боғлиқлиги бўйича халқаро конференция натижалари бундай ёндашувни ҳаётнинг ўзи такозо этаётганини яққол кўрсатди.

Фурсатдан фойдаланиб, форумни қўллаб-қувватлаганингиз учун сизларга яна бир бор миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Биз умумий саъй-ҳаракатларимиз билан БМТ Бош Ассамблеясининг икки минтақа ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилинишини таъминлашимизга аминман.

Бу масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази



қўллаб-қувватлашига ҳамда унда фаол иштирок этишига умид билдирамиз.

Қадрли дўстлар!

Минтақа аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларнинг мамлакатларимиз ривожланишида қанчалик муҳим ўрин тутишини барчамиз яхши тушунамиз.

Бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш давом этаётган бугунги кунда биз Марказий Осиёнинг келажаги бўлган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашимиз лозим.

Шу мақсадда келгуси йили Ўзбекистонда Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказишни таклиф этамиз. Мазкур анжуман мамлакатларимиз ўртасидаги ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш учун ўзига хос майдонни шакллантириш йўлидаги салмоқли кадам бўлади.

Бундай мулоқот майдонини ташкил этиш халқларимизнинг юксак ахлоқий кадриятлари ва беқиёс маънавий меросини асраб-авайлаш, уни янада бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказишга кўмаклашади.

Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш халқларимизнинг қардошлик ришталарини мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим омили ҳисобланади.

Фестиваллар, маданият ва кино кунлари ҳамда Марказий Осиё маданий меросига бағишланган китобларни биргаликда нашр этишга бўлган талаб бугунги кунда тобора ортиб бормокда.

Бугун туркман дўстларимизнинг ташаббуси билан ташкил этилаётган кўшма гала-концерт ҳамда миллий таомлар фестивали, ишбилармонлар форуми ва саноат кўرғазмасини қўллаб-қувватлаймиз.

Мана шундай тадбирларни ўтказиш эзгу анъанага айланса, жуда ҳам яхши иш бўлар эди.



Минтақамиз худуди бўйлаб амалга ошириладиган туризм халқларимизнинг яқинлашишига кўмаклашадиган яна бир амалий омил ҳисобланади.

Шу муносабат билан ҳукуматларимизга сайёҳлик йўналишларининг барча қирраларини қамраб олган “Битта саёҳат – бутун минтақа” кўшма дастурини рўёбга чиқаришга киришниш бўйича топширик беришни таклиф этамиз.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Бугунги саммит кутлуғ сана – давлатларимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида бўлиб ўтмоқда. Бу эса анжуманга алоҳида шукуҳ бағишламоқда.

Ўтган йиллар барчамиз учун мураккаб давр бўлди.

Бундан асосий хулоса шуки, биз фақат биргаликда, аҳилликда, бир-биримизни қўллаб-қувватлаган ҳолда олдимизда турган муаммоларни самарали ҳал қилишимиз, минтақамизнинг барқарор ривожланишини таъминлашимиз ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришимиз мумкин.

Бошқа муқобил йўл йўқ!

Минтақавий ҳамкорлик жараёнларига барқарор ва ортга қайтмас мазмун бахш этиш, “халқ дипломатияси” имкониятларини кўпроқ ишга солиш, парламентлар ва медиа соҳани жалб қилиш ғоят муҳим ҳисобланади.

Марказий Осиё мамлакатлари аёллари мулоқотини янада ривожлантириш, гендер тенглик соҳасидаги глобал мақсадларга эришиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ҳаракатларини олқишлаймиз.

Парламентаризмнинг юксалиб бораётган ролини эътиборга олган ҳолда, Тошкентда Минтақавий парламент форумини ўтказишни таклиф қиламиз.

Саммит якунида ҳамкорлигимизнинг энг устувор масалалари бўйича умумий позицияларимизни ўзида ифода этадиган Кўшма баёнот қабул қилинишини муҳим, деб ҳисоблаймиз.



Туркменистон Президенти, хурматли Гурбангули Мяликгу-  
лиевич Бердимухамедов ташаббуси билан юкори даражада таш-  
кил қилинган Маслаҳат учрашуви натижалари Марказий Осиёда  
яшаётган биродар халқларимизнинг кўпқиррали шериклигини  
янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишига ишончим  
комил.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Туркменистоннинг "Аваза" миллий сайёҳлик  
ҳудудида Марказий Осиё давлатлари  
раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувидаги нутқ*

*2021 йил 5–6 август*



---

## АЗМУ ШИЖОАТЛИ ВА ВАТАНПАРВАР СПОРТЧИ ЁШЛАРИМИЗ – ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗДИР

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Қадрли олимпиячилар, ғолиб ва совриндорлар!

Мухтарам ота-оналар, устоз ва мураббийлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Олимпия ўйинларида кўлга киритган улкан, том маънода тарихий ғалабаси билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, барчамиз дунёдаги энг нуфузли ана шу мусобақаларда Ўзбекистон вакилларининг ҳар бир чиқишини “ойнаи жаҳон” орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб бордик.

Ўз навбатида, мард ва жасур спортчиларимиз ҳам бундай юксак ишончни оқлаб, халқимизга ёрқин ғалабаларни тортик этдилар. Ҳеч шубҳасиз, бу Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик шонли байрамига муносиб совға бўлди.

Олимпиадада спортчиларимиз юксак шоҳсупаларга кўтарилиб, 3 та олтин ва 2 та бронза медални кўлга киритдилар.

Ҳаммамизга аёнки, халқаро олимпия ўйинларида Ер юзининг энг зўр, манаман деган спорт усталари иштирок этади.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, шерга қарши шердек курашиш, жанг қилиш керак.

Сизлар дунё тан олган спортчилар билан мардона олишиб, уларнинг ўзини ҳам, улар эришган натижаларни ҳам ортда қолдириб, 3 та Олимпия рекордини янгилаб, жаҳон спортида ҳам ёрқин саҳифа очдингиз.



Мамлакатимиз жамоаси 200 дан зиёд давлатдан келган энг кучли спортчилар орасида умумжамоа ҳисобида – ўттиз иккинчи, Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигида – иккинчи, Марказий Осиёда эса – биринчи ўринни эгаллади. Бу, чиндан ҳам, ўзбек спорти тарихидаги улкан натижадир.

Ғолиб фарзандларимиз шаънига мадҳиямиз янграб, Ватанимиз байроғи баланд кўтарилган дамларда барчамизнинг қалбларимиз чексиз ғурурга тўлди.

Бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган қаҳрамон ўғлонларимиз – Токио Олимпиадаси ғолиблари ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди, албатта.

Жамоамизга илк олтин медални тақдим этган 19 ёшли спортчимиз, таэквондо устаси Улуғбек Рашидовга ва унинг даврамизда иштирок этаётган ҳурматли отаси Исматилла Рашидов ҳамда онаси Оксана Даниленкога эл-юртимиз номидан ташаккур билдирамиз.

Улуғбек Ўзбекистон тарихида Олимпия олтин медалини кўлга киритган энг ёш спортчи сифатида ном қозонди.

Маҳоратли полвонимиз Акбар Жўраевнинг умумий ҳисобда 430 килограммлик маррани эгаллаб, Олимпия рекордини ўрнатгани ва иккинчи олтин медални кўлга киритгани барчамизга улкан қувонч бағишлади.

Мана шундай мард ва паҳлавон йигитни тарбиялаган Акбаржоннинг онаси Норматова Ҳафизахон синглимизга самимий раҳматимизни айтамиз.

Алпомишлар юрти – Сурхон заминида туғилган енгилмас спортчимиз Баҳодир Жалоловни ҳаммамиз яхши биламиз. Исми жисмига мос бу азамат йигит ва унинг меҳрибон онаси Сабохат Жалоловани барчамиз қизғин қутлаймиз.

Мен улар билан аввал ҳам учрашиб, самимий суҳбатлашганимни ҳамиша яхши таассуротлар билан эслайман.

Истеъдодли боксчимиз ўтган вақт давомида ўз устида тинимсиз ишлаб, ёшларга намуна бўлди. Баҳодир азиз онасига, халқи-



мизга берган ваъдасининг устидан чиқиб, Ватанимизга учинчи олтин медални тухфа қилди. Шу тарика ўзбек бокс мактабининг шон-шуҳратини янада юксак босқичга олиб чиқди.

Миллий дзюдо мактабимизнинг забардаст вакили Давлат Бобонов ва маҳоратли эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмоновни кескин беллашувларда бронза медалларини кўлга киритганлари билан кутлаймиз.

Бугун даврамизда Давлатжоннинг ота-онаси Ҳусниддин ака ва Нурияхон опа, Бекзоджоннинг отаси Муҳаммаджон Абдурахмонов ва онаси Муҳаббатхон иштирок этишяпти.

Мана шундай ботир ўғлонларни тарбиялаб вояга етказгани учун уларнинг ота-оналари ва устозларига чин юракдан ташақкур изҳор этамиз.

Томирларида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Захириддин Бобур каби буюк аждодларимизнинг куч-ғайрати жўш уриб турган, уларга ҳар томонлама муносиб бўлган авлодгина бундай улкан ишларга қодир бўлади.

Бугунги кунда бутун Ўзбекистон сизлар каби баҳодир ўғлонларини олқишламоқда, жаҳон аҳли сизларга тан бермоқда.

Мен доимо бир фикрни такрорлашдан чарчамайман. Биз ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз, ақл-заковатимиз, қатъият ва ирода-миз билан дунё аҳли бизни тан олиши, эътироф этишига эришимиз керак. Янги Ўзбекистонни янги ғалабалар билан бутун дунёга танитаётган спортчиларимизнинг бекиёс ютуқлари мана шу йўлда яна бир муҳим кадам бўлиши шубҳасиз.

Бундай азму шижоатли, ватанпарвар ёшларимиз энг катта бойлигимиз, миллатимизнинг “олтин фонди”, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Азиз юртдошлар!

Бу йилги Олимпия ўйинлари қандай қийин ва мураккаб вазиятда ўтганини албатта барчамиз яхши биламиз. Жаҳон микёсида давом этаётган пандемия, аввало, спортчилар учун кутилмаган жисмоний ва руҳий муаммоларни келтириб чиқарди.



Бу галги Олимпиада ҳақиқий мардлик ва матонат синовиди, ҳалол ва кескин беллашувлар майдони бўлди. Мавжуд шароитдан келиб чиқиб, кўплаб мусобақалар мухлислар иштирокисиз ўтди. Бундай ҳолат ҳам Олимпиада тарихида авваллари ҳеч қачон қузатилмаган ҳодисадир.

Ана шундай ўта оғир вазиятда Ўзбекистон спортчилари фақат галаба сари интилиб, ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Фарзандларимиз она халқимизнинг меҳри ва ишончи, миллионлаб мухлисларнинг қўллаб-қувватлашини ҳар дақиқа юрак-юракдан ҳис этиб турдилар ва бу уларга чексиз куч ва мадад берди.

Фурсатдан фойдаланиб, Токиодаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган, барчамизга ҳаяжонли ва унутилмас дамларни тақдим этган Ўзбекистон Олимпия терма жамоасининг барча аъзолари ва устоз-мураббийларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Албатта, эришилган натижаларда Олимпиада ўйинларига олдиндан пухта тайёргарлик кўрилгани, бунинг учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шундай эътибор туфайли Ўзбекистон вакиллари 17 та спорт тури бўйича 71 та Олимпия йўлланмасини қўлга киритганлари ҳам миллий спортимиз тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Яна бир муҳим жиҳати – аёллар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган катта ишларимиз ижобий натижа бермоқда. Буни 28 нафар спортчи хотин-қизларимиз Токио Олимпиадасига йўлланмани қўлга киритгани ҳам тасдиқлайди. Таъкидлаш керакки, бу мустақил Ўзбекистон тарихидаги рекорд натижадир.

Боксчи қизларимиз илк бор Олимпиадага 3 та йўлланмани қўлга киритишди. Натижада бокс бўйича жами лицензиялар сони 11 тани ташкил этди. Ушбу Олимпия ўйинларида фақат



учта давлат шунча боксчи билан иштирок этганини ҳисобга ол-  
сак, бу ҳам албатта алоҳида эътиборга лойик кўрсаткич.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг  
барчаси Ўзбекистонда Олимпиада ҳаракати тобора ривожланиб,  
янги, юксак босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг қарори асо-  
сида Токио Олимпиадасида ғолиб ва совриндор бўлган спорт-  
чиларимиз таълим олган мактаб ва олий ўқув юртларида, вояга  
етган маҳаллаларда уларнинг ибратли фаолиятини тарғиб этиш-  
га бағишланган кўргазмалар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ  
бўлади.

Қадрли дўстлар!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, кўп йиллар мобайнида  
спорт гимнастикаси билан шуғулланиб келаётган, жаҳон микё-  
сида шуҳрат қозонган Оксана Чусовитина ҳақида чуқур ҳурмат  
билан гапирмоқчиман.

Барчамиз яхши биламизки, таниқли спортчимиз биринчи  
марта 1992 йили Барселона Олимпиадасида иштирок этган эди.  
Шундан кейин у кетма-кет саккиз бор Олимпия ўйинларида  
иштирок этди. Бу чиндан ҳам Гиннеснинг рекордлар китобига  
киритилган дунё спортидаги ноёб ҳодисадир.

Оксана Александровнанинг Токио Олимпиадасидаги навбат-  
даги иштироки муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Жаҳон  
ҳамжамияти Оксананинг матонати, ўз иши ва касбига садоқати-  
га тан бериб, унинг чиқишларини ҳайрат ва ҳаяжон билан куза-  
тиб борди.

Ҳақиқатан ҳам, бутун ҳаётини спортга бағишлаб, мана шун-  
дай йирик мусобақаларда муваффақият қозонишга тинимсиз  
интилиб яшаш учун кучли ирода ва фидойилик керак.

Биз бундай афсонавий спортчиларимиз билан ҳақли равишда  
фахрланамиз. Унинг жасорати, ғалабага бўлган иродаси ёш  
спортчилар учун ўзига хос юксак ютуқлар ва шон-шараф макта-  
би бўлиб хизмат қилади.



Оксана Чусовитина миллий спортимизни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан тақдирланди.

Аминманки, Оксана Чусовитина ўзининг муваффақиятли мураббийлик фаолияти билан спорт гимнастикаси бўйича янги чемпионларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига Оксана Чусовитина ва Баҳодир Жалоловнинг спорт маҳорати мактабини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун барча зарур шароитларни яратиб бериш вазифаси топширилади.

Ҳурматли Оксана Александровна, Ватанга муҳаббат ва сарфдорлик, спортдаги фидойилигингиз, букилмас ирода ва матонатингиз учун Сизга яна бир бор улкан миннатдорлик билдираман.

Мухтарам дўстлар!

Бу галги Олимпиада биз учун спорт оламида бир қатор янги истеъдод соҳибларини, янги Ўзбекистоннинг янги қаҳрамонларини кашф қилиб берганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 18 ёшли спортчи қизимиз, қорақалпоқ элининг муносиб фарзанди Зайнаб Дайибекова қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича Ўзбекистон тарихида биринчи марта Олимпиада қатнашчиси деган шарафга сазовор бўлди. Энг муҳими, у мусобақаларнинг иккинчи даврасида Осиё ўйинларининг финалчиси, дунё рейтингда 3-ўринда бораётган хитойлик тажрибали спортчини мағлуб этди.

Мен ишонаман, Зайнаб қизимиз келгуси Олимпия ўйинларида янада фаол иштирок этиб, ўзининг тиришқоклиги билан Ўзбекистонимизга албатта олтин медаль олиб келади.

Ўн тўққиз ёшли Кумушхон Файзуллаева эса 76 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги қизлар ўртасида оғир атлетика баҳсларининг энг ёш иштирокчиси сифатида эътироф этилди. Таъкидлаш лозимки, дунё микёсида камдан-кам спортчи бу



ёшда Олимпия ўйинларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси юртимизда ёш авлод тарбиясига, жисмоний тарбия ва спорт ривожига қаратилаётган юксак эътибор ва амалий ғамхўрлик натижасидир.

Ҳурматли дўстлар, мана, кўриб турибсизлар – Ўзбекистоннинг жасур спортчи қизлари халқаро майдонларга дадил кириб келмоқда. Барчамиз уларга чин қалбдан тасанно айтамыз.

Айни вақтда мен спортчи йигитларимизга қараб айтмоқчиман: агар қаттиқ ғайрат қилмасаларингиз, қизларимиз ҳадемай сизлардан ўтиб кетади.

Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия масканлари билан бирга, янги-янги спорт мактаблари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилаётгани фарзандларимизнинг қалбида спортга меҳр уйғотмоқда. Айниқса, бу соҳада фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнاتини муносиб кадрлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишларимиз ижобий самара бермоқда.

Аминманки, ушбу Олимпиада натижалари мамлакатимизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга кучли туртки беради.

Энг асосийси, бундай ғалабалар ўсиб келаётган ёшларни барча соҳалар қатори спорт бўйича ҳам маррани баланд олиб, доимо ғалаба сари интилиб яшашга ўргатади, соғлом турмуш тарзини ҳаётимиз қоидасига айлантиришга хизмат қилади.

Албатта, жаҳоннинг энг йирик спорт мусобақаси бўлмиш Олимпия ўйинларида иштирок этишнинг ўзи катта шараф ва масъулият. Бунинг учун қанча оғир довлардан, машаққатли синовлардан ўтиш талаб этилади.

Бу гал омади келмаган спортчиларимизга қарата, руҳингиз тушмасин, келгуси сафар бахт сизларга албатта қулиб боқади,



деб ишонч билдирмоқчиман. Улар ҳам кескин баҳсларда ғайрат ва шижоат билан кураш олиб бориб, катта синовларда ўз салоҳиятини намоён этганлари биз учун муҳимдир. Шунинг учун уларни ҳам ғолиблар қаторида кўриб, чин дилдан олқишлаймиз.

Биз Олимпиаданинг ғолиб ва совриндорлари, уларнинг тренерлари ҳамда барча иштирокчиларни муносиб тақдирлашга қарор қилдик. Ўзбекистонда Олимпиада олтин медали соҳиблари – 200 минг АҚШ долларидан, бронза медали эгалари – 50 минг АҚШ долларидан мукофот пули билан тақдирланиши белгилаб қўйилганидан хабарингиз бор, албатта.

Спортчиларимизни мурасасиз беллашувларга тайёрлашда эртаю кеч улар билан бирга бўлган жонкуяр мураббийларнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим. Бугун ғолиб ва совриндор спортчиларимизни тайёрлашда чинакам фидойилик кўрсатган Тўлқин Қиличев, Павел Хан, Фарход Мирзажонов, Нурали Қобулов, Музаффар Абдурахмонов каби тажрибали мураббийларнинг номларини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз.

Биз Олимпия чемпионларининг тренерларини 40 минг АҚШ долларидан, бронза медаль соҳибларининг мураббийларини 20 минг АҚШ долларидан мукофотлашни лозим деб топдик.

Агар Олимпиадада иштирок этган ҳар бир спортчи кўп йиллик оғир тайёргарлик жараёнидан ўтишини кўз олдимизга келтирсак, улар ҳам бугун ғолиблар қаторида тақдирланишга муносиб эканига амин бўламиз. Шунини ҳисобга олган ҳолда, бу спортчиларимизнинг ҳар бирини 5 минг АҚШ доллари миқдорига пул мукофоти билан рағбатлантиришга қарор қилдик.

Қадрли юртдошлар!

Токио Олимпиадаси бизга янги қаҳрамонларни кашф қилиб берди. Улар ўзлари эришган ютуқ ва натижалар билан келгуси Олимпиадаларда янада муваффақиятли иштирок этиш учун мустаҳкам пойдевор яратадилар, десак, тўғри бўлади.



Шу ўринда Олимпия ўйинларида жамоавий спорт турлари бўйича сезиларли натижага эриша олмаганимизни очик тан олишимиз керак. Бу ҳол мутасадди раҳбарларни жиддий ўйлан-тириши зарур. Агар кимдир, бундан кейин ҳам олдинги Олимпия ўйинларида бўлгани каби, фақат яккакураш спорт турлари ҳисобидан ютуқларга эришамиз, деб ўйласа, адашади. Билиб қўйинглар, бу – мутлако нотўғри ёндашув.

Барчамиз яхши тушунамизки, Ватанимизнинг спорт соҳасидаги улкан салоҳиятини намоён этишда 2024 йилда бўладиган Париж Олимпиадаси янада муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақиқатни барчамиз чуқур ҳис этиб, ҳар томонлама тушуниб, аник тизим асосида иш олиб боришимиз зарур.

Бўлғуси Олимпиада олдидан футбол, баскетбол, гандбол, чим устида хоккей, регби, волейбол сингари жамоавий спорт турлари бўйича ҳам йўлланмаларни қўлга киритиш асосий мақсадимиз бўлиши зарур.

Шу муносабат билан куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Биринчидан**, мамлакатимиз спорт делегациясининг Токио Олимпиадасидаги иштирокини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни сарҳисоб қилишимиз керак.

Бунинг учун спорт менежменти бўйича нуфузли халқаро компаниялардан бирини жалб этган ҳолда, мамлакатимизда ушбу соҳада бошқарув тизимининг ҳар бир бўғинини аудитдан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳақимов Миллий олимпия қўмитаси ва Миллий паралимпия қўмитаси билан биргаликда жорий йил якунига қадар аудит натижаларига асосан жисмоний тарбия ва спортни ҳамда спорт федерациялари бошқарув тизимини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб киритсин.



Келгуси Олимпия ўйинларига ҳар томонлама тайёргарликни шу бугундан бошлашимиз керак. Ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, астойдил ҳаракат қилсак, албатта натижага эришамиз. Мисол учун, Парижда бўлиб ўтадиган навбатдаги ёзги Олимпиадага 100 дан зиёд лицензияни кўлга киритиш ва медаллар бўйича етакчи 15 та мамлакат қаторидан жой олиш учун ҳамма имкониятларимиз бор.

Шу билан бирга, барча шаҳар ва туманларда тегишли спорт турларини ривожлантириш ва зарур шароитлар яратиш чораларини кўриш бугунги кун талабидир. Бу ҳақда гап кетганда, ҳар бир ҳудуд кесимида Олимпиада ўйинларига ҳозирлик кўриш дастурларини ишлаб чиқиб, уни тизимли ташкил этиш керак.

Бош вазир А. Арипов бу соҳада эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, Париж Олимпиадасига тайёргарлик кўриш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

**Иккинчидан**, спорт бўйича таълим сифатини яхшилашимиз, иқтидорли, истиқболли спортчиларни саралаш (селекция) ва уларнинг захирасини шакллантириш тизимини тубдан такомиллаштиришимиз лозим.

Бунда замонавий ўқитиш дастурлари ва методикасини амалиётга жорий этиш, спорт таълим муассасаларида Паралимпия бўлимларини ташкил этиб, уларга 10 фоиз қўшимча квоталар ажратиш яхши натижа бериши мумкин.

Спортчиларни ўқитишда ота-оналар томонидан пул тўлаш тартибини бекор қилиш зарур. Шунингдек, битирувчиларни олий таълим муассасаларига жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари бўйича давлат гранти асосида тўғридан-тўғри иккинчи босқичга, имтиҳон синовларисиз қабул қилиш тизимини ҳам жорий этишимиз керак.

Олимпия захиралари коллежларига юқори натижаларга эришган, бой тажрибага эга ва айниқса, спортнинг жамоавий



турлари бўйича юқори малакали мутахассисларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда катта харажатлар эвазига хориждан спортчиларни (легионер) олиб келиш тажрибаси унчалик ҳам ўзини оқламаётганини очик айтишимиз керак. Бундай амалиётдан воз кечиб, маҳаллий спортчиларимизни тарбиялашга жиддий эътибор қаратадиган пайт келди. Хориждан легионерлар эмас, етук мутахассисларни ҳамда спортчиларни тайёрлаш методикасини олиб келиш керак.

Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳакимов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Тошқулов Миллий олимпия кўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда спорт йўналишида таълим сифатини янада ошириш, шунингдек, ривожланган мамлакатлардан юқори малакали мураббий ва мутахассисларни, замонавий методикаларни олиб келиш бўйича таклиф киритсин.

Учинчидан, республикамиздаги мавжуд олимпия захиралари коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш бўйича квоталарни спорт турларининг хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантиришга эътибор қаратишимиз лозим.

Мисол учун, волейбол жамоасининг таркиби 10 нафарни ташкил этса-да, коллежларга атиги 3–5 нафардан ўқувчи қабул қилинмоқда. Бундай ҳолат жамоавий спорт турларининг барчасида кузатилмоқда. Табиийки, бу аҳволда ушбу соҳаларни ривожлантириш мумкин эмас.

Шунингдек, мамлакатимизда юқори даражада ривожланган бокс спорти бўйича коллежларга қабул квотаси атиги 4 нафар этиб белгиланганини ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Ваҳоланки, дунёда ушбу спорт тури бўйича 13 та вазн тоифасида беллашувлар ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, олимпия захиралари коллежларида қабул квоталарини бутунлай қайта кўриб чиқиб, янги тизим асосида белгилаш зарур. Бундай таълим муассасаларини ҳудудларда яхши ривожланган спорт турларига ихтисослаштириш



иждобий натижалар бериши шубҳасиз. Айтайлик, Сурхондарё ва Қашқадарёда – спортнинг яккакураш турлари, Фарғона водийси вилоятларида – жамоавий спорт ўйинлари ва бокс, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Тошкент вилоятларида – оғир атлетика, киличбозлик бўйича таълим бериш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

А. Абдуҳакимов Миллий олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари билан биргаликда бир ой муддатда олимпия захиралари коллежлари фаолиятини қайта ташкил этиш ҳамда спорт таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳасини киритсин. Қарорда Миллий олимпия қўмитасига ушбу коллежлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, жойларда ёш истеъдод эгаларини излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, селекция ишлари билан жиддий шуғулланиш каби вазифалар юклатилиши зарур.

Тўртинчидан, бугунги кунда республикамизда 329 та спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда 13 минг нафардан зиёд тренерлар қўл остида 328 мингдан кўпроқ ёшлар спортнинг 30 дан ортиқ тури бўйича мунтазам шуғулланмоқда.

Бирок ана шу мактабларнинг ҳаммаси ҳам самарали фаолият кўрсатмаяпти. Аксарият спорт мактабларидан биронта республика чемпиони етишиб чиқмагани ҳам фикримиз далилидир. Ҳолбуки, олимпия захиралари коллежларида 7 минг нафар бола таълим олмоқда. Уларнинг ўқиши учун бюджетдан қанча маблағ берилади. Лекин уларнинг орасида атиги 70 нафари Олимпия қатнашчиси бўлиши – бу албатта қониқарсиздир.

Шунинг учун 2021 йилдан бошлаб ҳар бир спорт мактабига давлат буюртмаси бериш тизимини жорий этиш лозим. Бунда спорт мактаблари томонидан ҳар йили “спорт усталигига номзод”, “спорт устаси”, “ҳалқаро тоифадаги спорт устаси” каби разряд ва унвонларга эга бўлган спортчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу тизим орқали спорт мактабларининг



рейтинги юритилади ва уларнинг фаолиятига шу асосда баҳо берилади.

А. Абдуҳакимов бир ой муддатда спорт мактабларида давлат буюртмаси тизимини жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бешинчидан, спорт турлари бўйича ўтказилаётган мамлакат чемпионатларининг савияси тушиб кетган. Энг ачинарлиси, бу соҳада коррупция ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

Масалан, спорт мусобақаларининг ҳудудий босқичлари ўтказилмасдан, фақатгина маълум бир тоифадаги спортчиларни республика босқичига олиб келиш одатий ҳолга айланган. Шу боис чемпионатларимизда кучли спортчилар жуда кам, рақобат деярли йўқ. Бунинг устига, спортнинг жамоавий ўйин турлари бўйича ҳудудлардан жамоалар етарлича иштирок этмаяпти. Федерациялар эса чемпионатларни бор-йўғи 4–5 та жамоа иштирокида, номига ўтказиш билан чекланиб қолмоқда. 2021 йилда баскетбол ва сув полоси бўйича Ўзбекистон чемпионатларида 4 тадан жамоа қатнашгани бунга мисол бўла олади.

Спорт йўналишидаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун соҳада биринчи навбатда давлат бошқарувини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Бош вазир А. Арипов бир ой муддатда Туризм ва спорт вазирлигининг тузилмасини қайта кўриб чиқиш ҳамда жамоавий спорт мусобақаларини ўтказишни такомиллаштириш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини киритсин.

Олтинчидан, Олимпия захирасидаги спортчиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолати ҳамда фармакологик таъминотини яхшилаш, бунда илғор хорижий тажриба билан бирга илмий ёндашув ва халқ таъботини қўллаш муҳим ҳисобланади.

Спортчиларнинг жисмоний ва руҳий тикланишига ёрдам берадиган, уларнинг саломатлиги ва жисмоний қобилиятига ижобий таъсир этадиган маҳаллий озик-овқатлар рўйхати ҳамда оп-



тимал овқатланиш рационларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш лозим.

Олимпия терма жамоалари спортчиларининг рухий тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим. Чунки спортчининг рухий тайёргарлиги, ўзига ишончи қанчалик кучли бўлса, албатта, натижа ҳам шунча яхши бўлади. Шу мақсадда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида спорт психологияси ва диетологияси бўлимларини ташкил этиш лозим.

Миллий олимпия кўмитаси соғлиқни сақлаш вазири А. Ҳожибоев ва молия вазири Т. Ишметов билан биргаликда бир ой муддатда Кўмита қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Еттинчидан, ёзги ва қишки Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинлари, нуфузли халқаро мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари ҳамда уларнинг тренерларини рағбатлантиришнинг замонавий тизимини жорий этиш зарур.

Шу мақсадда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон мусобақаларининг ғолиб ва совриндорларини ҳамда уларни ана шу мусобақаларга тайёрлаган мураббийларни ҳам рағбатлантиришни кенгайтирамиз. Бунда олтин медаль совриндорига – 3 минг доллар, тренерига – 2 минг доллар, кумуш медаль соҳибига – 2 минг доллар, тренерига – 1 минг доллар, бронза медали учун – 1 минг доллар, тренерига – 500 доллар миқдорида мукофот пули берилади.

Бундан ташқари, нуфузли халқаро чемпионатлар ғолибларининг устозлари “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвонлари билан тақдирланади.

А. Абдуҳакимов, Т. Ишметов Миллий олимпия кўмитаси ва Миллий паралимпия кўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда



спортни молиялаштириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиб, уни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш юзасидан таклиф киритсин. Бунда ушбу жараённинг шаффоф бўлиши ҳамда сарфланган маблағларнинг натижадорлигига, иқтидорли спортчиларни тайёрлаган биринчи тренерларни ҳам моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

**Саккизинчидан**, ҳудудларда иқтидорли спортчи ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда Ўзбекистон чемпионатларини ташкил этиш ишларини тўлиқ ракамлаштириш зарур. Бу, ўз навбатида, олимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларга спортчиларни жалб этиш тизимини адолатли ташкил этишга хизмат қилади.

Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳакимов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Содиков йил якунига қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Олимпия захиралари спорт платформасини ишга туширсин.

Азиз дўстлар!

Биз Олимпия ва Паралимпия захираларини тайёрлаш учун муносиб шароитлар яратиш ва 2024 йилгача спорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича давлат дастурини амалга оширамиз. Спорт муассасаларидаги эскирган жиҳозларнинг қарийб 50 фоизи янгиланади.

Бундан ташқари, кейинги Олимпия ўйинлари ва йирик халқаро спорт мусобақаларига тизимли тайёргарлик кўришимиз зарур. Ҳозирги вақтда 2025 йили Тошкентда ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида “Олимпия ва Паралимпия шаҳарчаси”ни барпо этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ушбу шаҳарча ҳудудида бокс, спорт курашлари, сув спорти, эшкак эшиш каби федерациялар учун ҳам тайёргарлик марказлари ташкил этилади.



Ишонаманки, энг замонавий шароит ва технологияларга эга бўладиган мазкур иншоот Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги янги кифасини ўзида мужассам этадиган йирик мажмуа бўлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг халқаро турнирларда муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан кўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Биз бундан буён Олимпия ва Паралимпия спортини яхлит бир тизим сифатида кўрамиз, улар учун кенг шароит ва имкониятлар ҳамда рағбатлантириш тизимини яратамиз.

Хабарингиз бор, 24 август куни Токиода ёзги Паралимпия ўйинлари бошланади. Ушбу нуфузли мусобақада ҳам вакилларимиз муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладилар, деб ишонамиз.

Бугунги тантанали маросимда бир гуруҳ паралимпия спортчиларимиз ҳам қатнашмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, бўлғуси мусобақаларда уларнинг барчасига омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

**Ҳурматли спортимиз фидойилари!**

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, бугунги кунда дунёда пандемия таъсир қилмаган соҳа қолмаяпти. Айникса, спорт мусобақаларини ташкил этишдаги мураккаб вазият спортчиларнинг рухий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳар қандай синовлар пайтида ҳам спорт мусобақаларига тайёргарликни сусайтирмаслигимиз шарт.

Сизлар эришган ютуқлар билан чекланмасдан, бу борадаги шонли анъаналаримизни муносиб давом эттирасиз ва жаҳондаги энг нуфузли мусобақаларда Янги Ўзбекистонимиз байроғини янада баланд кўтарасиз, деб ишонаман.



Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا мувофиқ, Токио Олимпиадасида голиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз ҳамда уларнинг мураббийлари давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Хурматли спортчилар, мухтарам устоз ва мураббийлар!

Ҳозиргина сизларга топширилган юксак мукофотлар барчангизнинг меҳнатингиз, истеъдод ва маҳоратингизга халкимиз ва Ватанимиз томонидан берилган муносиб баҳо, эътироф рамзидир. Аминманки, бу эҳтиром ва ишонч сизларга янги куч-ғайрат бағишлаб, янада улкан ғалабаларга чорлайди.

Ана шундай эзгу мақсад йўлида барчангизга сихат-саломатлик, куч-ғайрат, оилавий бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни якинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан чин калбимдан табриклайман.

Катта раҳмат сизларга, доимо соғ-омон бўлинглар!

*Токиода бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия  
ўйинларида иштирок этган  
Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари  
билан учрашувдаги нутқ*

*2021 йил 13 август*



---

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

*Савол. Муҳтарам Президент, аввало, газетамиз учун интервью беришга розилик билдирганингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этамиз.*

*Маълумки, кейинги беш йил давомида мамлакатимизда кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистон” деган тушунча реал воқеликка айланмоқда. Сиз давлат бошлиғи, ана шу ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ташаббускори ва уларнинг марказида турган ислохотчи раҳбар сифатида бу янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини биринчи навбатда нималарда кўрасиз?*

*Жавоб. Аввало шуни айтиш керакки, ўз юртида озод ва эркин ҳаёт, адолатли жамият барпо этишдек улкан мақсадни ўз олдига қўйган ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллат оғир, машаққатли ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтади.*

*Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган ўзбек халқи ҳам 1991 йил 31 августда муқаддас орзусига эришди – жонажон Ватанамиз ўз давлат мустақиллигини қўлга киритди.*

*Насиб этса, яна санокли кунлардан кейин ана шу қутлуғ сананинг 30 йиллигини улкан шодиёна сифатида кенг нишонлаймиз.*



Бу шонли байрам олдидан мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Жойларда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари шиддат билан олиб борилмоқда. Жумладан, пойтахтимизга туташ 100 гектардан ортик улкан ҳудудда “Янги Ўзбекистон” боғи ҳамда бетакрор Мустақиллик мажмуаси жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда. Насиб этса, бу йил энг улуг, энг азиз байрамимизни мана шу янги майдонда ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият куриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, мард ва олижаноб халқимизнинг букилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди. Тарихан киска муддатда мамлакатимиз Конституцияси – Асосий қонунимиз ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ватанимиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистонда замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солинди. Давлат ҳокимиятининг учта мустақил тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қарор топди. Том маънодаги конституциявий давлат барпо этилди.

Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва давлат мустақиллигини, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар ташкил этилди. Миллий валютамиз – сўм жорий этилди ва олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди.

Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний кадриятларимиз, ўзлигимиз тикланди.

Мана шундай унутилмас тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб этганидан бахтиёрман.

Мустақил тараққиёт борасида эришган улкан ютуқлар билан бирга, йўлимиз айрим хато ва камчиликлардан ҳам холи бўлмаганини очиқ айтиш лозим. Мустабид тузумдан воз кечиб, демо-



кратик жамият барпо этишга қаратилган жараёнлар, мураккаб ва таҳликали даврнинг ўзи турли муаммо ва вазифаларни олдимизга кўндаланг кўйди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун билим ва тажрибамиз, ирода ва қатъиятимиз баъзан етса, баъзида етмаган ҳолатлар ҳам бўлди.

Шу боис мамлакатимиз тараққиётини янги, юксак боскичга кўтариш, бунинг учун янги ислохотларни амалга ошириш объектив зарурат, энг муҳим стратегик вазифага айланди.

Дарвоқе, “янги” деган сўзнинг биз учун алоҳида аҳамияти бор. Масалан, энг кўхна байрамларимиздан бири **Наврўз – Янги кун** деб аталишини эсга олайлик. Ушбу қадимий байрам билан боғлиқ қадрият ва анъаналар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, халқимиз асрлар давомида, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий айтганларидек, “**Ҳар тунинг кадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз!**” деган эзгу тилаклар, пок ниятлар билан яшаб келади.

Ёки ўтган асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз “жадидчилик”, яъни янгиланиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққанларини барчамиз яхши биламиз. Бу улуғ зотларнинг мақсади – жаҳолат ва қолоклик гирдобида қолиб келаётган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илғор касб-ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат эди.

Жадидлар томонидан ташкил этилган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета ва журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқишга юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизни неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотди, миллий озодлик ҳаракати учун бекиёс куч берди. Афсуски, юртимизда большевиклар диктатураси ўрнатилгани, чор мустамлакачилик сиёсати янгича шаклда давом эттирилгани маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермади. Лекин уларнинг



эзгу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қонида, тарихий хотирасида сақланиб қолди ва ҳануз яшамоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида ана шундай улуғ аجدодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш давларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий таракқиётини янги босқичга кўтаради. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса “Ренессанс” – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён.

Маълумки, бугунги Ўзбекистон замини қадимда икки буюк уйғониш даврига – Биринчи (маърифий – IX–XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар – XIV–XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Бу – жаҳон илм-фанида ўз исботини топган ва тан олинган тарихий ҳақиқатдир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоханг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён мен учун ислохотларимизнинг энг катта натижасидир. Чунки мақсаднинг аниқлиги – ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир.

Агар биз бундан беш йил олдин қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини мухтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатда ўз олдимизга Янги Ўзбекистон-



ни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйган эдик.

Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш беришдан иборат бўлган давлатдир.

Ўтган тарихан қисқа даврда ислохотлар туфайли эришган натижаларимиз ҳақида узок гапирмоқчи эмасман. Бу мавзуда мамлакатимиз ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари орқали нуфузли давлат ва сиёсат арбоблари, эксперт ва таҳлилчиларнинг фикрлари мунтазам эълон қилиб келинмоқда.

Бундай холис баҳолар барчамизни қувонтиради. Айни вақтда шуни таъкидлашни истардимки, биз бу демократик ўзгаришларни кимларгадир ёқиш, мақтаниш, турли рейтингларга кириш учун эмас, аксинча, демократик жараёнлар ўзимизга сув билан ҳаводек зарур бўлгани учун, халқимиз, авваламбор, ёш авлодимизнинг бугунги ҳаёти ва эртанги истиқболини ўйлаб, миллий манфаатларимиз йўлида амалга оширмоқдамиз.

Биз – Ўзбекистон фуқаролари жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар, янги имконият ва қадриятлар шаклланаётганини ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этмоқдамиз. Айниқса, “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиклик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”,



“дин ва эътикод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётини кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётгани эътиборлидир.

Бир ҳақиқатни очик тан олишимиз лозим: вақт ўтиши билан ислоҳот жараёнлари тобора кенгайиб бормоқда, шиддатли замон олдимизга янада улкан вазифаларни кўймоқда. Ҳаётнинг ўзи бизни кўп нарсага ўргатмоқда. Шу сабабли биз доимий изланишдамиз. Изланиш бор жойда ютуқлар билан бирга камчилик ва нуқсонлар ҳам бўлиши табиийдир.

Энг асосийси, “Ҳаракатда – баракат” деганларидек, биз энг қийин боскичдан ўтдик, яъни йўлимизни аниқ белгилаб, катта ишларни бошладик. Энди ҳамма гап ислоҳотлар йўлини қатъият билан давом эттириш ва мантиқий якунига етказишда. Бу албатта осон эмас, аммо биз бунга қодирмиз. Муҳими, кейинги йилларда бундай улкан ва мураккаб вазифани амалга ошириш учун етарли сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-институционал замин яратилди.

*Савол. Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган муҳим конституциявий тамойилни жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда. Бунинг сабаби нимада?*

*Жавоб.* Мен кўп йиллар давлат бошқарувининг энг қуйи бўғинидан бошлаб, ўрта ва энг юқори поғонагача – барча боскичларда масъул лавозимларда ишлаганман, Олий Мажлис депутати ҳам бўлганман. Шунинг учун ҳам эски бошқарув тизимининг барча нуқсон ва камчиликларини, аҳолини қийнаётган дарду муаммоларни қуйи бўғиндан бошлаб, ич-ичидан, бошқалардан кўпроқ биламан, деб тўлиқ ишонч билан айта оламан.



Буюк Амир Темур бобомизнинг Шахрисабздаги Оксарой қароргоҳи пештоқиға битилган “Адолат – давлатнинг асоси ва раҳбарлар шioriдир” деган ҳикматли сўзларида жуда чуқур маъно бор.

Маълумки, аждодларимиз азалдан “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат қўрғонини бунёд эт”, деб ёш авлодга йўл-йўриқ қўрсатганлар. Биз ҳам суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда ана шундай содда ва ҳаётий талаблардан келиб чиқдик. Хусусан, “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши керак” деган ғояни илгари сурдик ва амалга оширишни бошладик.

Шу ўринда мамлакатимизда давлат ва ҳокимият идоралари узок вақт давомида халқ ҳаётидан узилиб қолганини қайд этиш лозим.

Сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлатга “халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган орган” деб таъриф берилади. Давлатни ким шакллантиради? Халқ ва унинг мухтор вакиллари. Бинобарин, давлат ва унинг органлари аввало кимга хизмат қилиши керак? Албатта, халққа, турли мансаб эгаларига овоз берган ва ишонч билдирган фуқароларга.

Шу маънода, халқимиз давлат хизматида рози бўлишга ҳар томонлама ҳақли ва муносибдир.

Ана шундай тамойиллар асосига қурилган давлат ҳокимиятигина том маънода халқчил, демократик ҳокимият ҳисобланади. Бундай давлат ва жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий илдизлари мустаҳкам ва бақувват бўлади. Шу сабабдан биз халқимизнинг оғирини енгил қилиш, унинг муаммоларини вақтида ва самарали ечиш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашни барча ислоҳотларимизнинг бош мақсади этиб белгиладик.

Мен давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган 2017 йилга мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари



йили” деб ном берганимиз замирида ҳам айнан шундай инглиш ва ҳаракатларимиз мужассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Албатта, биз эски тизимни батамом ўзгартириб, ўз олдимизга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Такрор айтаман, биз ҳар куни изланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, холос. Лекин “Бу ўзгаришлар – вақтинчалик кампания, ўтади-кетади”, деганлар янглишади. Бу – Президент ва унинг командаси узокни кўзлаб юритаётган прагматик халқчил сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири ва уни халқимиз билан биргаликда албатта охиригача олиб борамиз, ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

**Бугунги кунда биз эришган энг муҳим натижа ҳам аслида шу – демократик ислоҳотларимиз ортга қайтмайдиган тус олди.**

Мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очиклик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвишлари билан қоғозда эмас, амалда жиддий шуғулланмоқда. Яъни, авваламбор, давлат органлари халқ учун, ҳар бир фуқаро учун очилиб, улар билан фаол мулоқот олиб бормоқда.

Биз ҳаётимизда мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупция, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини очик тан олиб, уларни кенг жамоатчилигимиз билан биргаликда бартараф этмоқдамиз.

Бугун одамларда адолатга, ҳақиқатга ишонч пайдо бўлмоқда. Улар турли даражадаги раҳбар ва мансабдорларнинг иш фаолиятига ҳолисона баҳо бермоқда, камчиликларни ошкора танқид қилмоқда. Миллий тараққиётимиз учун бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, “Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон”.



Бугун одамлар уйғонмоқда, жамият уйғонмоқда. Маънавий уйғоқ жамият – бу, ҳеч шубҳасиз, кудратли кучдир.

Ўзингиз айтинг, атиги бир неча йил олдин бундай натижаларни тасаввур қилиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Шунинг учун бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Айни пайтда яна бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: бугунги Ўзбекистон – бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган Янги Ўзбекистон эмас. Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Йўлимиз шу пайтгача осон бўлгани йўқ, бундан кейин ҳам осон бўлмайди. Лекин биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, қутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноанъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур.

Мана, сўнгги пайтда кўпгина масалаларда, жумладан, “прописка”, хорижга чиқиш учун “стикер”, мажбурий меҳнат, пахта ва ғаллага давлат буюртмасини белгилаш каби эски тартиблардан мутлақо воз кечиш бўйича ғоят муҳим қарорлар қабул қилдик.

Содда қилиб, жайдари тилда айтадиган бўлсак, бу билан осмон узилиб, ерга тушгани йўқ. Аксинча, бюрократия, вазифани сунистеъмол қилиш, тамагирлик кўринишлари камайиб, жамиятимиз ҳаёти эркинлашди, одамлар енгил нафас ола бошлади. Халқимиз ҳам, дунё жамоатчилиги ҳам бу қадамларимизни ижобий баҳоламоқда.

Янги Ўзбекистон – бу, аввало, янгича иқтисодий муносабатлар, янгича иқтисодий дунёқараш демакдир. Шу боис мамлакатимиз иқтисодий тизими тўлиқ қайта қурилмоқда, қанчалик оғир бўлмасин, бозор механизмларини амалда жорий этишни бошладик.

Ҳозирги вақтда электрон карточкадаги пулларни банкоматлар орқали нақд пулга айлантириш, миллий валюта курсининг



“қора бозор” да – бир хил, банкларда эса бошқача бўлиши, хорижий валюталарни сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан уй-жой ва мол-мулк сотиб олиш ҳамда уларни рўйхатга кўйиш билан боғлиқ муаммолар тарихда қолди.

Ислоҳотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда: тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўлмоқда, деҳқон ва фермерлар, кластер хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда. Қолбуки, собиқ мустабид тузум даврида “тепа”дан буйрук бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта экдик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан “Миллион эгатларга сочилган ўзбек”, деб ёзганидек, юз йил эгилиб пахта тердик.

Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6–7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди. Мана, уч йилдан буён улар бу машаққатдан кутулди. Қанчалик қийин бўлмасин, бу соҳада биз бозор иқтисодиётининг синалган ва самарали усулларини, жумладан, кластер тизимини жорий этдик. Кластерлар ёрдамида гектаридан пахта бўйича – 50 центнер, ғалла бўйича 100 центнердан ҳосил олишни кўзлаяпмиз ва бу марраларга албатта эришамиз.

Афсуски, мамлакатимизда тезлик билан ҳал этиш керак бўлган ўткир муаммолар бошқа соҳаларда ҳам йиғилиб қолган эди. Ҳаммаси жойида, деган кайфият билан уларни билиб-билмаганга, кўриб-кўрмаганга олиб, ғафлат уйқусига ботиб юравериш ҳам мумкин эди. Лекин бу ўзимизга, халқимизга, келажакка нисбатан хиёнат бўларди.

**Очиқ айтмоқчиман: менинг табиатим бундай сохта ҳаётни мутлақо қабул қилолмайди. Халқимиз менга ишонч бил-**



дирди, ана шу юксак ишончни оқлаш, эл-юртимизга муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш – мен учун ҳаётимнинг маъно-мазмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдирини учун масъулиятни зиммамга олган эканман, ислохотлар борасида бошқача йўл тутишим, ҳаммасини аввалгидек қолдиришим асло мумкин эмас.

Такрор айтаман: олдимизда турган ишларнинг барчасини ўзимиз, ўз кучимиз билан қилишимиз керак, ҳеч ким четдан келиб биз учун биронта муаммони ҳал қилиб бермайди.

*Савол. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олдимизда турган энг устувор вазифалар нималардан иборат?*

*Жавоб.* Ўтган йил декабрь ойида Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада бу ҳақда атрофлича тўхталиб ўтган эдим. Шу боис саволингизга қисқача жавоб бермоқчиман.

**Биринчи устувор вазифа:** ижтимоий сиёсат мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Бугунги кунда халқ фаровонлигини, одамларнинг ҳаёт даражасини ҳар томонлама ошириш, бунинг учун янги иш ўринлари, даромад манбаларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, кишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш иқтисодий стратегиямизнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилди. Сиз, журналистлар, бундан албатта яхши хабардорсиз. Кейинги пайтда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “махаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда. Шу асосда муаммога оид мавҳум кўрсаткичлар эмас, балки ёрдам ва кўмакка муҳтож ҳар бир оила ва фуқаронинг, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммолари ўз жойида аниқ ўрганилмоқда, улар вақтида ва самарали ҳал этилмоқда.



Кексалар, ногиронлар, оғир ахволга тушиб қолган инсонларни кўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва мурувват кўрсатиш каби эзгу анъаналар бугунги кунда янгича маъно-мазмун, амалий ҳаракатлар билан бойиб, такомиллашиб бормоқда. Бу борада, айникса, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Беш муҳим ташаббус”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” каби дастурлар ўз ижобий натижасини бермоқда.

Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 2021 йилда барча шаҳар ва туманлардаги жами 7 минг 794 та қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керакки, миллий тарихимизда қишлоқ ва маҳаллаларимизни ободонлаштиришга ҳеч қачон бунчалик катта маблағ ажратилмаган, энг муҳими, уларнинг ривожига бу қадар жиддий эътибор берилмаган.

Ана шундай кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун раҳбарлар қулай ва шинам кабинетлардан чиқиб, бевосита пастга, маҳалла даражасига тушиб ишламоқда.

Ижтимоий кўллаб-қувватлашнинг аниқ манзилли хусусиятга эга экани ҳар бир муҳтож инсонга унинг реал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Бунда ушбу тоифага мансуб ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмаслигига алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таклиф ва ташаббуслар илгаригидек фақат “тепа”дан эмас, балки кўпроқ қуйидан бўлмоқда. Уларни амалга оширишда эса қуйи, ўрта ва юқори бўғиндаги давлат бошқарув идораларининг самарали ҳамкорлиги иш бермоқда. Шу асосда жамиятимизнинг ижтимоий манзараси бутунлай ўзгармоқда, самарали бошқарувнинг натижадорлиги ошмоқда, энг муҳими, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, ўзининг тақдири ва эртанги кунга ишончи ортмоқда.

Мен бундай ўзгаришларни жамият таракқиётининг энг асосий сифат кўрсаткичлари, деб ҳисоблайман.



Албатта, ижтимоий ҳимоя тизимидаги айрим камчилик ва нуқсонлар сақланиб қолмоқда. Биз уларни босқичма-босқич бартараф этамиз, ушбу тизимни такомиллаштириб, яхши натижа берадиган, жамиятдаги барча соғлом кучларни шу мақсад атрофида бирлаштирадиган даражага етказамиз.

Мухтож фуқароларни тўғридан-тўғри, аниқ мақсад билан моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишда асосий эътибор аҳолининг кам таъминланган қатламларига дотация бериш эмас, балки уларга даромад топиш учун зарур шароит ва имкониятлар туғдиришга қаратилмоқда.

**Иккинчи устувор вазифа:** иқтисодий тараққиёт соҳасида ўсиш нуқталарини аниқлаш ва уларга алоҳида аҳамият қаратиш, шу тариқа Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муҳим роль ўйнайди.

Масалан, биз учун ўта муҳим бўлган тўқимачилик тармоғини олайлик. Корхоналаримиз бу соҳада пахтани етиштиришдан бошлаб уни чуқур қайта ишлашгача, якуний маҳсулот ишлаб чиқаришга қадар бўлган барча технологик жараёнларни пухта ўзлаштириб, экспорт ва фойда ҳажмини бир неча баробар оширган такдирдагина мазкур йўналишда етакчи мамлакатларнинг ишлаб чиқарувчилари билан рақобатлаша олиши мумкин.

Она заминимиз бағридаги бой хомашё ва казилма бойликларни эл-юртимиз манфаатлари йўлида ишлатиш мақсадида юқори самарали, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилмоқда. Шу борадаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли кейинги йилларда Қандим газни қайта ишлаш комплекси, Тошкент металлургия заводи каби йирик ва ноёб объектлар ишга туширилди, Навоий кон-металлургия мажмуаси ҳамда Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Ана шу ишларимизнинг давоми сифатида яқинда етакчи хорижий компания-



лар билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Олмалик кон-металлургия комбинатининг янги мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланганидан хабарингиз бор.

Биз иқтисодийтимизни модернизация ва диверсификация қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган хусусийлаштириш жараёнида фақат давлат корхоналарини сотиш эмас, балки уларнинг рақобатдошлигини ошириш, иқтисодий соҳадаги миллий манфаатларимизни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мутлақо янги ёндашувларни қўллашга устувор аҳамият бермоқдамиз. Давлат активларини сотишда шаффофлик ва самарадорликни, кенг жамоатчилик иштирокини таъминлайдиган қафолатларни яратиш айниқса ўта муҳимдир.

**Учинчи устувор вазифа:** биз ҳозирги глобал пандемия даврида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, жумладан, тадбиркорларни ўз муаммолари гирдобига ташлаб қўймасликни асосий мақсадларимиздан бири сифатида қўрамиз. Чунки ҳар бир тадбиркорлик тузилмаси ортида қанча-қанча инсонларнинг иш ўрни, оилаларнинг даромади, бугунги ва эртанги тақдири турибди.

Янги Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес субъектлари сони кейинги пайтда икки баробар қўпайди, ушбу тармоқдаги 50 фоиздан зиёд корхоналар фақат кейинги уч йилда ташкил этилган. Бу эса мамлакатимизда муҳим ижтимоий катлам – ўрта синфнинг кучайиши учун пухта замин бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш барча иқтисодий ислохотларнинг бош масаласи бўлиб қолмоқда. Тадбиркорлар уларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги чиройли сўзларни қўп эшитган, энди бу гапларнинг амалий таъсири ва натижасини ўз кундалик фаолиятида ҳис этиши керак.

Бизнес аҳли ҳақида фақат солиқларни тўлаш ва текширишлар пайтида эслайдиган замонлар ўтиб бўлди. Шу нуқтаи назардан,



солик қонунчилигини мақбуллаштириш борасида биз анча иш қилдик, лекин ҳали олдимизда янада катта вазифалар турибди ва биз уларни албатта амалга оширамиз.

Айрим маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар ишига аралашиш, “телефон ҳукуқи”дан фойдаланиб, уларга тазйик ўтказиш ҳолатлари учраб тургани ҳам бор гап. Биз бундай муаммоларга узил-кесил нуқта қўйиш устида ишляпмиз. Агар биз тадбиркорларни қўллаб-қувватламасак, уларга шароит яратиб бермасак, хусусий корхоналар сонини кўпайтирмасак, шаҳар ва туманларнинг маҳаллий бюджети ночор аҳволда қолаверади.

**Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз керак: тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш – фуқаролар, халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг самарали йўли, Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг пировард мақсадидир.**

Бу соҳадаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни ҳал этишда мамлакатимиз ҳаётини янада эркинлаштириш, очиклик ва ошкоралик муҳитини, жамоатчилик назоратини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди, деб ишонаман.

**Тўртинчи устувор вазифа:** пандемия қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган даврга тўғри келди. Бу давр озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр секторни замон талаблари асосида ривожлантириш бутун инсоният, жумладан, биз учун ҳам энг долзарб вазифага айланиб бораётганини яққол тасдиқлади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги бўйича улкан салоҳиятга, қадимий тажриба ва бой анъаналарга эга. Аммо узок вақт мобайнида ушбу тармоқда бозор иқтисодиётига хос ёндашув ва моддий рағбатлантириш механизмлари жорий этилмади, уни ривожлантиришга маблағ ва илмий инновациялар етарлича жалб қилинмади. Оқибатда ернинг мадори қуриди, тупроқ унумдорлиги пасайди.



Тасаввур килинг, мустақиллик даврида, яъни кейинги 30 йилда Ўзбекистон аҳолиси 15 миллион нафарга кўпайди. Бу ўртача бир мамлакат аҳолиси, демакдир. Қолаверса, вақт ўтиши, ҳаёт ўзгариши билан одамларнинг истеъмол талаби ва эҳтиёжлари ҳам муттасил ортиб бормоқда. Еримиз, сувимиз эса кўпаймаслиги табиий, албатта. Бундай ресурслар нафақат бизда, бутун дунёда чекланган. Бинобарин, биз энди аклимизни, интеллектуал салоҳиятимизни, билим ва тажрибамизни оширишимиз, айнан ана шу омилларни иқтисодий ўсиш нуқталари ва ресурс манбаларига айлантиришимиз шарт.

Бу ниманинг ҳисобидан бўлади? Албатта, бунга билим ва тажриба, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиш, юқори технологияларни жорий этиш, ислохотларни самарали олиб бориш ҳисобидан эришиш мумкин.

Шу сабабли биз аграр секторни ялпи ва тизимли трансформация қилишни бошладик. Ушбу соҳани иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш – бош мақсадимиздир. Шу мақсадда 2020–2030 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида тармоқни ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар аник-равшан белгилаб қўйилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат сектори ва қишлоқларни яқин ўн йилда жадал тараккий эттириш режаси кўзда тутилди.

Аграр соҳада ишларни бутунлай янги асосда ташкил этиш орқали тармоқнинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, ушбу йўналишда минглаб янги иш ўринлари яратиш ва қишлоқ жойларда одамларнинг ҳаёт даражасини юксалтириш сари муҳим қадамлар қўйилмоқда.

**Бешинчи устувор вазифа:** пандемия даврида халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш биз учун энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда 2021 йил учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Ушбу маблағ ҳисобидан тиббиёт соҳасида кўпгина чора-тадбирлар, жумла-



дан, аҳолини коронавирусуга қарши эмлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юртишга ўтказиш, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина хизматини йўлга қўйиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, кишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори штат бирлиги ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда хусусий тиббий клиникалар очишга кенг имкониятлар яратиб берилаётганига қарамадан, жойларда гемодиализ, тиббий диагностика ва реабилитация хизматлари бўйича шифохоналар етишмаяпти. Шунинг учун давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни кўпайтириш, 170 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмасини компьютер томографлари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини оширишга қаратилган амалий ишлар бошланди.

Тиббиётдаги яна бир мураккаб муаммо – юқори малакали кадрлар етишмаслигидир. Шу боис янги ўқув йилидан бошлаб клиник ординатуранинг қабул квотаси икки баробар оширилади. Вилоят ҳокимликлари ўз ҳудуди учун зарур бўлган ана шундай мутахассис-шифокорларни тайёрлашга маҳаллий бюджетдан грантлар ажратади.

Мамлакатимизда инсон аъзоларини трансплантация қилиш бўйича қонуний асосларни ишлаб чиқишни бошладик. Бу борада норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги туфайли илгари, донорлик қилувчи шахс беморнинг яқин қариндоши бўлмаса, трансплантация учун рухсат берилмас эди. Кўпчилик фуқа-



роларимиз бундай тиббий операцияни чет элда ўтказар, хорижга боришга қурби етмаганлар эса чорасиз аҳволда қолар эди.

Бизни энг қийнайдиган масалалардан бири – соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция ҳолатларидир. Ўтган йилнинг ўзида тизимда 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағни талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланди ва айбдорлар қонуний жазога тортилди. Шунинг учун бу соҳада таъсирчан назорат тизимини ўрнатишга, аввало, жамоатчилик назоратини кучайтиришга жиддий аҳамият берилмоқда.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, одамлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш нафақат тиббиёт соҳаси, балки бутун жамиятимиз олдидаги долзарб вазифадир. Ҳар бир инсон ўз соғлиғи ҳақида аввало ўзи ўйлаши, ғамхўрлик қилиши керак. Айниқса, коронавирус пандемияси бутун ер юзида, жумладан, юртимизда ҳам давом этаётган ҳозирги пайтда бунинг аҳамияти бекиёсдир.

Шу боис бепарволикка, лоқайдликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Коронавирус ҳали ҳам ёнимизда, биз билан бирга яшамокда. Шунинг учун мамлакатимизда тегишли тиббиёт марказлари, дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг етарли захираси шакллантирилди. Ҳудудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан узлуксиз таъминлаш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Юртимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

Республикамизда шу йил 1 апрелдан бошлаб аҳолини коронавирუსга қарши эмлаш жараёнлари узлуксиз давом этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни ўз соғлиғига масъулият билан қараб, бу хавfli касалликка қарши эмлаш тадбирларида фаол иштирок этишга яна бир бор чақираман.

**Олтинчи устувор вазифа:** биз янги шароитда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга интиломқдамиз. Бундай



ёндашув – бугунги ва келгуси ривожланишимиз учун мустаҳкам пойдевордир.

Шу маънода, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир.

Кейинги йилларда маданий-гуманитар йўналишда – маданият, кино, рақс ва тасвирий санъат соҳаларини, адабиёт ва китобхонликни ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз халқимизга яхши маълум, албатта. Хусусан, халқаро мақом анжумани, бахшичилик ва миллий ҳунармандчилик фестивалларини ташкил этганимиз ва юксак савияда ўтказганимиз Янги Ўзбекистонни дунёга кенг тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Миллий тарихимизни холис ва ҳаққоний тадқиқ этиш учун бугунги кунда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази, “Ўзбекистон тарихи” телеканали фаолият кўрсатмоқда.

Ислом дини ривожини йўлида беқиёс хизмат қилган буюк муҳаддис боболаримизнинг диний ва илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Самарқандда – Имом Бухорий, Сурхондарёда – Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази иш олиб бормоқда.

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялашда беқиёс ўрин тутадиган илм-маърифат марказига айланади.



Биз ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, бу соҳадаги фаолиятимизни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” ҳамда “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” шу йил март ойида қабул қилинган Президент қарорлари айна шу соҳадаги вазифаларни самарали ҳал этишга қаратилгандир.

Янги Ўзбекистон нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларда барча соҳалар қатори маънавий-маърифий масалаларга оид ташаббусларни ҳам дадил ўртага қўймоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш бўйича илгари сурилган ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Яқинда мазкур резолюция қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган саммитида илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантиришга қаратилган яна бир муҳим ташаббусимиз қабул қилиниб, Туркий кенгашнинг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилди. Биз буни барча туркий халқларнинг фахру ифтихори бўлган ҳазрат Алишер Навоий бобомизга, шундай улуғ зотларни тарбиялаб вояга етказган халқимизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

*Савол. Янги Ўзбекистонни барпо этишда ташқи сиёсатга, дунёдаги олис ва яқин давлатлар билан дўстона ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро боғлиқ ва уйғун жиҳатлари нималарда намоён бўлади?*



**Жавоб.** Аввало, шуни таъкидлаш керакки, биз мамлакатимиз янгилаш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунёдаги барча тараққийпарвар мамлакатлар, айниқса, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ўзбекистон ўтган даврда ана шу стратегик йўлга доимо содиқ қолиб, ўз шериклари ҳамда халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан муносабатларимизда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди. Қўшни – қўшниси билан, ака – укаси, ота – боласи, қариндош – қариндоши билан узилиб қолган алоқаларни тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади. Виза масалалари ҳал этилди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларимиз жадал ривожланмоқда.

Азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган мамлакатларимиз кўпгина минтақавий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қилишни бошлади. Жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди.

Шу йилнинг 5–6 август кунлари Туркманистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви бу жараёнга янги мазмун ва куч бағишлаши билан эътиборлидир.

Ана шу мисолларнинг ўзиёқ ички ва ташқи сиёсатнинг бир-бирига нақадар боғлиқ ва ҳамоҳанг эканини кўрсатади.



Энг муҳими, ички ва ташки сиёсатимиздаги ана шундай уйғунлик халқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда ва бунинг натижасини оддий одамлар ўз ҳаёти ва тақдирида ҳис этмоқда.

Яна бир муҳим томони шундаки, Ўзбекистон бугун ўзининг узокни кўзлаган сиёсати билан минтакамиз ва жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро Иттифок, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди.

Мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳузурида кузатувчи макомини олди. Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди ва унинг 2021 йил 22 февралда Женева шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган 46-сессиясида муваффақиятли иштирок этди.

Ўтган йили мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига раислик қилди ва пандемияга қарамасдан, МДҲ доирасида кўзда тутилган 60 дан зиёд барча халқаро тадбирлар самарали ўтказилди, 70 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларидаги интеграция ва ҳамкорлик жараёнларини фаоллаштиришда тобора муҳим роль ўйнамоқда. Шу йил 15–16 июль кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда мамлакатимиз томонидан илгари сурилган янги таклиф ва ташаббуслар нафақат ушбу бепоён минтақалар давлатларида, балки жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғот-



ди. Хусусан, Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган янги транспорт йўлларини барпо этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Конференция Тошкент руҳини яна бир қарра намён этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатда ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг асосий хорижий шериклари ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалари янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшнисини сифатида бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдордир.

Маълумки, Ўзбекистон 2021–2022 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилади. Ҳозирги вақтда биз бу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказиш учун жиддий тайёргарлик ишларини олиб бормоқдамиз.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги, гендер тенглик бўйича эришаётган ютуқларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Ватандошлар” жамғармаси ташкил этилди.

Жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик мухитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимиз сифат жиҳа-



тидан янги боскичга кўтарилмоқда. Ҳар йили Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланадиган 30 июль санаси Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги куни” деб эълон қилинди. Бу йил ушбу байрам мамлакатимизда биринчи бор кенг нишонланди. Буни ҳам ички ва ташқи сиёсат омиллари бирлашадиган муштарак ходиса сифатида қабул қилиш мумкин.

Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам экологик муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор берилмоқда. Қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни катъий давом эттиряпмиз. Денгизнинг қуриган тубида юз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилмоқда, Оролбўйи ҳудудларида улкан қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди фаолияти муҳим роль ўйнамоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги муҳим ташаббуси 2021 йил 18 май куни Ассамблея томонидан бир овоздан маъқулланганини қайд этиш ўринлидир. Ушбу резолюцияни ишлаб чиқишда АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Озарбайжон каби дунёдаги нуфузли давлатлар, жами 50 мамлакат ҳаммуаллиф сифатида иштирок этгани бу ташаббус жаҳон ҳамжамиятида қандай қатта кизикиш уйғотганидан далолат беради.

*Савол. Маълумки, ислоҳотлар самараси кўп жиҳатдан раҳбар кадрлар, айниқса, маҳаллий ҳокимларнинг билим ва тажрибаси, сиёсий савияси ва маданиятига боғлиқ. Шу маънода, Президентнинг жойлардаги вакиллари бўлган ҳокимларнинг иш фаолияти Сизни қониқтирадими?*



**Жавоб.** Мен бу ҳақда ўтган йили Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эдим. Нафакат ҳокимлар, балки барча бўғиндаги аксарият катта-кичик раҳбарларда билим ва тажриба, ташкилотчилик салоҳияти, эл-юрт иши учун фидойилик туйғусининг етишмаслиги мени қийнайдиган энг мураккаб масаладир.

Тўғри айтдингиз, жойларда ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, ҳокимларга, уларнинг билим ва тажрибаси, ишбилармонлик хусусиятларига боғлиқ. Энг муҳими, улар одамларнинг ишончини қозонган бўлиши шарт. Аҳоли жойлардаги раҳбарларга, уларнинг иши, хизмат ва муомала маданияти, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий савиясига қараб, давлат ҳокимиятига баҳо беради. Лекин очик айтадиган бўлсак, ҳокимлар, умуман, қуйи бўғиндаги раҳбарларнинг барчаси ҳам эл-юрт ўртасида етарли обрў-эътиборга эга эмас.

Афсуски, кўпчилик раҳбарлар халқнинг ичига кириб, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшашни қандайдир иккинчи даражали иш, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам улар кўп-кўп масалаларда заиф ва ожиз бўлиб қолмоқда.

Аслида халқ билан мулоқот, доимо инсонлар ташвиши ва муаммоларини ўйлаб яшаш ҳар қандай раҳбар учун биринчи ва муқаддас вазифа бўлиши шарт. Раҳбарлик ва бошқарув маданияти, ҳаётий билим ва тажрибалар қаердан бошланади? Халқ билан бевосита мулоқот қилишдан бошланади. Айниқса, қуйи поғонадаги раҳбарлар ўз дунёқарашини ўзгартириб, оддий фуқарога елкадош бўлиб, тадбиркорга дўст бўлиб ишламаса, биз қанчалик кўп куч ва маблағ сарфламайлик, фармон ва қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, жойларда ислохотларимизнинг олдинга юриши қийин бўлади.

Яширишнинг ҳожати йўқ – жуда оғир, таҳликали ва шафқатсиз рақобат замонида яшаяпмиз. Дунё шундай шиддат билан ўзгаряптики, кечаги сиёсий-иқтисодий таҳлил ва башоратлар бугунги кунга тўғри келмаяпти. Ўзаро қарама-қаршилик, “савдо



урушлари”, экологик муаммолар кучайиб бормокда. Ана шундай мураккаб шароитда эл-юрт билан ҳамдард, ҳамнафас бўлиб яшамайдиган, ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган оддий ҳақиқатларни тушунмайдиган мансабдорларнинг раҳбар сифатида келажаги йўқ. Уларга бирон-бир масъулиятли вазифани ишониб ҳам бўлмайди.

Бир пайтлар мен ҳам ҳоким бўлиб ишлаганман. У вақтлардаги шароитни ҳозирги имкониятлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Кўп-кўп масалаларда қўл-оёғимиз боғланган эди, ҳамма нарсани “тепа”нинг қош-қовоғига қараб бажаришга тўғри келарди. Энг ёмони, қуйи бўғиндаги муаммолар бўйича юқори идоралардаги салқин кабинетларда ўтирган, кишлоқ ёки овулларда кийналиб яшаётган одамларнинг дарду ташвишларидан бутунлай йироқ бўлган, жойларда аҳвол қандай эканини тасаввур ҳам қилолмайдиган валломатлар қарор қабул қиларди.

Бутун эса ҳокимлар мустақил қарор қабул қилиб, мустақил иш олиб бориш ваколатига эга. Улардан илгаригидек ҳар бир қаддини Тошкентда, марказий идоралардаги мутасаддилар билан келишиш, бўлар-бўлмасга ижозат сўраш талаб этилмайди.

Ҳоким, раҳбар инсон сифатида, ниманидир билмаслиги ёки кўздан қочириши, хатога йўл қўйиши мумкин, буни тушунса бўлади, лекин у ана шу хатоларини тан олмаса, уларни тузатишни истамаса, ўқиб-ўрганишга, янгича ишлашга, ўз билим ва тажрибасини оширишга интилмаса, манфаатпарастлик ва маишатга берилган бўлса, бу ҳолатни мутлақо кечириб бўлмайди.

Менинг асосий талабим – одамларни тушуниш, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшаш, ён-атрофдаги вазиятга оддий халқнинг кўзи билан қараш ва баҳо бериш, эл-улусдан ажралиб қолмаслик керак. Шундагина ҳудуд ёки тармоқни бошқариш ва муҳим қарорлар қабул қилишда аниқ самара бўлади.



Ҳар бир раҳбарнинг фаолият мезони – бу халқнинг орзу-умидларини ўзи учун асосий мақсад қилиб, уларни изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборат.

Ҳоким ва вазирларимиз, компания ва банкларимиз раҳбарлари орасида фаол, ишнинг кўзини биладиган, чуқур фикрлайдиган янги авлод вакиллари етишиб келаётгани мени қувонтиради. Улар халқ билан очик мулоқот қилмоқда, ташаббус кўрсатмоқда, юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмасдан, мустақил ва дадил иш олиб бормоқда.

Афсуски, баъзи етакчи ва мутасаддилар манманликка берилиб, ҳаволаниб, оёғи ердан узилганини билмай қолади. Бу – улар учун ҳақиқий фожиа. Албатта, бундай раҳбарларга бизнинг сифимизда ўрин бўлиши мумкин эмас. Бу нафақат Президентнинг, айни пайтда халқимизнинг, ҳаётнинг талабидир.

*Савол. Сиз давлат раҳбари учун халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини доимо таъкидлаб келасиз. Лекин ҳаётда барча масалалар бўйича халқ билан гаплашиш, унинг фикрини олиш имкони борми? Сиз ана шундай “бўшлиқ”ни тўлдиришга қандай эришасиз?*

**Жавоб.** Мен Президент сифатида иш бошлаган биринчи кунларданок ўз командамни ҳақиқий ҳолатга мутлақо алоқаси бўлмаган баландпарвоз гаплар ва “чиройли” рақамларни ёқтирмаслигимни айтиб, қаттиқ огоҳлантирганман.

Қанчалик аччиқ ва ноқулай бўлмасин, мен фақат тўғри ва ҳаққоний маълумотни билишни истайман. Бу мен учун тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Албатта, бу талабни ҳамма ҳам тушуниб етгани йўқ, ҳалиям эскича усулда маълумот беришга уринишлар бўлиб туради. Лекин мен бундай ҳолатларга йўл қўймасликка ҳаракат қиламан. Ана шу ҳақиқатни тушунмаганларнинг кўпчилиги билан хайрлашдик ва бу масалада талаб доимо қаттиқ бўлади.

Халқимиз, Ватанимиз манфаатлари, жамиятимизнинг келажаги, фарзандларимизнинг бахтини таъминлашга қаратилган



бугунги ислохот жараёнларининг ўзи шуни талаб этмоқда. Бу борада бошқача йўл тутишга ҳаққимиз йўқ.

Яна бир бор айтаман, раҳбар ва мутасадди шахслар ўртасида кимки ана шу ўтқир талабни тушунмаса, канчалик оғир бўлмасин, улар билан хайрлашамиз.

Менинг мамлакатимиз бўйлаб амалга оширадиган ҳар бир ташрифимдан асосий мақсад – халқ қандай яшаётгани, нима билан нафас олаётганини билишдан иборат. Бу – ўта муҳим масала. Шунинг учун кўп ҳолларда сафар давомида йўналишни тўсатдан ўзгартиришимга тўғри келади. Бундай кутилмаган, ҳеч қандай протоколда қайд этилмаган “маршрут”лар жойлардаги раҳбарларни бўшашмасдан, доимо ишчан ҳолатда туришга ўргатади, деб ўйлайман.

Афсуски, неча бор айтишим, огоҳлантиришимга қарамасдан, жойларда фақат менинг ташрифим олдидан кўча ва майдонларни тозалаш, бир кечада бинолар олдида “майсазор” ва “гулзор”лар пайдо қилиш, умуман, ҳақиқий ҳолатни бўяб кўрсатишдек хўжакўрсин ишлар давом этмоқда. Кўзбўямачилик, одамларни қийнаш, сохта ва баландпарвоз гапларга ўчлик йиллар давомида баъзи раҳбарларнинг қон-қонига шу қадар сингиб кетган эканки, улардан кутулиш қийин бўляпти. Лекин қандай бўлмасин, бу каби иллатларга бутунлай чек қўйишимиз керак. Чунки бундай ҳолатлар ростгўй, сохта гап ва ишни умуман қабул қилмайдиган халқимизнинг асл табиатига мутлако ётдир.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг иши Президент келиб-кетиши билан тугамасдан, аксинча, ташрифдан кейин янгитдан бошланиши, ҳатто олдингидан ҳам кўпайиши лозим. Шундагина ишимизда суръат ва сифат бўлади, натижа учун ишлашга ўрганамиз. Илгари ҳокимлар ташрифдан ташрифгача бўлган вақт оралиғида бамайлихотир, таъбир жоиз бўлса, ялло қилиб юрарди, энди эса улар ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйиб, халқ билан маслаҳат асосида астойдил ишламоқда. Чунки улар



билади: Президент келгуси сафар, албатта, ҳар бир масала бўйича аниқ натижани сўрайди.

Биз мамлакатимиз тараққиётининг бугунги янги боскичида олдимизда турган долзарб вазифаларни тезкор ҳал қилишда вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш, вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича янги тизимни жорий этишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Шу мақсадда махсус қарор ҳам қабул қилдик. Юқорида айтиб ўтилган тоифага мансуб раҳбарларнинг ўринбосарлари ўзларига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдор экани белгилаб қўйилди. Бошқача айтганда, турли бўғиндаги раҳбар ўринбосарлари ўз бошлиғининг соясида юрадиган вақт ўтди. Энди улар ҳам аниқ вазифалар учун жавоб беради. Шахсий масъулият ва жавобгарлик барча бошқарув идоралари ходимлари учун бош мезон бўлади.

Ҳозирги кунда одамларни қийнаётган муаммоларни жойларда, маҳалланинг ўзида ҳал этишга алоҳида эътибор беряпмиз. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳафтада икки кунни фуқароларни қабул қилишга ажратмоқда. Шунингдек, кунлик қабуллар ўтказиш тизими йўлга қўйилмоқда.

Умуман, ҳар бир ҳокимнинг кабинети “Халқ қабулхонаси”га айланиши лозим. Шунда ҳар қайси раҳбар ҳудуддаги ҳақиқий аҳволдан тўла хабардор бўлади, ишида унум ва самарага эришади.

Албатта, бугунги кунда одамларни қандай масала ва муаммолар ўйлантираётгани, ташвишга солаётганини яқиндан билишда ёрдам берадиган очик манбалар, ахборот тармоқлари кўп. Айниса, телевидение, матбуот, Интернет ҳаёт нафасини, таъбир



жоиз бўлса, ҳар бир соҳанинг “юрак уриши”ни аниқ-равшан ҳис қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шахсан ўзим оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда берилаётган янгиликлар, улар орқали билдирилаётган долзарб фикрлар, жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортаётган воқеа-ходисалар билан имкон қадар бевосита танишиб боришга ҳаракат қиламан.

Бир сўз билан айтганда, замонавий ахборот технологиялари ривожланган бизнинг давримизда реал ҳаётдан бутунлай узилиб қолиш мумкин эмас. Шунга қарамасдан, халқ билан турли кўринишдаги, дейлик, бу режадаги тадбир бўладими ёки маҳалла, туман, қайсидир муассасага кутилмаган ҳолатда кириб бориш орқали бўладими, умуман, бевосита мулоқот ҳамиша керак, деб ҳисоблайман.

Фуқаролар, кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинаётган барча муаммолар эътибор қаратишни талаб этади. Уларни инкор қилиш мумкин ҳам эмас. Албатта, жамиятдаги қонун бузилиши, адолатсизлик, инсон ҳуқуқларига беписанд муносабат, коррупция билан боғлиқ ҳолатларга бепарво қараб бўлмайди. Тизимли тус олган ёки жузъий муаммо бўладими, уларнинг барчасига дарҳол муносабат билдириб, тагига етиш ва ҳал этиш зарур.

Масалан, кейинги йилларда туб ислоҳотлар даврига қадам кўйган мамлакатимизда тараққиёт кушандаси бўлган иллат – коррупцияга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2020 йилда турли даражадаги мансабдорлар томонидан содир этилган жиноятлар учун 1723 шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Улар томонидан етказилган зарар 500 миллиард сўмни ташкил этган. 2021 йилнинг беш ойида эса 1696 нафар мансабдорга нисбатан жиноий иш очилган. Етказилган зарар 450 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу моддий зарарлар айбдорлардан ундириб олинади. Коррупция балосини жамиятимиз ҳаётидан йўқ



килишга қаратилган сиёсат келгусида ҳам қатъий давом эттирилади.

**Савол.** *Юртимизда аҳоли учун энг долзарб ва ўтқир ҳаётий масала бўлган замонавий тураржойлар, жумладан, арзон уй-жойлар қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларнинг кўлами истиқболда қандай бўлади?*

**Жавоб.** Мамлакатимизда кейинги йилларда замонавий уй-жойлар қуриш бўйича янги давр бошланди, деб бемалол айтиш мумкин. Бунинг тасдиғини сўнгги тўрт йилда аввалги йилларга нисбатан 4–5 баробар кўп уй-жойлар барпо этилгани, бу йилнинг ўзида 54 минг оилани янги уй-жойлар билан таъминлаш бўйича кенг кўламдаги қурилиш ишлари олиб борилаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад – халқимизни рози қилиш йўлидаги улкан вазифалар, ислохотларимиз, қолаверса, бугунги ҳаётнинг ўзи замонавий уй-жойлар қуриш суръати ва сифатини янада оширишни талаб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз илгари уй-жой қурилишига замон талабларидан келиб чиқиб, бундай кенг ёндашмаганмиз ва ҳозиргидек кенг кўламдаги қурилиш ишларини амалга оширмаганмиз.

Биз бу йўлда дастлабки кадамларни қўйиб, катта тажриба орттирмоқдамиз. Барча ҳудудларимизда аҳоли учун қулай ва шинам, барча замонавий шароитларга эга бўлган уй-жойлар барпо этилмоқда. Ипотека бозори ривожланмоқда. Ҳаётимизга “арзон уй-жойлар”, “ақлли уй”, “ақлли шаҳар”, “рақамли хизматлар” деган янги тушунча ва кўникмалар кириб келмоқда.

Келгусида уй-жой фондини шундай даражага олиб чиқишимиз керакки, аҳолининг барча қатламлари уй-жой сотиб олиш ва бу борада танлаш имконига эга бўлиши лозим.

Албатта, бу борада турли муаммолар ҳам мавжуд ва биз уларни жойлардаги маҳаллий бошқарув органлари билан биргаликда ҳал этяпмиз.



Мисол учун, кўпқаватли уйлар оралиғидаги бўш жойларда курилишлар қилиш, мораторий эълон қилинганига қарамадан, дарахтларни қесиш, яшил ҳудудларни қамайтириш ҳолатлари кўпчиликини ранжитмоқда. Баъзи раҳбарларнинг бепарволиги ёки манфаатпарастлиги туфайли тураржой мавзеларида одамлар сайр қиладиган, спорт билан шуғулланадиган, фарзандлари билан бирга тоза ҳавода дам оладиган очик жойнинг ўзи қолма-япти.

Албатта, биз бундай ҳолатларга нисбатан қатъий чоралар кўрмасдан турсанми. Шунинг учун ҳам Тошкентда ва бошқа йирик шаҳарларда янги курилишларни шаҳар ташқарисидаги ҳудудларда амалга ошириш чоралари белгиланмоқда. Тураржой мавзелари ичида коммунал инфратузилмалар – газ, электр энергияси, ичимлик суви ва канализация тармоқларини модернизация қилмасдан янги бинолар қуриш амалиётига барҳам берилди.

**Савол.** *Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Юртимизда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилингани бунинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш жараёнида ёшларнинг ўрни ва асосий вазифаларинималардан иборат, деб биласиз?*

**Жавоб.** Ёшлар – халқимизнинг асосий таянчи ва суянчи. Кенг кўламли ислохотларимизни самарали амалга оширишда улар ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Айнан замонавий билим олган, илғор касб-ҳунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутди.

Маълумки, ёшлар янгича фикрлашга, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил



бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакилларининг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз.

Имом Бухорий бобомиз тўплаган муборак ҳадислардан бирида: “Ёшликда ўрганилган илм тошга ўйилган нақш каби-дир”, – деб айтилади.

Буюк алломаларимиз ана шундай ҳикматларга амал қилиб, илм-фан соҳасида буюк кашфиётларни амалга оширганлари ва умумбашарий тафаккур ривожига беқиёс ҳисса қўшганлари тарихдан яхши маълум.

Ана шундай қутлуғ анъаналарни давом эттириб, юртимизда янги хоразмийлар, фарғонийлар, берунийлар, ибн синолар, мирзо улугбеклар, навоийларни тарбиялаб етказиш – нафақат вазифамиз, балки тарих ва келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Биз бу йўлда катта ишларни бошладик. Мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатдош кадрлар тайёрлаш мақсадида олийгоҳлар сони 141 тага етказилди, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилди. Ҳолбуки, 2016 йилда республикамиздаги олийгоҳларнинг сони 77 та эди. Қисқа муддатда бу борада қарийб икки баробар ўсишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, ёшларимиз, бутун жамиятимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, замонавий билим, касб-ҳунарларга янада яқинлаштириш йўлидаги ҳаракатларимиз натижасидир.

Кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, жорий йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу – умумий камров 28 фоизга етди, деганидир. Ўзингиз қиёслаб кўринг, 4 йил аввал бу рақам атиги 9 фоизни ташкил этарди. Бу борада давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилгани, ўт-



ган йилги тажрибамизни янги боскичга кўтариб, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар кизларга бу йил олийгоҳларга кириш учун алоҳида грантлар ажратилгани ёшларимиз келажакни таъминлашга қаратилган амалий эътиборимиз намунасидир.

Биз 2030 йилга қадар мактаб, лицей ва коллеж битирувчиларини олий таълим билан камраб олиш даражасини 50 фоизга етказишни режа қилганмиз ва бунга албатта эришамиз.

Бу йил Тошкент шаҳрида энг юксак халқаро талабларга жавоб берадиган “Янги Ўзбекистон” университети ташкил этилди. Ушбу университет мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари учун намуна бўлади. Энг билимли ва истеъдодли ёшларимиз шу ерда ўқийди.

Биз узлуксиз миллий таълим-тарбия тизимининг барча боскичларини уйғун ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Охирги тўрт йилда болаларимизни мактабгача таълим билан камраб олиш даражаси илгариги 27,7 фоиздан 2 баробар ортиб, 60 фоизга етгани, боғчалар сони эса 3 марта кўпайиб, 14 мингдан ошгани ана шундай ислохотларимиз натижасидир.

Ҳозирги вақтда юртимизда “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган ғоя асосида мактаб таълими тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида ва ҳудудларимизда Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар сони кўпайиб бормоқда.

“Беш муҳим ташаббус” дастури, “Баркамол авлод” марказлари доирасида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун бу йилнинг ўзида 36 мингга кўшимча тўғарак ташкил этилиб, 874 мингга яқин бола уларга жалб этилди. Шунингдек, таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига қарийб 100 мингга санъат ва спорт инвентарлари, компьютерлар, 600 мингга яқин китоб етказиб берилди.



Айниқса, навкирон ўғил-қизларимизнинг тадбиркорлик соҳасидаги ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш, уларни иш ва даромад манбаи билан таъминлашга давлат миқёсида катта аҳамият берилмоқда. Ана шундай эътибор туфайли сўнгги тўрт йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, 500 мингдан ошгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу соҳа ривожига муҳим роль ўйнамоқда. Бу йилнинг ўзида 92 мингдан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилгани бундай ёшларимиз сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Маҳаллаларда ташкил этилаётган касб-ҳунарга ўқитиш курсларида минглаб ўғил-қизларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларни эгалламоқда.

Бу йилдан бошлаб, ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, қишлоқларда ёшларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратиш бошланди. Натижада қишлоқда яшаётган 230 мингдан ортиқ ёшга 61 минг гектар ер майдони ажратиб берилди. Шунингдек, ғалладан бўшаган ерлардан яна 75 минг гектари 170 минг нафар ёшларга такрорий экинлар экиш учун ажратилди.

Ёшлар ўртасида камбағалликни камайтириш, уларни ўзини ўзи банд қилишга рағбатлантиришда “Ёшлар дафтари”, ёшлар дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларимиз муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу йилнинг 8 ойи мобайнида “Ёшлар дафтари”га киритилган 430 минг нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, “Темир дафтар”даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пуллари тўлаб берилди.

Бу йилдан бошлаб иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ходимлари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ миқдорини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Натижада жорий йилнинг иккинчи ярмида 170 миллиард



сўм, келгуси йилда эса 500 миллиард сўм маблағ 240 минг нафар ёшни ишга қабул қилган тадбиркорлар ихтиёрида қолади.

Талаба ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган янги тизим асосида ётоқхона билан таъминланмаган 62 минг нафар ўғил-қизларимизга ойлик ижара тўловининг 50 фоизи бюджетдан тўлаб берилди.

Албатта, бу борадаги ишларимиз нафақат изчил давом эттирилмоқда, балки янада юқори босқичга кўтарилмоқда. Шу мақсадда 2021 йил 13 июлда қабул қилинган “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон бу фикрни тасдиқлайди.

Мазкур ҳужжатда мамлакатимиз ёшлари учун қўшимча 30 дан ортиқ янги имтиёз ва имкониятлар яратиш кўзда тутилган. Ана шундай имкониятлардан фақат биттаси ҳақида фикр юритмоқчиман. “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг олийгоҳларда таълим олаётган фарзандларининг 2021–2022 ўқув йилидаги контракт пули биринчи ўқув йили учун Давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилади. Бундай имкониятдан юртимиз бўйича 4 мингдан зиёд оилалар фарзандлари фойдаланади. Бунинг учун бюджетдан 29,2 миллиард сўм ажратилади.

Юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши, иш жойи ва уйига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрин топиши, “Меҳрибонлик уйлари”, махсус мактаб-интернатлар ва “Болалар шаҳарчаси”нинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилмоқда.

Айниқса, “Меҳрибонлик уйлари”даги болаларни оилага яқин муҳитда тарбиялаш, билимли, касб-ҳунарли ва маънавиятли, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказиш – ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, “Меҳрибонлик уйлари” ва махсус мактаб-интернатларда таълим-тарбия



самарадорлигини ошириш бўйича янги тизимни жорий этмоқдамиз.

Ана шундай ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўйича янги тизим – “Меҳр дафтари” жорий этилмоқда. Шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби белгиланди. Унга кўра, ўзига бириктирилган уй-жойга эга бўлмаган ва тураржойга муҳтож сифатида ҳисобда турган ана шундай болаларга улар 18 ёшга тўлган йили умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолатларда эса 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилади.

Ўйлайманки, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган бундай ислохотларимиз буюк Алишер Навоий бобомизнинг битта кўнгли ўксик одамни хурсанд қилиш – Каъбани обод этиш билан баробар, деган теран маъноли сўзларига, меҳр-оқибат, саховат ва олижаноблик каби фазилатларни доимо қадрлаб, улуғлаб яшайдиган халқимизнинг орзу-интилишларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Мен юртимизнинг қайси ҳудуди, шаҳар ва қишлоғида бўлмайин, албатта у ердаги ёшлар билан учрашаман. Очик ва самимий суҳбатларда уларнинг соғлиғи, ўқиши, орзу-интилишлари, қишлоғи ёки маҳалласидаги шарт-шароитлар билан қизиқаман.

Биласизми, дунёдаги давлатлар, халқларнинг ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлар, параметрлар кўп. Лекин мен учун шу борадаги энг муҳим мезон – бу ёшларимизнинг бахти, қамолидир.

Янги Ўзбекистоннинг нафаси, суръати ва шиддатини, аввало, азиз ўғил-қизларимизнинг азму шижоати, дадил фикр ва таклифларида, эришаётган дастлабки ютуқларида кўраман.



Якинда 30 июнь – Ёшлар кунда навкирон авлодимиз вакиллари билан яна бир бор учрашиб, уларнинг турли соҳалардаги изланишларини кўриб жуда хурсанд бўлдим.

Ишончим комилки, фарзандлари доимо изланиш ва интилишда бўлган, юксак марраларни кўзлаб, олдинга қараб интиладиган халқ ва давлат ўз олдига қўйган мақсадларга албатта етади. Чунки бундай ҳаракатлар эртага кудратли тўлқинга айланиб, ҳаётимизни бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхши ва обод қилиш, онгу тафаккуримизни юксалтиришга олиб келади.

*Савол. Мамлакатимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқлар ҳақида сўз борганда, хотин-қизларнинг ўқиши, билим олиши, меҳнат қилиши, уларнинг соғлигини сақлаш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенглик бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар биринчи навбатда тилга олинмоқда. Бунинг сабаби нимада?*

**Жавоб.** Бунинг сабаби оддий, албатта. Чунки дунёдаги ҳар қандай халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт ва маданият даражаси, аввало, уларнинг хотин-қизларга бўлган муносабати билан белгиланади.

**Аёл бор экан, оила деган муқаддас кўрғон, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор. Аёлларимиз бахтли бўлса, албатта оиламиз, жамиятимиз ҳам бахтли бўлади.**

**Хотин-қизлар барча соҳа ва тармоқларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, юксак ҳурмат-эҳтиромда яшган мамлакатда албатта тинчлик ва ҳамжиҳатлик, ўсиш ва юксалиш бўлади.**

Шунинг учун ҳам буюк Она тимсоли бўлган аёл зотини халқимиз азал-азалдан улуғлаб, эъзозлайди.

Одамзодга асрлар давомида меҳр туйғусини сингдириб, уни гўзаллик, вафо ва садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келаётган азиз ва мукаррам зот ҳам оналаримиздир.



Бу ҳаётда нимага, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мунис ва меҳрибон оналаримиз туфайлидир. Шунинг учун биз хотин-қизларимиз олдида доимо қарздорлик ҳисси билан яшаймиз. Уларга ҳар қанча меҳр ва эътибор кўрсатсак, арзийди.

Юртимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган муҳтарама оналар, опа-сингилларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида давлат сиёсатини олиб боришда биз айнан ана шундай кадриятларга таянамиз.

Кейинги йилларда бу муҳим масаланинг амалий ижросига қаратилган 24 та ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, Президентнинг 6 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 16 та қарори қабул қилингани опа-сингилларимизга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир.

Ҳурматли аёлларимиз ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида фаол иштирок этиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга бекиёс ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг орасида депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, академиклар, профессорлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Халқ ўқитувчилари, Халқ шоирлари, Халқ артистлари борлигини барчамиз яхши биламиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда Гендер тенгликни таъминлаш бўйича комиссия, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Республика Хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгаши каби тузилмалар опа-сингилларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларни иш ўринлари, уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада аёлларни касб-ҳунарларга қайта ўқитиш марказлари жорий этилгани, арзон уй-жойлар дастури амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар йили оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларнинг



уй-жой бўйича бошланғич бадаллари давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда.

Жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, турли соҳаларда ибратли натижаларга эришаётган, соғлом ва баркамол авлод-ни тарбиялашга муносиб ҳисса кўшаётган опа-сингилларимиз 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами, Мустақиллик куни, турли касб байрамлари муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари, шунингдек, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда.

Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган кизларнинг сони 367 нафарга етгани ҳам ана шундай ишларимиз қаторига киради.

Сухбатимиз бошида айтилганидек, “Аёллар дафтари” тизими асосида хотин-қизлар ўртасида камбағаллик ва ишсизликни тугатиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда.

*Савол. Юртимизда хонадонларимизнинг файзу фаришта-си бўлган кекса авлод вакиллари, муҳтарам фахрийларимизга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Бу борадаги амалий ишларнинг келгуси ривожси ҳақида ҳам фикрингизни бил-моқчи эдик.*

**Жавоб.** Мен ҳар доим бугунги тинч-осойишта, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳақида ўйлаганимда, бундай ёруғ кунларга етиб келишда қанча-қанча авлод вакиллари, ота-боболаримиз тинимсиз меҳнат қилганлари, ўз бошига тушган барча синов ва машаққатларни сабр-матонат билан енгиб ўтганларини чуқур миннатдорлик билан эслайман. Улар ўзлари қийналиб бўлса ҳам бизни шундай тинч ва дориломон кунларга етказганлари – бу ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган улкан жасорат, фидойилик ва қаҳрамонликдир.

Шунинг учун бундай мард ва олижаноб аجدодларимиздан ўтганларининг хотирасини улуғлаб, ҳамиша чуқур ҳурмат-эҳтиром билан ёд этиш, бугун орамизда яшаб келаётган муҳтарам



нуронийларимизни ҳар томонлама ардоқлаш – муқаддас бурчимиздир.

Энг муҳими, бундай савобли ишларимиз ёшларимиз учун ҳам тарбия ва ибрат мактабига айланади.

Албатта, сиз, журналистларга яхши маълум – юртимизда кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мазмунли умр кечириши учун зарур шароитларни яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Хусусан, пенсия ва нафақаларни расмийлаштириш, уларни ўз вақтида тўлаш, турли ижтимоий хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ қийинчилик ва муаммолар бартараф этилди. Жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиб келатган отахон ва онахонларимиз “Нуроний” жамғармаси томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

Кекса авлод вакилларининг саломатлигини асраш, уларга республикамиздаги турли санатория ва дам олиш уйларида имтиёзли йўлланмалар бериш, байрам кунларида уларни алоҳида қутлаб-табриклаш, доимий иззат-ҳурмат кўрсатиш эзгу анъанага айланиб бормоқда.

Такрор айтаман, ўз вақтида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун бағишлаган бундай табаррук инсонлар олдида биз бир умр қарздоримиз. Муҳтарам нуронийларимизнинг ҳаётини янада фойзли қилиш, улар ўзларининг бой тажрибаси, фойдали маслаҳатлари билан ижтимоий ҳаётимизда, айниқса, Янги Ўзбекистон ёшларини тарбиялашда янада фаол иштирок этишлари учун кўшимча имкониятлар яратамиз.

Бу масалаларга алоҳида урғу бериб гапираётганим албатта бежиз эмас. Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида халқимизни рози қилишни ўз олдимизга улуғ мақсад қилиб қўйган эканмиз, буни жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳаётида сезиши, ҳис этиши биз учун ғоят муҳимдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уч авлод вакиллари ўртасида самимий учрашувлар ўтказилаётгани,



уларда мухтарам нуронийларимиз ҳам фаол иштирок этиб, ўзларининг меҳнат ва ҳаёт тажрибаси, бугунги тинч ва ёруғ кунларнинг кадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида билдираётган фикрлари ёшларимиз учун чинакам тарбия мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

**Савол.** *Энг улуғ ва энг азиз айём – Мустақиллик байрагимиз арафасида газетамиз саҳифаларида турли касб эгалари бўлган юрtdошларимизнинг эзгу тилаклари бериб борилмоқда. Сиз Ватанимиз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб мамлакатимизда янги давлат ва жамият қуриш жараёнларида фаол иштирок этиб келган атоқли раҳбар, бугунги кунда эса Янги Ўзбекистонни барпо этиш концепциясининг ташаббускори ва уни амалга ошириш йўлидан бутун халқимизни дадил олдинга бошлаб бораётган миллий етакчи, Президент сифатида ушбу байрам муносабати билан халқимизга қандай тилаклар билдирган бўлардингиз?*

**Жавоб.** Албатта, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан биз барча соҳа ва тармоқлар бўйича тараққиётимиз якунларини чуқур сарҳисоб қилиб, келгуси режаларимизни янада аниқ белгилаб оламиз. Айниқса, юртимиздаги ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг янада эркин ва фаровон яшашига эришиш биз учун бундан буён ҳам бош мақсад бўлиб қолади.

Мен учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги фаолиятимнинг маъно-мазмунини ташкил этадиган энг улуғ мақсад – халқимизнинг тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида сидқидилдан фидокорона хизмат қилишдан иборатдир.

Барчамизга ризқ-насиба берган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган эл-юртимиз олдида биз ҳаминша қарздормиз. Азиз ва ардоқли халқимизнинг розилигига эришиш – биз учун



энг буюк саодатдир. Чунки халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам рози бўлади.

Неча-неча аждодларимиз орзу-ният қилиб ўтган мана шундай буюк ишларни амалга ошириш бугун бизга насиб этган экан, бу ўзлигини англаган ҳар бир ватандошимиз учун чинакам бахт ва шараф эмасми?

Ишончим комил, биз жонажон Ватанимизга бўлган чексиз меҳримиз ва садоқатимизни муқаддас байроқ қилиб, бор билим ва тажрибамиз, ақл-заковатимизни ишга солиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадларимизга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади.

Мен бунга нафақат ишонаман, балки шу йўлда бор билим ва тажрибамни, куч-ғайратимни сафарбар этишга ҳамиша тайёрман. Барча юртдошларимизни ана шундай улуғ сафда – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қаторида бўлишга даъват этаман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, кўпмиллатли халқимизни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Ҳар бир хонадон, ҳар бир ватандошимизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахту саодат доимо ёр бўлишини тилайман.

*“Янги Ўзбекистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар*

*2021 йил 17 август*



---

## ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ ВА ЯНАДА КЕНГ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗДИР

Ҳурматли тадбиркорлар ва учрашувимиз иштирокчилари!

Авваламбор, бугун барчангизни соғ-саломат ва кўтаринки кайфиятда кўриб турганимдан беҳад хурсандман.

Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда сизлар иқтисодиётимиз ва ислохотларимиз таянчига ҳамда локомотивига айландингиз, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Сиз каби ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон юртдошларимиз тимсолида биз том маънодаги янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўрамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилаётгани унинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боисдан ҳам агар биз иқтисодиётимизни, ижтимоий соҳани янада юксалтирамиз десак, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришимиз зарур.

Албатта, кейинги 3–4 йилда тадбиркор учун кредит ва субсидия олиш, лицензия, кўчмас мулк ва ресурсларга эга бўлиш, экспорт каби масалаларда кўплаб янги имконият ва шароитларни яратдик. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича мавжуд чекловлар, тўсиқ ва ғовларнинг аксариятига барҳам берилди.



Энг асосийси, эл-юртимиз ўртасида ва давлат идораларида тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди, жамиятда уларнинг обрўси ва мавқеи кун сайин тобора ортиб бормокда. Натижада ички ва ташқи бозорда ўз мустақкам ўрнига, нуфузи ва брендига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорларимиз синфи шакллана бошлади.

Масалан, биргина Наманган вилоятида – “Chust Textile” (ака-ука Исматуллаевлар), “Art Soft Holding” (ака-ука Бобохоновлар), Тошкент шаҳрида – “Techno export” (Шерзод Қосимов), Тошкент вилоятида – “New Way Industries” (Сардор Аббосхонов), Самарқандда – “Oxalik Oltin Bog‘i Mevasi” (Олим Солиев) каби корхоналар ўз фаолиятини “ноль”дан бошлаб, ҳозирги кунда 10–15 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилмокда. Айни пайтда уларнинг ҳар бири минглаб иш ўринларини яратиб, нуфузли йирик компанияларга айлангани диққатга сазовордир.

Таъкидлаш керакки, бундай юқори самарали фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳар бир ҳудудда кўплаб топилади. Мисол учун, Андижонда – “Dinar tekstil” (Ҳадиятилло Тиллабоев), Қашқадарёда – “Bunyodkor” (Ғолиб Эркулов), Сирдарёда – “Sirdaryo mega lyuks” (Муҳиддин Норматов), Фарғонада – “Fergana global textile” (Мўминжон Разақов), Хоразмда – “Xorazm tex” (Алишер Собиров), Жиззахда – “Sangzor tekstil” (Отабек Хўжаметов), Бухорода – “Parvoz xumo ravnaq trans” (Шермуҳаммад Очилов), Сурхондарёда – “Indenim klaster” (Шерзод Шоймардонов), Навоийда – “Baht-Textile” (Бахриддин Мўминов) каби корхоналар қиска муддатда ишлаб чиқариш, экспорт ва иш ўринларини 10–15 баробар оширишга эришганини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман.

Камол Абдуллаев, Қутлимурат Панаев, Муртазо Раҳматов, Улуғбек Сотиболдиев, Улуғбек Тўхтабоев, Мурод Ёкубов, Зафар Ҳошимов, Шавкат Жамолов, Мурод Назаров, ака-ука Мамасайдовлар, Фаррух Фузаилов, Бахтиёр Азизхўжаев, Фарход Мама-



жанов, Бекзод Маматкулов, Бахтиёр Умаров каби нуфузли тадбиркорларимиз эса ўз бизнесларини бутун мамлакат микёсида кенгайтириб бормоқда.

Хурматли тадбир иштирокчилари!

Мен бугун ушбу залда ва жойлардаги студияларда катнашаётган юзлаб тадбиркор ёшлар ва опа-сингилларимизни кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Биз кейинги икки йилнинг ўзида фақатгина хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга 500 миллион доллар маблағ йўналтирдик. Улар ўз бизнесини бошлаши, жумладан, касб ва тадбиркорликни пухта ўрганиши учун барча шароитлар яратилди.

Намангандан Анна Добрих, марғилонлик Наргиза Аминова, хоразмлик Шахло Йўлдошева, Тошкент шахридан Мунира Қориева, Мадина Аюпова, Тошкент вилоятдан Наргиза Бекмуродова, сурхондарёлик Муҳаббат Қаюмова каби юзлаб аёлларимиз бугунги кунда эл-юртимизга танилган тадбиркорга айландилар.

Сўнгги 5 йилда мамлакатимизда ёш тадбиркорлар 5 баробар кўпайиб, уларнинг сони 500 мингдан ошди.

Тадбиркор аёллар ва ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам иктисодий сиёсатимизнинг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Қадрли тадбиркор дўстларим!

Биз доимо изланиб, янгиликка интилиб яшайдиган тадбиркорларимизни, ўз ишига фидойи ва жонкуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадрлаймиз.

Айниқса, мураккаб пандемия давридаги синов ва кийинчиликлар пайтида ҳам халқимизга мададкор бўлиб, ўз бизнесини нафақат сақлаб қолган, балки янги иш ўринларини яратиб, муҳтожларга кўмак бераётган ҳамда ишлаб чиқариш ва экспортни оширган тадбиркор дўстларимга бугун чин қалбимдан раҳматлар айтаман.



Ана шундай фаол ва фидойи тадбиркорларнинг 100 нафарига, чуқур миннатдорчилик рамзи сифатида, биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан миннатдорчилик хатини имзоладим.

Ана шу тадбиркорларимизнинг 50 нафари шу залда, яна 50 нафари эса ҳудудий студияларда қатнашмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, шундай эътирофга сазовор бўлган фидойи, ватанпарвар, саховатпеша ва ғайрат-шижоатли тадбиркор ва ишбилармонларга яна бир бор чуқур ташаккур билдираман ва сизларнинг сафингиз бутун мамлакатимиз бўйлаб кун сайин кенгайиб боришига астойдил ишонаман.

Азиз юртдошлар!

Бугун илк бор мутлақо янгича форматда – очик мулоқот шаклида сизлар билан юзма-юз учрашиб, бизнес соҳасидаги муаммо ва масалалар ҳақида батафсил гаплашиб олишга қарор қилдик.

Хабарингиз бор, камбағалликни қисқартириш, маҳаллабай ишлаб, жойларда “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, ишсизликни камайтириш, аҳоли даромадларини ошириш бўйича катта марраларни белгилаб олганмиз. Бу борада давлат идоралари ва хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар тадбиркорлар билан ҳар кун яқин ҳамкорликда ишлаб, уларга амалий ёрдам кўрсатиши шарт.

Бугунги мулоқотга тайёргарлик жараёнида кўплаб савол ва таклифлар тушгани сабабли мурожаатларнинг қабул муддатини 1 августдан 10 августга қадар, яъни 10 кунга узайтиришга мажбур бўлдик. Тадбиркорлардан 15 мингдан ортиқ савол, таклиф ва ташаббуслар келиб тушди ва шу кунгача жойларда уларнинг кўпчилиги ҳал этилди.

Айниқса, Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ишлар тизимли ташкил қилиниб, тадбиркорларимизнинг 90 фоиз муаммолари қисқа фурсатларда ҳал қилиб берилгани, албатта, қувонарли ҳол.



Қаерда муҳит яхши бўлса, ҳудуд ва тармок раҳбарлари Президент талабини тўғри тушунган бўлса, ўша ерда иш услуби, тадбиркорларга муносабат ўзгарган. Аксинча, тадбиркорнинг дарди билан яшамаган, улар кўтарган муаммоларнинг ичига кирмасдан, кўмак бермаган раҳбарлар фаолиятига эса халқимизнинг ўзи баҳо беради ва бундай раҳбарларга бизнинг сафимизда ўрин йўқ ва келажакда ҳам шундай бўлади.

Бир нарсани барчамиз аниқ тушуниб олишимиз лозим. Тадбиркорларимизнинг ушбу мурожаатлари – амалдаги ислохотларимиз кўзгусидир. Шу боис ҳар бир вазирлик ва идора раҳбари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари келиб тушган мурожаатларни ўзларининг фаолиятига берилган баҳо, деб билишлари, бундан тўғри хулоса чиқариб, мазкур йўналишда кескин ўзгаришлар қилишлари зарур ва шарт.

Ташаббус кўрсата олмайдиган, янги-янги ғояларни кўтариб чиқишга, ўзгариш қилишга интилиши бўлмаган раҳбарларга нисбатан талаб ва чоралар жуда каттик бўлади.

**Ҳурматли бизнес вакиллари!**

Мен сизлар томонингиздан кўтарилган масалалар билан атрофлича танишиб чиқдим. Шу боис сизларни кийнаётган барча муаммо ва саволлардан тўла хабардорман.

Бугунги кунга қадар энг долзарб муаммоларни тизимлаштириб, уларни ҳал этишга қаратилган 7 та муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик. Бугун сизлар билан биргаликда уларни батафсил муҳокама қилиб олмоқчимиз.

**Биринчи йўналиш.** Сизлардан келиб тушган мурожаатларнинг 40 фоизи бизнесни молиялаштириш ва молия-кредит масалалари билан боғлиқ. Ушбу мурожаатларнинг асосий қисмида кредит ставкаларининг юқорилиги ва кўплаб кредитларнинг қисқа муддатга, тадбиркор учун ноқулай шартларда берилаётгани қайд этилган.

Масалан, Ургутда электр техникаси маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган “Sam Elektro Servis” корхонаси икки ярим милли-



ард сўм кредитни 3 йил муддатга олгани, корхона фойда билан ишлаши учун эса унга камида 5 йил муддат кераклигини таъкидлаган.

Ҳақиқатан ҳам, тан олиб айтишимиз керак, тадбиркорларга бугунги кунда берилаётган аксарият кредитларнинг муддати 3 йилдан ошмайди.

Шунингдек, банклар томонидан 18 мингга яқин тадбиркорга йиллик 8–10 фоизда хорижий валютада берилган кредит, валюта курсининг мунтазам ўсиши ҳисобидан, кўшимча харажатларни юзага келтирмоқда. Бу ҳақда мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушгани ҳам ушбу масалалар тадбиркорликни ривожлантириш йўлида оғир юк, тўсиқ бўлиб турганини кўрсатмоқда. Шу боис тижорат банкларининг узок муддатли ресурс базаси ва кредитларнинг мақбул фоиз ставкаларини шакллантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришимиз талаб этилади.

**Биринчидан**, банкларнинг капиталини ошириш бўйича кўшимча имкониятлар ишга солинади. Бунинг учун келгуси йилда банкларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бозор тамоийиллари бўйича кўшимча 600 миллион доллар ажратилади. Бу маблағлар танлов асосида, ҳам давлат, ҳам хусусий банкларга жойлаштирилади.

Қайси банк энг яхши бизнес режа, қайтими юқори ва энг кўп иш ўрни яратадиган лойиҳаларни тақдим этса, ушбу маблағлар ана шу банкларга ажратилади.

**Иккинчидан**, юқорида қайд этилган маблағларни жалб этмоқчи бўлган банкнинг ўзи ҳам ташқи ва ички молия бозорларидан камида 30 фоиз кўшимча ресурслар жалб қилади. Жумладан, банклар томонидан келгуси йили халқаро молия бозорларида миллий валютада 5 триллион сўмлик евробондлар чиқарилади.

Шунингдек, Ўзбекистон бозорида ишлашга тайёр, замонавий технологияларга эга бўлган йирик хорижий банкларнинг юрти-мизга кириб келиши учун кенг имкониятлар яратамиз. Бу ҳам,



ўз навбатида, тадбиркорларимиз учун кулай шароитлар тақдим этади ва банк тизимида биз учун ниҳоятда керак бўлган соғлом рақобат пайдо бўлади.

Бугунги йиғилишда қатнашаётган ҳар бир банк раҳбари “тобора кучайиб бораётган рақобатга муносиб бўлиш ҳамда тадбиркорларни рози қилиш учун нимани ўзгартиришим керак”, деган саволни ўзига бериши ва жиддий хулоса қилиши лозим.

**Учинчидан**, банклар четдан ресурсни қандай валютада жалб этишидан қатъи назар, тадбиркорларга кредитни миллий валюта – сўмда ва бизнес вакиллари учун мақбул фоизларда бериш тизими йўлга қўйилади.

Хорижий валютада кредит олган ва бугун қийин аҳволга тушиб қолган юзлаб тадбиркорларимиз ушбу масалани ўз мурожаатларида кўтарганлар. Шу боис Молия вазирлиги ҳузурида Валюта хатарларини бошқариш компанияси ва ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилади. Ушбу компания банклар томонидан чет эл валютасида жалб қилинаётган маблағларни сўмга ўтказиб, кредитни ички бозорда фақат миллий валютада бериш учун зарур шароит яратади.

Лўнда қилиб айтганда, бундан буён доллар ёки евро курсининг ошиши тадбиркор учун қўшимча муаммо ёки ортиқча харажатларни юзага келтирмайди. Мазкур компания барча ҳудуд ва тармоқлар билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

**Тўртинчидан**, бундан буён Ҳукумат томонидан халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинаётган имтиёзли маблағлар ҳисобидан банкларга бериладиган кредитларнинг муддатини чеклаш амалиёти бекор қилинади.

Ушбу масала ечимига Бош вазир ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоров, молия вазири Т. Ишметов, Марказий банк раиси М. Нурмуродов шахсан масъул бўлади.

**Бешинчидан**, жорий йил 1 октябрдан бошлаб илгари 1 миллион долларгача хорижий валютада олинган 6 мингга яқин тад-



биркорнинг жами 1 миллиард долларга якин кредитлари, тадбиркор ва тижорат банклари ўртасидаги келишувга асосан миллий валютага ўтказиб берилади.

Умуман, юқорида таклиф этилаётган механизмлар ҳисобидан тижорат банкларида ҳар йили ўртача 30—40 триллион сўмлик миллий валютадаги узоқ муддатли қўшимча ресурслар шаклланади. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар миллий валютадаги кредитларни узоқ муддатга ва ҳозирги ставкалардан камида 5 фоиз арзон олиш имкониятига эга бўладилар.

Ўйлайманки, бундай янги имкониятлар мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожига кучли туртки беради.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Мен яхши тушунаман, ҳамма арзон кредит олишни хоҳлайди. Лекин кредит бўйича фоиз ставкаларини сунъий пасайтирсак, пул-кредит бозоридаги мувозанат бузилади. Шунинг учун иктисодиётга арзон кредит берамиз деб, макроиктисодий барқарорликни унутиб қўймаслигимиз лозим. Барқарорлик бўлмаса, иктисодий ўсиш бўйича кўзлаган мақсадларимизга эриша olmayмиз.

Бу борада фоиз ставкаларига бевосита таъсир этадиган инфляцияни, яна такрор айтаман, инфляцияни пасайтириш ҳамда банк орқали кредитлаш жараёнини тўлиқ бозор механизмларига ўтказишга қаратилган ишларни изчил давом эттирамиз.

Замонавий бозор тамойилларида ишлаш учун худудларда банклар лойиҳа фабрикалари ва тадбиркорликка ўқитиш марказларини ташкил этиб, хорижий мутахассисларни жалб қилмоқда. Ушбу марказлар тадбиркорларга, айникса, ёшларга ўз ғояларини амалиётга татбиқ этиш, бизнес режаларни ишлаб чиқиш, маблағлар жалб қилишга ёрдамлашади ҳамда уларга бизнес жараёнининг барча занжирида кўмакдош бўлади.

Умуман, инфляция даражасини жорий йилда 10 фоизга, келгуси икки йилда 5 фоизга туширишни режа қилганмиз. Бу эса



табий равишда кредит ставкаларини ҳам макбул даражага тушириш ва муддатини узайтириш имконини беради.

Олтинчидан, ислохотларимиз учун ўта муҳим бўлган онлайн тадбиркорлик йўналишида ҳам 2 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Энди бу янги тизимда одамларимиз тадбиркорлик учун кредит оламан деб ҳокимиятга, банкка ёки бошқа идорага бориб юрмайди, асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун таъминотчини қаердан топаман деб, бош котиришга зарурат қолмайди.

Кредитни расмийлаштиришдан тортиб, маҳсулотни олиш ва сотишгача бўлган барча жараёнлар электрон тарзда, онлайн шаклида ҳал этилади. Ўз навбатида, ушбу платформа таъминотчи корхоналар учун ҳам камида 10 триллион сўмлик бозор яратади. Яъни таъминотчилар учун ўзлари ишлаб чиқарган асбоб-ускуналар, хомашё ва тайёр маҳсулотларни тўғридан-тўғри сотиш имконияти яратилади.

Иқтисодий комплекс раҳбарлари – Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров, Марказий банк раиси М. Нурмуродов, тижорат банклари уч ой муддатда жойларда тадбиркор ва аҳолимизга ушбу қулайликларни атрофлича тушунтириб, ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни ташкил этишлари зарур. Бу борада ишни маҳаллабай ташкил этиш бўйича Андижон тажрибасини бутун мамлакат бўйлаб кенг қўллаш лозим бўлади.

Еттинчидан, кўплаб мурожаатларда бизнесни молиялаштириш манбаларини янада кўпайтириш мақсадида банкдан ташқари кредит ташкилотларини очиш ва юритишга бўлган мавжуд талабларни камайтириш ва енгиллаштириш сўралган. Бу масала Андижондан “Almaz Finans” корхонаси раҳбари Олимжон Охуннов ва Жиззахдан “Diamond-N Trade Capital” корхонаси раҳбари Шерзод Соатовнинг мурожаатларида ҳам кўтарилган.

Бу таклифлар бизга жуда маъқул. Шунинг учун жорий йил 1 октябрдан микромолия ташкилотларини лицензиялаш тар-



тиби тўлик бекор қилинади. Энди улар ўз фаолиятини бошлаши учун фақатгина Марказий банк реестрига киришлари кифоя.

Шунингдек, бундан буён уларга касса учун хоналар ташкил этиш, ҳудудларда филиаллар очишда Марказий банкнинг розилигини олиш шарт бўлмайди. Улар томонидан тадбиркорларга бериладиган микрокредит (300 миллион сўм) ва микролизинг (600 миллион сўм) учун амалдаги чекловлар ҳам олиб ташланади.

Шу билан бирга, микромолия ташкилотларига бошқа ташкилотлардан маблағлар жалб этиш, облигациялар чиқариш ҳуқуқлари ҳам берилади. Шунингдек, ушбу ташкилотлар, худди банклар каби тўловларни қабул қилиш ваколатига ҳам эга бўлади.

Умуман, ушбу янги имкониятлар ҳисобидан ҳам кредит бозорида тадбиркорларимиз учун йилига қўшимча 10 триллион сўм маблағ шаклланади.

**Иккинчи йўналиш** – солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юқини имкон қадар камайтиришга оид.

Маълумки, сўнгги уч йилда солиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқарди.

Кўпчиликнинг эсидан чиққан бўлиши мумкин, яқингача Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига бизнес учун оғир юк бўлган 3,2 фоизли йиғимлар тўланар эди. Ушбу йиғимлар корхоналарнинг фойдасидан қатъи назар, оборотдан олиниб, уларнинг миқдори корхоналарнинг камида 20–25 фоиз фойдасига тенг бўлган.

Бюджетдан ташқари жамғармаларга мазкур йиғимларни бекор қилиш ҳисобидан 7 мингга яқин корхоналар ҳар йили ўртача 6 триллион сўм солиқ тўлашдан озод бўлди. Масалан, биргина “Andijonkabel” корхонаси ихтиёрида 11 миллиард сўм, “Lactalis Agro” кўшма корхонасида эса 3 миллиард сўм маблағ қоладиган бўлди.



Мол-мулк, даромад солиғи ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробар камайтирилди.

Аник мисоллар билан гапирадиган бўлсак, транспорт соҳа-сида солиқ юки – 3 баробар, озиқ-овқат саноатида – 2 баробар, тўқимачилик ва электр техникаси саноатида эса 20 фоизгача камайди.

Айниқса, пандемия даврида харажатларимиз кескин ошганига қарамадан, кўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди, кўпроқ зарар кўрган тармоқларга ижтимоий солиқ 12 фоиздан 1 фоизга пасайтирилиб, мол-мулк ва ер солиқлари тўловларидан буткул воз кечилди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлар ихтиёрида қолган 2 триллион сўм маблағни бизнес фаолиятига сарфлаш имконини берди. Лекин солиқ ставкалари ва солиқ маъмурчилиги бўйича тадбиркорлар томонидан кўтарилаётган ҳақли саволлар ҳали жуда кўп.

**Биринчидан,** ўтган йили янги Солиқ кодекси амалга киритилганидан кейин 23 та махсус иқтисодий зона иштирокчилари аввалги имтиёзларимиз сақланиб қоладими ёки йўқми, деб безовта бўлмоқда. Ушбу масалада махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган Сирдарёдан – “АWP” кўшма корхонаси (*Комил Мирзаев*), Тошкент вилоятидаги – “Steel Pipe Company” (*Азизхон Ҳафизхонов*) каби 70 дан зиёд корхона вакиллари мурожаат қилган.

Бу борада бир фикрни аник қилиб айтмоқчиман: 2020 йил февраль ойида “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун қабул қилингунга қадар иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга берилган имтиёзлар сақлаб қолинади. Бунга қонун билан қафолат берилган. Жумладан, ушбу тадбиркорлар инвестиция миқдоридан келиб чиқиб, мол-мулк, ер ва сув солиқларидан 10 йилгача озод қилинган эди.

Энди ушбу имтиёзларга фойда солиғи ҳам қўшилади ва корхоналар ихтиёрида йилига қарийб 300 миллиард сўм маблағ қолади. Масалан, “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасидаги “Тетиг



Med Farm” корхонаси ўтган 6 ойда 4 миллиард сўм фойда солиғи тўлаган бўлса, иккинчи ярим йилликда эса камида шунча маблағ унинг ўзида қолади.

Шунингдек, ички бозорда тенг ракобат бўлиши учун экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга олиб келинган хомашё импорт божидан озод этилади. Мисол учун, “Жиззах” эркин иктисодий зонасида жойлашган “Jizzax Toshtera Textile” корхонаси маҳсулотини тўлиқ экспортга сотади. Бу имтиёз эвазига ушбу корхона олиб келган 1 миллион долларлик хомашё ва яримтайёр маҳсулотга 2,2 миллиард сўмлик божхона имтиёзи берилади.

Айни пайтда бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Биз кўшилган қиймат солиғининг узлуксиз занжирини яратиш бўйича катта ислохотларни олиб боряпмиз. Шу боис махсус иктисодий зоналар иштирокчиларига кўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисмини 7 кун ичида қайтариб бериш тартиби жорий қилинади. Бундай тартиб тадбиркорларга бир йилда ўртача 350 миллиард сўм кўшилган қиймат солиғини қисқа муддатда қайтариб олиш ва айланма маблағларини кўпайтириш имкониятини беради.

Бундан ташқари, четдан олиб келинган товарлар учун кўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорларга фоиз ҳисобланмайди ва гаров талаб этилмайди.

**Иккинчидан**, мамлакатимизда қурилиш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Маҳсулот таннархини камайтириш бўйича Тошкент шаҳридаги “Shah-Polan M”, Фарғонадаги “Farg‘ona Yasin Qurilish Mollari” каби 50 дан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналардан таклифлар келиб тушган. Масалан, ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ цементнинг таннархида – 14 фоиз, асфальтда – 10 фоиз, кум-шағал аралашмасида – 7 фоизни ташкил этади.

Шу боис норуда қазилмаларга (кум-шағал, оҳактош, гипс, доломит каби) ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ ставка-



си 2 баробар камайтирилади. Бунинг ҳисобидан 1,5 мингга яқин корхоналар ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм маблағ қолади. Масалан, “Huaxin Cement Jizzakh” кўшма корхонаси ўз ихтиёрида қолган 27 миллиард сўм маблағни ўз фаолиятини янада кенгайтиришга сарфлаши мумкин бўлади.

**Учинчидан,** биз хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Қисқа муддатда янги иш ўринларини яратадиган соҳалардан бири ҳам сервис соҳаси ҳисобланади.

Мана, пандемия ҳануз давом этяпти ва бу хизматлар соҳаси, айникса, умумий овқатланиш ва туризм корхоналари учун қанчалик оғир бўлаётганини барчамиз кўриб турибмиз, албатта.

Бу борада умумий овқатланиш ва туризм корхоналаридан ўтган йили берилган имтиёзларни узайтириш бўйича 300 дан ортиқ муурожаатлар келиб тушган. Шу боис жами 13 мингга умумий овқатланиш корхонасини йил якунига қадар ер ва мулк солиғидан озод қиламиз. Бу имконият уларга 30 миллиард сўм қўшимча кўмак деганидир. Уларнинг бошқа солиқлардан мавжуд 35 миллиард сўм қарзлари бўйича тўлов муддатлари жорий йил якунигача узайтирилади, кредитларини қайтариш ҳам кечиктирилади.

Шу билан бирга, туризм компаниялари ва меҳмонхоналарни туристик йиғимлардан 2 йил муддатга озод қилсак, нима дейсизлар? Бу – ҳозирги қийин шароитда тушуми камайиб кетган 2 минг нафар тадбиркор ихтиёрида 150 миллиард сўм қолади, дегани.

**Тўртинчидан,** бугунги кунда 5 мингга яқин тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо операциялари бўйича дебитор қарздорлиги мавжуд.

Пандемия сабабли ушбу тадбиркорларга жарима солиш ва ҳозирги пайтгача қўлланган 6 триллион сўмлик жарималарни ундириш жорий йил якунига қадар тўхтатилади.



**Бешинчидан,** солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, солиқ идораларининг назорат функцияларини такомиллаштириш юзасидан жиддий чораларни амалга оширишимиз зарур.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб солиқ идоралари ўз электрон дастурлари орқали бизнес субъектларига ҳисоботларини шакллантириш хизматини йўлга қўяди.

Ҳозирги вақтда 228 мингта кичик тадбиркорларда бухгалтер йўқ. Оқибатда солиқ ҳисоботларини камчиликлар билан топширган 32 мингга яқин тадбиркорга молиявий жарима солинган.

Ҳисоботларни кечиктириб топшириш билан боғлиқ молиявий санкцияларни қўллаш тартиби эса тўлиқ бекор қилинади.

Шунингдек, солиқ идоралари қўллаётган айрим жарималар сони ва миқдорининг ортгани мени хавотирга солмоқда. Ўтган йили камерал назорати натижасида 336 та корхонага 51 миллиард сўм молиявий жарима қўлланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида 3 мингдан зиёд тадбиркорларга 900 миллиард сўмдан ортиқ жарима белгиланган.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров, молия вазири Т. Ишметов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Қудбиев, адлия вазири Р. Давлетов, Бизнес-омбудсман Д. Қосимов бир ой муддатда солиқ идораларининг камерал назорати натижасига кўра молиявий жарима қўллаш амалиётини бекор қилиш бўйича таклиф киритсин.

**Олтинчидан,** амалдаги тартибга биноан, тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобот топшириш билан бирга, ундаги фарқни қайтариш учун солиқ идораларига алоҳида мурожаат қилишга мажбур. Бу – 14 минг тадбиркорнинг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиб, улар учун қўшимча вақт, ортиқча сарсонгарчилик, дегани.

Молия вазири Т. Ишметов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Қудбиев бу масалани чуқур ўрганиб, келгуси йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини қўшимча ҳужжатсиз қайтариш тартибининг амалиётга жорий этсин.



**Еттинчидан,** “SAG Agro” корхонаси раҳбари Камол Абдуллаев ва бошка 200 дан ортик тадбиркорлар солиқ ва божхона идораларига тўланган қўшилган қиймат солиғини “зачёт”га олиш, яъни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш имкониятини сўраган.

“SAG Agro” корхонасининг солиқ базасида 700 миллион сўм ортикча тўлови бўлатуриб, божхонада 1,4 миллиард сўм тўлашга мажбур бўлган. Шунинг учун келгуси йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишда солиқ ва божхона идораларининг электрон базалари ўзаро боғланади. Яъни солиқ идораларида қўшилган қиймат солиғи бўйича мавжуд ортикча тўловлар божхона тўловларини амалга ошираётганда ҳам инобатга олинди. Ушбу енгилликдан 10 мингдан зиёд тадбиркор фойдаланиши мумкин бўлади.

**Учинчи йўналиш.** Тадбиркорларни энг кўп қийнаётган муаммолардан яна бири – ер ажратиш масаласи бўйича 4 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган.

Жорий йилда ушбу йўналишда катта ислоҳотларни бошладик. Бу борада Олий Мажлис палаталари томонидан маъқулланган қонунни куни кеча имзоладим. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг янги тарихида ислоҳотлар йўлидаги энг катта қадамлардан бири бўлди, деб ҳеч бир муболағасиз айта оламиз. Мана шу ислоҳотларнинг маъно-мазмунини тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари ҳам, тадбиркорлар ҳам, аҳолимиз ҳам яхши тушуниб олишлари зарур.

**Биринчидан,** ерларни иқтисодий оборотга киритиш, уларни олди-сотди ва гаров объектига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

**Иккинчидан,** биз барча ерларни икки тоифага, яъни қишлоқ хўжалиги ерлари ва қишлоқ хўжалигига қирмайдиган ерларга ажратдик.

Қишлоқ хўжалиги ерлари – бизнинг бебаҳо миллий бойлигимиз, бу – озиқ-овқат хавфсизлигининг асоси, оддий қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаёти, дегани. Шунинг учун ушбу ерлар



очик танлов асосида фақат ижарага берилади. Танлов – ҳар бир ер участкаси бўйича “бу ерни олишга ким энг кўп ҳақли?” деган саволга адолатли жавоб топиш учун ўтказилади.

Бу танловда барча – деҳқон ҳам, фермер ҳам, агрофирма ва кластерлар ҳам тенг шартларда иштирок этади.

**Учинчидан,** қишлоқ хўжалигига кирмайдиган ер майдонлари эса фақат аукцион орқали сотилади.

Биз сўнгги бир ярим йил давомида ерларни аукцион орқали очик-ошкора сотиш бўйича етарли тажриба орттирдик. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда аукционга кўйилган ер майдонлари тадбиркорга маъқул жойлардан эмас, балки олис, чекка ҳудудлардан, инфратузилмаси бўлмаган жойлардан берилган.

Яхши ер майдонлари эса, ҳар хил йўллар билан ҳокимлар қарори асосида тўғридан-тўғри бериб келингани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Бундан буён ер майдонлари фақат ва фақат очик-ошкора аукцион орқали хусусий мулк сифатида сотилади ёки ижарага берилади.

Кўпчиликда “ер хусусий бўлди нима-ю, хусусий бўлмади нима”, деган фикр бўлиши табиий, албатта. Чунки бизда ерга нисбатан хусусий мулкчилик бекор бўлганидан буён 3–4 та авлод алмашди.

Бир нарсани аниқ билиб олиш зарур: хусусийлашгани билан ер майдонлари камайиб ёки кўпайиб қолмайди, лекин унинг бозор қиймати пайдо бўлади. Ери бор одам ҳақиқий мулкдорга, капитал эгасига айланади.

**Тўртинчидан,** кўпчилик тадбиркорларни ўз қорхонаси жойлашган ер майдонининг тақдири эртага нима бўлади, деган саволлар қийнаётгани ҳам бор гап. Ушбу қорхоналарнинг ҳозир эгаллик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида эгаллаб турган ер майдонлари, уларга мулк қилиб расмийлаштириб берилади. Яъни бу ерни бошқа одам сотиб ололмайди, уни хусусий-



лаштиришга факат ер эгасининг ўзи ҳакли бўлади. Бунда ернинг турига қараб, унинг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, ерлар имтиёзли шартлар асосида ушбу корхоналарга хусусийлаштириб берилади.

Бундан кейин тадбиркорлар ердан юкори ликвидли актив ва гаров объекти сифатида фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Ўйлайманки, бундай янгиликлар тадбиркорларимиз узок йиллар кутган тарихий адолатни рўёбга чиқаради.

**Бешинчидан**, бундан буён давлат мулки объектларини улар жойлашган ер билан бирга, ягона мулкий мажмуа сифатида аукцион оркали сотамиз.

Бинони сотиб олган тадбиркорлар унга бириктирилган ерга ҳам хусусий мулк ҳукуки асосида эгалик қилади.

Тасдиқланган дастурга кўшимча равишда йил якунига қадар яна 500 та давлат активлари очик савдога чиқарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли тадбиркорларимизни ушбу савдоларда фаол иштирок этишга чақираман.

**Олтинчидан**, бундан кейин янги ер майдонларини аукционга чиқаришдан олдин ҳар бир ҳудудни ривожлантириш бўйича аник режани тузиб олишимиз зарур.

Кўплаб тараккий топган давлатлар тажрибасини ўрганганимизда, бирорта мамлакатда ер майдонларини режасиз бериб юбориш мумкин эмаслигига гувоҳ бўлдик. Олдин аник ҳудуд танлаб олиниб, унинг “мастер-плани” ишлаб чиқилади.

Қаерда – уй, қаерда – мактаб, қаерда – ишлаб чиқариш бўлиши аник белгиланиб, инфратузилмалар яратиш режаси тузилади. Шундан кейингина ер участкалари аник лойиҳа билан савдога чиқарилади.

Шунинг учун вилоят ҳокимлари кадастр ва архитектура идоралари билан бирга, ушбу тажриба асосида ишларни ташкил этишлари, аник ҳудудни белгилаб, режасини тасдиқлаб, кейин ерларни аукционга қўйишлари лозим.



Шунингдек, ҳар бир вилоятда махсус жамғармалар ташкил этилади ва ер майдонларини сотишдан тушган маблағ тўлиқ туман ва шаҳарлар ихтиёрида қолдирилиб, тадбиркорлар учун инфратузилма яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров, вилоят ҳокимлари ва иқтисодий комплекс билан бирга, жорий йил 1 ноябрга қадар ҳар бир ҳудудда камида мингтадан ер майдонини сотувга чиқарсин. Шунингдек, магистраль йўллар бўйида лойиҳа асосида ҳар бир ҳудуддан камида 200 тадан ер майдони аукционга қўйилади.

**Тўртинчи йўналиш.** Бизнес учун зарур бўлган инфратузилма муаммоларини 3 мингга яқин тадбиркорлар кўтарган.

Масалан, Сирдарёда “Gulistan Gold Yarn” корхонаси (*Шерзод Тошпўлатов*) узок муддатдан бери электр тармоғига улана олмаган. Ваҳоланки, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва ўз ҳисобидан трансформаторгача олиб келган. Унга озгина ёрдам берилса, корхона 600 та янги доимий иш ўрни яратишга тайёр.

Бундай мазмундаги мурожаатлар Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах, Фарғона вилоятларидан кўплаб келиб тушган. Шунинг учун, **биринчидан**, келгуси йил 1 январдан бошлаб, қиймати 200 миллиард сўмга тенг лойиҳалар бўйича электр, табиий газ, сув тармоқлари ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади. Бундай имтиёз, ҳозирги кунгача фақатгина 50 миллион доллардан ошадиган хорижий инвесторлар лойиҳаларига қўлланиб келинмоқда.

**Иккинчидан**, келгуси 2 йилда мамлакатимиз бўйича кўшимча 200 та саноат зонаси ташкил этилади. Уларнинг ҳар бирига камида 15 та корхонани жойлаштириш мўлжалланиб, электр, табиий газ, сув тармоқларига уланиш ва йўл инфратузилмасини яратиш тўлиқ давлатнинг зиммасида бўлади. Ушбу мақсадлар учун келгуси йилда Давлат бюджетидан 2 триллион сўм маблағ ажратилади.



Бош вазир ўринбосарлари Ж. Кўчкоров ва С. Умурзоков, вилоят ҳокимлари билан бирга, шу йил 1 ноябрга қадар саноат зоналарининг жойлашуви ва аниқ лойиҳалар бўйича таклифларини тайёрласин.

Бундай чора-тадбирлар Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги ҳудудий саноатдаги улуши анча паст бўлган айрим туманлар учун жуда катта имконият яратади.

**Учинчидан,** электр энергиясидаги узилишлар кўпчилик тадбиркорларимизни безовта қилаётгани ҳам айна ҳақиқат.

Бу масала бўйича ҳар бир туман, шаҳар ва маҳалла кесимида алоҳида дастурлар амалга оширилмоқда. Масалан, жорий йил 1 ноябргача 4 мингта трансформаторни алмаштириш, 35 та подстанция, 15 минг километр электр тармоқларини янгилаш ишлари якунига етказилади. Бу ишларни амалга ошириш учун жорий йилнинг ўзида илк бор 3 триллион сўм маблағ ажратганмиз. Ҳолбуки, олдинги йилларда бу ишларнинг 10 фоизи ҳам бўлмаган.

Агар таҳлил қилиб кўрсак, сўнгги 5 йилда электр энергияси истеъмолчиси бўлган тадбиркорлар сони 25 фоизга, уларнинг истеъмол ҳажми 30 фоизга ошган. Шу боис электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш мақсадида тарихимизда илк бор бу соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хусусий бизнес кириб келди. Натижада шу йил якунига қадар тўлиқ хусусий инвестициялар ҳисобидан умумий қуввати 1 минг 800 мегаватт бўлган 8 та иссиқлик ва қуёш электр станциялари ишга туширилади.

Энергетика вазирлиги келгуси йилларда бу каби лойиҳаларни кескин кўпайтириб, 2023 йилга қадар электр энергияси бўйича кўшимча ишлаб чиқариш қувватларини 4 минг 400 мегаваттга ошириши шарт.

**Тўртинчидан,** электр тармоқларига уланишдаги жараёнларнинг мураккаблиги, муддатларнинг узоклиги ва харажатларнинг



юқорилиги тадбиркорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Масалан, истеъмолчиларнинг 75 фоизи 20 киловаттгача қувватли электр ишлатадиган кичик цехлар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳисобланади. Лекин уларга ҳам худди йирик корхоналар билан бир хил талаблар қўйилган.

Мисол учун оддий савдо дўконини электр тармоғига улаш учун 4 та босқичдан ўтиш, 7 миллион сўм харажат ва бунга камида бир ой вақт талаб этилади.

Энергетика вазирлиги томонидан келгуси йил бошидан ушбу масалада янги қулай тизим жорий этилади. Бунда электр тармоғига уланиш тўлиқ электрон платформага ўтказилади ва барча жараёнлар бир босқичга туширилади.

Тадбиркорларни электр тармоғига улаш муддати 20 киловаттгача бўлган қувватлар учун – 10 кун, 50 киловаттли қувватлар учун эса 20 кун этиб белгиланади.

Агар электр таъминоти корхонаси ишларни муддатида яқунламаса, улар тадбиркорларга компенсация тўлайди. Бу ишлар Давлат хизматлари марказлари орқали ташкил этилиб, мунтазам назорат қилиб борилади.

Умуман, тадбиркорларни керакли ҳажмда энергия ресурслари билан таъминлаш масъулияти ва жавобгарлиги Энергетика вазирлиги зиммасига юкланишини қонун билан мустаҳкамлаб қўямиз.

**Бешинчи йўналиш.** Экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалб этиш борасида ҳам бошлаган ислоҳотларимиз қатъий давом эттирилади.

**Биринчидан,** ўтган йили пандемия даврида тўқимачилик корхоналарига экспортдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тартиби амалда ўз самарасини берди.

Ўтган йили 482 та корхонага қарийб 2 триллион сўм қайтарилган. Бу янгилик ҳам янги тарихимизда биринчи марта бўляпти. Жорий йил 1 октябрдан ушбу тартиб барча тармоқлар-



нинг ҳалол ишлайдиган ва интизомли бошка экспортёрларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Иккинчидан**, кўплаб экспорт қилувчи корхоналарнинг асосий муаммоларидан бири, бу – айланма маблағ етишмаслигидир.

Ушбу масалани 300 дан зиёд тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатларида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун ўтган йили Экспортни кўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, экспорт учун 1 миллион долларгача молиялаштириш механизмлари йўлга қўйилди. Бу тизимдан 200 та корхона унумли фойдаланиб, қўшимча 210 миллион долларлик маҳсулотларини четга экспорт қилди. Энди бу имкониятлар янада кенгайтирилиб, йилига 20 миллион доллардан ортиқ экспорт қилувчи корхоналарга 5 миллион долларгача имтиёзли кредитлар ажратилади.

**Учинчидан**, кўплаб тадбиркорлар юқори сифат ва назорат тизимига эга бўлган мамлакатлардан (Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Жанубий Корея каби) сертификатланган асбоб-ускуна ва хомашёларни олиб келганида, миллий сертификат олиш талаби мавжудлигини эътироз сифатида қайд этишган. Масалан, асбоб-ускуналар ва хомашёга сертификат олишда 2–3 миллион сўм харажат, 5–10 кун муддат талаб этилади.

Шу боис Бош вазир ўринбосари С. Умурзоков бошчилигидаги комиссия бир ой муддатда бундай давлатлар рўйхатини шакллантириб, уларда сертификат берилган асбоб-ускуна ва хомашёларга миллий сертификат олиш амалиётини бекор қилиш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

**Тўртинчидан**, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ҳамда таннархни камайтириш мақсадида божхона божлари 2 баробар пасайтирилганидан барчангиз хабардорсиз.

Шу билан бирга, “Milk Euro Food” (Тошкент вилояти), “SDK Group And” (Андижон), “Wooll Teks Inter” (Тошкент шаҳри) каби корхоналар томонидан ҳозирги кунда олиб келинаётган хомашё импорти учун бож ставкалари тайёр маҳсулотга қараганда



юкори экани кайд этилган. Яъни баъзи турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан кўра, четдан олиб келиш тадбиркорга арзонроқ бўлмоқда.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари С. Умурзоқов бошчилигидаги Ҳукумат комиссияси бир ой муддатда хомашё ва яримтайёр маҳсулотлар учун импорт божи ставкаларини пасайтириш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

**Олтинчи йўналиш.** Маҳсулотларимиз рақобатбардош бўлиши, янги бозорларга чиқиши, умуман, ҳудудлараро савдо ва кооперация алоқаларини боғлашда транспорт-логистика масалалари муҳимлигини сизлар ҳаммадан яхши тушунасизлар.

Бу борада транспорт коридорларини ривожлантириш, юкларни божхона орқали ўтказишни соддалаштириш ва рақамлаштириш, транспорт харажатларини қисман қоплаш тизимини йўлга қўйдик. Бу тизим орқали, йил бошидан буён 3 мингдан зиёд экспортёрларга 200 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилгани туфайли қарийб 800 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Йил якунига қадар ушбу корхоналар томонидан экспорт ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича тизимли ишларни изчил давом эттирамиз.

Бунинг учун, **биринчидан**, юк автомобилларини олиб киришга 2 йил аввал божхона имтиёзлари берганимиз ҳисобидан автотранспортда ташиш хизматлари 2 баробар арзонлашди, юк ҳажми эса 1,5 марта ошди. Лекин бу имтиёз 4 ойдан кейин тугайди. Шу боис 40 дан зиёд тадбиркорлар ушбу божхона имтиёзларини узайтириш бўйича ўз таклифларини билдирган. Айни шунини инобатга олиб, имтиёзларни яна 3 йилга узайтириш бўйича кунини кеча янги қарорни имзоладим.

**Иккинчидан**, “Polvontosh” (Сурхондарё), “Afrosiyob Paraganda” (Самарқанд) корхоналари раҳбарлари ички ва ташқи темир йўл тарифлари ўртасида катта фарқ борлиги, яъни халқаро ташувлар нархи анча юкори эканини билдирганлар.



Шу боис Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги ва Монополияга карши курашиш кўмитаси билан бирга икки ой муддатда темир йўл тарифларини қайта кўриб чиксин. Бунда тадбиркорларга ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган хомашё импорти учун амалдаги тарифлар камида 25 фоиз арзон бўлиши керак.

Шунингдек, Транспорт вазирлиги келгуси йил 1 январдан бошлаб ҳар бир хизматнинг таннархи ва унинг таркибини кенг жамоатчиликка эълон қилиб боради.

Учинчидан, темир йўл соҳасида келгуси 5 йил учун 7 мингдан зиёд юк вагонларига эҳтиёж мавжуд. Бу муаммони давлат томонидан эмас, балки худди электр энергияси ёки цемент ишлаб чиқаришда бўлганидек, фақат ва фақат хусусий секторни жалб этиш орқали ижобий ҳал қилиш мумкин.

Шунинг учун келгуси йилда ўз вағони ва контейнерига эга бўлган хусусий логистика операторлари фаолияти йўлга қўйилади ва тарифлар иккига ажратилади. Бунда давлат томонидан фақатгина темир йўл инфратузилмаси ҳамда локомотив хизматлари тартибга солинади, юк вагонлари хизмати эса бозор тамойиллари асосида ташкил қилинади. Шу сабабли хусусий тадбиркорларга темир йўл вагонларини олиб келишга берилган имтиёзлар 2025 йил 1 январгача узайтирилади.

**Еттинчи йўналиш.** Тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги борасидаги сиёсатни қатъий давом эттирамиз.

Аввало, бугунги кунда, тадбиркорлар учун назарда тутилган субсидиялар олиш жараёни ўта мураккаблигича қолмоқда.

Тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 80 дан ортиқ субсидиялар жорий этилди. Ўтган даврда уларга 2,3 триллион сўм ажратилди. Лекин мактабгача таълим, халқ таълими, муқобил энергетика, балиқчилик, паррандачилик, қорақўлчилик каби 10 дан зиёд соҳаларда субсидиялар ишламаяпти.



Мазкур масала Фарғонадаги “Yulduzchalar ziyosi” хусусий боғчаси раҳбари Зиёда Қосимова томонидан ҳам кўтарилган. Бунга сабаб – ушбу субсидияларни тўлаш тартиби мураккаб ва рақамлашмаган. Тадбиркор субсидияни олиш учун ўртача 5 та ҳужжатни тақдим этиши, 10 та вазирлик ва идорадан хулоса олиши зарур. Бунга камида бир ой кетади.

Бундан ташқари, 60 фоиз чорвадорлар субсидия олиш жараёнини мураккаб деб ҳисоблайди. Шу боис келгуси йил 1 январдан бошлаб субсидияларни ажратиш бўйича мурожаатлар “ягона дарча” тамойили асосида қабул қилинади, бу жараёнда иштирок этадиган давлат идоралари сони 2–3 баробар қисқартирилади.

**Иккинчидан**, ўтган бир йилда тадбиркорлардан талаб қилинадиган 400 дан ортиқ лицензия ёки рухсатномалардан 114 тасини бекор қилдик. Шунингдек, лицензия ва рухсатнома талаб этиладиган 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилди. Ҳозир 30 турдаги лицензия ва рухсатномалар онлайн тарзда берилмоқда.

Келгуси йилдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун барча рухсат этувчи ҳужжатлар онлайн тарзда расмийлаштирилади. Жорий йил якунига қадар лицензия ёки рухсатномалар сони яна камида 30 фоизга қисқартирилади.

**Учинчидан**, Сирдарё вилоятидаги “Wang Da Group” кўшма корхонаси раҳбари Гўзал Тожимирзаева ва металлургия соҳасидаги 30 дан зиёд бошқа тадбиркорларимиз индукцион печлардан фойдаланишга рухсат берилишини сўраганлар. Ушбу мурожаатларни инобатга олиб, шу йил 1 ноябрдан барча техник талабларга тўла жавоб берадиган, замонавий индукцион печлардан фойдаланишга қўйилган чекловлар бекор қилинади. Бунда маҳсулот сифатини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг ягона стандарт ва хавфсизлик талабларига тўла жавоб бериши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

**Тўртинчидан**, тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган ҳар қандай текшириш, мониторинг ва назорат тадбирларида адолат



мезонлари ва қонун устуворлиги таъминланиши шарт. Бунинг учун Савдо-саноат палатасига тадбиркорнинг розилиги билан барча текширишларда иштирок этиш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ваколати берилди.

**Бешинчидан,** бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар бино ва иншоотларнинг бузилиши бўйича 349 нафар тадбиркордан 123 миллиард сўм қарздор.

Барча вилоят ҳокимларини огоҳлантираман: шу йил 1 сентябрга қадар тадбиркорлар билан барча ҳисоб-китоблар якунига етказилиши, бир сўм ҳам қарздорлик қолмаслиги шарт.

**Ҳурматли тадбир иштирокчилари!**

Сизлар билдирган муаммо ва таклифлар бўйича юқорида қайд этилган ташаббус ва ечимлар юзасидан қисқа муддатда тегишли қарорлар қабул қилинади.

Бугун мен сизларнинг ана шу масалаларга оид яна қандай фикр-мулоҳазаларингиз, қўшимча таклиф ва саволларингиз бўлса, эшитиш ва муҳокама қилишга тайёрман.

**Қадрли тадбиркор ва ишбилармонлар!**

Биз яқин йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш бўйича олдимизга катта вазифаларни қўймоқдамиз. Уларни ҳал этишда кўп миллатли халқимиз катори, ҳеч шубҳасиз, мард ва олижаноб тадбиркорларимизга таянамиз.

Албатта, янги Ўзбекистонни қуришдек буюк тарихий жараёнда сиз, ҳурматли тадбиркорлар зиммасида ҳам масъулият ва ислохотларимизга нисбатан дахлдорлик тобора ортиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада қуйидаги масалаларни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

**Биринчидан,** биз ҳозирги кескин рақобат даврида, кичик бизнесга ҳар томонлама шароит яратиш билан бирга ўрта ва йирик бизнесни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Шу мақсадда тадбиркорларимизга бизнесни бошқаришдаги ўз билим ва кўникмаларини ошириши, фаолиятига инновация ва



илғор технологияларни кенг жорий этиши учун барча имкониятларни яратиб беришга тайёрмиз.

**Иккинчидан,** ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, мавжуд қувватлардан янада самарали фойдаланишимиз зарур.

Айниқса, мис ва газ-кимё саноатлари каби, қишлоқ хўжалигининг озик-овқат, мева-сабзавот, балиқчилик, чорвачилик тармоқларида кластер ва кооперация тизимини ривожлантириш бўйича катта имконият ва ресурсларимизни ишга солишимиз керак.

**Учинчидан,** ишлаб чиқаришнинг барча йўналишлари бўйича фаолликни кучайтириш, бунинг учун импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш орқали, экспорт ҳажмини ошириш ва географиясини кенгайтиришимиз лозим.

**Тўртинчидан,** замонавий хизмат турларини кўпайтириш, “IT”, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишларда давлат хизматларини аутсорсинг асосида ташкил этишда ҳам хусусий сектор фаол иштирокчи ва етакчи бўлиши шарт.

**Бешинчидан,** бизнес вакиллари ҳам ўз кадрлари замонавий билим олишлари учун барча имкониятларини ишга солишлари зарур.

Олийгоҳларда ўқитилаётган тадбиркорлик ва бизнесни бошқариш бўйича таълим йўналишлари, ўқув дастурлари ва методологиясини амалиёт билан уйғун бўлган замонавий ёндашувлар асосида чуқур қайта кўриш талаб этилади.

Эл-юртга танилган, тажрибали тадбиркорларимиз мактаб, касб марказлари, олийгоҳларда мотивация ва маҳорат дарслари ўтказиб борсалар, ўзларининг мактабларини, ўқув марказлари ва базаларини ташкил этсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун ака-ука Ҳасан, Ҳусан Мамасаидовлар бу борада ижобий тажрибага эга. Бунинг учун давлат томонидан албатта субсидия ва бошқа енгилликлар берилади. Шунда, санъаткорлар, олим-



лар, спортчи ва шифокорлар ўртасида бўлгани каби, тадбиркорларимиз орасида ҳам янги сулолалар шаклланади.

Мен янги Ўзбекистонда ана шундай кўплаб тадбиркорлар сулолалари пайдо бўлишига албатта ишонаман ва уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга тайёрман.

**Олтинчидан**, ҳалол тадбиркор, интизомли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш долзарб вазифа бўлиб, бу “яширин иктисодиёт”га қарши курашнинг энг мақбул йўлидир.

Жорий йилдан бошлаб, иш ўрни яратишда, инновацияларни татбиқ этишда, солиқларни ўз вақтида тўлашда, экспорт қилишда, етук мутахассислар тайёрлашда барчамизга намуна бўладиган бизнес вакиллари ҳақида ҳар йили “Йилнинг илғор тадбиркорлари” китоби чоп этиб борилади. Бундай тадбиркорларимизни муносиб тақдирлаш ва рағбатлантириш учун алоҳида давлат мукофотларини ҳам таъсис этамиз. Бундан буён тадбиркорларнинг ўз ордени ва медаллари ҳам бўлади.

Азиз ватандошлар, бизнес ҳамжамияти вакиллари!

Ўйлайманки, бугунги очик мулоқотимиз барчамиз учун жуда фойдали бўлди.

Қанчадан-қанча масала ва муаммоларни самарали ҳал этиш бўйича сизлар билан амалий ечимларни топдик. Энг муҳими, ўртаамиздаги ўзаро ишонч ва ҳурмат янада мустаҳкамланди. Сизлар кўтарган долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш бўйича берилган аниқ таклифлардан кўриниб турибдики, тадбиркорларимизнинг билим ва савияси кескин ўсган, дунёқараши ўзгарган, иш услуги ва инновацион ёндашувлари бугун мутлақо бошқача.

Мен бундан жуда ҳам мамнун бўлдим.

Бугунги тажрибамиздан келиб чиқиб, ушбу учрашувларни ҳар йили ташкил этсак, буни яхши бир анъанага айлантурсак, сизларга маъқулми?

Шу муносабат билан бугунги санани, яъни 20 августни мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” деб эълон қилиб, уни



ҳар йили юртимизда кенг нишонласак, бу ташаббусга нима дейсизлар?

Ушбу таклифни кўллаб-қувватлаганларингиз учун сизларга катта раҳмат!

Энди ҳар йили айнан шу куни Президентнинг бизнес ва ишбилармон доиралар вакиллари билан очик мулоқоти ўтказилди. Бир йиллик ишларимиз натижалари сарҳисоб қилиниб, энг илғор бизнес вакиллари айнан шу куни давлат мукофотлари билан тақдирланади.

**Ҳурматли тадбиркорлар!**

Ишончим комил, бугун бошланган янги анъанамиз тадбиркорлик соҳасида йил давомида ишлайдиган самарали тизимга айланади. Бунга Халқ қабулхоналари ва Бош вазир қабулхоналари, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман ва жойларда ҳокимлар масъул бўлади. Шунингдек, янги ташкил этилган Стратегик ривожланиш агентлиги тадбиркор ва инвесторларни қийнаётган муаммоларни, юқорида номлари қайд этилган идоралар билан бирга тизимлаштиради ва уларни ҳал этиш учун аниқ таклифлар ишлаб чиқиб, Ҳукумат ва Президентга киритиб боради.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва идора раҳбарлари, ҳокимлар ҳар ҳафта ўзлари масъул бўлган ҳудудларга чиқиб, аввалдан эълон қилинган графиклар асосида тадбиркорлар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг муаммо ва масалаларини ечишга кўмаклашади.

**Такрор ва такрор айтаман, ишнинг кўзини билладиган, одамларга меҳнат қилиш ва даромад топиш учун шароит яратадиган, ватанпарвар ҳамда фидойи тадбиркорларни биз доимо бошимизга кўтарамиз.**

**Президентнинг талаби ва бошлаган ислохотларимизнинг асл маъно-мазмунини ҳам айнан шундан иборат.**

**Барчамиз ана шу талаб асосида ишласак, меҳнат қилсак, албатта мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини мутлақо янги босқичга кўтарилади.**



Мен бунга ишонаман ва барчангизни шу йўлда ўзаро бирла-  
шиш ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга чақираман.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, Ватанимиз мустақиллигининг  
30 йиллик кутлуғ байрами билан сизларни чин дилдан табрик-  
лаб, барчангизга сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилайман.

Юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ва  
хайрли ишларингизда сизга ҳамиша омад ва зафар ёр бўлсин!

Барчангизга катта раҳмат!

*Тадбиркорлар билан  
очиқ мулоқот шаклида  
бўлиб ўтган учрашувдаги нутқ*

*2021 йил 20 август*



---

## **МОҲИР ДИПЛОМАТЛАР ТИМСОЛИДА БИЗ ЮРТИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ ДЎСТЛАРИНИ, ЭНГ ЯҚИН ВА ФАОЛ ҲАМКОРЛАРИНИ КЎРАМИЗ**

Хурматли Фавқулодда ва Мухтор элчилар!

Бугун Сизлар билан жуда муҳим бўлган тадбир – ишонч ёрликларини топширишга бағишланган тантанали маросимда кўришиб турганимдан ғоят мамнунман. Барчангизни Ўзбекистонда элчилик миссиянгиз расман бошланаётгани билан чиндилдан кутлайман. Сизларнинг юртимиздаги фаолиятингиз ҳар бир дипломат ҳавас қилса арзийдиган – унутилмас тарихий жараёнлар даврига тўғри келмоқда.

Биз келгуси ҳафтада мамлакатимиз Мустақиллигининг кутлуғ 30 йиллигини кўтаринки руҳда, Сизлар билан биргаликда кенг нишонлаймиз. Ушбу байрам “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида ўтаётгани айниқса аҳамиятлидир. Шунини алоҳида айтиб ўтишни истардимки, биз сўнгги беш йилда, бутун жаҳонда ва минтақамизда кузатилаётган мураккаб вазиятга, янги хавф-хатарларга қарамасдан, туб демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан давом эттирмоқдамиз.

Биринчи кунлардан бошлаб очик ва прагматик ташқи сиёсат олиб бориш, дунёдаги барча ҳамкорларимиз, аввало, кўшни давлатлар билан дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Август ойида Туркманистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари



рахбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви минтақадаги яқин ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама кенгайтириб бораётганини яққол кўрсатди. Албатта, кўшни Афғонистондаги бугунги нотинч вазият барчамизни жиддий ташвишга солмоқда.

Биз июль ойида Тошкентда ўтказган Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўзаро боғлиқлигига бағишланган халқаро Форумнинг асосий мақсади ҳам йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали, афғон заминида узок муддатли тинчлик жараёнларига мустаҳкам пойдевор яратиш эди.

Ҳозирги кийин дамларда биз жафокаш афғон халқига кўлимиздан келган барча зарур ёрдам ва кўмакни кўрсатяпмиз. Савдо-сотикни қайта йўлга қўйдик. Озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари, электр энергиясини узлуксиз етказиб беряпмиз. Ўзбекистон ҳудуди орқали Германия, Польша, Швейцария, Венгрия ва бошқа давлатлар билан биргаликда халқаро инсонпарварлик операциялари амалга оширилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Афғонистондаги вазият бутун дунёнинг барқарорлигига катта таъсир кўрсатувчи омилдир.

Ҳурматли элчилар!

Сизлар вакил бўлган давлатлар билан узок муддатли ва кенг камровли ҳамкорлик истиқболлари ҳақида мухтасар қилиб айтганда, қуйидаги фикрларни билдиришни истар эдим.

Руминия элчиси Даниель Кристиан Чобану жаноби олийлари!

Руминия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим ва истиқболли ҳамкоридир.

Биз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада кенгайтириш, амалий алоқаларни ривожлантириш, уларни янги мазмун билан бойитишдан манфаатдормиз.

Мамлакатларимиз ўртасида имтиёзли савдо режими амал қилаётганига қарамай, ўзаро товар айланмаси ҳажми, иқтисодий



ва сармоявий ҳамкорлигимизда йирик лойиҳалар мавжуд эмаслиги, албатта, икки томонни ҳам қониқтирмайди.

Биз, биринчи навбатда, текстиль саноати, кимё ва фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ниятидамиз.

Шу мақсадда яқин истикболда: Савдо-иқтисодий масалалар бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини ўтказиш, сиёсий маслаҳатлашувларни фаоллаштириш, ўзаро борди-келдиларни жадаллаштиришимиз лозим.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама мулоқотлар, Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим масалаларида фаол ҳамкорлик қилишга тайёرمىз.

Ҳурматли Чобану жаноблари!

Сизнинг бой билим ва тажрибангиз Ўзбекистон ва Руминия ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришда катта натижалар беришига аминман.

Масъулиятли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаб қоламан!

Польша Республикаси элчиси Радослав Грук жаноби олийлари!

Польша Ўзбекистон учун Европа Иттифоқидаги анъанавий ва муҳим шерикдир. Сўнгги йилларда ўзаро муносабатларимиз ва амалий ҳамкорлигимиз жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ва саноат кооперация лойиҳалари муттасил ўсиб бормоқда. Польшада ўзбек тўқимачилик маҳсулотларига талаб ортаётгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Биз машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, бизнес ва инновациялар, таълим ҳамда туризм соҳаларидаги алоқаларимизни кенгайтириш тарафдоримиз. Европа Иттифоқи ва “Вишеград тўрт-



лиги” билан кўп томонлама мулоқотлар доирасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ниятидамиз. Мен бугун Польша Президенти муҳтарам Анджей Дуда жаноблари билан телефон орқали мулоқот қиламан.

Биз олий даражадаги ташрифни ўтказишга, кўп қиррали муносабатларимизни янги босқичга кўтаришга келишиб оламиз, деган умиддаман.

Ҳурматли Грук жаноблари!

Сиз юртимизга келган дастлабки кунлардан фаол иш бошлаганингиздан хабардорман. Масъулиятли ва шарафли миссиянгизда Сизга куч-ғайрат ва катта зафарлар тилайман!

Тожикистон Республикаси элчиси Раҳмонзода Абдужаббор Азиз жаноби олийлари!

Тожикистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасида абадий дўстлик, биродарлик, яхши кўшничилик мустаҳкамланиб бораётганидан беҳад мамнунмиз.

Тожикистон Республикаси Президенти, ҳурматли Эмомали Раҳмон Жаноби Олийлари билан биргаликда алоқаларимизни юқори даражага олиб чиқишга эришдик. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида охириги йилларда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга тўсиқ бўлиб келаётган барча масалаларни ҳал этдик.

Июнь ойида Тожикистонга бўлиб ўтган тарихий ташрифимиз натижалари эса давлатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни янада кенгайтириш йўлидаги мутлақо янги қадам бўлди.

Савдо, транспорт, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, ҳудудлараро ҳамкорлик ва маданий-гуманитар соҳаларда биргаликда катта лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги шиддатли замонда биз ўзаро елкадош бўлиб, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида бир-биримизни қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз.



Хурматли Абдужаббор Азизович!

Сизни кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган таникли арбоб сифатида биламиз. Сиз Элчилик лавозимида алоқаларимиз равнак топишига ўзингизнинг муносиб ҳиссангизни кўшасиз, деб ишонаман.

Сизга катта омадлар тилайман!

Швейцария Конфедерацияси элчиси Константин Оболенский жаноби олийлари!

Швейцария Европадаги ишончли ҳамкоримиз ҳамда халқаро майдондаги сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим давлатлардан биридир.

Икки томонлама алоқаларимизнинг ҳозирги ҳолатини ижобий баҳолаймиз ва уларни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Ушбу мақсадда сермазмун сиёсий мулоқотларни давом эттиришга катта аҳамият берамиз.

Инновация, молия ва банк, озиқ-овқат саноати, фармацевтика соҳалари муносабатларимизнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилишида амалий ҳамкорлигимизнинг янги кун тартибини ишлаб чиқишимиз лозим.

Биз, шунингдек, Оролбўйидаги экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилашга қаратилган лойиҳаларда Швейцария билан ҳамкорликни юқори баҳолаймиз ва уни кенгайтириш тарафдоримиз.

Жаҳон Банки ва Халқаро валюта жамғармаси доирасида Швейцария гуруҳи билан ҳамкорлигимизни янада фаоллаштиришга тайёрмиз.

Хурматли Оболенский жаноблари!

Умид қиламизки, Сиз бу йўлда бой амалий ва профессионал тажрибангизни тўлиқ сафарбар этасиз.

Ўзбекистондаги шарафли фаолиятингизда куч-ғайрат ва улкан ютуқлар тилайман!



Германия Федератив Республикаси элчиси Тило Клиннер жаноби олийлари!

Дунёда катта нуфуз ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Германия биз учун муҳим стратегик ҳамкордир.

Мамлакатингиз билан кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлашга катта эътибор берамиз.

2019 йилдаги Берлин ва Тошкентдаги саммитлар, Канцлер Меркель хоним олиялари ва президент Штайнмайер жаноби олийлари билан телефон орқали мунтазам мулоқотлар алоқаларимизда янги саҳифа очилганини англатади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг юқори динамикасини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Иқтисодий йўналишда: глобал инкирознинг таъсирига қарамадан, давлатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ва йирик қўшма лойиҳалар сони тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон бозорига Германиянинг кўплаб етакчи компаниялари кириб келди.

Тошкентда “КфВ” банки, Германия савдо-саноат палаталари ассоциацияси, Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси ваколатхоналари очилиши бор имкониятларимиздан кенг фойдаланишга хизмат қилади, деб умид қиламан.

Германия ҳукуматига пандемияга қарши курашда Ўзбекистонга кўрсатаётган фаол ва дўстона ёрдами учун алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли Клиннер жаноблари!

Ишонаманки, Сиз сермахсул фаолиятингиз билан Ўзбекистон ва Германиянинг ҳар томонлама ҳамкорлигига самарали ҳисса қўшасиз.

Сизга омад ва ютуқлар ҳамиша ёр бўлсин!

Ҳурматли дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари!

Бугун Янги Ўзбекистонда ислохотлар ва ўзгаришлар жуда тез ва шиддат билан кечмоқда. Бу муҳим жараёнларда Сизлар фаол



иштирок этасиз, алоқаларимизни кенгайтиришга бор куч-ғайратингизни сафарбар қиласиз, деб ишонаман. Сиз каби моҳир дипломатлар тимсолида биз юртимизнинг чинакам дўстларини, энг яқин ва фаол ҳамкорларини кўрамиз.

Фаолиятингиз самарали кечиши учун Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимликлари зарур амалий кўмак ва ёрдамни кўрсатади.

Сизларни мамлакатимиз билан яқиндан танишиб, унинг барча ҳудудларига чикиб, амалга оширилаётган жараёнлар билан шахсан танишишга, янги ташаббуслар ва лойиҳаларни илгари суришга даъват қиламан.

Сўзимнинг якунида, Ўзбекистонда бошланаётган фаолиятингизда катта ютуқлар, оилавий бахт-саодат тилайман. Ҳозирги шароитда ниҳоятда зарур бўлган сихат-саломатлик доимо сизларга ёр бўлсин!

Насиб этса, санокли кунлардан кейин биз учун кутлуғ сана – Мустақиллик байрами шодиёнасида, “Янги Ўзбекистон” боғида Ватанимиз истиқлолининг 30 йиллиги тантаналарида сизлар билан, албатта, кўришамиз.

Эътиборингиз учун катта раҳмат!

*Хорижий давлатларнинг мамлакатимизга  
янги тайинланган элчилари томонидан  
ишонч ёрлиқларини топшириш  
маросимидаги нутқ*

*2021 йил 25 август*



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун барчамиз, кўп миллатли бутун халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик қутлуғ байрамининг қувончи ва шуқуҳи билан яшамоқдамиз.

Азал-азалдан обод шаҳар ва қишлоқлар, боғу роғлар, бетак-рор маданий обидалар бунёдкори сифатида шуҳрат қозонган меҳнатқаш ва олижаноб халқимиз пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ушбу тарихий санани муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютуқ ва ғалабалар билан қутиб олмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги-янги корхоналар, замонавий уй-жойлар, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, равон йўл ва кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга қаратилган ўнлаб йирик лойиҳалар, ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда.

Айни дақиқаларда барчамиз яна бир тарихий воқеа, яъни истиклолимизнинг шонли санасига бағишлаб бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиш маросимига тўпланиб турибмиз.

Ёдингизда бўлса, биз май ойида кенг жамоатчилик билан бирга яхши ният билан боғ ҳудудида дастлабки ниҳолларни экиб, мажмуага тамал тоши қўйган эдик.

Бугун эзгу орзу-интилишларимиз ижобат бўлиб, қиска муддатда халқимиз, бунёдкор ватандошларимизнинг азму шижоати



билан мана шу улкан майдонда муаззам боғ ва ёдгорлик комплексини барпо этишга эришдик.

Биз тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нуронийлар ва ёшларимиз билан маслаҳатлашиб, “Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратдик.

Агар юқоридан назар ташласангиз, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шохига ўхшайди. Бу эса, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади.

Бу гўзал боғда пойтахтимиз аҳолиси, Тошкент вилояти ва барча ҳудудларимиздан, хориждан келадиган меҳмонлар яйраб дам олиши, оиласи, фарзандлари билан бирга мазмунли ҳордик чиқариши учун барча замонавий шароитлар яратилмоқда.

Бу ерда сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фавворалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ҳунармандчилик дўконлари барпо этилди ва этилмоқда.

Мажмуа ҳудудидаги манзарали ноёб дарахтлар, гулчечаклар одамнинг баҳридилини очади, барчамизни табиат билан ошно ва уйғун бўлиб яшашга даъват этади.

Мажмуа ёнида энг илғор технологиялар ва замонавий андозалар асосида Олимпия шаҳарчаси бунёд этилади. Бу ерда 2025 йили мамлакатимиз мезбонлик қиладиган Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларининг асосий мусобақалари ўтказилади.

Бундан ташқари, ушбу ҳудудда замонавий олий таълим муассасаси, тиббиёт клиникалари, халқаро кўргазма марказлари ва бошқа объектлардан иборат бутун бир янги шаҳарча қурилмақда.

Энг муҳими, барчангиз кўриб турганингиздек, боғнинг марказий қисмида, таъбир жоиз бўлса, унинг юрагида ўхшаши



йўқ мухташам бадий обида – Мустакиллик монументи барпо этилди.

Биз бугун Ватанмиз мустакиллигининг 30 йиллик байрамини кенг нишонлаяпмиз. Лекин, аслида, Ўзбекистон худудидаги миллий давлатчилик тарихи 3 минг йилдан зиёд даврни ташкил этади.

Бу жаҳон фанида эътироф этилган илмий ҳақиқатдир. Ушбу монументни яратишда ана шу концептуал ғояни ёрқин ифода этишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида қанча-қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиаги кунларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, Ватанмиз худудида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузуми, ҳар қандай ижтимоий жараён – у ғалаба ёки мағлубият бўладими, юксалиш ёки таназзул бўладими – барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур.

Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабаларидан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади.

Шу сабабли биз ушбу ёдгорлик тимсолида Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлашга қарор қилдик. Бой ва бетакрор меросимиз, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймоларини акс эттиришга интилдик.

Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатағон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонати таъсирчан лавҳаларда



ўз ифодасини топди. Ғоят кийин ва мураккаб шароитда республикамиз равнақини, халқимизнинг тинчлиги ва омонлигини ўйлаб, ўзини аямасдан хизмат қилган атоқли давлат арбобларимиз фаолияти ҳам атрофлича ёритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Абдуганиевич Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлини акс эттириш эътибор марказига қўйилди.

Бу бетакрор ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир.

Улуғвор Мустақиллик монументи тимсолида биз тарих, бугунги замон ва келажак тушунчаларини ўзаро уйғун ҳолда намоеън этишга алоҳида эътибор қаратдик.

Миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темури салтанатининг мовий гумбази, юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир боболаримизнинг энг нодир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шукуҳи билан кўз олдимизда якқол намоеън бўлиб турибди.

Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, кўкда мағрур парвоз қилаётган Ҳумо куши тасвири монументнинг энг юқори қисмида – бамисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллади.

Бир сўз билан айтганда, Мустақиллик монументи она-Ватанзимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнатқаш, қахрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади.

Монумент пойига битилган: “Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждодларимиз доимо қалбимизда” деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромини англатади.



Мана шундай ишларимизнинг давоми сифатида “Янги Ўзбекистон” боғига якин ҳудудда замонавий халқаро аэропорт қурилмоқда.

Келгусида хориждан ташриф буюрадиган юксак мартабали меҳмонлар, аввало, мана шу монументни зиёрат қилиб, халқимиз ва давлатимизга ҳурмат бажо келтиради.

Бундан буён Наврўз, Мустақиллик каби қутлуғ байрамларимиз, катта оммавий давлат тадбирларини, турли сайил-томошаларни барча замонавий шароитларга эга бўлган шу гўзал масканда ўтказамиз.

Айтиш керакки, бугун қалбларимизда чексиз қувонч ва хайрат уйғотаётган “Янги Ўзбекистон” боғини қисқа вақт ичида, айниқса, пандемия шароитида барпо этиш осон бўлгани йўқ. Лекин, барча қийинчиликларга қарамасдан, кўлигул қурувчи ва меъморлар, муҳандис ва боғбонлар, моҳир ҳайкалтарош ва рассомлар, турли соҳа мутахассислари, раҳбар ва етакчилар, азамат ёшларимиз туну кун фидокорона меҳнат қилиб, ушбу бетакрор мажмуани эл-юртимизга байрам совғаси сифатида тортик этдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, бу том маънодаги тарихий ишга ҳисса қўшган барча юртдошларимизга, чет эллик ҳамкорларимизга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу мажмуа халқимиз, аввало, ёш авлодимиз учун Ватанга муҳаббат ва садоқат тимсолига, қутлуғ зиёратгоҳ, ўзига хос ноёб маданият ва маърифат, тарбия марказига айланиб қолади.

Бу ерга қадам қўйган ҳар бир инсон нафақат яйраб хордик чиқаради, балки, аввало, ўзи учун бекиёс ибрат, маънавий куч олади, деб ишонаман.

“Янги Ўзбекистон” боғи, Мустақиллик мажмуаси ҳаммамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!



Юртимизда мана шундай гўзал ва бетакрор масканлар янада кўпайсин!

Мана шундай улуғ ишлар бунёдкори бўлган мард ва танти, меҳнаткаш халқимиз доимо омон бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!  
Эътиборингиз учун раҳмат.

*“Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик  
монументи очилишига бағишланган  
тантанали маросимдаги нутқ*

*2021 йил 31 август*



---

## ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ – БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун юртимизда улуғ байрам, катта тантана. Кўп миллатли Ўзбекистон халқи жонажон Ватанимиз истиқлолининг шонли ўттиз йиллик тўйини зўр шоду хуррамлик билан нишонламокда.

“Янги Ўзбекистон” деб ном олган мана шу муаззам боғда биз бугун биринчи марта Мустақиллик байрамини ўтказмоқдамиз.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклар, ўзимнинг самимий ва энг эзгу тилақларимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшади. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона енгиб ўтди.

Халқимиз қалбидаги хуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўхна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.

1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улуғ



орзусига эришди – ўзининг давлат мустақиллигини кўлга киритди.

Бугунги кутлуғ айёмда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов номини, у кишининг бевосита раҳбарлигида халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир.

Истиклол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият куриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замоनावий давлатчилик асослари, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

Миллий валютамиз – сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний кадриятларимиз, ўзлигимиз тикланди.

Муҳтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустақкам иродаси ва матонати, бекиёс салоҳиятини намоён этиб, тарихан қисқа фурсат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мана шундай буюк тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилганидан кўпчилик ватандошларим катори мен ҳам бахтиёрман.

Ҳурматли тантана қатнашчилари!

Биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Шу мақсадда, аввало, бебаҳо бойлигимиз бўлган



тинчлик ва баркарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг кандай бекиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлат ва жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, бу жараёнда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан буён жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролик масаласи бўйича чақириғига жавобан 2020 йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Маълумки, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни қарор топтиришнинг асосий шартидир. Бу йўналишдаги устувор вазифаларга доир 40 дан ортиқ қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда улар асосида жиддий амалий ишлар олиб берилмоқда.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантикий давоми сифатида мен кун кеча Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим Фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилиб, ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.



Ўзбекистон Республикаси тарихда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Мухтарам юртдошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган беш йиллик вақт барчамиз, бутун мамлакатимиз, халқимиз учун кескин синовлар даври бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инкироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хулосасига кўра, пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё миқёсида юз берган энг улкан синовдир.

Ёдингизда бўлса, биз пандемия бошланган илк кунларда бу кийинчиликлардан янада тобланиб, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганнинг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг кўламли ислохотлар юртимизда янги даврни – янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.

Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янги-ча сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, ҳозирги кийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг санокли мамлакатлари каторида молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини тиклаш ва иқтисодий фаолликни оширишга эришиб келмоқда.



Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг “J.P. Morgan” инвестиция банки томонидан эълон қилинган “Ўзбекистон: юксалиш йўли” номли таҳлилий ҳисоботда ҳам айтилган фикрлар баён этилган.

Шу ўринда иқтисодиётимиздаги таркибий ислохотлар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишни зарур, деб биламан.

2017 – 2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташқи савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўпайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди.

Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш туфайли 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсди.

Ислохотларимиз самарасининг турли халқаро рейтингларда тан олинishi мамлакатимиз учун халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жорий йилда 635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари, Ипотека банкининг 785 миллиард сўмлик ва “Ўзавтомоторс” акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эл инвесторларига сотилди.

Сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган ишончини кескин оширишга муваффақ бўлдик. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсгани ҳам бунинг исботидир.

Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар сони сезиларли даражада камайтирил-



ди, айланма маблағдан олинадиган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилиб, ушбу солиқ занжирининг яхлит тизими яратилди.

2017–2020 йилларда банкларимиз капиталини 5,7 баробар ёки 5 миллиард долларгача оширишга эришдик.

Электроэнергетика, нефть-газ, коммунал соҳаларда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида давлат бошқаруви ва хўжалик функциялари бир-биридан ажратилди, рақобат муҳитини яратиш учун муҳим қадамлар ташланди.

Айни пайтда янги-янги инфратузилма тармоклари барпо этилди. Минглаб километр узунликдаги янги йўллар, электр ва газ тармоклари қурилди ва таъмирланди.

Жамоат транспорти изчил ривожланмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ҳамда қарийб 12 километрлик ер усти метро линияси фойдаланишга топширилди.

“Сергели” йўналиши бўйича 6,2 километрлик қурилиш ишлари якунланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар каторида яқинда Олмалик кон-металлургия комбинатининг қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Куни кеча Навоий вилоятининг Кармана туманида 110 миллион доллар инвестиция ҳисобидан ишга туширилган қуёш электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадам бўлди.

Айни пайтда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида иккита янги завод – азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар эвазига “Навоийазот”да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ошади.



Бундай муҳим воқеалар миллий саноатимиз тарихида янги давр бошланаётганидан далолат беради.

Юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу корхоналарнинг ярмидан кўпроғи кейинги уч йилда ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Ўтган бир йил давомида лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди.

Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қулай шароит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” халқаро рейтингда Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Албатта, бу жиддий кўрсаткич, аммо у ҳали бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Хабарингиз бор, яқинда тадбиркорлар билан янги форматдаги учрашув ўтказдик. Унда мамлакатимиз бўйича 10 мингдан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Очик мулоқотга тайёргарлик доирасида 15 мингдан ортиқ таклиф ва ташаббуслар атрофлича ўрганилиб, тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича амалий чоралар белгиланди.

Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараккий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор – иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир.



Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг энг истикболли соҳаси бўлган ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда кенг жорий этилмоқда. Шу мақсадда ўнлаб IT-парклар, кичик саноат зоналари, соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув масканлари, иқтидорли компьютер дастурчилари учун махсус лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Аҳолимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, аграр соҳанинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Биз қишлоқ хўжалигида нархлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ хўжалигини молиялаш тизими қайта кўриб чиқилмоқда.

Биз ҳудудларни тармоқлар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий этдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инкирознинг оғир дамлари ортда қолмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш суръатини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробар оширилди.

Мана, яқинда қабул қилинган Фармонга биноан, мамлакатимизда 1 сентябрдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини яна оширдик.



Биз бундан буён ҳам аҳолимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “меҳр дафтари”, маҳаллабай ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда.

Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Бу ишларнинг барчаси “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” деган эзгу даъват асосида амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмоқда. 2017–2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошди. Республикада ипотека тизими изчил ривожланмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, юртимизда илгари ҳеч қачон бундай катта кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган оилаларнинг уй-жой бўйича бошланғич бадаллари Давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилади, шу йилнинг ўзида яна 50 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланади.

Қадрли дўстлар!

Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва



санъат, спорт соҳалари ҳал қилувчи ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмуни тубдан ўзгармоқда, десак, янглишмаган бўламиз. Аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти кучайтирилди.

2016 йилда мавжуд бўлган 800 та “Тез ёрдам” шохобчасининг сони бугунга келиб 1 минг 666 тага етказилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони эса 1 минг 648 тадан 2 минг 685 тага кўпайтирилди.

Маълумки, илгари кўплаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислохотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Республикамиз аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатаётган марказлар сони 2016 йилда 10 тани, уларнинг ҳудудий филиаллари эса атиги 2 тани ташкил этарди. Бугунги кунда бундай марказларнинг сони 20 тага етказилди, жойларда эса 124 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Бу ишни давом эттириб, жорий йилда яна қўшимча 48 та ҳудудий филиал ташкил этилади.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, соғликни сақлаш соҳасидаги ислохотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлаганимиз учун кутилмаган пандемия қаршисида саросимага тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, коронавирусга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дори-дармон ва химоя воситаларининг захираси шакллантирилди.



Худудларда ишга туширилган 60 та кислород станцияси тегишли шифохоналарни кислород билан узлуксиз таъминлашга хизмат килмокда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

2021 йил учун Давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилиб, аҳоли соғлиғини сақлаш ва коронавирусга қарши эмлаш чораларини кўряпмиз.

Халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилади.

Азиз ватандошлар!

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авланийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса – бутун жамиятимиз ўзгаради.

Шу боис биз узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимидаги ўзгаришлардан ҳаммангиз яхши хабардорсиз. Соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу рақам – тасаввур килинг – 19 минг 316 тага етди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир катор имтиёзлар берилиши туфайли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислохотлар нати-



жасида биз мактабгача таълимга камров даражасини 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказишга эришдик.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янгича ёндашувлар фаол жорий этилмоқда. Ўзингиз айтинг, бундан тўрт-беш йил олдин республикамызда хусусий мактаб ёки боғча бўлишини тасаввур қилиш мумкинми?

Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усулларини жорий этмоқдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани туфайли ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 тага етди.

Буларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермоқда. Буни 2017–2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ёшларни талаб юкори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-ҳунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ислохотларимиз талаби, ҳаётнинг ўзи олий таълим соҳасини жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу боис юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди.

Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан камраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан – шунга эътибор бе-



ринг – 28 фоизга етказилди. Якин келгусида ушбу кўрсаткични 50–60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, авваламбор, ёшларни кўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилда ногиронлиги бўлган ёшлар учун – 3 минг 155 та, Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчилари учун – 1 минг 580 та, кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизлар учун – 2 мингта кўшимча қабул квоталари давлат гранти сифатида ажратилди.

Бугунги кунда янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгалламоқда.

Мана, якинда Японияда бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида моҳир спортчиларимиз ғолиб ва совриндор бўлиб, барчамизни қувонтирдилар.

Айни кунларда Токиода ёзги Паралимпия ўйинлари қизгин давом этмоқда. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон жамоаси аъзолари бугунги кунга қадар 5 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритиб, ўзларининг тенгсиз матонатини намоён этмоқдалар.

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган мана шу жасоратли ўғил-қизларимизга янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун мустақиллигимизнинг биринчи йилида туғилган болалар ўттиз ёшга – айни камолот ёшига етди. Мен мана шу навқирон ёшларимизга, азиз ўғил-қизларимга мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Сиз истиклол фарзандлари, озод ва эркин, хур фикрли инсонлар сифатида ҳаётга дадил кириб келаётганингиз биз учун энг катта бахт, катта давлатдир.



Мен ишонаман, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўккиларини пухта эгаллаб, биз бошлаган ишларни муносиб давом эттирасиз.

Юксак ғайрат-шижоатингиз ва фидокорона меҳнатингиз билан юртимизда янги Ўзбекистонни – Учинчи Ренессансни бунёд этишга албатта кодир бўласиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз фарзандларим! Сизларга ҳамisha бахт ва омад ёр бўлсин!

Мухтарам ватандошлар!

Ҳаммангиз гувоҳи бўлиб турибсиз, сўнгги йилларда биз “Халқ ва армия – бир тану бир жон” деган эзгу тамойил асосида Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш, давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини ошириш бўйича муҳим ислохотларни амалга оширдик. Миллий гвардия, Мудофаа саноати давлат кўмитаси тузилди.

Соҳада замонавий кадрларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг оила аъзоларини, ҳарбий пенсионерларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда миллий армиямизнинг тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга кодир жанговар кучга айланиб бораётгани бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Албатта, армия фақат қурол ва аслаҳа билангина кучли ҳисобланмайди. Армия, аввало, она-Ватан учун жонини ҳам аямайдиган ҳарбийлар – аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар билан қудратлидир.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида Ватан ҳимоячиси бўлишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган ҳақиқий баҳодир, марди майдон фарзандларимиз хизмат қилмоқда. Улар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо каби буюк боларимизнинг жанговар маҳоратини шараф билан давом эттирмоқдалар.



Ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчини виждонан бажаришга қасамёд қилган мард ва жасур посбонларимизнинг фидокорона хизматлари ва жасоратини барчамиз яхши биламиз ва юксак кадрлаймиз.

Ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган ва буни ҳар куни, ҳар дақиқада амалда исботлаётган она юрт қалқонлари бизнинг фахримиз ва ғуруримиздир.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бунинг учун энг қуйи тизим – профилактика инспекторлари тизими замонавий тузилма сифатида шакллантирилди. Улар эндиликда маҳалла идоралари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдалар.

Бугунги кунда 2017 йилга нисбатан жиноятлар сони 12 мингга камайгани, жорий йилнинг олти ойи якунига кўра эса, мавжуд 9 минг 251 та маҳалладан қарийб 50 фоизида биронта ҳам жиноятга йўл қўйилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу, албатта, ислохотларимизнинг ижобий самарасидан далолат беради ва бу ишларимизни изчил давом эттиришни тақозо этади.

**Қадрли тантана иштирокчилари!**

Мамлакатимиз янгиланиш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб биз очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиб келаётганимиз сизларга яхши маълум.

Ўтган қисқа даврда Ватанимизнинг минтақа ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Аввало, минтақамиздаги давлатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Чегаралар очилди, одамлар қавму қариндошлари билан алоқаларини тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошладилар.



Жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё рухи” деган ибора пайдо бўлди. Халқаро майдонда минтақа номидан янги ташаббуслар илгари сурила бошланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Яқинда Туркменистонда бўлиб ўтган навбатдаги Маслаҳат кенгашида ҳамкорликнинг янги, истикболли йўналишлари белгилаб олинди.

Сўнгги кунларда ён кўшнимиз Афғонистонда юз бераётган воқеаларни ҳаммамиз ташвиш билан кузатиб турибмиз. Биз бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашда кўприк вазифасини бажара олишига ишонамиз.

Афғонистон билан алоқаларимизда дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларини кўллаб-қувватлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойилларига содиқ қоламиз.

Ушбу мамлакатда ҳокимият транзити халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини инобатга олган ҳолда, миллий келишув асосида тинч йўл билан амалга оширилиши ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган даврда Россия, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатлар билан самарали битим ва келишувларга эришдик. Америка Қўшма Штатлари ва Ғарб давлатлари билан прагматик ҳамкорлик сари янги қадамлар ташланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттирилмоқда. 2019 йилда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлдик. Бу мамлакатимиз учун халқаро майдонда янги иқтисодий, сиёсий ва маданий имкониятлар очиб берди.



Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кузатувчи давлат мақомида қисқа даврда самарали алоқаларни йўлга қўйишга эришди. 2020 йилда мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилди. Бу давр пандемия шароитида ўтганига қарамасдан, Ўзбекистоннинг бу борадаги фаолияти муваффақиятли ташкил этилди ва юқори баҳоланди.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раислигини қабул қилиб оламиз ва унинг келгуси йили ўтадиган Саммитига пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Иқтисодий дипломатия воситаларидан самарали фойдаланиш республика экспорти ва инвестициялар оқимига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чет эллардаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлашга, улар билан самарали ҳамкорлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Улар республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга жалб қилинмоқда. Яқинда ана шундай муҳим вазифалар билан бевосита шуғулланадиган “Ватандошлар” жамоат фондиди ташкил этганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Айни пайтда узоқ-яқиндаги барча тараққийпарвар мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Бугунги қувончли кунда биз билан даврамизда ўтирган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига тинчлик ва раванқ тилаймиз. Хусусан, тантанамизда иштирок этаётган Франция Сенатининг ҳурматли вакилларига чуқур эҳтиромимизни билдирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳаммангизга яхши маълумки, шу йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади.

Сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро



экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов конунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайлови илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади.

Бу сайлов барчамиз учун Ўзбекистоннинг келгуси тараққиёти қандай йўлдан боради, фарзандларимиз, оиламиз, мамлакатимиз келажагини қандай барпо этамиз, деган ҳал қилувчи саволларга жавоб берадиган ғоят муҳим сиёсий тадбирдир. Шунинг учун ушбу сиёсий жараёнга кўп миллатли халқимиз ҳам, жаҳон ҳам-жамияти ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан қарамоқда.

Сайловда дунёнинг 50 га яқин мамлакати ҳамда ўнлаб халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Шу маънода, бўлғуси сайловлар юксак демократик мезонлар асосида ўтади ҳамда янги Ўзбекистон халқининг ўсиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини яққол намоён этади, деб ишонаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Биз кейинги йилларда белимизни маҳкам боғлаб, миллий манфаатларимизни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ғоят муҳим натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Энг асосий натижа – бошлаган ислохотларимиз ортга қайтмайдиган муқаррар тус олганида, бугунги жамиятимизнинг маънавий уйғонишида намоён бўлмоқда.

Маънавий уйғок жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар кўйиб, келажак сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч ким ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бундай халқни Яратган ҳам қўллаб-қувватлайди, доимо йўлини очиб беради.

Бугун миллион-миллион ватандошларимизнинг онгу тафаккури ўзгариб, улар ислохотлар жараёнига ўзини бевосита дахлдор деб билмоқда, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.



Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, кони-мизда аждодларимиздан мерос буюк кудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамлакатга айланади.

Мен сиз, азизларни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимизни ана шундай улуғ ва шарафли сафда – янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида кўриб турганимдан бахтиёрман.

Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Юртимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай бекиёс имкониятларни яратиб берган истиклолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамиша энг ёркин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз қадрдонларимни, мўътабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, азму шижоатли ёшларимизни, бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мана шу муборақ айёмда барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўлган меҳнатқаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиламан.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган она халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон эзгу мақсадларига етсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси давлат  
мустақиллигининг 30 йиллик байрамига  
бағишланган тантанали маросимдаги нутқ*

*2021 йил 31 август*



---

## ФАОЛ ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО КЎМАКЛАШИШ ОРҚАЛИ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРГА ҚАРШИ ТУРА ОЛАМИЗ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!

Ислом тараккиёт банкининг ҳурматли бошқарувчилари!

Мухтарам Муҳаммад Сулаймон ал-Жассир жаноблари!

Ҳурматли меҳмонлар!

Барчангизни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Ислом тараккиёт банки Бошқарув Кенгашининг 46-йиллик анжуманида кутлаш шарафига муяссар бўлганимдан гоят мамнунман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Албатта, Банкнинг йиллик анжумани Тошкентда ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга. Биз буни Ўзбекистоннинг ислом дунёси ривожига кўшган ҳиссаси, шунингдек, мамлакатда сўнгги беш йил давомида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг эътирофи, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек халқининг буюк аждоди, бутун мусулмон оламининг улуғ намояндаси Имом Бухорий ҳазратлари жамлаган “Саҳиҳи Бухорий” китобида зикр этилган ҳадиси шарифда айтилганидек, “Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир”.

Барчамиз холис ният қилган эканмиз, Яратганнинг марҳамати билан бутун Ислом тараккиёт банки гуруҳининг йиллик учрашувини жонли равишда ўтказишга муваффақ бўляпмиз. Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир пандемия бошлангандан бери дунёдаги халқаро молиявий институтлар орасида биринчи бўлиб ташкил этилган нуфузли анжумандир.

Менга берилган ушбу кулай имкониятдан фойдаланиб, Ислом тараккиёт банкининг барча аъзо давлатлари вакиллари



номидан хурматли биродаримиз Ал-Жассир жанобларини Банк Президенти лавозимида иш бошлагани билан муборакбод этаман.

Мухтарам ал-Жассир жаноблари!

Бу юксак лавозимдаги фаолиятингизни Ўзбекистонга ташрифдан бошлаётганингиз чуқур рамзий маънога эга.

Шу сабабли юртимиз билан ҳамкорлик Сизнинг масъулиятли ва шарафли фаолиятингизнинг муҳим қисмига айланади, деб ишонаман. Мамлакатимиз тимсолида Сиз яқин ҳамкор ва садокатли дўст топдингиз, десам, муболаға бўлмайди.

Зиммангиздаги эзгу вазифани адо этишда Аллоҳ таоло Сизни ҳамиша кўлласин!

Хурматли Бошқарув Кенгаши аъзолари!

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ислом тараккиёт банкига бундан 18 йил аввал аъзо бўлган. Айни вақтда юртимизнинг Ислом дунёси билан алоқалари минг йилдан зиёд тарихга эгадир. Асрлар давомида Ўзбекистон замини мусулмон оламининг буюк ва ноёб маданияти, илм-фани ва ижтимоий-иқтисодий тараккиётининг марказларидан бири бўлганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Қадимий Ўзбекистон, яъни Мовароуннахр диёри ислом дунёсининг юксак маданияти ва цивилизацияси ривожига унутилмас ҳисса қўшган аллома ва мутафаккирлар юртидир. Бухоролик буюк уламо имом Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий ва унинг бутун дунёга танилган шогирдлари, Имом Бухорий ва Имом Термизий асарларининг ислом фалсафаси илмий-назарий асосларини яратишдаги аҳамияти бекиёсдир.

Бухорои шариф мусулмон оламида “Қуббат-ул Ислом”, яъни “Ислом динининг гумбази” номи билан маълум ва машҳурдир.

“Жоруллоҳ” (“Аллоҳнинг кўшниси”) деган шарафли ном билан улуғланган хоразмлик аллома Маҳмуд аз-Замахшарий араб тили грамматикаси ривожига улкан ҳисса қўшганлиги сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.



Маккаи мукаррамадаги “Масжид ул-Ҳарам” якинида яшаган бу беназир олимнинг грамматикага оид “Ал-Муфассал” асари, арабча-форсча луғат китоби Шарк давлатлари олийгоҳларида кўп асрлар мобайнида асосий дарслик ва кўлланма вазифасини бажарган.

Юртимизнинг Ислом дунёси ривожига кўшган бебаҳо хиссаси буюк Амир Темур ҳукмронлиги даврида янада ёркин намоён бўлди.

Соҳибкирон бобомиз пойтахти Самарқанд бўлган ўз даврининг энг кудратли давлатини барпо этди.

Ўз таркибига бепоён ҳудудларни қамраб олган ушбу улкан салтанат ўша даврдаги ислом дунёсининг асосий минтақаларида иктисодий ва маданий тараққиётни юксак чўққиларга олиб чиқди.

Шу маънода, Амир Темур ҳазратларининг: “Мен салтанатим биносини ислом арконлари асосида мустаҳкамладим”, деган сўзлари албатта бежиз айтилмаган.

Айнан ана шундай мустаҳкам пойдеворга, Шарк уйғониш даврида бутун мусулмон олами эришган улкан илмий, фалсафий ва маданий салоҳиятга таяниб, бизнинг улуғ боболаримиз ҳам ўзларининг буюк кашфиёт ва ихтироларини яратганлар.

Уларнинг бебаҳо мероси бугунги кунда ҳам ўз моҳияти ва аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, дунё коронавирус пандемияси билан тўқнашганда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти биринчи навбатда Абу Али ибн Сино тавсия қилган карантин усулларидан фойдаланишга чақирганини эслаш ўринлидир.

Бундан минг йил олдин (1025 йил) бу улуғ ҳаким “Тиб қонунлари” китобида юқумли касалликлар тарқалишини камайтириш учун 40 кунлик карантин зарурлигини таъкидлаган эди.

Бағдоддаги машҳур “Байт ул-Ҳикма” илмий академиясини бошқарган яна бир ватандошимиз Муҳаммад ал-Хоразмий илк



маротаба ракамлар каторига “ноль” белгисини киритиб, математиканинг янги йўналиши, яъни “алгебра”га асос солган.

Шунингдек, замонавий “Ай-Ти” соҳасининг фундаментал “алгоритм” тушунчаси ҳам ана шу улуғ аждодимиз ал-Хоразмий номи билан боғлиқдир. Самарканд хукмдори, буюк астроном Мирзо Улуғбек 1018 та юлдузнинг координатлари аниқ кўрсатилган, бир неча асрлар дунёнинг олий таълим даргоҳларида дарслик бўлиб хизмат қилган “Зижи Кўрагоний” жадвалини тузган. Геодезия фанининг “отаси” ҳисобланадиган Абу Райхон Беруний бундан минг йил олдин биринчи глобус ва Ернинг энг аниқ харитасини яратган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бугун буюк аждодларимиз анъаналарини давом эттирган ҳолда, биз ислом олами билан муштарак кадриятларимизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш борасида катта ишларни амалга оширмакдамиз. Жумладан, сўнгги йилларда Имом Бухорий номидаги Халқаро ҳадисшунослик маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Халқаро ислом академиясини ташкил этдик. Шунингдек, янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Биргина 2020 йилда юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди. Юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим даргоҳи очилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати билан биргаликдаги “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида қарийб 600 минг ёшларимизга замонавий ахборот технологиялари бўйича чуқур билим берилмоқда.

Азиз дўстлар!

Бугун, инсоният катта синовларни бошидан кечираётган бир вақтда, давлатларимиз коронавирус пандемиясининг иқтисодий



ва ижтимоий оқибатларини енгиб ўтиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ковид пандемияси биз фақат узвий ҳамкорлик ва ўзаро кўмаклашиш орқали замонавий муаммоларга қарши тура олишимиз мумкинлигини кўрсатди.

Дарҳақиқат, Қуръони каримнинг Шарҳ сурасида айтилганидек: “Машаққат ортида, албатта, енгиллик бордир”. Яъни жаҳон миқёсида ҳануз давом этаётган пандемия – бу нафақат катта синов, балки ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқишга шароит яратадиган имконият сифатида қабул қилиниши лозим.

Инкирозга қарши ишлаб чиққан чораларимизни ўз вақтида қўллаб-қувватлагани учун Ислом тараққиёт Банкидан миннатдормиз. Бугунги кунга қадар Банк томонидан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви таъминоти, йўл инфратузилмаси ҳамда қишлоқ жойларда арзон уй-жойларни қуриш учун жами 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та йирик инвестиция лойиҳалари маъқулланган. Ва биз бунга юксак қадрлаймиз. Бизнинг камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайдиган янги лойиҳа – “Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармаси”ни ташкил этиш бўйича келишувнинг мазкур анжуман доирасида имзолангани учун Ислом Тараққиёт Банки ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукуматига ўз ташаккуримизни билдирамиз.

Капитали 500 миллион долларга етказилиши кўзда тутилган мазкур жамғарма ёшларимиз, аёлларимиз ва қишлоқ аҳолисини тадбиркорликка жалб қилиш учун зарур шароитлар яратишга хизмат қилади.

Минтақамизда долзарб бўлган экологик мувозанатни таъминлаш учун барча давлатлар билан биргаликда фаол саъй-ҳаракатларни амалга оширишимиз зарур.



Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида тузилган Кўп шериклик траст жамғармаси фаолиятини жадаллаштириш лозим.

Шу билан бирга, БМТнинг Бош Ассамблеясида маъқулланган Оролбўйи минтақасида экологик инновациялар ва технологиялар худудини ташкил этиш жараёнини Банкнинг кўллаб-қувватлаши ва кўмагига таянамиз.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Яна бир муҳим жихатга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Янги Ўзбекистон ташки сиёсатининг устувор йўналиши – Марказий Осиё минтақасида дўстона ва яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда бу маконда фаровонлик, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдир.

Бу борада, биз, **биринчи** галда, Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо алоқаларини кенгайтириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, сув ва энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалаларига катта аҳамият қаратяпмиз.

**Иккинчидан**, тарихдан маълумки, минтақамиз Шарк ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўлкаларини боғлаган муҳим худуд сифатида танилган. Бу борада Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, айниқса, янги транспорт коридорларини ривожлантириш орқали ушбу минтақалардаги иқтисодий ўсиш ҳамда аҳолининг ҳаёт даражасини оширишни мақсад қилиб олганмиз.

**Учинчидан**, Афғонистонда сиёсий барқарорликни ўрнатиш ва иқтисодиётни тиклаш – минтақавий хавфсизлик ва тараққиётнинг ишончли омилидир. Ўзбекистон доимо бу мамлакатдаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлиб келган. Ва ҳозирги мураккаб шароитда ҳам жафокаш афғон халкига кўлимиздан келган барча зарур ёрдамни кўрсатиб келмоқдамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги кунда дунё мамлакатлари иқлим ўзгариши, йирик миграцион жараёнлар, табиий, энергетика ва озик-овқат ре-



сурсларининг етишмовчилиги каби жиддий синовларга дуч келмокда.

Бу хавф-хатарларни самарали енгиш учун Банкнинг аъзо мамлакатлари инновация ва технологияларни ривожлантириш ва жорий қилиш масалаларида кенг қамровли ҳамкорлик ўрнатиши лозим.

Биз Ислом Тараққиёт Банкининг ушбу жараёнларга тўлаконли етакчилик қилиш салоҳиятига ишонамиз.

Шундан келиб чиқиб, Банкимиз фаолиятини куйидаги йўналишлар бўйича такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан,** “Ғарбий Африкадан Шарқий Осиёгача – Яшил Коридор” номли савдо-иқтисодий маконни шакллантириш концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Айниқса, бу пандемия даврида ғоят катта аҳамиятга эга. Концепциянинг рўёбга чиқарилиши ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтиришга, мамлакатларимизнинг барқарор ўсишига ва иқтисодий жиҳатдан бирлашишига хизмат қилади.

**Иккинчидан,** Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси томонидан молиявий инструментларни кенгайтириш лозим. Бу саъй-ҳаракатимиз эркин савдони рағбатлантириш, инвестициявий хатарларни суғурталаш, транспорт ва логистика инфратузилмаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

**Учинчидан,** “пост-ковид” даврида аъзо мамлакатлар иқтисодиётлари ривожланишига инновацион тус бериш жуда муҳим масаладир.

**Жумладан:**

– Ислом Тараққиёт Банкининг фан, технология ва инновациялар жамғармасининг салоҳияти ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш;

– кишлок хўжалигига илғор ишланмаларни жорий қилиш орқали озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш;



– қайта тикланадиган энергия ва экологик технологияларнинг кўлланишини кенгайтириш асосида “яшил иктисодиёт”ни ривожлантириш айниқса долзарбдир.

**Тўртинчидан,** минтақавий аҳамиятга эга инвестицион ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш даркор.

Биз бу билан мамлакатларимизнинг ўзаро боғлиқлигини янада мустаҳкамлашга эришамиз.

**Бешинчидан,** янги йўналишларни молиялаштириш мақсадида, аъзо мамлакатлар томонидан Ислом Тараққиёт Банки капиталини ошириш бўйича аввал қабул қилинган қарор ижросини тезкор равишда таъминлашимиз зарур.

Ҳурматли меҳмонлар!

Ҳеч шубҳасиз, бугунги халқаро анжуманимиз тарихий аҳамиятга эга ва Банк доирасидаги шериклигимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади ва аъзо мамлакатлар халқларининг умумий фаровонлигига катта ҳисса кўшади.

Меҳмонларимиз орасида расмий делегациялар билан бир қаторда, кўплаб бизнес доира вакиллари қатнашаётганини инобатга олиб, Сизларни қадимий шаҳарларимиз – Самарканд, Бухоро, Хива, Тошкент ва Қўқоннинг туристик салоҳиятини кашф этиш, энг муҳими, савдо, инвестиция ва саноат соҳаларида амалий натижаларга эришишга таклиф этаман. Барчангизга сихат-саломатлик, янги ютуқлар, анжумандаги фаолиятингиз самарали бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ислом тараққиёт банки  
Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилишидаги нутқ*

*2021 йил 2 сентябрь*



---

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР БЎЛГАН ЖАМИЯТ ВА ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТДИР

Хурматли съезд делегатлари!

Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган бугунги съездида иштирок этаётганимдан, барчангизни мана шундай кўтаринки кайфиятда кўриб турганимдан ғоят мамнунман.

Сизлар билан партиямиз ташкил этилган кундан бошлаб, барча масалаларда ҳамфикр бўлиб, ҳаёт олдимизга кўяётган долзарб вазифаларни биргаликда самарали бажариб келмоқдамиз.

Юртимиз сиёсий майдонида катта нуфузга эга бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси съездининг Сиз, хурматли делегатлари ва фаоллари менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзодимни кўрсатганингизни беҳад қадрлайман.

Бу мен учун юксак шараф ва айни пайтда улкан масъулият эканини юрак-юракдан ҳис этмоқдаман.

Бундан беш йил олдин мен партиямиз минбаридан ўз сайловолди дастуримни эълон қилган эдим. Ушбу дастурда давлат ва жамиятимизни янада ислоҳ қилиш, фуқароларимизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришни олий мақсад этиб белгилаган эдик.

Беш йил мобайнида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва унинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида ни-



маларга эришдик? Қандай марраларни эгалладик? Камчиликлар нималардан иборат бўлди?

Дастуримиздаги эзгу мақсадларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун 2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Унинг доирасида 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Президент фармони ва қарори қабул қилинди.

Қисқа даврда мамлакатимизда янгиланишлар нафаси кириб бормаган бирорта соҳа ва тармоқ, шаҳар ва туман, қишлоқ ва маҳалла қолмади, десам, айна ҳақиқатдир.

Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни истардим: бугунги кунда давлатимиз инсон учун, халқ учун очилди. Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим яратдик.

Давлат ташкилотлари иш фаолиятида “маҳаллага тушиш”, “халқ ичига кириш, унинг дардига қулоқ солиш”, “ташвишига шерик бўлиш” ва “муаммоларни жойида ҳал этиш” тамойиллари асосий мезонга айланди.

Бизнинг бу ҳаракатларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк аجدодларимизнинг давлат ва халқ бирлиги, инсонпарварлик ва адолат устуворлиги ҳақидаги юксак ғояларига таянади. Шу асосда халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, парламентаризмни ривожлантириш ва давлат органлари ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлат ва жамият бошқарувида очиклик ва адолатга асосланган, одамлар манфаатига хизмат қиладиган халқпарвар қарорлар қабул қилиш тизими шакллантирилди.

Энг муҳими, биз кўп йиллар давомида амал қилиб келинган “давлат – жамият – инсон” тамойилини ўзгартирдик. Мамлакатимизда аввало инсон, кейин эса, жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизига қўйилди. Ҳаётимизда “Дав-



лат – инсонлар учун” деган халқчил ғоя изчиллик билан қарор топиб бормоқда.

Жамиятда аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган тизимли ишларни олиб бормоқдамиз.

Инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, кадр-қиммати ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тамойили ислохотларимиз моҳиятини ташкил этмоқда. Шу тариқа ўтган беш йилда кўплаб масалаларда янги билим, кўникма ва тажриба орттирдик.

Албатта, барча йўналишларда ҳам ишларимиз бир текисда, силлиқ ва равон кетди, деб айта олмаймиз. Қатор соҳаларда айрим камчилик ва хатолар ҳам бўлди. Лекин, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, барча ислохотларимиз, эзгу ҳаракатларимиз фақат ва фақат мамлакатимиз тараққиётига, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда демократия тамойиллари, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

Маълумки, ўтган беш йиллик давр барчамиз, бутун мамлакатимиз учун кескин ва оғир синов йиллари бўлди. Айниқса, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва унинг оқибатида келиб чиққан глобал иқтисодий инкироз Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Мана шундай мураккаб ва қийин вазиятга қарамасдан, биз миллий иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини барқарор сақлаб қолишга эришдик.

Амалга оширган ислохотларимиз, эришган ютуқ ва натижаларимиз Сизларга, партиямиз фаолларига, айниқса, 1,5 миллиондан ортиқ ишбилармон ва тадбиркорларимизга яхши маъ-



лум. Қўлга киритган марраларимизни нафакат халкимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам бугун холисона эътироф этмоқда.

Шу ўринда айрим рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Сўнгги беш йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 24 фоиз, саноат – 34 фоиз, экспорт ҳажми 1,5 баробар, хорижий инвестициялар ҳажми эса, 3 баробар ўсгани биз қўлга киритган юқори натижалардан далолат беради. Шу даврда ўртача ойлик иш ҳақи 2,2 марта кўпайди.

Бу борада биз иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалигида чуқур ва пухта ўйланган ислохотларни амалга ошириш, ҳудудларни ривожлантириш, саноат ва хизматлар кўламини кенгайтириш масалаларига устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Амалий натижадорлик, инсон манфаати ислохотларимизнинг бош мақсадига айланди.

Ҳурматли партиядошлар!

Ҳар қандай ислохот қуруқ рақамларда эмас, балки, энг аввало, аҳолининг кундалик ҳаётида, унинг дастурхони ва рўзғорида ўз аксини топиши зарур. Бу – ҳаётий ҳақиқат.

Барча орзу-ниятларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани – кеча, кундузни – кундуз демасдан амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз – ҳамма-ҳаммаси бизга катта умид ва ишонч билан қараб турган халқимиз учундир. Биз ушбу йўналишдаги эзгу ишларимизни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосидаги барқарор ривожланиш дастурини ишлаб чиқдик ва мазкур соҳадаги фаолиятимизни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг кўламли ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган.



Юртимизда яшаётган оилалар ҳаётини шу нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган даврда қандай катта натижаларга эришганимиз аён бўлади.

Мисол учун, ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги ҳар 100 та оиллага 162 та телевизор, 107 та холодильник, 287 та мобиль телефон, 49 та енгил автомобиль тўғри келмоқда. Бошқача айтганда, мамлакатимиздаги оилаларнинг қарийб ярми ўзининг шахсий автомобилига эга.

Ёки сўнгги йилларда юртимизда ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан ортиқ уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни олдинги йилларга солиштирганда, 10 мартадан ҳам кўп демакдир.

Самарали ва аниқ манзилли ижтимоий сиёсатни жорий этишда аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, узлуксиз таълим ва тарбия соҳасида янги тизим яратиш, илм-фанни замон талаблари асосида ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларига, хусусан, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар ва имконияти чекланган, ёрдамга муҳтож шахсларга зарур кўмак бериш борасида амалга оширган ишларимиз эл-юртимизга яхши маълум.

Мен бугун бу борада батафсил гапириш, қандайдир рақамларни келтириш фикридан йироқман.

Ижтимоий йўналишдаги ислохотлар ҳақида сўз борганда, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва спорт каби соҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш масалалари ўтган 5 йилда эътиборимиз марказида бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Энг асосийси, мана шундай масканларга, таъбир жоиз бўлса, жон ва рух бағишлайдиган фидойи муаллим ва тарбиячилар, профессор-ўқитувчилар, илмий ва ижодкор зиёлилар, жонкуяр шифокорларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати муносиб тақдирланмоқда.



Пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган oilаларни кўллаб-қувватлаш мақсадида катта миқдордаги маблағ ва ресурслар сарфланмоқда.

Мана, ҳозир диёримизда куз фасли бошланди. Ҳеч кимга сир эмас, илгари куз деганда, авваламбор, пахта йиғим-терим “компанияси” кўз олдимизга келар эди. Якин-якингача ҳар йили тахминан 6–7 миллион аҳолимиз, жумладан, болалар пахта теримига “ихтиёрий-мажбурий” сафарбар этиларди.

Мана, уч-тўрт йилдан буён ўқитувчи ва ўқувчилар – мактабда, врач – шифохонада, олимлар – лабораторияда, талабалар – аудиторияда ўз машғулоти ва ўз иши билан банд бўлмоқда. Бундай натижага тўғри иқтисодий сиёсат юритиш, тадбиркор ва деҳқон учун манфаатли бўлган самарали усулларни, жумладан, кластер ва кооперация тизимини жорий этиш эвазига эришдик.

Мухтасар айтганда, бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит яратилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Азиз дўстлар!

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: биз ўтган беш йилда катта тажриба орттирдик. Халқимиз бизга ишонди ва инонди. Айни вақтда эл-юртимиз биздан янги режа ва дастурларни амалга оширишни кутмоқда.

Халқимизнинг ана шундай ишончи ва орзу-ниятлари, эзгу умидларини рўёбга чиқариш мақсадида юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, фуқаролар ва миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, халқимизнинг маънавий дунёсини янада юксалтириш, Ўзбекистонда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, кафолатли даромад манбаи, тиббий хизматлар ва уй-жой, сифатли таълим билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш



ва эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қаратилган Янги Ўзбекистон стратегиясини ишлаб чиқдик.

Бугун сизларга тақдим этилган шу номли китобда ушбу Стратегиянинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил фикр юритилган.

Шу билан бирга, китобга кирмаган, аммо эътибор беришимиз лозим бўлган қуйидаги энг муҳим ва долзарб масалаларни ҳам биз албатта ҳисобга олишимиз зарур.

**Биринчидан**, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 35 миллионга етди, 2026 йилга бориб эса, 38 миллиондан ошиши кутилмоқда.

Бу – юртимиз жаҳонда аҳоли сони бўйича 37-ўринга чиқиб, Польша, Канада, Саудия Арабистони каби давлатлар аҳолисидан ҳам ошади, дегани.

**Иккинчидан**, аҳолимизнинг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этади ва ҳар йили меҳнат бозорига камида 600 минг ёшлар кириб келмоқда.

Бундай демографик ўсиш биз учун ҳам имконият, ҳам жуда катта масъулият демакдир.

**Учинчидан**, дунё микёсида иктисодиётнинг таркиби кескин ўзгариб, рақамли ва биотехнологиялар, сунъий интеллект каби соҳалар шиддат билан ҳаётга кириб келмоқда.

Иктисодиёт ривожини ускуналар эмас, балки замонавий билим ва инновациялар белгилайдиган замон келди.

**Тўртинчидан**, иклимнинг кескин ўзгариши, сув ресурсларининг камайиб бориши инсоният учун келажакдаги эмас, айнан бугунги кундаги долзарб муаммога айланди.

Бу эса дунё микёсида қишлоқ хўжалиги, озик-овқат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги ва даромадларига жиддий хавф солмоқда.



Бешинчидан, халқаро майдондаги ва минтақамиздаги зиддиятлар, радикализм, экстремизм ва терроризм каби хавф ва таҳдидлар халқимиз тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш нақадар муҳимлигини кўрсатмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, бугунги съездимизда келгуси беш йилда олдимизда турган энг асосий ва муҳим вазифалар ҳақида Сизлар билан маслаҳатлашиб, фикрлашиб олмоқчиман.

## **I. ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ ИҚТИСОДИЁТНИ БАРПО ЭТИШ**

Ҳурматли съезд қатнашчилари!

Қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида бозор механизмларини амалда жорий этиш ҳисобидан барқарор ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Энди, мавжуд захира ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда, келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баробар ошириш вазифаси олдимизда турибди.

Шу тариқа 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг доллардан ошириб, даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар каторига киришга пухта замин яратган бўламиз.

Албатта, бу осон вазифа эмас. Бунга эришиш учун, аввало, иқтисодиётда илм ва инновацияларга асосланган ривожланиш ҳисобидан янги технологиялар ва кўшилган қиймат занжирларини кўпайтириш орқали меҳнат самарадорлигида туб ўзгаришлар қилишимиз шарт.

Шу мақсадда биринчидан, келгуси беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,4 баробар, меҳнат унумдорлиги эса камида 2 марта оширилади. Бунини, аввало, “драйвер” соҳаларда, “хом-



ашёдан – тайёр маҳсулотгача” деган тамойил асосида саноат кластери тизимини ривожлантириш орқали йўлга кўямиз.

Мисол учун, мис саноати кластерини ташкил этиш билан келгуси беш йилда мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2 мартага кўпаяди ҳамда 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқаришга асос яратилади. Навоий, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатлари ва Бекобод металлургия корхонасида катор йирик лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан кўшимча 10 миллиард долларлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш таъминланади.

Шунингдек, табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга ошириш орқали кимё саноатида 2 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Яқинда “Навоийазот” корхонаси негизида Марказий Осиёда биринчи йирик кимё технологик кластери ташкил этилганидан хабарингиз бор.

Келгуси йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида яна 5 та кимё технологик кластер ташкил этилади ва уларда умумий қиймати қарийб 7 миллиард долларлик 40 дан зиёд истикболли лойиҳалар амалга оширилади. Ушбу лойиҳалар учун ёш, замонавий билимларга эга бўлган кадрлар ва олимларни тайёрлаш мақсадида Тошкентдаги Улуғбек шаҳарчасида кимё соҳасида илмий ва таълим кластери ташкил этилади.

Саноатни ресурс базаси билан таъминлаш учун геология-кидирув ишлари ҳажми кескин оширилади, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компаниялар кенг жалб қилинади. Бунда ерости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари норуда қазилмалар бўйича – 2 мартага, табиий газ бўйича – 3 мартага, нефть бўйича – 2 мартага камайтирилади. Шунингдек, ушбу солиқ мис ва олтин бўйича – 7 фоизгача пасайтирилади.



Илм-фанни ривожлантириш оркали саноат тармоқларига энг замонавий технологияларни кенг жорий этиш дастурлари ишлаб чикилади ва амалга оширилади.

Иккинчидан, келгуси беш йилда рақамли иктисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантирамиз. Унинг ҳажми камида 2,5 баробар оширилиб, 4 миллиард долларга етказилади.

Ҳар бир хонадон ва ижтимоий муассаса макбул нарҳда юқори тезликдаги Интернетга уланади, магистраль автомобиль йўллари 100 фоиз мобил алоқа ва Интернет билан қамраб олинади. Шунингдек, халқаро магистрал Интернет тезлиги – 5 баробар, туманлараро тармоқлар тезлиги – 8 баробар оширилади.

2026 йилга қадар нефть-газ, кимё, металлургия ва бошқа саноат соҳаларидаги барча жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилади. Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажми 5 баробар, уларнинг экспорти эса 10 баробар оширилиб, 500 миллион долларга етказилади.

Келгуси йил якунига қадар “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойили асосида барча давлат органларида иш юритиш, аҳоли билан ҳужжат алмашиш тўлиқ электрон шаклга ўтказилади.

Учинчидан, иктисодиётда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун макроиктисодий барқарорлик таъминланади.

Бунда 2023 йил охиригача инфляция даражаси 5 фоизга туширилади. Давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,5 фоиздан ошмаслиги таъминланади. Бунинг учун бюджет маблағларини самарали тақсимлаш ва назорат қилишнинг янги тизими йўлга қўйилади. Бундан буён бюджет харажатлари, биринчи навбатда, фуқароларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантиришга йўналтирилади.

Хабарингиз бор, бу йилдан бошлаб жорий этилган “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида 14 та туман бюджетининг 5 фоизи аҳоли тақлифлари асосида долзарб муаммоларни



ечнишга қаратилди. Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизи ушбу Дастур орқали таксимланади. Шу тариқа бевосита аҳолининг талаблари асосида йилига 1,5–2 триллион сўм маблағ жойлардаги энг долзарб муаммоларни ҳал этишга сарфланади.

Яна бир муҳим масала – янгидан жалб қилинадиган йиллик ташқи қарз миқдори 5 миллиард доллардан ошмаслиги таъминланади.

Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида келгуси 5 йилда фонд бозори ҳажми 200 миллиард доллардан 7 миллиард долларга етказилади. Бунда мамлакатимизда капитал олиб кириш бўйича мавжуд чекловлар қайта кўриб чиқилиб, барча учун қулай бўлган шарт-шароитлар яратилади.

**Тўртинчидан**, иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун келгуси беш йилда 120 миллиард доллар, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб қилинади.

Шу мақсадда 2026 йилгача хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича алоҳида стратегия қабул қилинади.

Давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар доирасида келгуси беш йилда транспорт, йўл қурилиши, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард доллар инвестиция жалб қилинади.

Келгуси йилдан бошлаб асосий воситаларни амортизация қилишга солиқ имтиёзларини кенгайтириш орқали 130 мингдан зиёд тадбиркорлар ихтиёрида ҳар йили қарийб 2 триллион сўм маблағ қолдирилади.

Хабарингиз бор, кейинги пайтда ҳудудларда саноат ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Бунинг учун албатта қўшимча молиявий ресурслар керак. Шу мақсадда Ўзбекистон тараққиёт банки ташкил этилади.



**Бешинчидан,** мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти 1,7 баробар оширилиб, 2026 йилда 30 миллиард долларга етказилади.

Экспорт таркибида хомашёнинг улуши ҳозирги 46 фоиздан 23 фоизга камайиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми 2,5 баробар кўпаяди.

Европа давлатларига “GSP+” тизими доирасида 2 мингдан зиёд турдаги тайёр маҳсулот экспорти йўлга қўйилади.

Келгуси йилдан бошлаб “Янги Ўзбекистон – ракобатбардош маҳсулотлар юрти” деган гоя асосида 200 та экспортчи очик танлов асосида сараланиб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли дастур амалга оширилади.

**Олтинчидан,** давлат корхоналарининг трансформацияси ҳамда хусусийлаштириш жараёнлари тезлаштирилади.

Энди самарасиз корхоналар давлатдан қўшимча ёрдам олмасдан, хусусий сектор каби “ўз аравасини ўзи тортиши” шарт.

Бунда машинасозлик, кимё, нефть-газ, энергетика, кон-металлургия, транспорт каби тармоқлардаги 23 та йирик корхона халқаро кредит рейтингларини олиш орқали ички ва ташқи молиявий бозорларга мустақил чиқиб, инвестиция лойиҳалари учун ўзи маблағ жалб қилиши талаб этилади.

Шунингдек, энергия ресурслари бозори эркинлаштирилиб, соҳага хусусий инвестициялар кенг жалб қилинади. Натижада 2026 йилга бориб, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми йилга қўшимча 30 миллиард килловатт соатга оширилади ва жами 100 миллиард килловатт соатга етказилади.

Келгуси йилда табиий газ бўйича ҳам эркин бозор тамойилларини жорий этиш жараёнлари бошланади.

Электр энергияси ва табиий газ бозорларини эркинлаштириш билан бирга, эҳтиёжманд аҳолимизни ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормалари киритилади.



Шу билан бирга, банк тизимини трансформация қилиш орқали хусусий банкларнинг улуши жами банк активларининг 60 фоизга етказилади.

Умуман, 2026 йилга бориб, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 67 фоиздан 80 фоизга, экспорт ҳажмида эса, 32 фоиздан 60 фоизга ўсиши таъминланади.

Еттинчидан, “яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этамиз.

Мамлакатимизда келгуси беш йилда қуввати 5 минг мегаваттдан ортиқ бўлган шамол, қуёш ва гидроэлектростанциялар ишга туширилади. Натижада йилига қарийб 3 миллиард куб метр табиий газ тежаллади.

Электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади. Келгуси йилнинг ўзида Тошкент шаҳри жамоат транспортида 320 та электробус қатнови йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш махсус жамғармаси ташкил этилади.

Бу каби амалий ишларимиз натижасида иқтисодиётнинг энергия самарадорлиги 20 фоизга ошади, атмосферага чиқариладиган зарарли газлар ҳажми 10 фоизга қисқаради.

Саккизинчидан, замонавий технологияларда ишлай оладиган юксак билимли ва малакали кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштирамиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, келгуси беш йилда саноат тармоқларида 100 минг олий ҳамда 460 минг ўрта махсус маълумотли кадрларга эҳтиёж пайдо бўлади. Шунинг учун йирик корхоналарнинг ўзида касбий таълим марказларини ташкил этиш бўйича барча зарур шароитлар яратилади. Энг аввало, қурилиш материаллари, фармацевтика, тўқимачилик, нефть-кимё, электротехника каби етакчи соҳаларда хўжалик бирлашмалари ва лойиҳа институтлари билан малакали мутахассисларни тайёрлайдиган янги тизим йўлга қўйилади.



## II. ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ВА МАНЗИЛЛИ МОЛИЯВИЙ КЎМАК – КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мухтарам юртдошлар!

Хабарингиз бор, 2020 йилда биз илк бор аҳолимиз ўртасида камбағаллик борлигини очик тан олиб, бу муаммо билан жиддий шуғулланишни бошладик. Авваламбор, эҳтиёжманд аҳолини аниқлашнинг янги тизими яратилиб, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” жорий этилди.

Бундан буён шаҳар ва туманларда иқтисодий комплекс таркибига кирадиган барча идораларнинг бош вазифаси “маҳаллабай” ишлаш асосида камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни бартараф этиш ҳисобланади. Бунда аҳолини, айникса, ёшлар ва аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш, оила хўжаликларида бизнес ташкил этишга кўмаклашиш, эҳтиёжманд фуқаролар билан манзилли ишлаш, бир сўз билан айтганда, халқни рози қилиш асосий мезон бўлади. Бунинг учун ушбу идораларнинг тизими ва ходимлар сони ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқилади, уларнинг маоши ҳам, обрў-эътибори ҳам иш натижасига боғлиқ бўлади.

Бу борада энг муҳим вазифа – 2026 йил якунигача камбағалликни камида 2 баробар қисқартиришдан иборат. Бунга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур.

**Биринчидан**, тадбиркорликни янада кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Хабарингиз бор, шу йил 20 август куни сиз, ҳурматли тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқот доирасида 7 та йўналиш бўйича 60 га яқин янги ташаббус ва таклифларни амалга ошириш учун алоҳида Дастур қабул қилдик.

Шу билан бирга, бизнес соҳасига имкониятларни кенгайтириш, солиқ турлари ва унинг юқини камайтириш бўйича тизимли ишларимизни изчил давом эттирамиз.



Яхши биласизлар, 2020 йилда кўшилган қиймат солиғи ставкасини 20 фоиздан 15 фоизга туширган эдик. Бу – 100 минг тадбиркор ихтиёрида 10 триллион сўм маблағ қолади, дегани.

Энди зарур тайёргарлик кўрган ҳолда, 2023 йилдан бошлаб ушбу солиқ ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга туширамиз.

Келгуси йили корхоналарнинг мол-мулк солиғи ставкаси 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтирилади ва бунинг натижасида тадбиркорлар ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм маблағ қолади.

Яна бир янгилик – 2023 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб, ягона кўчмас мулк солиғи жорий қилинади.

Ҳозирги вақтда банк, молия, телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси ҳар хил бўлиб, улар амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга туширилади ва барча тадбиркорлар учун бир хил бўлади.

Йўл қурилиши, иссиқлик таъминоти, ободонлаштириш хизматлари каби 25 та фаолият туридаги монополияга барҳам берилиб, энди бу соҳаларда тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очилади.

Туман ва шаҳарлардаги мавжуд бир нечта тадбиркорликка кўмаклашадиган тузилмалар негизида Тадбиркорлар кенгаши ташкил этилади.

Иккинчидан, ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-ҳунарга ўқиш имконияти яратилади.

Бу борада касбга ўқитиш кўлами 2 баробар оширилиб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқаро касб-ҳунарларга ўқитилади. Бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштироки 30 фоизга етказилади.

Касбий таълим билан тизимли шуғулланиш масалалари тўлиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ўтказилади.

Келгуси беш йилда норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаролар бандлигини легаллаштиришга ёрдам берилади.



Шу оркали уларнинг ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлик фойдаланишига имконият яратилади.

Шунингдек, ҳудудларда сервис соҳалари кўламини кенгайтириш оркали хизмат кўрсатиш ҳажми 3 баробар оширилади ва бунинг эвазига 3,5 миллионта янги иш ўрни яратилади.

**Учинчидан**, жамиятда аёллар мавқеини оширишга қаратилган сиёсатимизни изчил давом эттирамиз.

Оилада фарзандлар баркамол бўлиб улғайиши, муҳит соғлом бўлиши учун аёлларни ўқитиш, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатиш, уларнинг ишлашига шароит яратиш бу борадаги ишларимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлади. Бунинг натижасида аёллар ўртасидаги ишсизлик даражаси келгуси беш йилда 2 баробар камайтирилади. Шунингдек, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизлар касб-ҳунарга ўқитилади ва уларнинг харажатлари давлат томонидан қоплаб берилади.

Келгуси уч йилда уй-жойга муҳтож 10 мингдан зиёд хотин-қизларга имтиёзли шартлар асосида уй-жойлар ажратилади.

**Тўртинчидан**, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан таъминлаш даражаси ҳозирги 60 фоиздан 100 фоизга етказилади.

Базавий пенсия ҳисоблашда иш ҳақининг чегаравий миқдори ҳозирги 10 баробардан 12 баробарга оширилади. Бу – 2 миллион нафар фуқаронинг пенсияси камида 20 фоизга кўпаяди, дегани.

Шу билан бирга, уй-жойга муҳтож фуқароларга тураржойларни ижтимоий ижарага бериш тизими жорий этилади.

Манзилли ижтимоий ҳимоя борасида имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳимояси ва уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига алоҳида эътибор қаратамиз. Ҳозирги кунда ишлаш имконияти бор 162 минг ногиронлиги бўлган шахсларнинг атиги 13 фоизи ишляпти. Келгуси беш



йилда уларнинг бандлигини 3 баробар оширишни кўзда тутадиган Касбга ўқитиш ва иш билан таъминлаш Миллий дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Шулар қаторида эҳтиёжманд оилаларнинг кизлари учун олий таълим грантлари ҳар йили ошириб борилади ва 2026 йилда 6 мингга етказилади.

Бир сўз билан айтганда, биз юртимизда ёрдамга муҳтож биронта инсон эътибор ва амалий ғамхўрликдан четда қолмаслиги учун барча чораларни кўрамиз.

### **III. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ – ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ТАЛАБИ**

Ҳурматли съезд қатнашчилари!

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ҳамда бандликнинг 30 фоиздан ортиғини таъминламоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги ер ва сув ресурслари чекланган шароитда қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш – навбатдаги устувор вазифамиздир.

Камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат маҳсулотларини етарли ҳажмда ва мақбул нархларда етказиб бериш, деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар оширишни режа қилганмиз.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатларини камида 5 фоизга, бир гектардан ўртача даромадни 5 минг долларга, қишлоқ хўжалигининг экспорт ҳажмини 7 миллиард долларга етказиш вазифаси кўйилмоқда. Бунинг учун куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

**Биринчидан**, қишлоқ хўжалигида давлат аралашувига тўлиқ барҳам бериб, маҳсулот ишлаб чиқаришни саноат босқичига олиб чиқиш лозим. Бунда туманлар аниқ маҳсулотлар етиштиришга ихтисослаштирилиб, давлат томонидан деҳқонларни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратилади.



Аграр тармоқдаги кластер корхоналари ва фермер хўжалик-лари фаолиятини барқарор, қулай шарт ва муддатларда молия-лаштириш ва суғурталашнинг мутлақо янги механизмлари амал-га оширилади.

Шу билан бирга, давлат идоралари томонидан нарх белги-лаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мажбурий сотиб олиш тизими ҳам тўлиқ бекор қилиниб, эркин бозор муносабат-лари жорий қилинади.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли ва са-марали фойдаланиш мақсадида 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, аҳолига очик танлов асосида 10 со-тихдан 1 гектаргача узок муддатли ижарага берилади.

**Иккинчидан**, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида янги ўз-лаштириладиган 400 минг гектар ер майдонлари кластер корхо-наларига очик танлов асосида ажратилади.

Келгуси беш йилда интенсив боғлар 3 баробар ёки 150 минг гектарга, иссиқхоналар эса 2 баробар ёки 11 минг гектарга кўпай-тирилади. Бу орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард долларга ошириш имкони яратилади.

Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш бўйича алоҳида қонун ишлаб чиқилади.

**Учинчидан**, илм-фан ва инновацияга асосланган агрохиз-матлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилади.

Худудларда агросаноат корхоналарини хомашё билан таъ-минлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар ошириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

Агрологистика марказлари ва замонавий лабораториялар сони кўпайтирилади.

Уруғчилик, кўчатчилик ва чорва молларининг зотларини ях-шилаш бўйича миллий дастур амалга оширилади. Хусусан, юко-ри ҳосил берадиган ғўза ва ғалла навларини четдан олиб келиш ва эркин жойлаштиришга босқичма-босқич рухсат этилади.



Нуфузли халқаро илмий марказлар ва олийгоҳлар билан биргаликда Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ташкил этилади.

Тўртинчидан, чорвачиликда озуқа экинлари майдони 340 минг гектардан 700 минг гектарга етказилади. Шунингдек, 11 миллион гектар яйловларни қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш чоралари кўрилади.

Шунинг эвазига келгуси беш йилда гўшт, сут, тухум ва ба-лик етиштириш ҳажмини 1,5–2 баробар кўпайтириш, озуқа базасини кенгайтириш бўйича ҳам алоҳида дастурлар амалга оширилади.

Бешинчидан, энг мураккаб ва долзарб масалалардан бири бўлган сув ресурсларини бошқариш тизими тубдан ислоҳ қилинади. Жумладан, сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш, рақамлаштириш, ирригация ва мелиорация тадбирлари ҳисобидан йилига камида 7 миллиард куб метр сувни иктисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастури амалга оширилади. Ушбу мақсадлар учун келгуси беш йилда 2 миллиард доллар маблағ йўналтирилади.

#### **IV. СИФАТЛИ ТАЪЛИМ – ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ**

Азиз дўстлар!

Ижтимоий соҳадаги барча ислоҳотларимизнинг пировард на-тижаси, жумладан, камбағалликни қискартириш ҳам кўп жиҳат-дан таълим-тарбия тизимини қандай ташкил этишимизга боғ-лик. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Келгусида узлуксиз таълим тизими учун миллий ўқув дасту-рини жорий этиш, таълим сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида қуйидаги масалалар доимий эъти-боримиз марказида бўлади.



**Биринчидан,** мактабгача таълимдаги камров даражаси ҳозирги 62 фоиздан камида 80 фоизга етказилади. Бунинг учун кўшимча равишда 7 мингдан зиёд янги боғча ташкил этилади.

Шунингдек, 2024 йил якунига қадар 6 ёшли болалар мактабгача тайёрлов тизими билан тўлиқ қамраб олинади.

Ана шу тадбирлар ҳисобидан келгуси беш йилда тизимда 45 мингдан ортиқ хотин-қизлар учун кўшимча иш ўринлари яратилади. Боғча тизими ходимларининг ойлик маошлари ҳам босқичма-босқич ошириб борилади.

Бундан кўзланган асосий мақсадимиз – етти ёшгача бўлган бирорта ҳам фарзандимиз мактабга чиққунга қадар эътиборсиз ва билимсиз қолмаслиги керак.

**Иккинчидан,** мактаб таълими тизими учун ўқув дастурлари ва дарсликлар илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта ишланиб, 2026 йилга қадар амалда жорий этилади.

Ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнاتини муносиб кадрлаш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Юртимизда болалар сони ўсиб бораётганини инобатга олиб, янги мактаблар қуриш, хусусий мактабларни кўпайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутадиган Мактабларни ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилади. Шу асосда келгуси беш йилда кўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш учун мактаблар реконструкция қилинади ва янгидан барпо этилади.

**Учинчидан,** олий таълимга камров даражасини 50 фоизга етказиш билан бирга, асосий эътибор таълим сифатини оширишга қаратилади.

2026 йилга қадар камида 10 та олийгоҳимиз нуфузли халқаро рейтингларга эришиши учун саъй-ҳаракатларимизни кучайтирамиз.

Шунингдек, давлат олийгоҳлари босқичма-босқич меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, тўлов-контракт миқдори ва таълим шаклини мустақил белгилайди. Уларнинг молиявий барқарор-



лигини ошириш мақсадида ижтимоий солиқ ставкаси амалдаги 25 фоиздан 12 фоизга туширилади, бўшаган маблағлар таълим муассасаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Хусусий олийгоҳларда таълим олаётган талабаларга ҳам 7 йиллик таълим кредитини олиш тартиби жорий этилади.

Талабаларнинг яшаш шароитини яхшилаш учун келгуси беш йилда қарийб 100 минг ўринли талабалар тураржойлари барпо этилади.

Олий таълимда сифат ва рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида 2026 йилгача хусусий олийгоҳлар сони камида 50 тага етказилади.

Замонавий, эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали уларни нуфузли хорижий олийгоҳлардаги бакалаврият, магистратура ва докторантурага юбориш кўлами 2 мартага оширилади.

**Тўртинчидан**, илмий кадрлар тайёрлаш ва илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилади.

Докторантурага қабул давлат буюртмаси ҳамда манфаатдор ташкилотлар маблағлари ҳисобидан тўлов-грантлари асосида жорий этилади.

Булардан кўзланган ягона мақсадимиз – таълимнинг барча босқичидаги муассасаларни – Учинчи Ренессанснинг 4 та узвий ҳалқасига, боғча тарбиячисини, мактаб муаллимини, профессор-ўқитувчилар ва илмий ижодий зиёлиларимизни эса, Янги Уйғониш даврининг 4 та таянч устунига айлантиришдир.

Жисмоний етук ва баркамол авлодни тарбиялаш бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу борада олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ҳар икки йилда ўтказиладиган умумреспублика спорт ўйинлари – Миллий олимпиада тизими жорий этилади. 2024 йили Парижда бўладиган олимпия ва паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этиш учун тегишли “йўл харитаси” қабул қилинади.



Умуман, таълим-тарбия ва спорт соҳасида изчил давом эттириладиган ислоҳотларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорларини камолга етказишга хизмат қилади.

## V. АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ – БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Хурматли съезд иштирокчилари!

Сизларнинг эътиборингизга тақдим этилаётган Янги Ўзбекистон стратегиясида фуқароларнинг соғлиғини асраб-авайлаш масаласи энг муҳим вазифалардан бири бўлади.

Бунинг учун, **биринчидан**, тиббиётнинг бирламчи бўғинида халкимизга малакали хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади. Ушбу соҳага ажратиладиган маблағлар 2 баробар оширилиб, асосий эътибор хонадонбай тиббий профилактикага қаратилади.

Аҳоли ўртасида кенг тарқалган юрак-қон томир, эндокрин, буйрак етишмовчилиги ва онкологик касалликларни камайтириш мақсадида алоҳида дастурлар қабул қилинади.

Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилади. Биринчи босқичда 46 та туманлараро перинатал марказлари барпо этилади.

Ногиронлиги бўлган ўғил-қизларимизни соғломлаштириш учун Республика болалар тиббий реабилитация маркази ва унинг филиаллари ташкил қилинади.

**Иккинчидан**, хусусий тиббиётни янада ривожлантириш мақсадида уларга солиқ имтиёзлари бериш давом эттирилади.

Тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улуши ҳозирги 12 фоиздан 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 11 та тиббиёт олийгоҳи трансформация қилиниб, уларнинг қошида клиникалар ташкил этилади ҳамда ўқитувчиларнинг илғор хорижий давлатларда тизимли малака ошириши йўлга қўйилади.



Учинчидан, ўзимизда ишлаб чиқарилган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг миқдори 80 фоизга етказилади. Ушбу тармоқдаги ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёзлар яна 5 йилга узайтирилиб, замонавий фармацевтика кластерлари ҳамда зоналари ташкил этилади ва мавжудлари янада ривожлантирилади.

Тўртинчидан, санитария-эпидемиология хизматининг халқаро мақомга эга 250 дан зиёд лабораториялари ташкил этилади.

Чунки бу соҳанинг нақадар муҳимлигини пандемия даври бизга яққол кўрсатди.

Бош мақсадимиз – соғлиқни сақлаш тизимида юксак натижадорликка эришиш, аҳоли ўртасида касалликларни камайтириш, соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб қилиш ва ўртача умр кўриш даражасини оширишдан иборатдир.

## **VI. ҲУДУДЛАРНИ МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ**

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги съездимизда тақдим этилаётган Стратегияда ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш масаласи илк бор устувор йўналиш сифатида белгиланмоқда.

Биринчидан, бу борада ҳар бир ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида 14 та беш йиллик дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бунда ҳар бир туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятлари ўрганилиб, “ўсиш нуқталари” белгилаб олинди. Уларга мувофик, аниқ режа ва лойиҳалар шакллантирилмоқда.

Ушбу дастурларнинг мазмун-моҳияти жойлардаги сайловолди учрашувларимизда ҳар бир ҳудуд жамоатчилиги эътиборига тақдим этилади.



**Иккинчидан**, ҳудудларда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсати янада такомиллаштирилади.

Шу мақсадда 18 та катта, 22 та ўрта ва 80 та кичик шаҳарлар ўртасида транспорт-логистика тизими ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари амалга оширилади.

Бундан ташқари, Самарқанд ва Наманган келгуси беш йилда аҳоли сони миллион нафарни ташкил этадиган шаҳарларга айлантирилади. 450 минг аҳоли яшашига мўлжалланган Янги Андижон шаҳрининг дастлабки бир нечта мавзелари қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Реновация дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойлар қурилади, 275 мингдан зиёд оилалар янги массивларга кўчирилади.

**Учинчидан**, оғир экологик шароитга қарамасдан, мамлакатимиз таракқиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Қорақалпоғистон Республикасини, унинг барча шаҳар, туман ва овуллари комплекс тарзда ривожлантириш, меҳнаткаш ва матонатли, оккўнгил ва бағрикенг қорақалпоқ элининг ҳаётини обод ва фаровон этишга ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамият қаратамиз.

Бизнинг олий ва эзгу мақсадимиз – биргаликдаги фидоқорона меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистон таркибида Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир.

**Тўртинчидан**, Тошкент шаҳрини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантириш бўйича бошланган ишлар давом эттирилади. Бунда Тошкент шаҳрида жамоат транспорти тизими тубдан қайта кўриб чиқилади. Шунингдек, 3 минг километр ички йўллар янгиланади, 10 та замонавий кўприк қурилади.

Пойтахтимизни кўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиб, 9 та жамоат парки, 20 та хиёбон, 250 километр велосипед ва пиёдалар йўлакчалари барпо этилади.



Тошкентнинг оқова сув тизими коллекторлари шаҳар худудидан ташқарига чиқарилиб, давлат-хусусий шериклик асосида янги тозалаш иншооти барпо этилади.

Чирчиқ дарёсининг 16 километрлик қирғоғини қайта тиклаш ҳисобидан 500 гектар ер майдонлари ўзлаштирилади. Бу жойда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва аҳоли тураржойлари бунёд этилади.

Умуман, келгуси беш йилда Янги Тошкент шаҳрини барпо этишга қаратилган лойиҳамизни босқичма-босқич амалга ошириш бошланади.

Бешинчидан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида худудларнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишига алоҳида эътибор қаратамиз. Бунда 70 минг километр магистрал ва паст кучланишли электр тармоқлари, 22 мингдан ортиқ трансформатор ҳамда 100 дан зиёд подстанция қурилади ва янгиланади.

Айни вақтда 70 минг километрдан зиёд автомобиль йўллари, 15 минг километрдан ортиқ ичимлик суви ва 1 минг километр оқова сув тармоқлари қурилади. Мамлакатимиз бўйича аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 87 фоизга етказилади.

Бундан ташқари, 2026 йилгача 32 та йирик шаҳар, 155 та туман марказларида оқова сув тизимлари янгиланади. Шунингдек, маиший чиқиндилар йиғиш 100 фоизга ва уни қайта ишлаш даражаси ҳозирги 21 фоиздан 50 фоизга етказилади.

Олтинчидан, зарур шароитлар ташкил қилиш орқали 2026 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 9 миллионга, туризм хизматлари экспорти 1,8 миллиард долларга етказилади.

Самарқанд халқаро аэропорти йирик транспорт хабига айлантирилади. “Абадий шаҳар” тарихий мажмуасини ўз ичига олган “Самарқанд туризм маркази” ташкил этилади.



“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат килинг” дастури доирасида, маҳаллий сайёҳлар сони келгусида ҳар йили 12 миллиондан ошади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Оролбўйида экотуризмни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Бунда Мўйнокнинг янги аэропорти имкониятларидан кенг фойдаланилади. Бундан ташқари, 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектлари имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади ва ушбу йўналишда давлат дастури қабул қилинади.

Энг муҳими, 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сони 2 баробар оширилиб, 520 мингга етказилади. Туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар йили 1 триллион сўм маблағ ажратилади.

Еттинчидан, транспорт йўналишида олдимизда иккита энг муҳим вазифа турибди.

Авваламбор, Тошкент ва йирик шаҳарлар ўртасида кунлик қатновлар бўйича узоғи билан 6–7 соатда манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имконияти яратилади.

Темир йўлларни электрлаштириш даражаси амалдаги 40 фоиздан 60 фоизга оширилади. Тошкент – Урганч йўналиши бўйича тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, юк ташиш харажатларини камида 30 фоизга пасайтиришимиз, транзит ҳажмини 15 миллион тоннага етказишимиз шарт.

Саккизинчидан, бутун мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси татбиқ этилади.

Хонадон, кўча, маҳалла ва қишлоқ, шаҳарларда, йўл бўйлари ва дала четларига дарахтлар экиш, ҳар бир ҳудуд иқлимига мос кўчатларни етиштириш, суғориш ҳамда парвариш қилиш тизими жорий этилади. Бу тизим орқали ҳудудларда ҳар йили камида 200 миллион туп дарахт кўчатлари экилади.



Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида “Янги Ўзбекистон боғи” намунаси асосида камида 50 гектар майдонда “яшил боғлар” барпо этилади. Бундан ташқари, шаҳарлар ва туман марказларида ҳар 50–100 минг аҳоли учун “яшил парклар” ташкил этилади.

Шу билан бирга, дарахт кесишга муддатсиз мораторий жорий қилинади. Бундан буён парклар ва яшил зоналар ҳудудини бошқа мақсадлар учун ишлатиш қатъиян тақиқланади.

Тўққизинчидан, келгуси йилларда Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонлар барпо этилиб, уларнинг умумий ҳажми 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказилади.

Оролбўйида халқаро “Яшил иқлим” ва “Глобал экологик жамғарма”лари маблағлари ҳисобидан биохилма-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишининг олдини олишга қаратилган 300 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади.

Буларнинг барчаси Қорақалпоғистон ҳамда Хоразм воҳасининг экологик шароитини яхшилаш, ушбу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

## **VII. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ХАЛҚЧИЛ ВА ИНСОНПАРВАР ДАВЛАТ**

Муҳтарам юртдошлар!

Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар, адолатли давлатдир.

Янги Ўзбекистон – кучли қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтлари самарали фаолият кўрсатадиган, “Давлат – халқ хизматчиси” тамойили амал қиладиган, демократик дунёвий давлатдир.

Шу муносабат билан “Халқчил давлат” миллий дастурини, Халқ қабулхоналарига конституциявий мақом бериш ва уларнинг фаолияти тўғрисида алоҳида қонунни ишлаб чиқиш вақти



етди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси конунчилигини ривожлантириш концепциясини тайёрлаш ҳам давр тақозосидир.

Миллий таракқиётимизнинг бугунги янги боскичида ихчам, профессионал, халқимиз талабларига жавоб берадиган, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Бу борада ўтган даврда етарли тажриба тўпладик ва келгусида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширамиз.

**Биринчидан**, маҳалла том маънода жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айланиши учун барча шароитларни яратамиз.

Шу мақсадда, аввало, маҳалла тизимининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилади, уни молиялаштириш манбалари ва тартиби такомиллаштирилади.

Бундан ташқари, маҳаллада фуқаролар учун давлат ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, давлат органларига маҳалладан туриб мурожаат қилиш имконияти яратилади.

**Иккинчидан**, туман, шаҳар, вилоят вакиллик ва ижро ҳокимияти тизими қайта кўриб чиқилади.

Келгусида туман ва шаҳар кенгашларида камида 2–3 нафар депутат доимий асосда ишлайдиган тартиб жорий этилади. Улар муаммоларни маҳаллабай ўрганиб, ечимини Кенгаш муҳокама-сига киритади.

Туман ва шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли кенгашда энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган партия гуруҳи томонидан илгари сурилади. Бунда номзод ҳудудни ривожлантириш бўйича ўз дастурини халқ вакиллари олдида ҳимоя қила олган тақдирда ҳоким лавозимига тасдиқланади.

Бир қатор ижтимоий масалалар, жумладан, ичимлик ва оқова сув, ички йўллар, бошқа инфратузилма объектларининг қурилиши, бандлик дастурини тасдиқлаш туман ва шаҳар кенгашлари ваколатига ўтказилади.



Келгуси йилдан бошлаб 28 та туман ва шаҳарда эксперимент тариқасида ҳудудни ривожлантириш ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳокимликларнинг ваколат ва имкониятлари кенгайтирилади. Энди ҳар бир ҳокимлик ўзининг ва ҳудудий ижро идораларининг штат бирлиги ва тузилмаларини Кенгаш билан бамаслаҳат мустақил белгилайди. Юридик шахслардан олинандиган ер солиғи тўлиғича ушбу туман ва шаҳарларда қолдирилади.

Бундан ташқари, ҳудудий ижро идораларининг “ваколатлар реестри” шакллантирилади, такрорланадиган 500 дан ортиқ функциялар мақбуллаштирилади.

2022 йилдан бошлаб боғча, мактаб, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва таъмирлашга ажратиладиган 4 триллион сўм маблағни тақсимлаш ваколати вилоятларга берилади.

Бундан буён Халқ таълими ва Мактабгача таълим вазирликлари ўқитиш ва тарбия сифатига, маҳаллий ҳокимликлар эса таълим муассасаларининг қурилиш-таъмирлаш ишларига жавоб беради.

**Учинчидан**, барча бўғиндаги ижро идоралари раҳбарлари – хоҳ у вазир бўлсин, хоҳ кўмита раиси, бир йиллик иш дастури ва амалга оширадиган лойиҳаларини жамоатчиликка очиқ эълон қилиб боради.

Келгуси беш йилда давлат идораларининг штатларини оширишга йўл қўйилмайди. Аксинча, рақамлаштириш ва қатор функцияларни хусусий секторга бериш ҳисобидан штатлар қисқартириб борилади.

Қатор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти ислохотларимиз талабларидан келиб чиқиб, танқидий қайта кўриб чиқилади.

**Тўртинчидан**, замонавий давлат хизматини жорий қилишга устувор аҳамият берилади. Хусусан, электрон давлат хизматла-



рининг улуши 100 фоизга етказилади. Жумладан, 700 дан ортик давлат хизматларининг 100 таси хусусий секторга ўтказилади.

Бундан буён давлат хизматига кадрлар, коида тарикасида, танлов асосида кабул килинади. Давлат хизматчилари учун узлуксиз малака ошириш, натижадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгиланади. Иш вақти, меҳнат меъёрлари бўйича талаблар ҳам кайта кўриб чикилади.

Бешинчидан, биз очиклик ва ошкоралик, жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик йўлидан қатъий борамиз.

Ижтимоий соҳа объектларини куриш, “Обод кишлок”, “Обод маҳалла”, ҳудудий инфратузилма дастурлари доирасидаги лойиҳалар очик эълон қилиниб, кенг жамоатчилик фикри асосида ишлаб чикилади.

Шунингдек, субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар ажратиш орқали нодавлат нотижорат ташкилотларни кўллаб-қувватлаш ҳажми 2 баробар оширилади.

Оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш давом эттирилиб, журналистларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Мен ҳақиқат ва адолатни ўз эътиқоди деб биладиган барча журналистларни ислохотларнинг фаол иштирокчилари, деб биламан ва улар ҳамиша Президент ҳимоясида бўлади. Бу фикрни бугун яна бир бор таъкидлайман.

## **VIII. АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ**

Кадрли сафдошларим!

Одил судлов, инсон кадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрият сифатида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларимизнинг асосий мазмуни бўлиб қолади.



Ушбу соҳа янада очик ва халқчил бўлиши учун куйидаги йўналишларда муҳим ўзгаришлар амалга оширилади.

**Биринчидан,** мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизими такомиллаштирилади.

Бу борада маъмурий суднинг ўрни ва ролини кучайтириш мақсадида унинг ваколатлари кенгайтирилади. Шунингдек, маъмурий судларга давлат идоралари томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш ваколати берилади.

Бундан ташқари, энди қарор ноқонуний эмаслигини судда исботлаш мажбурияти уни қабул қилган мансабдорнинг ўзига юкланади.

Мансабдор шахслар маъмурий суд қарорини бажармаган тақдирда, уларга нисбатан “ошиб борадиган” жарима ва бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш тартиби киритилади. Шу орқали шикоятлар сонининг камида 2 баробар қисқаришига эришиш мумкин.

**Иккинчидан,** судлар фаолиятига “ягона дарча” тартиби жорий этилади. Яъни, бундан буён иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишидан қатъи назар, ариза “ягона дарча” асосида қабул қилинади. Бу эса фуқаро ва тадбиркорларнинг эшикма-эшик сарсон бўлишига чек қўяди.

**Учинчидан,** прокуратура фаолияти фуқароларнинг кадр-қиммати, ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилади. “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” деган принцип прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони бўлиши зарур.

Бунинг учун 20 йил аввал қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ўрнига мамлакатимизда қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очик ва адолатли прокуратура тизимининг янги ҳуқуқий асосларини яратиш лозим.



**Тўртинчидан**, ички ишлар органларини халққа ва ҳар бир оилага янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасида бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттирамиз.

Айниқса, бу соҳани маънавий пок, ўз бурчига содик, халқпарвар ва масъулиятли ходимлар билан тўлдириб боришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бундан буён ички ишлар органлари фаолиятини баҳолашда аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш натижадорлиги асосий мезон этиб белгиланади.

Маълумки, қаерда камчиликлар рўй-рост айтилмас экан, у жойда ижобий ўзгариш бўлмайди. Шунинг учун соҳани ижтимоий фикр асосида холис баҳолаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг барча поғоналарида Жамоатчилик кенгашлари тузилади.

Ички ишлар ходимларининг “Касбий маданият кодекси”ни қабул қилиш ва жорий этиш ушбу тизимда ўз хизмат бурчига нисбатан масъулият ҳиссини оширишда муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайман.

**Бешинчидан**, мамлакатимизда олиб борилаётган либераллаштириш сиёсатининг мантиқий давоми сифатида ўз аҳамиятини йўқотган 10 га яқин қилмишлар жинойт тоифасидан чиқарилади ва жазони енгиллаштирадиган ҳолатлар сони амалдаги 9 тадан 15 тагача кўпайтирилади.

Гумон билан ушлаб турилган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона электрон реестр ишга туширилади.

Энг муҳими, реестрга маълумотларни киритмаслик гумонланувчи шахсларни ушлаб туришни ноқонуний деб топишга асос бўлади.

**Олтинчидан**, тараққиётимиз йўлида жиддий тўсик ва ғов бўлаётган коррупцияга қарши курашишда давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситаларини сафарбар этамиз.



Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкларини декларация қилиш тизими келгуси йилдан босқичма-босқич жорий этилади.

Давлат харидлари, давлат мулкани сотиш жараёнлари очик ва шаффоф тарзда ташкил этилади ва бунга жамоатчилик кенг жалб қилинади.

Коррупцияга йўл қўйган ҳар қандай мансабдор шахс, лавозими ва мавқеидан қатъи назар, сўзсиз қонуний жавобгарликка тортилади.

Бундай шахсларнинг очик реестри юритилиб, уларнинг давлат хизматига кириши, масъул лавозимларга номзоди кўрсатилиши чекланади.

Еттинчидан, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими янада кенгайтирилади.

Энди давлат ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга бепул юридик ёрдам нафақат жиноят ишлари бўйича, балки фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам кўрсатилади. Шу орқали камида 100 минг нафар аҳолини ҳуқуқий ҳимоя билан камраб олиш имкони туғилади.

Яна бир масала мамлакатимизда адвокатлар сонининг етишмаслиги билан боғлиқ. Шунинг учун соҳага ёш кадрларни жалб қилиш мақсадида юридик стаж ҳақидаги талаб бекор қилиниб, олий юридик маълумотли шахсларга 3 ойлик стажировкадан кейин адвокатлик имтиҳонини топшириш имконияти яратилади.

## **IX. ХАВФСИЗЛИК ВА ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ БОРАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

Азиз ватандошлар!

Дунёдаги ҳозирги мураккаб вазият, қўшни минтақалардаги зиддият ва қуролли низолар Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.



Биз ўтган даврда янгиланган Мудофаа доктринаси асосида Қуролли Кучларимиз фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиб, тақомиллаштирамоқдамиз.

Қўшинларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини чуқур ислоҳ қилдик. Армиямиз энг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминланмоқда.

Бугун Қуролли Кучларимиз ҳар қандай ташқи хавф-хатарларга, турли тажовуз ва таҳдидларга қатъий зарба беришга қодир бўлган яхлит ва ишончли кучга айланмоқда.

Яқинда 42 та давлат вакиллари иштирокида ўтказилган нуфузли “Армия – 2021” халқаро ўйинларида аскарларимиз фахрли 2-ўринни эгаллади. Бу миллий армиямизнинг қудрати, ҳарбий хизматчиларимизнинг ватанпарварлиги ва жанговар руҳи юқори эканини яна бир бор намоён этди.

Келгусида ҳам мамлакатимиз мудофаа салоҳияти ва ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш бўйича аниқ ва манзилли ишларни давом эттирамиз.

**Энг аввало,** Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиб, тизимли амалга оширамиз.

Шу билан бирга, мамлакатимизни ҳаво ҳужумидан ҳимоя қилиш тизими ҳам, давр талабларидан келиб чиқиб, янада кучайтирилади.

Чегараларимиз хавфсизлигини замонавий коммуникация воситалари ва техник иншоотларни кенг қўллаш орқали янада мустаҳкамлаймиз.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтирамиз.

**Иккинчидан,** ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалар соҳасида сўнгги беш йилдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида мамлакатимизнинг халқаро майдонда очик, ишончли ва ташаббускор давлат сифатидаги мақоми ва обрўси кескин ошди.



Биз Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамжихатлик ва хур-  
мат, яқин кўшничлик ва стратегик шериклик руҳидаги янги  
сиёсий муҳитни яратишга муваффақ бўлдик.

Оддий фуқароларимизни узоқ йиллар кийнаб келган кўплаб  
муаммолар ечилди, дўст ва қардош халқларимизнинг ўзаро бор-  
ди-келдилари тобора кучаймоқда. Бу – бизнинг энг катта ютуғи-  
миздир.

Кўшнилари билан савдо ҳажми беш йилда 5 баробар  
кўпайди, биргаликда йирик кўшма лойиҳаларни амалга ошир-  
моқдамиз. Минтақа давлатлари етакчиларининг Маслаҳат учра-  
шувлари мунтазам ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, дунёнинг қудратли давлатлари ва бошқа  
стратегик ҳамкорларимиз билан янги форматдаги амалий алоқа-  
лар йўлга қўйилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари  
бўйича кенгашида аъзо сифатида фаол қатнашмоқдамиз.

Бу ижобий жараёнлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг  
эътироф этилмоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Марказий  
ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигига бағишланган сам-  
мит ҳамда Ислом тараққиёт банки анжумани ҳам бунинг исботи  
бўлди.

Биз, тизимли ва пухта ўйланган, прагматик ташқи сиёсий  
ва иқтисодий дипломатиямизни бундан кейин ҳам фаол давом  
эттираемиз.

Авваламбор, Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисо-  
дий, сув, энергетика ва транспорт, маданий-гуманитар соҳалар-  
даги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб  
чиқамиз.

Келгуси беш йилда ўзаро савдо айланмаси ҳажми камида  
2 баробар оширилади. Саноатда кўшимча қиймат яратиш бўйи-  
ча яхлит занжирларни ва кооперацияни мустаҳкамлаймиз.

Транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар”  
ҳамда транзит имкониятлари кенгайтирилади.



Халк дипломатияси тамойилини, жумладан, илм-фан, таълим, соғликни сақлаш, маданият, спорт ва туризм соҳаларидаги алоқаларни кучайтириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқамиз.

Россия, Хитой ва АҚШ, шунингдек, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари каби анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқаларимиз географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратамиз.

Бу йўналишда, энг аввало, иқтисодий дипломатияни кучайтиришга алоҳида урғу берамиз. Янги бозорларни ўзлаштириш, инвестиция ва инновацияларни кенг жалб қилиш, сайёҳлар оқими кўпайтириш ва энг муҳими – Ўзбекистон имижини фаол тарғиб этиш барча дипломатик ваколатхоналаримизнинг асосий вазифасига айланади. Ушбу масалалар ҳозирги вақтда ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятининг янгиланган концепциясида ўз ифодасини топади.

Биз нуфузли халқаро тузилмаларда Ўзбекистоннинг иштирокини юқори даражада таъминлашимиз шарт.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятимизни кучайтирамиз.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш бўйича аниқ амалий қадамлар кўйилади.

Ҳозирги вақтда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмаларда Ўзбекистон раислиги учун янгича ёндашув асосида тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Шу билан бирга, қадимий ва навқирон шаҳарларимиз – Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Хива, Термиз, Шаҳрисабз ва Қўқонда халқаро аҳамиятга молик йирик саммит, фо-



рум ва анжуманларни доимий равишда ўтказишни давом эттирамиз.

Учинчидан, кўшни Афғонистон заминида тинчлик ва озоишталикни таъминлаш йўлида жафокаш афғон халқига кўлимиздан келган барча ёрдамни аямаймиз.

“Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўлини куриш ҳамда энергетика, савдо ва саноат соҳаларидаги стратегик ва муҳим лойиҳаларни ҳамкорликда албатта амалга оширамиз.

Тўртинчидан, яқинда ташкил этилган “Ватандошлар” жамоат фонди орқали хорижий давлатлардаги юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатамиз. Уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларга жалб этиш учун барча имкониятларни яратиб берамиз.

Яқин келгусида асосий вазифаси чет элларда ўзбек тили, маданияти ва миллий анъаналаримизни кенг оммалаштириш, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлган Алишер Навоий халқаро институти ташкил этилади.

## Х. МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Ҳурматли делегатлар!

Биз Янги Ўзбекистонни юксак маданият ва маънавиятга эга бўлган, эркин ва бахтли инсонлар яшайдиган мамлакатга айлантириш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз. Шу муносабат билан “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепцияси ва уни амалга ошириш миллий дастури ишлаб чиқилади. Бу, аввало, маънавий-ахлоқий кадриятларимизни давр талабларига мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятнинг маданий-маърифий юксалишига эришиш имконини беради.



Ўз навбатида, бу жамият аъзоларининг онги ва тафаккурини, ҳаёт фалсафаси ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини кучайтириш зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Шу борада илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва бадиий ижод соҳаларининг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ва таъсирини янада оширишга қаратилган алоҳида дастурлар қабул қиламиз.

Ижодкор зиёлиларга доимий эътибор қаратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган ишларни ушбу соҳадаги сиёсатимизнинг муҳим йўналишлари сифатида давом эттирамиз.

Маданият ва спорт муассасалари, театр ва музейларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ҳудудларимизнинг маданий юксалиши, халқ ҳунармандчилигини раванқ топтиришга қаратилган самарали ва манзилли ишларни тизимли асосда олиб борамиз.

Мамлакатимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тоғувликни таъминлаш, фуқароларимизни турли мафкуравий таҳдидлардан, зарарли оқим ва ғоялардан ҳимоя қилиш масалалари бундан буён ҳам устувор тарзда диққатимиз марказида бўлади.

Биз муқаддас динимизни эзгу фазилатларимизнинг мужассам ифодаси сифатида қадрлаймиз.

Асрлар давомида миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб келаётган инсонпарвар динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қилмаймиз.



Бой диний ва маънавий меросимизни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислам цивилизацияси халқаро маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий каби илмий-маърифий марказлар имкониятлари тўлиқ ишга солинади.

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўрта-сида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, турли диний конфессиялар учун зарур шароит яратишга қаратилган сиёсатимизни изчил давом эттирамиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилинган Янги Ўзбекистон стратегияси, ҳеч шубҳасиз, сайловолди учрашувларида жамоатчилигимиз, халқимиз томонидан яна билдирилган қўшимча фикрлар, таклиф ва ташаббуслар ҳисобига янада бойитилади ва такомиллаштирилади. Шу асосда ушбу дастуримизни ҳар томонлама мукамаллаштириб, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, биргаликда амалга оширишимиз лозим.

Ушбу Стратегия эл-юртимизнинг ислохотларга бўлган ишончи, шу йўлдаги амалий ҳаракатларидан куч-қудрат олиб, бутун халқимизни Янги Ўзбекистон ғояси атропофида бирлаштирадиган, том маънодаги умуммиллий дастурга айланиши учун бутун халқимиз, аввало, партиямиз аъзолари астойдил биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Чунки бу Стратегия мард ва меҳнатқаш халқимизнинг азалий орзу-интилишлари ва туб манфаатларини ифода этишга қаратилган.

Халқ ишончи қандай буюк қудрат ва илҳом манбаи эканини ўтган йиллар давомида барчамиз чин юракдан ҳис этиб келмоқдамиз, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Айнан ана шу буюк ишонч энг қийин дамларда бизга умид ва мадад берди, вужудимизга куч, руҳимизга канот бағишлади.

Бизга тоғдек таянч бўлиб турган мўътабар нуронийларимиз, меҳрибон оналар, азамат ака-укаларимиз, оқила опа-сингилла-



римиз, навкирон авлодимизга таяниб, танлаган йўлимиздан дандил илгари бормоқдамиз.

Ана шу юксак ишончга муносиб бўлиш, халқимиз, Ватанимиз манфаатлари ҳамда унинг бахт-саодати йўлида бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятимни сафарбар этиш мен учун ҳамиша ҳаётимнинг маъно-мазмуни бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Мен учун бундан улуғ бахт, бундан буюк шараф ва масъулият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Она халқим билан бирга Янги Ўзбекистонни куриш, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улкан бахт насиб этгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтаман. Бу йўлда олижаноб халқимиз билан ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга тайёрман.

Жонажон Ватанимиз ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига кадам қўяётган мана шу тарихий дамларда кўпмиллатли халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: сизлар билан бирга қанча мураккаб марра ва довлардан ўтдик. Аммо ҳеч қачон ярим йўлда тўхтаб қолмадик. Баъзан толиккан ва чарчаган пайтларимиз ҳам бўлди. Лекин ҳеч қачон тушкунликка тушмадик. Келажакка, ёруғ кунларга ишончимизни асло йўқотмадик. Чунки ҳамиша куч-қувват берадиган, болам, деб бағрига босадиган халқимиз бор, бетакрор Ватанимиз бор.

Мана шундай буюк ва енгилмас туйғуни қалбимизга жо айлаб, доимо олдинга, фақат олдинга қараб бормоқдамиз.

Ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамиз, иймон-иродамиз, бутун борлиғимиз билан ҳаёт синовларида тобландик. Очик мулоқот, очик сиёсат, очик ислохотлар бизни халқимизга ва дунёга янада яқин қилди.

Ўзингиз кўриб турибсиз, бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам кечаги Ўзбекистон эмас. Биз билан ҳамкорлик қилаётган дунё ҳам – кечаги дунё эмас.

Кўряпсизларми, ўзимиз ўзгарсак, сидқидилдан интилиб, фидокорона меҳнат қилсак, атрофимиздаги ҳамма нарса ўзгара-



ди. Бу ўзгаришлар – шунчаки оддий воқеалар эмас. Ҳар бири шонли тарихимизга олтин ҳарфлар билан ёзиладиган, келажак авлодлар миннатдор бўлиб эсга оладиган буюк ўзгаришлардир.

Бу ўзгаришларнинг ижодкори, бунёдкори ким? Албатта, кўпни кўрган, иродаси мустаҳкам, матонатли ва меҳр-оқибатли бағрикенг халқимиздир.

Мен доимо эзгуликка, адолат ва маърифатга интилиб яшайдиган ана шундай халқ фарзанди эканимдан чексиз фахрланаман.

Барча ислохотларимизни доимо қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда ҳал қилувчи куч бўлиб келаётган, ўзини аямасдан қаҳрамонларча меҳнат қилаётган олижаноб халқимга фарзандлик меҳри ва садоқати билан чин дилдан таъзим қиламан.

Ишончим комил, асрлар давомида кўплаб синов ва машаққатлардан муносиб ўтиб келаётган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи бу гал ҳам ўзининг ақл-заковати, мустаҳкам иродаси ва юксак сиёсий маданиятини яққол намоён этади.

Бўлажак сайловларда фаол иштирок этиб, ўзининг фуқаролик бурчини масъулият билан адо этади ва Янги Ўзбекистон учун, тинч ва эркин, обод ва фаровон ҳаёт учун овоз беради.

Қадрли юртдошларим!

Ватанимизнинг бугунги ва эртанги тақдири, фарзандларимизнинг келажаги Сизларнинг ушбу сайловдаги онгли иштирокингизга, фуқаролик позициянгизга боғлиқ.

Ишонаман, бу сайлов Сизларнинг фаол иштирокингиз билан бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс сари ташланган яна бир улкан амалий қадам бўлади.

Ҳеч қачон унутманг, сайлаш ва танлаш ҳуқуқи – Сизнинг кўлингизда, келажак учун масъулият эса – барчамизнинг зиммамизда.

Ана шундай буюк ҳиссиёт, ишонч-эътиқод билан ҳаракат қилсак, биздан халқимиз ҳам, келажак авлодлар ҳам албатта рози бўлади.



Янги Ўзбекистонимиз ҳар томонлама тараккий топган, гуллаб-яшнаган гўзал мамлакатга айланади.

Барчангизга шу эзгу йўлда сихат-саломатлик, оилавий бахт, шахсий ҳаётингиз ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Хурматли съезд делегатлари!

Муҳтарам партиядошлар!

Бугун Сизлар томонингиздан менга билдирилган юксак ишонч, кейинги беш йиллик фаолиятим тўғрисида айтган самимий фикрларингиз, мени Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод этиб кўрсатиш ҳақида қабул қилган қарорингиз учун барчангизга чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман. Мен бу қарорни ўтган даврда Сизлар билан, эл-юртимиз билан биргаликда амалга оширган улкан ишларимиз учун берилган муносиб баҳо, деб қабул қиламан.

Бугун бутун халқимиз қатори Сиз, ҳурматли партиядошларимнинг, партиямиз фаоллари ҳамда бизга тарафдор ва хайрихоҳ бўлган миллионлаб инсонларнинг сиёсий онги ва тафаккури, билим ва савияси, ҳаётга, ислохотларимизга муносабати, жонажон Ватанимиз тақдирига дахлдорлик ҳисси юксалиб бораётганини яна бир марта чуқур ҳис қилдим.

Мана шундай туб ўзгаришлар сиёсатини, халқпарвар сиёсатни амалга оширишда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси келгусида яна янги-янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқади, деб ишонаман.

Албатта, сайловолди дастуримни бугун билдирилган, жойлардаги учрашувларда илгари суриладиган таклиф ва мулоҳазалар асосида бойитиб, такомиллаштирамиз.

Айникса, Сиз, азизларнинг Янги Ўзбекистон стратегиясини чин дилдан қабул қилиб, уни рўёбга чиқаришда кўпмиллатли халқимиз билан бирга ягона куч, ягона ва фаол жамоа бўлиб



ишлашга тайёр эканингиз мени беҳад хурсанд қилмоқда. Кучимга – куч, ғайратимга – ғайрат қўшилмоқда.

Партиямиз тимсолида мустақиллик ғояларига, она халқимиз ва буюк Ватанимизга содиқ ва фидойи, юксак малакали мана шундай сафдошларим борлигидан ғоят фахрланаман.

Бугун менга билдирган ишончингизни юксак кадрлайман. Бу ишончни оқлаш учун ўзимнинг бор куч-ғайратим, билим ва салоҳиятимни сафарбар этаман.

Барчангиз сайлов жараёнларида фаол иштирок этиб, олдимизда турган ана шу муҳим сиёсий тадбирни Янги Ўзбекистоннинг обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказишга ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Жумладан, ҳудудларда бўладиган учрашувларимизда ҳар бир масалани биргаликда муҳокама қилиб, сайловчилар ва халқимиз учун маъқул таклифлар, ташаббус ва лойиҳаларни илгари сурамиз, албатта.

Шу маънода, бугун ўз олдимизга қўяётган улкан мақсад ва вазифаларни амалга оширишда Сизларга, бутун халқимизга таянаман.

Мана шундай бирлик ва ҳамжиҳатлик, ўз куч ва имкониятларимизга, келажакка бўлган улуғ ишонч билан биз эзгу мақсадларимизга албатта етамиз.

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт дастурини – Янги Ўзбекистон стратегиясини албатта амалга оширамиз.

Доимо соғ-омон бўлинглар!

Катта раҳмат!

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –  
Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг  
X съездидаги нутқ*

*2021 йил 9 сентябрь*



---

**“МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЖАҲОН  
ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ ЧОРРАҲАСИДА”  
ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ ФОРУМИ  
ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

Мухтарам дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, “Марказий Осиё – жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро маданият форумининг Сиз, ҳурматли иштирокчиларини чин калбимдан самимий кутлайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида ушбу Форумни ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташаббусини кўллаб-қувватлаганлари учун Бош котиб Антониу Гутерриш жанобларига ва Форумни ҳамкорликда ташкил этишда амалий кўмак кўрсатган ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле хонимга алоҳида миннатдорчилигимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, анжуманда бевосита қатнашаётган ҳамкор давлатлар ҳамда нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар намояндаларига, етакчи олимлар ва экспертларга, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакилларига ташаккур изҳор этаман.

Саховатли Ўзбекистон заминига, қадимий Хива шаҳрига хуш келибсиз!

Қадрли меҳмонлар!

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё минтақаси асрлар давомида турли халқлар ва цивилизациялар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда гоят муҳим ўрин



эгаллаб келаётганини жаҳон ҳамжамияти яхши билади ва юксак эътироф этади.

Бундан уч минг йил муқаддам минтақада илк шаҳарлар ва давлатчиликнинг вужудга келиши бу ҳудудда янги ҳаётий тушунчалар ва фалсафий карашларнинг, илм-фан, хусусан, тиббиёт ва астрономия, жуғрофия ва математика, геодезия, меъморчилик соҳаларининг, маданий-маърифий ва диний кадриятларнинг жадал тараккий этишига асос яратди.

Минтақамизнинг қадимий илм-фан, маданият ва цивилизация марказлари ҳақида сўз юритганда Самарканд ва Бухоро, Ўтрор ва Хўжанд, Марв ва Ўш сингари ўнлаб шаҳарлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Шу билан бирга, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек сингари буюк олимлар, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий, Нажмиддин Кубро каби улуғ уламолар, Камол Хўжандий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Махтумкули, Абай, Тўктағул, Бердак сингари машҳур шоирлар, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаххиб, Камолиддин Беҳзод каби мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг номларини тилга олишимиз табиийдир.

Мазкур халқаро форум минтақамизнинг кўҳна ва навкирон шаҳарларидан бири – икки минг йиллик шонли тарихга эга бўлган Хивада ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно мужассам.

Бугунги Форум Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, яхши кўшничилик муносабатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, минтақа халқларининг жаҳон цивилизациясига кўшган улкан ҳиссаларини янада чуқур англаш ва ўрганишга имкон беради.

Ушбу халқаро маданият форуми доирасида Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Маданий мерос масалалари



бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси кенгашининг йнгилиши, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) маданият вазирларининг навбатдаги мажлиси, Нукус шаҳрида “Археология ва туризм: салоҳиятни белгилаш ва меросдан фойдаланиш” халқаро археология анжумани ҳамда II Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича бутунжаҳон жамиятининг V халқаро конгресси ўтказилишини биз ана шу йўлдаги муҳим амалий қадамлар сифатида эътироф этамиз.

Мухтарам дўстлар!

Биз минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, маданий-гуманитар соҳаларни раванқ топтиришга хизмат қиладиган кенг кўламли лойиҳаларни бундан буён ҳам давом эттирамиз. Бу эзгу мақсадга фақат ўзаро ҳамкорликда, саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган ҳолда эриша оламиз. Марказий Осиёнинг тарихий ва маданий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий кадриятлари фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустаҳкам заминдир.

Бугун биз Янги Ўзбекистонда илм-фан ва маданият соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар орқали янги Уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратишга бел боғлаганмиз. Бу борада биз жаҳон ҳамжамияти билан, Сизлар каби кўзга кўринган илм-фан ва маданият намояндалари билан яқин ҳамкорлик муносабатларини амалга оширишдан манфаатдормиз.

Анжуманимизнинг барча иштирокчиларига мустаҳкам соғлиқ, Марказий Осиёнинг бетакрор маданияти ва санъати, илм-фан, моддий ва номоддий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш йўлида куч-ғайрат ва янги ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

*2021 йил 15 сентябрь*



---

## МИНТАҚАДА ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ИШОНЧ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Хурматли Эмомали Шарипович!

Хурматли ҳамкасблар!

Мажлис иштирокчилари!

Сизларни чин дилдан кутлайман ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганининг йигирма йиллиги муносабати билан билдирилган барча табрикларга қўшиламан.

Тожикистон Республикаси Президенти, хурматли Эмомали Шарипович Раҳмонга бизга кўрсатилган ҳар доимгидек самимий меҳмондўстлик ва юбилей учрашувимиз аъло даражада ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

Тожикистон томонининг муваффақиятли раислигини, унинг давомида кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг барча йўналишларида очик ва самарали мулоқот таъминланганини юксак баҳолаймиз.

Душанбе саммити – ташкилотимизнинг роли ва аҳамияти юзасидан фикр алмашиш, унинг салоҳиятига ва биргаликда ишлаш истиқболларига янгича назар билан караш учун яхши имконият.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган даврда ШХТ жаҳон сиёсатининг муҳим субъектига айланди, нуфузли халқаро тузилмалар каторидан муносиб ўрин эгаллади.

Минтақавий шериклик “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида мустаҳкамланиб бормоқда.



Янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши туриш бўйича кўшма салоҳиятимиз мустаҳкамланмоқда, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугун барчамиз дунёда ва минтақада кескинлик ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Пандемиянинг салбий оқибатлари сақланиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси биздан янада жипс бўлиш ва ташкилотимиз доирасида бир-биримизни қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда.

Шу мақсадда:

– ШХТнинг очиклигини, учинчи давлатлар ва бошқа ташкилотларга қарши қаратилмаганлигини сақлаб қолиш;

– умумий хатар ва таҳдидларга қарши ўз вақтида ва биргалликда чора кўриш;

– минтақавий иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш;

– минтақада дўстлик, яхши кўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш, ШХТ маконида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Ҳамкасбларимнинг чиқишларида таъкидланганидек, барчамиз Афғонистондаги вазиятдан жуда хавотирдамиз.

Бугун ушбу мамлакатда янги воқелик рўй берди, ҳокимият тепасига янги кучлар келди. Бу – амалга ошиб бўлган факт. Шу муносабат билан Афғонистондаги вазиятга, шунингдек, мамлакатнинг янги ҳокимияти билан мулоқотни ривожлантиришга доир ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур.

Хусусан, давлат бошқарувида афғон жамятининг барча қатламларидан кенг сиёсий вакилликка эришиш; минтақада экстремизмнинг кўпайишига ва радикал мафкура экспортига, Афғонистон ҳудудидан кўшни давлатларга қарши бузғунчи ҳаракатлар учун фойдаланилишига йўл қўймаслик; инсоннинг, шу жум-



ладан, хотин-қизлар ва миллий озчиликларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш; кенг кўламли гуманитар инкироз, қочоқлар оқими ўсишининг олдини олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ушбу мамлакатга кўмакни давом эттириш муҳимдир.

Бу борада Афғонистоннинг хорижий банклардаги давлат активларига нисбатан қўлланган музлатишни бекор қилиш имкониятини кўриб чиқиш лозим.

Саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва ушбу мамлакатдаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал қилиш масалаларини кенг муҳокама қилиш мақсадида “ШХТ – Афғонистон” форматда, кузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича шерикларни жалб қилган ҳолда, юқори даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиб боришни таклиф этамиз. Биринчи шундай учрашувни Тошкент шаҳрида ўтказишга тайёрмиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги саммит якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишдек шарафли ва жуда масъулиятли вазифа Ўзбекистон Республикасига ўтмоқда.

Ҳурматли ҳамкасбларимдан билдирган табриклари ва эзгу тилаклари учун чин дилдан миннатдорман.

Ўз навбатида, биргаликдаги ишларимизнинг келгуси даврга мўлжалланган устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаб олишни истардим.

**Биринчи.** ШХТ салоҳияти ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимдир.

Навбатдаги учрашувимизга қадар Узок муддатли яхши кўшничлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани келгуси беш йилда амалга ошириш бўйича комплекс дастур тайёрлашни таклиф этамиз.

**Иккинчи.** ШХТнинг минтака ичидаги савдони ривожлантириш бўйича кўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш таклифни илгари сурамиз.



Унга савдо тўсикларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, божхона тартиботларини рақамлаштириш бўйича биргаликдаги чораларни ҳамда бозорларга ўзаро чиқишни енгиллаштириш бўйича бошқа тадбирларни киритиш лозим.

**Учинчи.** ШХТ саноат кооперацияси дастурининг қабул қилинишини жадаллаштириш муҳим.

Мамлакатларимизда Индустриал кооперация марказларининг ташкил этилиши дастурни амалга оширишнинг амалий механизми бўлади.

Биз, шунингдек, келгуси йилда Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Иқтисодий форуми ва Саноат янгиликлари ҳафталигини ўтказишга тайёрмиз.

**Тўртинчи.** ШХТнинг Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича стратегиясини қабул қилиш мамлакатларимиз транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ҳамда “Шарк – Ғарб” ва “Шимол – Жануб” коридорлар тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ШХТ маконида инфратузилмавий ривожланиш бўйича узок муддатли дастур ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурамиз. Унда энергетика, коммуникациялар, “яшил” таракқиёт соҳаларидаги трансчегаравий лойиҳаларни киритиш мумкин.

**Бешинчи.** Камбағалликни қисқартириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари биз учун алоҳида долзарб аҳамиятга эга.

Бу борада вазирлар учрашувлари ва экспертлар маслаҳатлашувларини мунтазам ўтказиб бориш механизмини яқин фурсатда жорий этишни ғоят муҳим, деб ҳисоблаймиз.

**Олтинчи.** ШХТ маконида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.



Бугун қабул қилинаётган Хавфсизликка таҳдид ва хатарларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорнинг амалга оширилиши, жумладан, ШХТ МАТТ салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш бунга хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатда акс этган ташаббуслар терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, шунингдек, киберхавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш имконини беради.

Бундан ташқари, мамлакатларимиз ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг учрашувларини тиклашни таклиф қиламиз.

**Еттинчи.** Ҳамкорларимиз ахборот хавфсизлиги соҳасида тўплаган муваффақиятли тажрибани ҳисобга олиб, ШХТнинг бу мавзуга бағишланган экспертлар форумини таъсис этиш мақсадга мувофиқ.

Бу кибермакондаги замонавий таҳдид ва хатарларга мос равишда жавоб қайтариш бўйича ўзаро келишилган чораларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Саккизинчи.** Биз “халқ дипломатияси”да биргаликда эришилган натижаларни ижобий баҳолаймиз, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, кўшма маданий, фан-таълим, спорт ва бошқа тадбирларни ўтказишдан манфаатдоримиз.

Шу мақсадда “ШХТ эзгу ният элчиси” институтининг таъсис этилиши тарафдоримиз.

Шунингдек, мамлакатларимизнинг Туризм соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида ҳукуматлараро битимни тайёрлашни таклиф қиламиз.

**Тўққизинчи.** Пандемия соғлиқни сақлаш соҳасида янада яқиндан ҳамкорлик қилиш зарурлигини кўрсатди. Бу борада инфекция касалликларни профилактика қилиш ва даволаш, ковиддан кейинги реабилитация, вакцинация тўғрисидаги сер-



тификатларни ўзаро тан олиш масалаларида ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишимиз лозим.

Ушунчи. Ўзбекистон раис сифатида ташкилотимиз доирасидаги ҳамкорлик лойиҳаларига кузатувчилар ва мулоқот бўйича шерикларни фаол жалб қилишни режалаштирган.

Бугун қабул қилинаётган Эрон Ислом Республикасини ШХТ аъзолигига қабул қилиш тартиботини бошлаш ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Миср Араб Республикаси ва Қатар Давлатига мулоқот бўйича шерик мақомини бериш тўғрисидаги қарорларни олқишлаймиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

ШХТ бош қотиби лавозимига жаноб Чжан Мин номзодини қўллаб-қувватлаймиз ва унга катта муваффақиятлар тилаймиз.

Минтақавий аксилтеррор тузилма Ижроия қўмитаси директори лавозимига Руслан Мирзаев номзоди қўллаб-қувватлангани учун ҳамкасбларимга миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, ШХТ Қотибияти ва МАТТ Ижроия қўмитасига умумий мақсадларимизни ва ташкилотимиз вазифаларини илгари суришдаги қизғин фаолияти учун ташаккур изҳор этаман.

Мухтарам ҳамкасблар!

Бугун қабул қилинаётган ғоят муҳим қарор ва ҳужжатлар мамлакатларимизнинг янада ривожланиши ва ШХТ нуфузининг юксалишига хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни келгуси йил 15–16 сентябрь кунлари Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилаётган Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисига таклиф этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳри (Тожикистон)да бўлиб ўтган мажлисидаги нутқ*

*2021 йил 16 сентябрь*



---

## АФҒОНИСТОН ҲУДУДИ ХАВФСИЗЛИГИМИЗГА ТАҲДИД ВА ХАТАРЛАР МАНБАИ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Хурматли ҳамкасблар!

Афғонистондаги барчамизни ташвишлантираётган вазият мени ҳам хавотирга солмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ушбу мамлакатда мутлако янги воқеалик қарор топди – жуда қисқа вақтда “Толибон” ҳаракати деярли бутун ҳокимиятни ўз қўлида жамлади.

Янги ҳокимият олдида жамиятни жипслаштиришдан тортиб барча этносиёсий гуруҳларни ўз ичига олган лаёқатли ҳукуматни шакллантиришгача босиб ўтилиши керак бўлган мураккаб йўл турибди.

Моҳиятан, вазиятни барқарорлаштириш истиқболлари, афғон давлатчилигининг тикланиши ва умуман, халқаро ҳамжамият билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши шунга боғлиқ бўлади.

Ҳозирги шароитда мамлакат фуқаролар уруши ва гуманитар инкироз домида қолиб кетган, халқаро ҳамжамиятдан яққаланиб қолган, унинг ҳудуди эса халқаро террорчилик ва наркотиклар ишлаб чиқариш “хаби”га айланган давр – тўксонинчи йиллардаги ҳолатига яна қайтиб қолмаслигига катъий қафолатлар йўқ.

Энг яқин қўшни сифатида биз ўша йиллардаги шундай хавф-хатар ва таҳдидларга бевосита дуч келганмиз ҳамда Афғонистондаги вазият шу сценарий асосида ривожланиши эҳтимолининг барча салбий оқибатларини аниқ-равшан англаб турибмиз.



Шу муносабат билан Афғонистон бўйича ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари борасидаги нуктаи назаримиз билан бўлиш-моқчиман.

**Биринчи.** Афғонистон худуди хавфсизлигимизга таҳдид ва хатарлар манбаи бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бу борада сўз юритганда, энг аввало, экстремизмнинг ортиши ва радикал мафкуранинг экспортини, Афғонистон худудидан мамлакатларимизга қарши кўпуровчи ҳаракатлар учун фойдаланишни, жангариларнинг чегараларни бузиб ўтиш хавфини назарда тутяпман.

Умумий саъй-ҳаракатлар билан, катъий чоралар кўрган ҳолда, биргаликда террорчиларни “қайнок нукталар”дан Афғонистонга кўчириш каналларини кесиш муҳимдир.

Шу муносабат билан ШҲТ МАТТ Ижрокўми ва КХШТ Котибияти, шунингдек, давлатларимиз махсус хизматлари йўналишида амалий ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоримиз.

**Иккинчи.** Янги ҳокимиятни тан олиш жараёнига кириш учун шароитлар яратиш мақсадида Афғонистон ва унинг атрофидаги вазиятнинг ривожланишига нисбатан ШҲТ ва КХШТнинг умумий стратегик ёндашувини ишлаб чиқиш ғоятда муҳимдир.

**Учинчи.** Янги ҳукумат билан мулоқот у ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишига яраша амалга оширилиши лозим.

Булар қаторида – халқаро террорчилик ташкилотларига раҳнамолик қилмаслик; Афғонистон худудидан учинчи мамлакатларга қарши фойдаланишига йўл қўймаслик; инсон, шу жумладан, хотин-қизлар ва миллий озчиликларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлаш.

**Тўртинчи.** Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Мураккаб вазиятга қарамасдан, биз Ўзбекистон – Афғонистон транспорт узели – ушбу мамлакатга озик-овқат ва нефть



махсулотларини етказиб бериш учун энг муҳим йўл фаолиятини, шунингдек, электр энергиясининг узлуксиз таъминотини тўхтатмадик.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ёрдамнинг тўхтатилиши жафокаш афғон халқининг шундок ҳам оғир аҳволини янада қийинлаштиради.

Айни пайтда янги ҳокимият қўшма лойиҳаларни амалга оширишда хавфсизликни кафолатлаши шарт.

**Бешинчи.** Афғонистоннинг яккалаб қўйилиши ва унинг назардан қолиб кетган мамлакатга айланишига йўл қўймаслик муҳим.

Шу нуқтаи назардан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистонга кўмаклашиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни сафарбар қилиш ва мувофиқлаштириш учун янада кўпроқ масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин бўларди, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда барча манфаатдор томонлар билан яқин ва самарали ҳамкорликни бундан буён ҳам давом эттириш ниятида.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*“Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти”  
форматида бўлиб ўтган учрашувдаги нутқ*

*2021 йил 17 сентябрь*



## II ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Мухтарам фестиваль катнашчилари!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг кундан-кунга чирой очиб бораётган, бағрикенг Қорақалпоғистон диёрида, гўзал Нукус шаҳрида ўтказилаётган II Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиши билан чин юракдан муборакбод этаман.

Бугунги санъат байрамида катнашаётган ЮНЕСКО, АЙСЕЕСКО, ТУРКСОЙ, МДХнинг Ижроия кўмитаси, Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази каби нуфузли ташкилотлардан ташриф буюрган мартабали меҳмонларга, дунёнинг турли давлатларидан келган 260 нафардан зиёд халқ ижодиёти намояндалари, санъат ва маданият арбоблари, оммавий ахборот воситалари ходимларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Азиз дўстлар!

Халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимий турларидан бўлган бахшичилик санъати юксак гуманизм ғояларини, тинчлик ва дўстлик, адолат ва ҳақиқат каби эзгу фазилатларни маҳорат билан тараннум этади. Шу боис ҳам, бахши, оқин ва жировлар азалдан халқ қалбининг куйчилари, турли миллат ва элатларни бирлаштирадиган олижаноб инсонлар сифатида ардоқлаб келинади.



Ушбу ноёб санъатнинг умумбашарий ахамияти Термиз шаҳрида 2019 йили бўлиб ўтган I Халқаро бахшичилик санъати фестивалида яна бир бор ўз тасдиғини топди, десак, айти ҳақиқат бўлади.

Мен халқ ижодиётини инсониятнинг болалик кўшиғи, ҳар қайси миллий маданиятнинг ҳаётбахш чашмаси деб биламан. Бу кўшиқларни соф ва безавол ҳолатда сақлаш, ҳамиша мағрур янграшини таъминлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир.

Бугун ўз ишини бошлаётган фестивалимиз айти шундай эзгу мақсадларимизнинг амалий ифодаси эканини таъкидламоқчиман.

Кейинги йилларда биз бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ва ўргатишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу борада фидойи фольклоршунос олимларимиз бошлаган муҳим ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда 2019 йили тузилган Республика бахшичилик санъати маркази ҳамда Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси самарали фаолият олиб бормоқда. Ушбу йўналишда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида давлат ансамбллари, бошқа ҳудудларда эса вилоят ансамбллари ташкил этилди.

Юртимиздаги болалар мусика ва санъат мактабларида, Нукус шаҳридаги опера ва бахшичилик санъати мактабида миллий фольклор санъати кенг ўргатилмоқда. Шунингдек, яқинда ташкил этилган Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусика институти таркибида бахшичилик бўлими очилганини ҳам қайд этиш лозим. Мазкур йўналишда дарс бераётган ўқитувчилар учун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида малака ошириш курслари йўлга қўйилди.

“Ўзбек халқ дostonлари”, “Ўзбек халқ кўшиқлари” номли дарсликлар, кўп жилдлик “Қорақалпоқ фольклори” тўплами



чоп этилди. Шу билан бирга, 100 жылдик “Ўзбек халк ижоди ёдгорликлари” мажмуаси нашр этилмокда.

Халк оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этиш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео вариантларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратилмокда.

Бу йўналишда олиб борилаётган хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, миллий бахшичилик санъатини ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритиш чоралари кўрилмокда.

Қадрли фестиваль иштирокчилари!

Биз бугунги нуфузли санъат анжуманини кўхна ва навкирон қорақалпоқ ўлкасида ўтказаетганимиз бежиз эмас, албатта.

Қорақалпоғистон деганда, аввало, мардларга ватан бўлган, меҳнаткаш ва олижаноб эл яшайдиган бетакрор диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу заминдаги Тупроққалъа, Аёзқалъа, Катта Гулдурсунқалъа, Эллиққалъа каби ноёб обидалар қадимий цивилизация ва маданиятнинг тарихий илдизларидан далолат беради. Уларни бир бора кўрган, бепоён кенгликларда бахши ва жировлардан дoston ва термалар тинглаган инсон бу диёрга умрбод мафтун бўлиб қолади.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Қорақалпоғистон бугунги кунда Ўзбекистоннинг обод ҳудудларидан бирига, замонавий илм-фан, маданият ва туризм масканига, мана энди, халқаро бахшичилик санъати марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Санъат ва мусиқани чин дилдан севадиган, ижод аҳлини юксак кадрлайдиган қорақалпоқ эли ушбу анжуманни катта шоду хуррамлик билан кутиб олмокда.

Бугунги санъат ва нафосат байрамини баланд савияда ўтказиш учун астойдил меҳнат қилган барча-барча инсонларга, меҳмондўст Қорақалпоқ аҳлига чин юракдан ташаккур билдираман.



Қадрли юрtdошлар!

Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу фестиваль дунёдаги нуфузли санъат анжуманлари каторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди, деб ишонаман.

Фестиваль доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция ишига ҳам муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда катнашаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига ҳам самимий миннатдорчилик билдираман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқлар ёр бўлсин!

2021 йил 17 сентябрь



---

## МАҚСАДИМИЗ – МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИК МАКОНИГА АЙЛАНТИРИШДИР

Ҳурматли раис Абдулла Шаҳид жаноблари!

Муҳтарам Бош котиб Антониу Гутерриш жаноблари!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, Антониу Гутерриш жанобларини Бош котиб лавозимига қайта сайлангани билан самимий кутлайман.

Бугун инсоният ўз тараққиёт йўлининг туб бурилиш даврини бошидан кечирмоқда, халқаро муносабатларнинг табиати кескин ўзгармоқда.

Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга трансмиллий таҳдидлар тобора кучаймоқда, иқлим жадал ўзгармоқда, оммавий миграция оқимлари кўпаймоқда, анъанавий кадриятлар завол топмоқда.

Ишончим комилки, бундай мураккаб шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмаларининг дунё миқёсидаги аҳамияти ва ўрни тобора ортиб бормоқда.

Жаҳон тақдири билан боғлиқ ушбу муҳим жараёнларда айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг етакчилик ролини янги мазмун ва сифат билан давом эттириши зарур.

Биз Бош котибнинг халқаро муносабатлар тизимида ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ва шаффофлигини оширишга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.



Хурматли сессия иштирокчилари!

Бугун глобал офатга айланган COVID-19 пандемияси ва унинг нафакат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-сиёсий оқибатлари диққат марказимизда турибди.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “хеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик, ҳамма учун ва барча жойда”, деган тамойил асосида вакциналардан тенг ва адолатли фойдаланиш имкониятини яратишга доир ёндашувини тўлиқ маъқуллаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, COVAX глобал платформаси доирасида бизга кўрсатилаётган амалий ёрдам учун хорижий ҳамкорларимизга алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Биз пандемияларга қарши самарали курашда, вакцинация натижаларини халқаро миқёсда тан олиш жараёнларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мувофиқлаштирувчи ролини янада кучайтириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Бош Ассамблеянинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги Кодекс бизнинг бу борадаги амалий ҳиссамиздир.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ва жадал демократик ислохотлар бугунги кунда ортга қайтмас тус олди.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш демократик ислохотларимизнинг асосини ташкил этмоқда.

Сўз ва оммавий ахборот воситалари, дин ва виждон эркинлигини, гендер тенгликни, миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида қатъий қадамлар ташланмоқда.

Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига аъзо этиб сайланди.



Биз бошлаган ислохотлар йўлимизни изчил давом эттириш мақсадида Янги Ўзбекистон стратегиясини ишлаб чиқдик.

Ушбу Стратегиянинг бош ғояси фуқаролик жамияти институтлари родини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, камбағалликни камайитириш, ҳар бир кишини кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш ҳамда барқарор экологик ривожланишга эришишдан иборатдир.

Асосий мақсадимиз – 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори бўйича “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига киришдир.

Бу режамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари руҳига уйғун эканини таъкидлаш лозим.

Шу маънода, пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётини қайта тиклаш муаммоларини ўрганиш, камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган Халқаро конференцияни Тошкентда ўтказишни таклиф этамиз.

Маълумки, глобал ҳаракатларга ёшларни жалб этиш бўйича Бутунжаҳон конференцияси мамлакатимизда муваффақиятли ўтказилди.

Ушбу йўналишдаги қатъий саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш мақсадида Ўзбекистонда – қадимий Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари мулоқотлари доирасида Глобал таълим форумини ташкил этамиз.

**Қадрли дўстлар!**

Биз Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат, яқин қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги мутлақо янги сиёсий муҳитни мустаҳкамлаб бормоқдамиз.

Бизнинг асосий мақсадимиз – Марказий Осиёни фаровон ва барқарор ривожланаётган, ишонч ва дўстлик маконига айлантиришдир.



Бунинг учун биз кўшни ва ёндош минтақалар билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бу йўналишда Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини илгари сурдик.

Афғонистон Марказий Осиёнинг узвий қисми эканини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бу давлатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан нафақат биз, кўшни мамлакатлар, балки бутун дунё манфаатдордир.

Шу боис, биз афғон халқига ҳамиша кўлдан келган ёрдамни кўрсатмоқдамиз.

Яқинда ўзбек – афғон чегарасини очиб, ушбу мамлакатга бирламчи зарур бўлган озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари ва электр энергияси етказиб беришни қайта тикладик.

Ҳозирги кийин даврда Афғонистонни яққалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас.

Маълумки, биз ўтган йили ушбу олий минбардан туриб, БМТ ҳузурида Афғонистон бўйича доимий фаолият юритадиган кўмита ташкил этиш таклифини билдирган эдик.

Афғон масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-нинг таъсири ва овози ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ янграши лозим.

Дунёда хавф-хатар ва зиддиятлар, трансмиллий таҳдидлар тобора ортиб бораётгани халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Шу йил ноябрь ойида Тошкентда БМТнинг Глобал аксил-террор стратегияси Марказий Осиё учун режасининг ўн йиллик натижалари ва истиқболларига бағишланган Халқаро конференция ўтказилиши ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилиши, шубҳасиз.



Мазкур тадбир доирасида БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан 2022–2025 йилларга мўлжалланган Марказий Осиё мамлакатлари учун минтакавий дастур имзоланиши бу йўналишдаги ишларга катта замин яратади.

Биз бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттирган ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур Бошқармаси иштирокида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини қамраб оладиган Гиёҳвандликка қарши умумий Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ниятидамиз.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Ўзбекистон иқлим ўзгаришларига қарши кураш, атроф-муҳит ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Бу нафакат бугунги, балки келажак авлодлар олдидаги эзгу инсоний бурчимиздир.

Фурсатдан фойдаланиб, шу йил май ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилингани учун аъзо давлатларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Биз Париж битимининг мақсадларига эришишга катъий қарор қилганмиз.

Қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Жумладан, 2030 йилга қадар иқтисодиётимизнинг энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш, қайта тикланадиган энергия улушини 25 фоизга етказиш, экологик тоза транспортни ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

2025 йилга қадар умумий қуввати 2900 мега-ваттга тенг бўлган янги қуёш ва шамол электр станцияларини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.



Биз 2022 йилда Оролбўйи ҳудудида, яъни Нукус шаҳрида “яшил энергетика” бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда юқори даражадаги халқаро Форум ўтказишни режалаштирмакдамыз.

Биохилма-хиллик бўйича Глобал ҳадли дастурнинг яқин истиқболда қабул қилинишини кўллаб-қувватлаймыз.

Бундан ташқари, келгусида Биохилма-хиллик Конвенцияси иштирокчиларининг йиғилишларидан бирини мамлакатимизда қабул қилишга тайёрмыз.

Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида глобал экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини батафсил муҳокама қилиш мақсадида 2023 йили Ўзбекистонда Агрофмуҳит бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юқори даражадаги Олтинчи Ассамблеясини ўтказишни таклиф қиламыз.

Ассамблея иштирокчилари Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган экологик офат маркази бўлган Оролбўйи минтақасидаги оғир вазият билан бевосита танишиш ва зарур ҳулосалар чиқариш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, Ассамблеяда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология Хартиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурмоқчимиз.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон дунёнинг барча давлатлари ва глобал ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, узок муддатли ва кўп қиррали шерикликни ривожлантиришга доимо тайёр.

Ишонаманки, хавфсиз ҳамда барқарор ўсиш, фаровон келажакни барпо этишга қаратилган яқин ҳамкорликни бундан кейин ҳам кучайтириб бораверамиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош Ассамблеясининг  
видеоанжуман шаклида ўтган 76-сессиясидаги нутқ*

*2021 йил 21 сентябрь*



## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам устоз ва мураббийлар!

Қадрли фахрийлар!

Аввало, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасининг барча жонкуяр ходимларини умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда сиз, заҳматкаш устозларга кўнглимизда, юрагимизда бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларни сўз билан тўлиқ ифода этиш қийин, албатта. Чунки сизлар дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни халқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган улуғ инсонларсиз. Бу улкан бойлик – ақл-заковат ва илм, бу ўлмас мерос – яхши тарбиядир. Шу боис бугун сизларнинг шаънингизга билдираётган олижаноб истакларимиз, таъзим ва ташаккурларимизни бутун эл-юртимизнинг чексиз ҳурмат ва эҳтироми рамзи сифатида қабул этгайсиз.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама кўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилмоқда.



Биз бу жараёнда инсон капиталига эътиборни янада кучайтириш, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш борасида муҳим дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Масалан, беш йил олдин юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 19 минг 316 тага, тизимдаги камров 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди.

Мамлакатимизда янги турдаги ва янги сифат босқичидаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунга келиб математика йўналишида 112 та, физика йўналишида 14 та, кимё-биология бўйича 87 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослашган мактаблар фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий таълим соҳасида ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда. Охирги беш йилда чет эллардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 67 та янги университет ва институтлар ҳамда филиаллари барпо этилиб, уларнинг умумий сони 144 тага етказилгани, камров даражаси 3 карра ортиб, 9 фоиздан 28 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради.

Жорий ўқув йилида энг замонавий талаб ва стандартлар асосида ташкил этилган Янги Ўзбекистон университети дастлабки талабаларни ўз бағрига қабул қилди.

Бундай янгиланиш жараёнларида устоз-мураббийларимизнинг ишга, ҳаётга муносабати ва масъулияти тубдан ўзгариб, уларнинг доимий изланиб, янгиликка интилиб яшаётгани, илғор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштириб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Бугунги шиддатли замон олдимизга қандай мураккаб вазифаларни кўяётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Уларни



хал этиш ва эзгу мақсадларимизга этиш, дунё микёсида рако-батбардош бўлиш учун халқимизни, авваламбор, ёшларимизни илм-фан, маърифат ва маънавият, тараккиёт ютуқлари билан ку-роллантиришимиз керак.

Айни шу мақсадда таълим мазмунини тўлик янгилаш учун мамлакатимиз олимлари, тажрибали педагоглар ва хорижий экс-пертларни кенг жалб қилган ҳолда, Миллий ўқув дастури ярати-либ, боскичма-боскич амалиётга татбиқ этилмоқда.

Замонавий дарсликларни яратиш бўйича дастлабки натижа-ларга эришилиб, жорий йилда илк бор бир миллиондан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларимиз янги дарсликлар бўйича таъ-лим олмоқда.

Бугунги кунда олий таълим тизимини янги сифат боскичига кўтариш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, олий-гоҳларимизни таълим ва илм-фаннинг йирик марказларига ай-лантириш бўйича бошлаган катта ишларимизни жадал давом эттиришимиз лозим.

Таълим соҳасининг яна бир муҳим вазифаси – фаол фуқа-ролик позициясига эга бўлган, Ватан ва халқ манфаатларини қатъий ҳимоя қила оладиган, замонавий, кенг фикрлайдиган ёшлар авлодини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли Уз-луксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тар-тиби ва тамойиллари концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш объектив заруратга айланмоқда, деб ўйлайман.

Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Жамиятимизда боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлиларни бугун биз интилаётган Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устуни деб эътироф этмоқдамиз. Шундан келиб чиқиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини ошириш, хусусан, му-аллим ва устозларнинг кадри, шаъни ва ғурурини тиклаш,



машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича бошлаган ишларимизни албатта янги поғонага кўтарамиз.

Сиз, азизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, эзгу фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, муҳтарам устозлар!

2021 йил 29 сентябрь



---

## ОНА ТИЛИМИЗ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ, ГУРУР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар оркали бутун халкимизни улуғ айём – Ўзбек тили байрами куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, кейинги йилларда мамлакатимизда янгича руҳда кенг нишонланаётган бу байрамнинг алоҳида файзи ва шукухи борлигини барчамиз яхши биламиз. Ушбу қутлуғ санада миллий кадриятларимиз гултожи бўлган она тилимизнинг тарихимиз ва тақдиримиз, бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, уни ривожлантириш борасида олдимизда турган долзарб вазифаларни янада чуқур ҳис этамиз.

Азиз дўстлар!

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқлар каби она тилимиз кадри ва нуфузини янада ошириш борасидаги сиёсат ва амалий ишларимиз ҳам янги босқичга кўтарилаётганидан хабардорсиз. Бунинг тасдиғини ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва обрў-эътиборини тубдан ошириш бўйича қабул қилинган тарихий Фармон ва қарорлар мисолида якқол кўриш мумкин.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида она тилимиз нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Айниқса, она тилимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбарида, улкан сиёсий саммит ва учрашувларда баралла янграб, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик воситасига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.



Вазирлар Маҳкамаси таркибида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳамда Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси самарали фаолият кўрсатиб, ғоят муҳим бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таркибида амалий филология ва компьютер лингвистикаси бўйича янги йўналишлар очилиб, ўзбек тилини турли соҳаларда қўллашга оид тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Олийгоҳ қошида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази, 6 та махсус ўқув курси ҳамда Алишер Навоий халқаро жамғармаси ташкил этилгани ҳам айна шу мақсадларга қаратилгани билан диққатга сазовордир.

Ана шу ишларнинг узвий давоми сифатида яқин келгусида асосий вазифаси чет элларда ўзбек тили, маданияти ва миллий анъаналаримизни кенг оммалаштириш, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлган Алишер Навоий халқаро институти фаолияти йўлга қўйилади.

Ўтган қисқа даврда ўзбек тилини чуқур ўрганиш ва ўргатишга хизмат қиладиган 16 та китоб, жумладан, 9 та луғат нашр қилинганини алоҳида қайд этиш лозим. Айна вақтда 5 жилддан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” фундаментал тадқиқоти вазирлик ва идоралар, таълим-тарбия масканларига, мамлакатимизнинг чет элдаги дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасаларига етказилди. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва юртдошларимизга ўзбек тилини ўргатадиган онлайн платформа, ўзбек тили изоҳли луғатининг мобиль иловаси, хориждаги ватандошларимиз учун махсус веб-сайт яратилгани ҳам албатта муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлгани ташкилот доирасида иқтисодий алоқаларни кучайтириш билан бирга, туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Мамлака-



тимиз ташаббуси билан мазкур ташкилотнинг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилгани буюк аждодимиз хотираси ва бебаҳо меросига, шундай улуғ зотларни вояга етказган халқимизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 150 та миллий маданий марказ иш юритаётгани, ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётгани, мактабларимизда таълим-тарбия жараёни 7 та тилда олиб борилаётгани дунё амалиётидаги ноёб тажриба эканини таъкидлаш ўринлидир. Юртимизда чет тилларга ихтисослашган ҳамда ўқув машғулотлари хорижий тилларда ўтиладиган таълим масканлари сони ортиб бораётгани ҳам шу соҳадаги муҳим ўзгаришлар натижасидир.

Муҳтарам ватандошлар!

Ўзбек тилини янада ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида олимимизда қатъият ва масъулиятли вазифалар турганини барчамиз яхши англаймиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ва чет эл фуқароларида ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ва эътибор ортиб бораётганини ҳисобга олиб, улар учун махсус дарслик, луғат ва қўлланмалар, видео ва аудиоматериаллар ҳажмини ошириш бўйича ишларни янада кучайтиришимиз зарур.

Ўзбек тили жонажон Ватанимизда яшаётган барча фуқароларимиз учун азиз ва қадрли тилга айланиши, унинг жозибадорлигини ошириш учун барча қуч ва имкониятларни сафарбар этишимиз, бу мақсадда нафақат маънавий, шу билан бирга, моддий рағбатлантириш чораларини ҳам кенг қўллашимиз даркор. Хусусан, тилшунос ва луғатшунос олимларимизнинг, шоир-адибларимизнинг ушбу соҳадаги машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг илмий тадқиқотлари, дарслик ва қўлланмалари, китоб ва рисоаларини давлат буюртмаси



шаклида нашр этиш ва кенг жамоатчиликка етказиб бериш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга оширишимиз зарур.

Давлат тилига онд барча маълумотларни ўзида жамлаган Ўзбек тили миллий корпусини яратишни тезлаштириш, она тилимизни Интернет глобал тармоғида оммалаштириш ва ушбу маконда мустақкам ўрин эгаллашини таъминлаш, дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловаларини яратиш ишларини жадаллаштириш ҳам олдимизда турган долзарб вазифадир.

Азиз ва муҳтарам юртдошларим!

Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу интилиш ва ҳаракатларимиз ҳал қилувчи боскичга кўтарилмокда. Бу йўлда миллий ўзлигимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган она тилимиз, ҳеч шубҳасиз, бекиёс куч-қудрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ана шундай ҳаётий эътиқод ва буюк мақсад билан яшаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Сизларни бугунги байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилайман.

Она тилимиз мангу яшасин!

*Ўзбек тили байрами кунини муносабати  
билан йўлланган табрик*

*2021 йил 20 октябрь*



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Хурматли ички ишлар тизими ходимлари!

Қадрли офицер ва генераллар, сержант ва сафдорлар!

Мухтарам фахрийлар!

Аввало, сиз, азизларни бугунги касб байрамингиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу кутлуғ айёмда ўз ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асрашдек эзгу ва олижаноб ишга бағишлаган сизлар каби мард ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар инсонлар шаънига самимий тилакларимизни билдирамиз.

Айни пайтда, ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган фидойи ходимларнинг хотирасини чексиз эҳтиром билан ёд этамиз.

Истиклолимизнинг илк даврида ташкил топган ички ишлар органлари ўтган синовли йиллар давомида машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтиб, халқимизнинг чинакам таянчи ва ҳимоячиси сифатида шаклланди, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Сизларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, жинойтчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги мардона хизматларингизни бутун элимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Азиз дўстлар!

Биз ўз фаолиятимизни бошлаган дастлабки кунлардан иккита энг устувор масалага – жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳи-



да эътибор қаратиб келаётганимиз, албатта, бежиз эмас. Чунки тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо неъматдир.

Шу боис, сўнгги беш йилда ички ишлар тизимини комплекс ислоҳ қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, қуйи бўғин бўлинмалари натижадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида “**Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар**” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича жиддий ўзгаришлар жорий этилмоқда.

Айни пайтда, Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати янада оптималлаштирилиб, унинг тузилмалари негизида Тезкор-қидирув, Жамоат хавфсизлиги, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш, Жазони ижро этиш, шунингдек, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментлари ташкил этилгани тизимнинг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Хусусан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлаш амалиёти жорий этилди.

Бугунги кунда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларимиз билан манзилли ишлашни ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ички ишлар тизими ходимлари ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда.



“Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тамойиллари асосида ички ишлар органларининг Миллий гвардия ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари киска вақт ичида ўзининг ижобий натижасини бераётгани биз учун катта аҳамиятга эга.

Ҳудудлардаги криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг динамикаси ва содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш ва “илмий диагноз” қўйиш орқали жиноятчиликни прогностлаш ва унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз янги тарихимизда илк бор ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини илмий асосда мактаб остонасидан, болаларнинг ҳуқуқий-психологик тарбиясидан бошладик. Шу мақсадда жорий йилда тизимга 1 минг 100 нафар инспектор-психологлар ажратилди. Келгуси йилда бу кўрсаткични 2 минг нафарга етказамиз. Бундан кўзланган мақсадимиз – фарзандларимизни мактаб ёшидан бошлаб қонунга ҳурмат руҳида камол топтиришдан иборат. Ишонаманки, бу вазифани аъло даражада бажарамиз.

Ҳудудий бўлинмаларнинг тезкорлигини ошириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш учун соҳага 2016–2021 йилларда қўшимча 3,5 мингга яқин янги транспорт, 16 мингдан ортиқ махсус ва техник воситалар ажратилди.

Мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилиб, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, раҳбарларнинг профессионал салоҳиятини ошириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Ички ишлар вазирлиги академиясида бакалаврият ва магистратурани ўз ичига оладиган икки босқичли замонавий олий таълим тизими, ўқув жараёнига назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш учун янги таълим механизмлари жорий қилинди.

Янги ташкил этилган Жамоат хавфсизлиги университетида ички ишлар соҳаси учун ҳам етук кадрларни тайёрлаш жараёни бошланди. Ходимларни хизмат даврида узлуксиз ўқитиш учун



илк бор Малака ошириш институти очилиб, замонавий ёндашувлар асосида масофавий ва мобиль сайёр курсларни ўтказиш амалиёти жорий этилди.

Тажриба алмашиш, ўзаро ҳукукий ёрдам кўрсатиш, ходимларни ўқитиш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида жаҳоннинг 29 та давлати ҳуқуқ-тартибот идоралари билан эришилган икки томонлама халқаро келишувларга мувофиқ амалий ишлар олиб борилмоқда.

Фидойи ходимларнинг меҳнاتини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ўтган беш йил мобайнида 500 дан ортиқ ички ишлар ходимлари ва ҳарбий хизматчилари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Хизмат хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида шароитларда ўз вазифаларини бажарувчи 25 мингдан ортиқ ходимларнинг ойлик маошларига устама ҳақлар белгиланди. 7 246 нафар ходимлар хизмат уйлари билан таъминланди, шунингдек, имтиёзли ипотека кредити асосида қурилган кўп қаватли уйлардан 2 минг 300 га яқин хонадонлар ажратилди.

**Ҳурматли соҳа вакиллари!**

Айни пайтда, глобал дунёдаги шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазият соҳа фаолиятини замон талабларига мос равишда мутлақо янгича усулларда ташкил этишни такозо этмоқда.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини кучайтириш, суриштирув ва тергов фаолиятини адолатли, холис ва ҳаққоний олиб бориш бўйича самарали механизмларни жорий этиш, киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича изчил иш олиб боришимиз лозим.

Соҳага илғор тажрибалар ва иш усулларини, инновацион-рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ходимларнинг интеллектуал ва касбий салоҳияти, маънавий-маърифий савияси, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш, уларнинг



машаккатли ва фидокорона меҳнатини муносиб кадрлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш талаб этилади.

Мухтасар айтганда, ички ишлар органларини аҳолига ва ҳар бир оиллага янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасидаги ислохотларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.

Мен Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари – Ватанимизнинг асл ўғлонлари сифатида замонавий билимларни эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр, халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячилари эканингизга қатъий ишонман.

Сизларни бугунги кутлуғ байрам билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга файзу барака, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

2021 йил 24 октябрь



---

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЙ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари!

Хорижий дипломатик корпус вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, менга улкан ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайлаган барча юртдошларимга чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этиб, меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан.

Сиз, азизларга, сизлар орқали бутун эл-юртимизга тинчлик ва саломатлик, оилавий бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жонажон Ватанимиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган давлат байроғимиз, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юксак ҳурмат бажо келтираман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланишимни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб бораётган сиёсатимизнинг юксак эътирофи сифатида қабул қиламан.

Муҳтарам тантанали мажлис иштирокчилари!

Бўлиб ўтган сайловларда кўп миллатли халқимиз фаол иштирок этиб, ўзининг эркин хоҳиш-иродасини, юксак ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини яққол намоён этди.



Халкимиз билан биргаликда танлаган ва амалга ошираётган ривожланиш йўлимиз нақадар тўғрилигини сайлов натижалари яна бир бор тасдиқлади. Бу эса барчамизга янги куч, баланд рух ва ишонч бағишлайди.

Сайловнинг эркин ва демократик, очик ва ошкора, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳотида ўтганини халқаро ва хорижий кузатувчилар ҳам эътироф этдилар.

Президент сайловида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг узок муддатли миссиялари бутун сайлов жараёнларини бевосита кузатиб борди. Айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Парламент Ассамблеяси қаторида биринчи марта Европа парламентида ҳам кузатувчилар иштирок этди.

Умуман, сайловда 18 та халқаро ташкилот ва 45 та хорижий давлатнинг мингга яқин вакиллари халқаро кузатувчи сифатида қатнашди. Шу билан бирга, 1 минг 700 га яқин маҳаллий ва хорижий журналистлар сайлов жараёнларини бевосита ёритиб бордилар. Уларнинг барчаси, сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро тамойиллар асосида, юқори савияда ўтганини алоҳида қайд этдилар.

Азиз юртдошлар!

Сайловда менга билдирилган ишонч – юксак шараф, муқаддас бурч эканини, айти вақтда бу ишонч зиммамга қандай улкан масъулият ва жавобгарлик юклашини ҳам чуқур ҳис этиб турибман.

Номзодимни илгари сурган ва сайлов кампаниясида қўллаб-қувватлаган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзолари ва фаолларига, барча тарафдорларим ҳамда ишончли вакилларимга ташаккур айтаман.

Сайловда фаол иштирок этган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод – Максуда Ворисовага, “Миллий тикла-



ниш” демократик партиясидан – Алишер Қодировга, Ўзбекистон Экологик партиясидан – Нарзулло Обломуродовга, “Адолат” социал-демократик партиясидан – Баҳром Абдуҳалимовга алоҳида миннатдорлик билдираман. Уларга келгуси ишларида омадлар тилайман.

Биз сайлов жараёнида ўзаро рақобат қилган бўлсак, энди барча орзу-интилиш ва ҳаракатларимизни бирлаштириб, сиёсий партиялар билан фаол ҳамкорлик қиламиз. Уларнинг сайловолди дастурларидаги муҳим амалий ғоя ва таклифлар келгуси фаолиятимизда эътиборимиздан четда қолмайди.

**Бутун куч ва салоҳиятимизни ягона улуғ мақсадимиз – Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратамиз.**

Бугун шу юксак минбарда туриб, барча ҳудудларимиз – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисига;

юртимизда тинчлик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган маҳалла фаоллари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва дин арбобларига;

эзгу дуолари, ҳаётий маслаҳатлари билан бизнинг ишимизга унум ва барака бераётган мўътабар фахрийларимизга;

жамиятимиз ҳаётида беқиёс ўринга эга бўлган мухтарам аёлларимизга;

иктисодиёт, саноат, аграр ва ижтимоий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга, тадбиркор ва фермерларга, курувчи-бунёдкорларга;

бутун борлиғини илм-фан ва маънавиятни юксалтириш, навкирон авлод тарбиясига бағишлаган устоз ва мураббийларга, илмий ва ижодкор зиёлиларга, маданият ва санъат аҳлига;

эл-юртимиз соғлиғини асрашдек олижаноб мақсад йўлида ўзини аямасдан, мардона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига;



Жалолоддин Мангуберди, Соҳибкирон Амир Темур, Бобур Мирзо каби улуг аждодларимиз анъаналарини муносиб давом эттираётган мард ва жасур ҳарбий хизматчиларимизга;

жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтараётган матонатли спортчиларимизга;

Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналаримиз ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ходимларига;

сайлов жараёнларини кенг ва холис ёритган оммавий ахборот воситалари вакилларига, журналист ва блогерларга чин юракдан миннатдорлик билдираман.

Ёш авлодимизга – менинг ўғил-қизларимга карата айтмоқчиман: томирларида буюк боболаримизнинг ғайрат-шижоати жўш уриб турган азиз фарзандларим, сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этишда доимо олдинги сафда бўласизлар, деб ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан самимий табрикларини йўллаган мамлакатимизнинг барча фуқароларига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур эҳтиромимни изҳор қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, сайловда иштирок этган барча халқаро кузатувчиларга ўз номидан, халқимиз номидан ташаккур айтаман.

**Ҳурматли тантанали маросим катнашчилари!**

Бугунги тантанали маросим пойтахтимиз марказида барпо этилган, барча замонавий шароитларга эга бўлган мухташам Сенат биносида ўтаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор, албатта.

Бу қутлуғ маскан мамлакатимиз равнаки йўлида муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинадиган нуфузли даргоҳга, замонавий миллий давлатчилигимиз кўзгуси ва демократия мактабига айланади, деб ишонаман.



Янги Ўзбекистон тимсолларидан бири бўлган Сенат биноси ҳаммамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, бундан беш йил олдин халқимиз билан бамаслаҳат Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилган эдик. Ўтган давр мобайнида ушбу Стратегия асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Янги муддатга лавозимга киришаётган Президент сифатида жонажон Ватанимизнинг бугунги куни ва келажаги учун бутун масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда айтмоқчиман:

**Халқимиз билан бошлаган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттирамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз!**

**Янги Ўзбекистонни биргаликда албатта барпо этамиз!**

Асосий қомусимиз қафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “**Инсон қадри учун**” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимнинг бош мезони бўлиб қолади.

Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва ҳавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, ма-лакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунамиз.

**Ҳурматли тантанали маросим иштирокчилари!**

Бугунги даврамизда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий давлатлар элчилари қатнашаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

Сўнгги йилларда юртимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қо-



нун устуворлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимиздан, ўйлайманки, сиз, ҳурматли дипломатлар ҳам хабардорсиз.

Бу соҳадаги амалий фаолиятимизнинг эътирофи сифатида Ўзбекистон биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланганини айтиб ўтиш кифоя.

Айни пайтда биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз.

Маълумки, бу олий кадриятни том маънода қарор топтириш – бирон-бир манзилга етиб бориб тўхташ, дегани эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз чуқур англаймиз. Жаҳон тарихи ва демократик давлатлар тажрибаси ҳам шундан далолат беради.

Шу муносабат билан бу соҳадаги вазифаларни амалга оширишда биз халқаро ҳамжамият, жумладан, Сиз, мухтарам дипломатик корпус вакилларининг яқин ҳамкорлигига ишонамиз.

Қадрли сенатор ва депутатлар!

Эл-юртимиз биз бошлаган халқчил ислоҳотларга бугун хайрихоҳлик ва катъий ишонч билан қараб, уларнинг ҳосили ва самарасини тезроқ кўришни истамоқда. Ана шу ҳақли талабни инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиб, сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик.

Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислоҳотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “**Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари**” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига кўйилди.

Биз ушбу стратегияда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини энг олий кадрият этиб белгиладик.



Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради. Биз бундан буён фаолиятимизни “инсон – жамият – давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этамиз.

Сайловчилар билан мулоқотлар пайтида билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий таклиф ва ташаббуслар асосида биз Тараққиёт стратегиямизни янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдамиз ва бу жараён яна давом этади. Чунки Ватанимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ устувор масалаларни ҳал этишда кенг жамоатчилик, ҳар қайси фуқаронинг фикри биз учун ўта муҳимдир.

Бу борада яна бир долзарб масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Келгуси беш йил учун устувор йўналишларни белгилаб олар эканмиз, ўтган даврда эришган ютуқларимиз билан бирга, йўл кўйилган хато ва камчиликларни ҳам танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилишимиз лозим. Нега деганда, ўз келажагини ўз кўли, ўз кучи билан яратишга бел боғлаган халқ ва миллат кечаги кундан тўғри сабоқ чиқариб, олдинга интилиб яшайди.

Сайловолди учрашувларида мамлакатимиздаги ҳар бир шаҳар ва туманни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ривожлантириш бўйича янги режалар туздик. Ҳозирги кунда ана шу таклифларни умумлаштириб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида дастурларни ишлаб чиқмоқдамиз ва уларни йиллар кесимида амалга оширамиз.

Мен бундан беш йил олдин, яъни Президентлик фаолиятимни бошлаган илк кунларда айтган фикримни яна такрорлайман: менга сохта ва баландпарвоз гапларнинг кераги йўқ. Қурук ва ёлғон гаплар, таги пуч ракамлар – бу фақат ўзимизни алдаш бўлади. Бу фақат ишимизга зиён етказди.



Биз учун умумий ишимиз ва ҳаракатимизга фойда берадиган  
ғоя ва фикрлар, амалий таклиф ва ташаббуслар, аниқ натижалар  
керак. Бундан бошқа йўлни мен мутлақо қабул қилмайман.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамиз кўриб-билиб турибмиз: бугунги кунда инсоният  
ўз тарихидаги ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда.  
Биз илгари кўрмаган, билмаган мислсиз хавф-хатар ва таҳдид-  
ларга дуч келмоқдамиз.

Ер юзида миллионлаб одамларни ҳаётдан олиб кетган коро-  
навирус пандемияси ва унинг оқибатида келиб чиққан глобал  
иктисодий инқироз ҳануз давом этмоқда. Пандемия қачон тугай-  
ди ва ундан кейинги ҳаёт қандай бўлади – буни ҳеч ким олдин-  
дан башорат қилолмайди.

Афсуски, пандемиянинг салбий таъсиридан Ўзбекистон ҳам  
четда қолаётгани йўқ. Бу хатарли касалликка қарши кураш, шун-  
дай оғир шароитда яшаш ва меҳнат қилиш биздан катта куч ва  
маблағ, юксак ирода ва қатъий интизомни талаб этмоқда.

Ҳар қанча ҳаракат қилишимизга қарамасдан, пандемия ту-  
файли кўплаб юртдошларимиз, жумладан, бир қанча сенатор ва  
депутатларимиз, раҳбар сафдошларимиздан жудо бўлдик. Бугун  
уларнинг барчасининг хотирасини яна бир бор ёд этиб, охира-  
лари обод бўлсин, деймиз.

Ҳозирги вақтда дунёда турли кучлар ўртасида карама-кар-  
шилиқ ва зиддиятлар кучаймоқда, ресурслар учун шафқатсиз  
кураш кетмоқда. Минтақамиздаги тинчлик ва хавфсизликка  
нисбатан янги-янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, глобаллашув ва кескин рақобат замони,  
шиддат билан ўзгараётган ҳаёт бизнинг олдимизга кечиктириб  
бўлмайдиган, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Мана шундай мураккаб ва қалтис вазиятда барчамиз тинч ва  
осойишта ҳаётимизни асраш, миллий мустақиллигимизни мус-  
таҳкамлаш учун янада жипслашиб, ҳушёр ва огоҳ бўлиб, дадил  
ва қатъий ҳаракат қилишимиз зарур.



Шу мақсадда ҳар бир хонадон ва маҳаллада, бутун юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жаҳон ҳамжамияти билан дўстлик ва ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган стратегик йўлимизни янада изчил давом эттирамиз.

Кадрли юртдошлар!

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат этиб белгиланди. Бу – бежиз эмас. Зеро, аجدодларимиз етти рақамини бахт-саодат ва омад келтирадиган, эзгу ниятни рўёбга чиқарадиган хосиятли тимсол, деб билганлар.

Рухсатингиз билан, Тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан,** эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон кадри-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотларимиз янги поғонага кўтарилади.

Бу борада миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган **“Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу асосда маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтирамиз. Бунинг учун келгусида давлат функцияларининг қатта қисми марказдан ҳудудларга ўтказилади.

Жамият бошқарувининг таянч бўғини бўлган ислохотлар самараси бевосита акс этадиган маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилади. Ҳоким ёрдамчиси янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартиришга масъул бўлади. Маҳалла раиси эса маънавий-маърифий ишларни амалга оши-



риш, оила ва маҳаллада соғлом мухитни шакллантиришга жавоб беради.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам шуғулланадиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакили ҳам бўлади.

Бундан ташқари, ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш мақсадида туман бюджети кўшимча манбалар билан таъминланиб, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилади.

Навбатдаги муҳим вазифамиз – марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратишдан иборат. Бунинг учун, энг аввало, вазирлик ва идораларни ташкил этиш ва тугатишнинг тартиби, уларни бир-биридан фарқлаб турадиган мезонлар, таркибий тузилма ва штатларни белгилашга оид аниқ талаблар ишлаб чиқилади. Шу асосда бир хил йўналишдаги вазифаларни амалга ошираётган идоралар оптималлаштирилади.

Марказий идораларнинг ҳудудий тузилмалар билан ишлаш жараёнига янгича ёндашувларни жорий этиб, эскирган бюрократик усуллардан воз кечамиз. Бунда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни тезкорлик билан мустақил ҳал этиш бўйича вазирлик ва идораларнинг ваколатлари янада кенгайтирилади.

Ҳар бир тармок ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, Халқ қабулхоналари том маънода халқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузилмага айланиши учун кўшимча ҳуқуқий асослар яратилади.

Айни вақтда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувлар жорий этилади. Кадрлар давлат хизматиغا танлов асосида қабул қилинади, улар учун



узлуксиз малака ошириш, нагжадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгиланади.

Бундан бўён ҳар бир ҳудуд, соҳа ва тармок фаолиятига уларда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай таъминланаётганига қараб баҳо берилади.

Шу муносабат билан “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган даъватга қўшимча қилиб айтмоқчиман: “Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”. Шунинг учун ҳар бир мутасадди маҳалла ва туман ҳаётини ипидан игнасигача билиши шарт.

Улуғ аجدодларимиз айтганидек, раҳбар халққа юк бўлмаслиги, аксинча, халқнинг юқини елкасига олиши керак. Агар қайсики раҳбар даврнинг бу ўткир талабини тушунмаса, уларни энди халқимиз ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам қабул қилмайди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар алоҳида муҳим ўрин тутаяди.

Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини қучайтиришга устувор аҳамият берилади.

Бу борада парламент томонидан мамлакатимиз бўйича му­рожаатлар билан ишлаш ҳолати назоратга олинади. Жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисоботини эшитиш ва унинг натижасига мувофиқ, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш амалга оширилади.

Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, жамият ва давлат бошқарув тизими айрим раҳбарларнинг



субъектив нуктан назарига, содда килиб айтганда, уларнинг кош-ковоғига караб эмас, аксинча, мустахкам ҳукукий мезонларга эга бўлган институтлар фаолияти орқали амалга оширилиши зарур.

Бу борада олдимизда турган яна бир муҳим масала – халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш вақти келди, деб ўйлайман.

Фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юриши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш эътиборимиз марказида бўлади. Шу мақсадда Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ишлари жадаллаштирилади.

Жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтиришга доир долзарб вазифалар амалга оширилади.

Мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштириш учун сўз ва матбуот эркинлигини, фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ўз фикр ва қарашларини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Албатта, бундай очиклик ва ошқоралик шароитида ишлаш, ўз фаолиятига нисбатан билдирилаётган танқидий фикрларни тўғри қабул қилиш эскича қолиплар билан яшаётган айрим амалдорларга ёқмаслиги ҳам мумкин. Лекин бундан қатъи назар, биз бу йўлни давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири деб биламиз ва уни изчил давом эттирамиз.

Шу мақсадда амалдаги қонунчиликда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш, цензура ўрнатиш, таҳририят ходимларига босим ва тазйиқ ўтказиш, мате-



риаллар ва техник воситаларни улардан гайриқонуний равишда олиб кўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қонуний фаолият юритаётган барча журналист ва блогерлар бундан буён ҳам қонун ва Президент ҳимоясида бўлади.

Иккинчидан, адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат куриш, инсон кадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартидир.

Ўтган даврда Ўзбекистонда бу борада катта ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиклигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турибди.

Келгусида маъмурий судлар фаолиятини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизимни яратишимиз зарур. Бу эса жамият тараққиётига, биринчи навбатда, унинг иқтисодий раванкига хизмат қиладди.

Биз мамлакатимиз ривожини, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгаллайдиган тадбиркор ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қиламиз. Бу борада қонун бузилишини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолат деб баҳолаймиз.

Шу муносабат билан хусусий мулк устуворлиги қонунларимизда асосий тамойил сифатида белгиланди. Давлат идораси маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқи бузилмаслиги таъминланади.



Яна бир муҳим масала – сўнгги беш йилда коррупцияга қарши курашни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик. Шу мақсадда Сенат Раиси раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Бундан буён ҳам тараққиёт кушандаси бўлган ушбу иллатга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситаларини сафарбар этамиз.

Бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш зарур. Шу асосда коррупциянинг нафакат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилади.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, коррупция балосига қарши фақат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онгида бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Халқпарвар давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва амал қилиш ҳиссини шакллантириш – боғча ва мактабдан тортиб олийгоҳгача, барча таълим муассасаларининг, ҳар бир оиланинг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши керак.

**Ҳурматли анжуман иштирокчилари!**

Барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, ислохотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишдан иборат.



Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халкимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси таракқиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак.

Учинчидан, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифаларимиздан биридир.

Мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада оширишни мақсад қилганмиз.

Насиб этса, 2030 йилга бориб, Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, “хомашёдан – тайёр маҳсулотгача” деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантираммиз.

Иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиш учун, аввало, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш чоралари амалга оширилади.

Шунингдек, бюджет ва ташки қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилади.

Тадбиркорлик фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислохотларимизни катъий давом эттирамиз.



Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иктисодийни ислох этишнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлар энергия ресурслари билан кафолатли таъминланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, онлавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли кўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизими ислох қилиниб, ижтимоий хизматларнинг сифати яхшиланади ва кўлами кенгайтирилади.

Энг муҳим масалалардан бири сифатида уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Ушбу йўналишда қабул қилган дастурларимиз, жумладан, арзон уй-жойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу – олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, деганидир.

Ана шундай ишларимиз кўламини янада кенгайтириб, келгусида ҳудудларимизда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган “Янги Ўзбекистон” массивларини бунёд этамиз. “Обод маҳалла”, “Обод кишлоқ” дастурлари изчил давом эттирилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Биз учун стратегик тармок бўлган кишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш



гоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Кишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш ислохотларимизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шу мақсадда фермер ва деҳқонлар даромадини 2 баробар кўпайтириш учун зарур шароитларни яратамиз, кишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказамиз.

Тўртинчидан, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

**Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак.**

Очик айтиш лозим, биз бу захматқаш, фидойи инсонлар олдида ҳали қарздормиз. Шу боисдан ҳам, қанчалик кийин бўлмасин, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун бор қуч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. 2025 йилга бориб, олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш чоралари кўрилади.

Бу борада, аввало, боғча тизимини мактаб таълими билан уйғунлаштириш орқали болаларимизни мактабга тайёрлаш сифатини янада яхшилаёмиз. Мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида ўнлаб янги-янги мактабгача таълим муассасалари барпо этилади. Барча боғчалар ҳар йили 2 миллион нусхадаги замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаб борилади.



Боғча ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб бориш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда тизимдаги 160 минг нафардан зиёд педагог кадрларининг малакаси оширилади.

Болалар сони ўсиб бораётганини инобатга олиб, янги мактаблар куриш, мавжудларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, соҳанинг барча боскичлари ўртасида узвийликни таъминлашга қаратилган Миллий таълим дастури ишлаб чикилади.

Мактабгача таълимдаги камров даражасини ҳозирги 62 фоиздан камида 80 фоизга, олий таълим тизимида эса 50 фоизга етказиш, мактабларда таълим-тарбия сифати ва даражасини оширишга бирламчи вазифа деб қараймиз.

Янги олий таълим муассасаларини ташкил этиш билан бирга, талабаларни турар жой билан таъминлаш бўйича бошлаган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Тараққиёт стратегиямизда халқимиз саломатлигини таъминлаш бундан буён ҳам бош вазифа бўлиб қолади. Ушбу соҳага йўналтирилладиган маблағларни 2 баробар ошириш, жумладан, келгуси беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Асосий мақсад – тиббиёт соҳасини чинакамига халқ дардига дармон бўладиган, юқори самара билан ишлайдиган тизимга айлантиришдан иборат.

Тиббиётнинг бирламчи бўғини орқали тиббий профилактикага, оилавий шифокорлар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва эрта ўлимнинг асосий сабаби бўлган касалликларни барвақт аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш, профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш чоралари кўрилади.



Бунда ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобидан коррупция ҳолатларининг олдини олиш, энг муҳими, аҳолини рози қилиш асосий вазифамиз бўлади.

Вилоят, туман ва шаҳарларда ихтисослашган тиббий хизматлар кўлами кенгайтирилади. Давлат тиббий суғурта тизими ишга туширилиб, маблағ аниқ беморга боғланган ҳолда ажратилади.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш – биз учун муҳим йўналиш бўлиб қолади. Бунда биз, аввало, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган халқчил спорт тизимини тушунамиз.

Шу мақсадда барча шаҳар ва туманларда оммавий спортни ривожлантиришга, жумладан, спорт майдончалари, пиёдалар ва велосипедчилар учун йўлаклар, экопарклар, таълим даргоҳларидаги спорт залларидан иборат спорт инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш учун спорт мактабларини кўпайтирамиз ва янги спорт объектларини барпо этамиз. Бу борада Олимпия ўйинларига киритилган ҳар бир спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилади.

Азиз дўстлар!

Кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш – халқимизнинг азалий қадриятидир. Ана шундай ноёб фазилатни асраб-авайлаш, фарзандларимизни шу руҳда тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бугунги глобаллашув даврида, пандемия ва иқтисодий инкироз ҳукм сураётган оғир бир шароитда дунёнинг айрим ҳудудларида кексалар ўз муаммолари гирдобида ёлғиз қолиб кетаётгани ҳам сир эмас. Шунинг учун муҳтарам отахон ва онахонларимиз, меҳнат фахрийларининг ҳаётини мазмунли ва файзли қилиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш, соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни янада кучайти-



ришимиз зарур. Токи бу хурматли инсонлар ўзларининг оила ва жамият ҳаётида муносиб ўрни борлигини доимо ҳис қилиб яшасинлар.

Шу мақсадда ўтказилаётган, нурунийларимизнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган “Уч авлод учрашуви”, “Кексалар ҳафталиги” сингари маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш, умуман, ҳар бир туманда фахрийларимизни кўллаб-қувватлаш ишларини кенгайтириш учун алоҳида дастурлар тузиб, амалга оширсак, айни муддао бўлади.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, мурувват ва саховат тамойилларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳими, бу тизим амалда ишлаши ва ушбу тоифадаги инсонлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этишлари зарур.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган фуқароларни кафолатли иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш учун уларга аниқ квоталар белгилаш бўйича амалдаги қонунчилигимизга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Маълумки, юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни кўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва турар жой билан таъминлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига жиддий эътибор қаратилмоқда.

“Меҳрибонлик уйлари” ва махсус мактаб-интернатларда яшаётган болаларни оилага яқин муҳитда, билимли ва касб-ҳунарли этиб тарбиялаш учун “Меҳр дафтари” доирасида бошланган ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг бурчимиздир.

Бу борада олиб бораётган ишларимизнинг амалий натижаси сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Кейинги уч ой давомида олижаноб инсонлар томонидан ана шундай даргоҳларда тарбияланаётган ўнлаб болалар фарзандликка қабул қилинди. Шу туфайли 3 та “Меҳрибонлик уйи”, 1 та “Болалар шаҳарчаси” ўз фаолиятини тугатгани айниқса эътиборлидир.



Ўзбек халқининг юксак инсоний фазилатларини намоён этаётган ана шундай меҳр-шафқатли, болажон ва бағрикенг юртдошларимизга, болалар уйларини оталиққа олиб, эзгу ишларни амалга ошираётган саховатли тадбиркор ва зиёлиларга, Миллий гвардия ходимларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Ҳозирги вақтда хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган аёлларимиз барча ислохотларимизда фаол иштирок этмоқдалар. Ҳурматли оналаримиз, опа-сингилларимизга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг узвий қисми бўлиб келаётгани сизларга яхши маълум. Шу боис хотин-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастур қабул қиламиз.

Навқирон ёшларимизни, айниқса, қизларимизни соғлом ва етук этиб тарбиялаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Биз хорижий давлатларда билим олаётган, меҳнат қилиб даромад топаётган юртдошларимизни, уларнинг мамлакатимизда яшаётган оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қиламиз. Хусусан, “Ватандошлар” жамоат фонди орқали чет элларда яшаётган фуқароларимиз ва уларнинг оилалари билан алоқалар кенгайтирилади. Ҳамюртларимизни она тилимиз, маданият ва урф-одатларимиз асосида жипслаштириш, уларнинг билим ва салоҳия-



тини мамлакатимиз тараккиётига самарали йўналтириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон тараккиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу мақсадда **“Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият”** концепциясини амалга оширамиз.

Миллий кадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш билан боғлиқ вазифалар доимий кун тартибимизда туради.

Муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, **“жаҳолатга қарши – маърифат”** тамойили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларимизни соғлом эътиқод руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берамиз.

Сизларга маълумки, Ўзбекистон – улкан имконият ва бойликларга эга мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз – турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётгани, фидокорона меҳнати билан жонажон Ўзбекистонимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани айниқса қувонарлидир.

Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имконият-



ларини, мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини янада мустаҳкамлашга йўналтирамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида шунини алоҳида таъкидлаб айтаман: бизнинг давлат сиёсатимизда бундан бундан ҳам барча миллат ва элат вакилларининг миллий ўз-лигини, она тили ва маданиятини, дини, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилади.

Олтинчидан, бугунги кунда инсоният кўплаб умумбашарий муаммоларга дуч келмоқда ва уларга ечим топиш ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда.

Биз глобаллашув ҳар томонлама авж олаётган, шиддатли ўзгаришлар содир бўлаётган мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади.

Бундай муаммоларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, келажагимиз қиёфасини белгилайдиган глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш зарурлигини англатади.

Юртимизда экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Буни куни кеча содир бўлган кум бўронлари ҳам яна бир бор тасдиқлади.

Орол денгизининг куриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олмоқда. Шу борада биз Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон



экология хартиясини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш керак.

Шу йил август ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги конференцияда қабул қилинган қарор ва ҳужжатларнинг изчил бажарилиши учун халқаро ҳамкорларимиз билан зарур чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Еттинчидан, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз қудратини янада ошириш устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган бугунги мураккаб ва таҳликали вазиятда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек шарафли ишга бағишлаган, халқимиз фахрига айланган жасур ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтириш долзарб вазифамиздир.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, моддий таъминотини янада яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш, фарзандларининг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун биз барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз.

Биз прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги муносабатларимизни янада ривожлантирамиз.

Энг аввало, Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини тобора кучайтириш бундан буён ҳам асосий мақсадимиз бўлади.

Минтақамизнинг ажралмас қисми, яқин қўшнимиз бўлган Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш, бу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инкирозга йўл қўймаслик учун афғон халқига қўлимиздан келган барча ёрдамни кўрсатамиз. Биз Афғонистон билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдормиз.



Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари ва дунёнинг барча минтақаларидаги шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ва кўп қиррали алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари, Парламентлараро Иттифоқ, халқаро молиявий институтлар ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан кўп томонлама муносабатларни янги, амалий маъно-мазмун билан бойитамиз.

**Биз – дунёга, дунё – бизга очик бўлиши керак. Бугунги ҳаёт, бугунги тараққиётнинг талаби ҳам аслида шу. Биз ана шу ҳал қилувчи тамойилни албатта ҳаётимиз қондасига айлантирамиз.**

**Азиз ва кадрли юртдошларим!**

Биз ўтган беш йил давомида, ғоят қийин ва мураккаб синовлар даврида катта тажриба орттирдик. Қанчалик оғир бўлмасин, маррани баланд олиб яшаш ва ишлашга ўргандик. Табиийки, маррани катта олган халқнинг қадамлари ҳам, эришадиган натижалари ҳам салмоқли бўлади.

Миллий ривожланиш йўлида орттирган тажрибамиздан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида барча соҳа ва тармоқлар, минтақа ва ҳудудлар, хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича ўз олдимизга янада юксак вазифалар кўймоқдамиз.

Ҳаммамиз кўриб турибмиз – бугун замон жуда тез, мислсиз шиддат билан ўзгармоқда. Шунинг учун биз ислохотларимиз суръатини асло пасайтирмасдан, фақат олдинга боришимиз, ҳар бир соат, ҳар бир кундан унумли фойдаланишимиз керак. Чунки Баҳоуддин Накшбанд ҳазратлари айтганларидек, “Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади”.



Мана шу доно ҳикматни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим: Президент сифатида мен мамлакатимиз тиричилиги, эл-юрт фаровонлиги, Ватан тараққиёти йўлида бутун борлигимни бағишлаб, халқимга садоқат билан хизмат қилишни ҳаётимнинг маъно-мазмуни деб биламан. Мен учун бундан бошқа олий мақсад, бахт-саодат йўқ.

Сиз, кадрли ватандошларимнинг чин дилдан қўллаб-қувватлашингиз, нуруний отахон ва онахонларимизнинг дуолари, азиз ёшларимизнинг ишончи менга катта куч-ғайрат беради. Шу боис сизлар билан, халқимиз билан бирга меҳнат қилишдан ҳеч қачон чарчамайман.

Сўзимнинг якунида қалбимда, юрагимда бўлган эзгу тилакларимни изҳор этиб, айтмоқчиман.

Азиз ва мўътабар Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!

Халқимизнинг бахту иқболини, омадини берсин!

Барчамизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин!

Улуғ ва пок ниятларимизни амалга оширишда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти лавозимига киришиш  
тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис  
палаталари қўшма мажлисидаги нутқ*

*2021 йил 6 ноябрь*



## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари!

Аввало, сиз азизларни, сизлар орқали касаба уюшмаларининг миллионлаб аъзоларини мамлакатимизда илк бор нишонланаётган байрам – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилаklarимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Бугунги кунда юртимизда касаба уюшмалари тизимида 33 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар самарали фаолият кўрсатмоқда ҳамда 6 500 дан зиёд ходим ва 300 мингга яқин фаоллар фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

Айни пайтда касаба уюшмалари ўз сафида 5,5 миллион нафардан зиёд аъзоларни бирлаштириб, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ушбу устувор вазифани самарали таъминлаш мақсадида сўнгги 5 йилда касаба уюшмалари тизимида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий кўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Корхона ва ташкилотларда йил давомида 1 нафар ишчи ва хизматчиларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш соҳасига сарфланадиган ўртача маблағ миқдори 5 маротаба оширилди.

Бу даврда Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида 14 та соғломлаштириш маскани қурилди, 5 таси реконструкция ки-



линди. Натижада бир йилда кўшимча равишда 34 минг нафар юртдошимизни тизимдаги санаторийларда соғломлаштириш имконияти яратилди.

Шунингдек, 593 мингга яқин ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, 8700 дан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийлари санаторийларда соғломлаштирилгани, 1,5 миллион нафардан ортиқ болаларнинг оромгоҳларда дам олишлари ташкил этилгани ҳам бу борадаги ишлар кўламининг кенглигидан далолат беради.

Бундан ташқари, 788 мингдан зиёд ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, 14 мингга яқин кекса авлод вакиллари ва 15 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилалар аъзоларининг республикамиздаги диққатга сазовор кадамжоларга саёҳатлари ташкил қилинди.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида касаба уюшмалари томонидан 16 мингга яқин корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, аниқланган 61 мингдан зиёд камчиликлар бартараф этилиши таъминланди.

Соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида 14 мингга яқин ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 13,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундириб берилди.

Кейинги йилларда соҳада халқаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормокда. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Касаба уюшмалари умумконфедерациясига аъзоликка қабул қилинди, Марказий Осиё давлатларининг турдош ташкилотлари билан келишувлар тузилди, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда касаба уюшмалари фаол иштирок этиб келмокда. Жумладан, “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими орқали ўтган давр мобайнида мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан ҳамкорликда 6,5 миллиондан ортиқ хотин-қизлар билан мулоқотлар ўтказилиб,



900 мингга яқин опа-сингилларимизнинг муаммоларини ижобий ҳал этишда касаба уюшмалари давлатимизга мустаҳкам таянч бўлиб майдонга чиққанини миннатдорлик билан эътироф этиш жоиз.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йили Касаба уюшмалари Федерацияси ҳузурида ташкил этилган 1211 “ишонч телефони”га келиб тушган хотин-қизларнинг 100 мингга яқин мурожаатларида билдирилган масалаларнинг ҳал этилгани алоҳида таҳсинга лойиқ.

Ҳурматли дўстлар!

Маълумки, биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк вазифани стратегик мақсад қилиб қўйдик. Шу маънода, “Инсон қадри учун” ғоясини умуммиллий ҳаракатга, юртимизни кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, ҳеч шубҳасиз, касаба уюшмалари ҳам муҳим ўрин тутади.

Биз бундан буён ҳам бандликни таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ижтимоий шериклик имкониятларини янада кенгайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга оид ташаббусларингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, корхона ва ташкилотларда ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча иш берувчилар ва раҳбарлар бутун дунёда тан олинган қуйидаги қоидага амал қилишларини истардим: ҳар қайси корхона ёки ташкилотда албатта касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар албатта улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт. Шундагина жамиятимизда меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларининг олди олинади, ҳаётимизда ижтимоий адолат янада мустаҳкам қарор топади.



Азиз ва мухтарам ватандошлар!

Жонажон Ватанимиз ўз тараккиётининг ҳал қилувчи боскичига кираётган, инсон кадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш барча соҳаларда биз учун бош мақсадга айланаётган ҳозирги пайтда ҳаётнинг ўзи бутун халқимиз каби касаба уюшмалари олдига ҳам улкан вазифаларни қўймоқда.

Ўзининг катта ва бой тажриба мактаби, шонли анъаналарига эга бўлган мамлакатимиз касаба уюшмалари уларни самарали ҳал этиб, Янги Ўзбекистонда янгича меҳнат муносабатлари шаклланиши ва раванқ топишига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Биз бу йўлда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятининг энг фаол институтларидан бирига айланиши учун кўмаклашиш бўйича бундан буён ҳам бор имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Сизларни бугунги қутлуғ айём – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, масъулиятли ва олижаноб ишларингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Мана шундай қувончли кунларингиз кўп бўлсин, хонадонларингиздан ҳеч қачон тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, бахт ва омад аримасин!

*2021 йил 11 ноябрь*



## УМУМИЙ ТИЛ ВА МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАР БИРЛИГИ

Мухтарам Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Жаҳон цивилизациялари чорраҳасида жойлашган гўзал Туркия заминида, қадимий тарихга эга Демократия ва озодлик оролида сизлар билан дийдор кўришиб турганимдан бениҳоя мамнунман.

Авваламбор, Озарбайжон Республикаси Президенти, ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевга Ташкилотимизга самарали раислик қилгани учун миннатдорчилик изҳор этаман.

Озарбайжон халқини мамлакат ҳудудий яхлитлиги тикланиб, тарихий адолат қарор топган қутлуғ сана – Ғалаба куни муносабати билан чин дилдан табриклайман.

Шу билан бирга, ҳурматли Илҳом Ҳайдарович, Сизни “Туркий дунёнинг Олий ордени”га сазовор бўлганингиз билан ҳам самимий табриклайман.

Учрашувимиз мезбони, қардошим, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига анжуманимизни юқори даражада ташкил этгани учун алоҳида ташаккур айтаман ҳамда Ташкилотимизга раисликни қабул қилиб олгани билан чин дилдан қутлайман.

Анжуманимизда кадрли дўстимиз, Туркманистон Президенти Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедовни кўриб турганимдан беҳад мамнунман.

Туркманистонга Ташкилотимизнинг кузатувчи мақоми берилиши тўғрисидаги тарихий қарорни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.



Бугун саммитимизда Ташкилотимиз асосчиларидан бири, фахрий раисимиз, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши мухтарам Нурсултон Абишевич Назарбоев видеомурожаат билан иштирок этганини олқишлаймиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Умумий тил ва муштарак қадриятлар бирлиги асосида шакланган Кенгашимиз доирасида бугунги кунда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Оғир пандемия даврида ҳам биз шериклигимизни кенгайтиришга, бир-биримизга ёрдам бериб, алоқаларимизни мунтазам ривожлантиришга интилиб келмоқдамиз.

Аминманки, бугун қабул қилинаётган қарор билан Туркий кенгаш номи “Туркий давлатлар ташкилоти” деб ўзгартирилиши ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади. Ушбу муҳим кадам Ташкилотимиз фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, унинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини кескин оширишига ишонаман. Учрашувимизда имзоланадиган “Туркий дунё нигоҳи – 2040” истиқболли дастурий ҳужжати ҳам ушбу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Мухтарам анжуман иштирокчилари!

Ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган шиддатли жараёнлар, турли таҳдид ва хатарлар, пандемия синовлари, озик-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва экология билан боғлиқ муаммолар барчамизнинг олдимизга янги, долзарб вазифаларни кўймоқда. Бу эса давлатларимизнинг ҳамкорлик борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятларидан тўлақонли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман:

**Биринчидан,** Ташкилотимиз доирасида савдо алоқаларини кенгайтириш учун қулай ва жозибадор шароитларни яратишимиз лозим.



Охирги йилларда Ўзбекистоннинг кардош мамлакатлар билан умумий товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошганини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу билан бирга, бу кўрсаткичлар мавжуд салоҳиятларимизга мос эмас, десам, адашмаган бўламан.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фақат 2020 йилда давлатларимизнинг умумий импорти 420 миллиард долларга тенг бўлган бўлса, аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро импорт ҳажми эса 21 миллиард долларни ташкил этди. Шу боис учинчи давлатлардан кириб келаётган маҳсулотларни Ташкилотимизга аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар ҳисобидан қоплаш энг долзарб вазифамизга айланиши лозим.

Бу борадаги мавжуд имкониятларни атрофлича ўрганиш мақсадида Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги бўйича тадқиқот марказини ташкил этишни таклиф қиламиз. Ушбу Марказ савдо тўсиқларини бартараф этиш, электрон тижоратни кенг жорий қилиш, экспорт-импорт ҳажмини кўпайтиришга қаратилган аниқ таклифлар ҳамда қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланиши даркор.

**Иккинчидан**, савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун транспорт ва транзит масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Тарихдан маълумки, туркий халқлар яшаб келган минтакалар минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида транспорт ва савдо кўприги вазифасини бажарган.

Бугунги вазият биздан Хитойдан Европагача бўлган ва мамлакатларимиз ҳудудидан ўтадиган янги трансконтинентал транспорт йўлларини янада ривожлантиришни талаб этмоқда. Бу борадаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш учун “Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастури”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ушбу дастур минтакалараро мультимодал коридорларини ривожлантириш, чегаралардан ўтиш тартибларини соддалашти-



риш, божхона, санитария ва бошқа турдаги назорат жараёнларини рақамлаштириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш масалаларига самарали ечимлар топишга қаратилиши лозим.

**Учинчидан,** саноат кооперациясини кучайтириш бугунги кун талабига айланмоқда.

Давлатларимизда мавжуд бўлган ихтисослашган ташкилотлар негизида “Инжиниринг ва технологиялар марказлари”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг фаолияти кўшилган қиймат занжирларини яратиш ва рақобатбардошлик таомилларига асосланган кўшма лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳаларни келгусида тузиладиган кўшма Инвестиция жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш мумкин бўлади. Ушбу ташаббусни рўёбга чиқариш ҳамда бу борада янги имкониятлар очиш учун келгуси йили Ўзбекистонда “Туркий давлатлар саноат ҳафталиги”ни ўтказиш ниятидамиз.

**Тўртинчидан,** саммитимиз “Рақамли асрда яшил технологиялар ва “ақлли шаҳарлар” мавзусида ўтаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатларимизнинг ҳар бири турли соҳаларда рақамлаштириш жараёнларини жорий этиш тажрибасига эга. Аъзо мамлакатларда, биринчи навбатда, Туркияда бу соҳада тўпланган тажрибани инобатга олиб, “ақлли шаҳар”ларни барпо этиш бўйича тажриба алмашиш ва инновацияларни трансфер қилиш мақсадида экспертлар ва IT-мутахассислар учун доимий платформа яратиш муҳимдир.

Бу борадаги илк қадам сифатида 2022 йилда экспертлар конференциясини ўтказишни таклиф қиламиз.

**Бешинчидан,** ҳозирги пайтда дунёда иқлим ўзгариши ва экология муаммоларини ечиш ҳамда углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш тобора ўткир заруратга айланмоқда.



Орол денгизининг қуриши нафақат минтақамиз, балки унинг ташқарисидаги кўплаб мамлакатларга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Бу каби экологик фожияларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, уларнинг тарқалишининг олдини олиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Туркий мамлакатларнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тузилмасини тузиш ташаббусини илгари сурамиз.

Мазкур тузилма қароргоҳини ушбу экологик офатдан энг кўп зарар кўрган Оролбўйи ҳудудларидан бирида жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Олтинчидан, қадимий Хива ва Қўқон шаҳарларида бўлиб ўтган маданият ва туризм вазирларимизнинг самарали учрашувлари халқларимиз нақадар бой тарихий ва маданий меросга эга экани, сайёҳлик соҳасида катта имкониятларимиз борлигини яққол кўрсатди.

Биз “Туркий дунё туризми” ва “Табаррук зиёрат” сайёҳлик лойиҳаларини амалга ошириш, ҳунармандчилик кўрғазмалари ва этноспорт мусобақаларини ўтказиш, маданий мерос объектларини сақлаш ва реставрация қилиш ҳамда бошқа йўналишларни қамраб олган “йўл харитаси”ни биргаликда ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Еттинчидан, бугунги саммитимизда Туркий дунё бирлигига салмоқли ҳисса кўшган улуғ мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши муносабати билан барчангизга яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Туркий дунёнинг буюк вакиллари умумбашарий маданият ва цивилизация таракқиётига қандай улкан ҳисса кўшгани ҳаммамизга маълум.

Мана, яқинда Истанбул шаҳрида қайта таъмирланган мухташам Отатурк маданият марказида Туркий дунёнинг улуғ алломалари сиймолари ёд этилгани, айникса, эътиборлидир. Ташки-



лотимизга аъзо барча мамлакатлар фондларида ана шу бебаҳо мерос асраб-авайлаб сақланмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам муштарак тарихимиз ва маданиятимизга оид 200 мингга яқин ноёб кўлёмалар мавжуд.

Ана шу нодир асарларни биргаликда ўрганиш, уларни таржима қилиш, ягона электрон базасини яратиш, бу соҳага рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида “Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот маркази”ни ташкил этишни таклиф қиламиз.

Ўйлайманки, ушбу марказ қардош халқларимизнинг бебаҳо меросини келгуси авлодлар ва дунё аҳлига етказишга муҳим ҳисса қўшади.

**Саккизинчидан**, келажагимиз давомчилари бўлган ёшлар мамлакатларимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этмоқда.

Бугун ёш авлоднинг халқларимиз ҳаёти ва тақдиридаги, ўзаро муносабатларимиз ривожигаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, креатив ғоя ва лойиҳаларини рағбатлантириш, миллий кадриятларимизга ёт бўлган таъсирлардан асраб-авайлаш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш мақсадида 2022 йилни Туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилишни таклиф этаман. Унинг доирасида биргаликда аниқ чора-тадбирлардан иборат қўшма дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мазкур масалани навбатдаги саммитимиз кун тартибининг асосий мавзуси этиб белгилаш ўринли бўлар эди.

**Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!**

Афғонистондаги ҳозирги мураккаб вазият барчамизнинг эътиборимиз марказида турибди. Ушбу мамлакатнинг гуманитар инқирозга тушиб, халқаро майдонда яққаланиб қолишига, унинг террорчилар маконига айланишига йўл қўймаслик ниҳоятда долзарбдир.



Афғонистоннинг янги Ҳукумати билан мулоқотларда ёндашувларимиз умумий ва яқдил бўлиши лозим.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси бугунги анжуман кун тартибига киритилган Қўшма декларация, Ташкилотимиз таркибида Кузатувчи ҳамда Шериклик мақомларини таъсис этиш тўғрисидаги қарорлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг имзоланишини қўллаб-қувватлайди.

Бош котиб Бағдод Амреевнинг ваколат муддатини узайтиришни ҳам тўла маъқуллаймиз.

Ишончим комилки, бугунги учрашувимиз ва эришилган келишувларимизнинг амалга оширилиши қардош халқларимизнинг умумий фаровонлиги ва равнақига хизмат қилади.

Катта мамнуният билан янги ном олган Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитини ўтказиш учун сиз, азиз ҳамкасбларимни келгуси йил Ўзбекистонга ташриф буюришга таклиф этаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик  
кенгаши саммитидаги нутқ*

*2021 йил 12 ноябрь*



---

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШГА ФАҚАТ СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА ҚОДИР БЎЛАДИ**

**Хурматли шифокорлар!**

**Қадрли соҳа фахрийлари!**

Аввало, сиз, азизларни қутлуғ касб байрамингиз – Тиббиёт ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Жаҳон тиббиёт илмининг асосчиларидан бири, буюк аллома Абу Али ибн Сино бобомиз айтганларидек, одамлар дардига дармон бўлмоқ – эзгулик ва олижанобликнинг юксак намунасидир.

Халқимиз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ана шундай улуғ ва масъулиятли ишга бағишлаган, эл-юрт саломатлигини асраш йўлида бор билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳоратини сафарбар этиб келаётган шарафли касб эгаларини кўради ҳамда машаққатли меҳнатингизни доимо муносиб кадрлайди.

Чиндан ҳам, инсон саломатлиги жамиятнинг бебаҳо бойлиги, шифокорлар эса ана шу бойликнинг фидойи посбонларидир, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Азиз дўстлар!**

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, кадр-қимматини улуғлашда соғлиқни саклаш тизими устувор аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам юртимизда тинчлик ва соғлиқни таъминлашга эришсак, қолган ҳамма нарсасага эришамиз, деган фикрни яна такрорлашни ўринли, деб биламан.



Айни шу мақсадда республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох этиш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги беш йилда соҳага оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари, жумладан, 2019–2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Тиббиёт соҳасини молиялаштириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Буни жорий йилда соҳага 18 триллион сўмдан зиёд ёки 2016 йилдагига нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Мамлакатимизда тиббиётнинг уч босқичли миллий модели – бирламчи тиббий-санитария, шошилиш тез тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган тиббий хизмат тармоғи яратилиб, самарали фаолият юритмоқда. Энг муҳими, тиббиёт муассасалари халққа янада яқинлашмоқда.

Тиббий хизматларнинг сифат даражаси ошиб, янги замонавий йўналишлар, даволаш ва диагностика усуллари, ноёб илмий-амалий тажрибалар шаклланимоқда. Буни биргина мисол, яъни қисқа даврда буйрак, жигар ва ўзак хужайраларда 700 дан ортиқ мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилганида ҳам кўриш мумкин.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ишлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Хусусан, хомиладор аёллар саломатлигини доимий назорат қилиш тизими йўлга қўйилгани оналар ва гўдақлар ўлимини сезиларли камайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган даврда патронаж хизмати мутлақо янгича асосда ташкил этилди. Ҳамшираларнинг уйма-уй юриб, ҳар бир фуқаро саломатлигини назорат қилиб бораётгани касалликларнинг олдини олиш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришда катта роль ўйнамоқда.



Давлат тиббиёт муассасалари билан бирга, хусусий клиникалар сони кўпайиб, улар 129 та йўналишда фаолият кўрсатаётгани соҳада соғлом рақобатни, аҳоли учун танлаш имкониятини оширишга хизмат қилмоқда.

Мухтарам юртдошлар!

Коронавирус пандемияси бутун дунё қатори халқимиз, айниқса, Ўзбекистон тиббиёти учун ҳам жиддий синов бўлганини барчамиз яхши биламиз. Эл бошига иш тушган ана шундай оғир ва мураккаб пайтда биринчи бўлиб ёрдамга шошилган, вирус ўчоқларида ўз ҳаётини хатарга қўйиб, бу хавfli касалликка қарши мардона курашган соғлиқни сақлаш ходимларига ушбу қувончли айёмда яна бир бор миннатдорлик билдирамиз.

Айнан сизларнинг саъй-ҳаракатингиз билан пандемияга қарши курашнинг илғор усул ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилмоқда. Ҳозирги кунда аҳолини коронавирუსга қарши эмлаш жараёнлари муваффақиятли олиб борилмоқда.

Эл-юрт саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини муносиб рағбатлантириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Бунинг тасдиғини уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган ишларимиз мисолида кўриш мумкин.

Агар 2019 йилдан буён ушбу тизимда меҳнат қилаётган юртдошларимиздан қарийб 550 нафари юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган бўлса, куни кеча имзоланган Фармонга кўра яна 82 нафар тиббиёт ходими давлат мукофотларига сазовор бўлдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасини ушбу муносиб эътироф билан чин дилдан табриклайман.

Ҳурматли соҳа ходимлари!

Халқимиз саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам бош вазифа бўлиб қолади. Келгусида соҳага



йўналтириладиган маблағларни 2 баробар ошириш, жумладан, яқин беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш белгилангани бу борадаги режаларимиз кўлаמידан далолат беради.

Асосий вазифамиз – тиббиёт соҳасини юқори самара билан ишлайдиган, чинакам халқчил тизимга айлантиришдан иборат.

Бу борада соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини орқали тиббий профилактикага, оилавий шифокорлар родини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва эрта ўлим ҳолатларининг асосий сабаби бўлган касалликларни барвақт аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирларини ўтказиш, профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича самарали чоралар амалга оширилади.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

**Биз ўз олдимизга қўйган буюк мақсад – Янги Ўзбекистонни барпо этишга фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина қодир бўлишини албатта барчамиз яхши тушунамиз.**

Ана шундай баланд марраларга эришишда эл-юртимиз дардига ҳамиша дармон бўлиб келаётган сиз, азизлар, бор куч-ғайратингиз, билим ва малакангизни аямасдан меҳнат қиласиз, деб ишонаман.

Сизларни касб байрамингиз – Тиббиёт ходимлари куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ша-рафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Кўлингиз дард кўрмасин, азиз шифокорлар!

*Соғлиқни сақлаш соҳаси  
ходимларига йўлланган табрик*

2021 йил 13 ноябрь



## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ХУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК II ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли Ўзбекистон ва Россия ҳудудларининг раҳбарлари!  
Хурматли делегациялар аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар!

Иккинчи Ўзбекистон – Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форуми иштирокчиларини кутлашдан мамнунман.

Мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги муҳтарам Владимир Владимирович билан иккимиз роппа-роса уч йил аввал бошлаб берган фаол мулоқот бугун стратегик шерикликни мустаҳкамлашнинг локомотивларидан бирига айланди.

Ҳеч шубҳасиз, Форумнинг муваффақиятли фаолияти кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда эришган улкан натижаларимиз ва юксак марраларнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон ҳудудлари Россия Федерациясининг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон Республикаси, Олтой ўлкаси, Астрахань, Новосибирск, Омск, Самара, Челябинск вилоятлари ва кўплаб бошқа субъектлари билан жадал ҳамкорлик қилаётганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биргаликда олиб борилаётган фаол ишлар туфайли ўзаро товар айирбошлашнинг ҳатто пандемия шароитида ҳам ўсишига эришдик, унинг ҳажми эса жорий йилда олти миллиард доллардан ошади.

Кейинги бир йилда Санкт-Петербург, Самара ва Қозонда Ўзбекистон ҳудудларининг кўргазмалари муваффақиятли ўтказилди.



Бугун мамлакатларимизда уч мингга яқин кўшма корхона фаолият юритмоқда, иктисодиётнинг барча соҳаларида юзлаб янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда Россиядан жалб қилинган инвестициялар ҳажми бугунги кунда 10 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич жадал ўсиб бормоқда.

Муваффақиятли ҳамкорлигимизнинг айрим мисолларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Татаристонлик шериклар билан Тошкент вилоятида “Химград” юқори технологик саноат парки ташкил этилмоқда.

Яқин орада Жиззах вилоятида москвалик инвесторлар билан ҳамкорликда кўп функцияли агрологистика маркази ишга туширилади.

Самара вилояти компаниялари Бухорода йирик иссиқхона мажмуасининг қурилишига киришди.

Ингушетиялик тадбиркорлар билан биргаликда Фарғона водийсида тўқимачилик кластерини кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бундай мисолларни, шу жумладан, Ўзбекистон бизнеси иштирокида Россия ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар рўйхатини яна узок давом эттириш мумкин.

Азиз дўстлар!

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд.

Икки мамлакат манфаатлари учун янги истикболлар очадиган йўналишларни алоҳида қайд этишни истардим.

**Биринчи.** Кўшма бизнес лойиҳаларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаймиз, шунингдек, россиялик инвесторлар учун зарур шароитлар яратишни давом эттирамыз.

Бу ҳақда сўз борганда, энг аввало, металлургия, энергетика, нефть-кимё, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги саноат кооперациясини қайд этиш лозим.



**Иккинчи.** Худудларимиз бир-бирини самарали тўлдириб туриши мумкин бўлган соҳа – кишлок хўжалигидаги ҳамкорлик улкан имкониятларга эга.

Ўзбекистон ва Россияда йирик агросаноат компаниялари ва кластерлари, омборхона терминаллари ва қайта ишлаш қувватларини яратиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, биз янги агротехнологияларни кенг жорий этиш, селекция соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдормиз.

**Учинчи.** Инновациялар, IT, билим ва саноат технологиялари билан алмашиш соҳалари, айникса, истикболдир.

Хусусан, “Иннопром” халқаро кўргазмаси эндиликда ҳар йили янги минтақавий форматда Ўзбекистонда ўтказилади.

Россиянинг етакчи, шу жумладан, ҳудудий олий таълим даргоҳларининг мамлакатимиздаги фаолияти янада кенгайтирилиши қўллаб-қувватлаймиз.

Бу борадаги муваффақиятли ишларга Қозон федерал университети ва Астрахань давлат техника университети билан шериклигимизни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу, шунингдек, илмий ҳамкорлик ва биргаликдаги амалий тадқиқотларни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

**Тўртинчи.** Худудлар ўртасидаги фаол алоқалар маданий-гуманитар алмашинуви ва туризмнинг кенгайтиришига хизмат қилади.

Худудларда мамлакатларимиз вакиллари иштирокида ёшлар фестиваллари, концертлар мунтазам ўтказилишини, театрларнинг ижодий сафарлари ва спорт тадбирлари ташкил этилишини қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Бугунги учрашув ва унинг натижасида янги қўшма дастур ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши худудларимиз ва уму-



ман, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка кучли суръат бағишлашига ишонаман.

Форумнинг барча иштирокчиларига самарали фаолият, катта муваффақиятлар ва янги ютуқлар тилайман.

Катта мамнуният билан сизларни келгуси йилда учинчи Худудлараро форумни ўтказиш учун Ўзбекистонга таклиф этаман.

2021 йил 17 ноябрь



---

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМИ: ИСЛОҲОТЛАР  
ЙЎЛИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК”  
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ФОРУМ  
ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Аввало, сиз, азизларни “Янги Ўзбекистон таълими: ислохотлар йўлида муваффақиятли ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро форумнинг очилиши билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни билдираман.

Сиз, бугунги анжуман иштирокчилари – ўз ҳаётини ёш авлодни тарбиялашдек улуғ ишга бағишлаган тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар, педагог олимлар, нуфузли эксперт ва мутахассислар, соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркор ва ишбилармонлар ҳозирги шиддатли замонда инсон ҳаётида таълимнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини албатта яхши тушунасиз.

Ушбу форумда дунёнинг 30 дан зиёд давлатларидан, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Осиё тараққиёт банки, АЙСЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этаётгани ҳам бу масалага жаҳон миқёсида қизиқиш катта эканини тасдиқлайди.

Албатта, биз юртимизда ҳар бир инсон эркин ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз, бунинг учун аввало илғор билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган, маънавий-интеллектуал даражаси юксак, соғлом ва баркамол авлодни



вояга етказиш лозимлигини яхши тасаввур этамиз. Шу боисдан ҳам замонавий боғчалар, мактаб ва олийгоҳларни ташкил этиш, юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, жонкуяр зиёлилар авлодини шакллантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мактабгача таълим, мактаб таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими ва олий таълим ривожини янги босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизда халқаро талаблар даражасида таълим-тарбия берадиган боғчалар, мактаблар, жумладан, Президент мактаблари, олий ўқув юртлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия Янги Ўзбекистоннинг маърифий кифасини белгилайдиган, юксак тараққиётини таъминлайдиган муҳим соҳалардан бирига айланмоқда.

Биз бу йўлда ички имкониятларимиз билан бирга, амалга ошираётган туб ислоҳотларимизга хайрихоҳлик билан қараётган, Ўзбекистон тимсолида ўз истиқболини кўраётган хорижий ҳамкорларимизга, мард ва олижаноб ватандошларимизга таянамиз.

Мамлакатимизда кейинги йилларда бошқа соҳалар катори таълим тизими ҳам ҳамкорлик учун қулай ва жозибали йўналишга айланмоқда. Соҳада давлат-хусусий шериклик тамойиллари кенг жорий этилаётгани, хусусий боғча, мактаб ва олийгоҳлар давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани, ўз сармоясини шу соҳага йўналтираётган тадбиркорлар учун кўплаб енгилликлар яратилаётгани нафақат юртимиздаги, балки чет эллардаги тадбиркорларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Сизлар анжуман давомида ана шундай имкониятлар билан янада кенг танишиб, Янги Ўзбекистон таълим тизими бўйича ҳамкорлик истиқболларини атрофлича муҳокама қиласиз, шу борадаги иш тажрибангиз билан ўртоқлашиб, амалий таклиф ва тафсияларингизни илгари сурасиз, деб умид қиламан.



Ишончим комил, форум доирасида халқаро ҳамкорликка оид янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилиши, янги мақсад ва ре- ривожлантиришга хизмат қилади.

Таълим соҳасига киритилган инвестиция – келажакка қўйил- ган энг ишончли сармоя экани ва албатта ўзининг ижобий нати- жасини беришини сизлар ҳаммадан кўра яхши биласиз.

Сизларга шу йўлда улкан ютуқ ва омадлар, анжуман ишига эса муваффақиятлар тилайман.

2021 йил 24 ноябрь



## ҲАМКОРЛИКНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДАВР ТАҚОЗОСИДИР

Ҳурматли Гурбангули Мяликгулиевич!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Авваламбор, гўзал Ашхобод шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотимиз кунида Сизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Қадрли биродарим Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедовга бугунги анжуманни юксак савияда ташкил этгани ва самимий меҳмондўстлиги учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Туркманистоннинг Ташкилотга самарали раислиги ва кўп томонлама амалий алоқаларни кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Жумладан, жорий йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан шериклик тўғрисида қабул қилинган Резолюцияси бу йўлдаги муҳим кадам бўлди.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Тарихи, дини, урф-одат ва анъаналари яқин бўлган биродар халқларимиз азал-азалдан савдо-сотик алоқалари ва маданий ришталар билан чамбарчас боғланган.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўтган давр мобайнида давлатларимиз умумий манфаатларини ифода этадиган, улкан иқтисодий салоҳиятга эга йирик минтақавий тузилмага айланди.



Бугун ҳурматли ҳамкасбларим билдирган барча фикр-мулоҳазалар Ташкилотимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганини, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлашга қаратилган интилишларимиз яқдил эканини тасдиқламоқда.

Ўз навбатида, биз Ташкилотимиз доирасида кенг камровли алоқаларни янада ривожлантириш тарафдоримиз ҳамда бўлажак раислик вазифасини самарали амалга ошириш ниятидамиз.

**Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!**

Бугунги кунда барчамиз глобал ва минтақавий вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Давом этаётган пандемия таъсирида жаҳон иқтисодиёти ривожда қандай тенденциялар кузатилади, халқаро ҳамжамият яна қандай янги хавф-хатарларга дуч келади, деган саволларга ҳамон аниқ жавоб йўқ.

Бундай ўзгарувчан шароитда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича умумий саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчи йўналиш** – 500 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган, улкан бозорга эга бўлган мамлакатларимизнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Қабул қилинган “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти истикболлари – 2025” дастури асосида мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция алоқаларини янада кенгайтириш ва энг муҳими, амалий натижадорликка эришиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун Ташкилотимиз доирасида янгиланган ва кенг камровли Савдо битимини ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг фурсати келди, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур ҳужжатда савдо тўсикларини бартараф этиш, божхона тартибларини рақамлаштириш ҳамда ҳозирги вақтда дол-



зарблиги тобора ошаётган электрон савдони кенг татбик этиш масалалари ўз ифодасини топиши зарур.

Шунингдек, мамлакатларимизда ўзаро сармоялар оқимини кўпайтириш ва уларни ишончли ҳимоя қилиш, саноат кооперациясини кучайтиришга қаратилган Кўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш – бугунги кун талабидир.

Шу билан бирга, ўзаро савдо ҳажмларини ошириш, минтакавий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жаҳон бозорида умумий рақобатбардошлигимизни кучайтиришимиз лозим.

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти ЮНИДО ва Марказий Осиё иқтисодиёти учун СПЕКА Махсус дастури билан ҳамкорликда Ташкилотимиз доирасида Савдо, инвестициялар ва инновациялар марказини ташкил этиш ҳамда унинг қароргоҳини Тошкент шаҳрида жойлаштиришни таклиф қиламиз.

**Иккинчи йўналиш** – минтақамиздаги мавжуд ва янги транспорт йўлакларидан унумли фойдаланиш.

Бу борада минтақалараро транзит ҳабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмаларни тақдим этиш, халқаро юк ва йўловчи ташиш шартларини енгиллаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалаларига аниқ ечимлар топишимиз зарур.

Бу режаларни рўёбга чиқариш учун мамлакатларимизнинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Минтакавий стратегияни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Учинчи йўналиш** – “яшил тараккиёт”га эришиш учун амалий саъй-ҳаракатларимизни сафарбар этишимиз даркор.

Экологик муаммолар ва иқлим ўзгариши кескин тус олаётган ҳозирги даврда давлатларимизда тўпланган ва хорижий



илғор тажрибадан самарали фойдаланиш. “яшил иктисодиёт”-ни биргаликда фаол ривожлантириш, саноат тармоқларига ресурс тежамкор технологияларни кенг татбиқ этиш, углерод нейтраллигига эришиш кун тартибидаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Бунинг учун халқаро эколог олимлар ва экспертлар иштирокида юқори даражадаги доимий Мулоқот кенгашини тузишни таклиф этамиз.

**Тўртинчи йўналиш** – сайёҳлик алмашувларини қайта тиклаш масаласидир.

Бухоро шаҳрида 2022 йили бўлиб ўтадиган туризм вазирларининг навбатдаги учрашувида пандемиядан кейинги даврда Хавфсиз сайёҳликни ривожлантириш умумминтақавий Дастурини қабул қилиш ташаббусини билдирмоқчиман.

Шу асосда “зиёрат туризми” ва бошқа кўшма сайёҳлик маҳсулотларини ишлаб чиқиш, авиақатновлар географиясини кенгайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилган бўлар эди.

**Ҳурматли анжуман қатнашчилари!**

Ташкилотимиз аъзоси бўлган Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ушбу мамлакат кун сайин оғир гуманитар инкирозга кириб бормоқда.

Халқаро ҳамжамият, жумладан, яқин кўшнилар ёрдамисиз афғон халқи яқка ҳолда бу қийин синовлардан ўта олмайди.

Шу боис афғон халқига зарур ёрдам кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва умумий ёндашувларни ишлаб чиқишимиз керак.

Шунингдек, Афғонистон билан минтақавий аҳамиятга эга бўлган йирик савдо, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш ишларини изчил давом эттириш тарафдоримиз.

**Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!**

Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.



Ташкилотимизнинг халқаро нуфузи ва обрўсини ошириш, бошқа минтақавий ташкилотлардан фарқ қиладиган ва ўзига хос кун тартибига эга бўлиш, етакчи халқаро тузилмалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорлигимизнинг институционал механизмларини ривожлантиришни ҳозирги даврнинг ўзи такозо этмоқда.

Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар тайёрлаш учун юқори даражадаги Экспертлар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари сурамиз.

Шу билан бирга, ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари ва долзарб вазифалардан келиб чиқиб, ҳар йилга ном бериш анъанасини жорий этиш, ўйлайманки, ўринли бўлар эди.

Биз Ўзбекистон Ташкилотга раислик қиладиган даврда мамлакатларимизда Ўзаро узвий боғлиқликни мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этамиз.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Биз бугунги тадбиримизнинг якуний ҳужжати – Ҳаракатлар учун Ашхобод консенсуси қабул қилинишини ҳам кўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ташкилотимиз янги Бош қотиби Хусрав Нозирий жанобларини масъулиятли фаолияти бошланиши муносабати билан самимий табриклаб, келгуси ишларида ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Сўзимнинг якунида умумий интилиш ва ҳаракатларимиз натижасида Ташкилотимиз доирасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни яқин истиқболда сифат жиҳатидан янги поғонага кўтара олишимизга ишонаман.

Барчангизни катта мамнуният билан навбатдаги саммитимизда иштирок этиш учун Ўзбекистон заминига таклиф этаман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

*Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг  
ўн бешинчи саммитидаги нутқ*

*2021 йил 28 ноябрь*



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

Қадрли ватандошлар!

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги резолюциясига мувофиқ, ҳар йил 3 декабрь санаси бутун дунёда Халқаро ногиронлар куни сифатида нишонланиб келмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад – ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишдан иборат.

Эзгулик, меҳр-окибат, инсонпарварлик тимсоли бўлган ушбу айёмда мамлакатимиздаги бир миллионга яқин имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган фуқароларимизга ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни билдираман.

Меҳр-мурувватли ва бағрикенг халқимиз азал-азалдан ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган энг муҳим кадрлардан бири сифатида эъзозлаб келади.

Ана шундай эзгу анъаналаримизни бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш мақсадида сўнгги йилларда мамлакатимизда имконияти чекланган фуқароларимизни кўллаб-қувватлаш, улар учун зарур барча шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга кўтарилмоқда.

Бунинг тасдиғини “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилингани, мамлакатимиз Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро



конвенцияга қўшилгани, соҳада мустаҳкам қонуний база яратилгани мисолида кўриш мумкин.

Шу асосда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, реабилитация, сиёсий-ижтимоий ҳаётда иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланмоқда.

Бу борада “Инсон қадри учун” тамойили асосида Янги Ўзбекистонда инклюзив ривожланиш, яъни аҳолининг барча қатламлари учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Биз ушбу йўналишда ногиронлиги бўлган инсонлар – жамиятнинг тўлақонли аъзолари, деган тамойилга амал қилган ҳолда изчил иш олиб бормоқдамиз.

Чиндан ҳам, биз барпо этаётган янги, эркин ва демократик давлатда жамиятнинг ҳар бир аъзоси билим олиш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш, ўз истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, меҳнат билан банд бўлиш учун зарур имкониятларга эга бўлиши шарт.

Биз учун ногиронлиги бўлган инсонларни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига жалб этиш устувор йўналиш ҳисобланади. Яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, ногиронлиги бўлган шахслар сайлов участкаларига келиб-кетишлари учун зарур шароит яратилгани, Брайль алифбосида сайлов бюллетенлари тайёрлангани, сайлов участкалари пандуслар билан жиҳозлангани уларнинг сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишларини таъминлаш йўлида муҳим кадам бўлганини халқаро ва хорижий кўзатувчилар ҳам эътироф этдилар.

Имконияти чекланган фуқаролар учун яратилаётган шароитлар ҳақида гапирганда, сўнгги икки йилда пенсия ва нафақа олувчи ногиронлиги бўлган шахслар сони 100 минг нафарга



кўпайиб, уларнинг миқдори қарийб 2 баробар оширилганини таъкидлаш лозим. Шунингдек, барча ҳудудларда “Саховат ва кўмак” умуммиллий ҳаракати доирасида ҳамда “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган имконияти чекланган юртдошларимизга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими йўлга қўйилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳаётга мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, кейинги йилларда 27 та тиббий-ижтимоий муассасалар реконструкция қилиниб, замонавий талабларга мос бўлган 1,5 мингта даволаш-реабилитация ўринлари фойдаланишга топширилди.

Ана шундай фуқароларимизга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг рўйхати 22 турдан 27 тагача кўпайтирилди. Хусусан, жорий йилнинг ўзида ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида улар бюджет маблағлари ҳисобидан қарийб 40 миллиард сўмлик протез-ортопедия ва реабилитация мосламалари, кохлеар имплантлар ҳамда бошқа махсус буюмлар билан таъминланди.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш дастурини амалга ошириш ишлари бошланди, 300 дан ортиқ мактабларда имконияти чекланган болаларнинг билим олиши учун зарур шароитлар яратилди.

Ҳақиқий матонат эгаси бўлган ногирон йигит-қизларимизнинг жаҳон майдонларида юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётганлари барчамизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди. Жумладан, шу йил Токиода ўтказилган Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалларини қўлга киритгани ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга муносибдир.



Таъкидлаш жоизки, 3 декабрь санаси бутун дунёда паралимпиячиларни шарафлайдиган айёмга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам азму шижоатли паралимпиячи спортчиларимизни яна бир бор чин дилдан қутлаб, уларга халқаро майдонларда юксак чўккиларни забт этишда янги муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам юксак марраларни эгаллашга кодир бўлган ёшларимиз ўз қобилият ва имкониятларини тўлиқ намоён этиши, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш – бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Шу мақсадда ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ўзларини жамиятнинг ажралмас қисми сифатида ҳис этиб яшашлари учун уларга қўшимча шарт-шароитларни яратишга қаратилган алоҳида дастур қабул қилиб, уни албатта амалга оширамиз.

Ушбу дастурнинг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳаммоҳанг бўлиб, унда ногиронликни белгилашда тиббий ёндашувдан ижтимоий ёндашувга ўтиш асосий вазифа сифатида белгиланади.

Энди ногиронлиги бўлган шахслар – “муаммоси бор инсонлар” деган қарашдан воз кечиб, уларнинг имкониятини кенгайтириш учун, аввало, ижтимоий-иқтисодий тизимни такомиллаштириш йўлидан боришимиз зарур.

Шунинг учун дастурда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

**Биринчидан**, ногиронлиги бўлган ёшларга барча даражада сифатли таълим олиши учун тенг имкониятлар яратилади.

Жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб алоҳида таълим олишга эҳтиёжи бор болаларнинг 24 фоизи, 2025 йилда эса 40 фоизи оддий мактабларда ўқиши учун барча шароитлар яратилади. Шунингдек, инклюзив таълимнинг ресурс марказлари сони 14 баробарга кўпайиб, 200 тадан ошади.

**Иккинчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларни касб-ҳунарга ўқитиш ва улар учун муносиб иш ўринларини яратиш орқали



уларнинг даромадини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар янада кучайтирилади. Бу борада уларни замонавий касб-хунарга ўқитиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, ҳар бир инсон учун давлат ҳисобидан касб-хунар ўрганиш имконияти яратилади, шу мақсадда ажратиладиган маблағлар 2 баробар оширилади.

Барча даражадаги давлат идораларига имконияти чекланган фуқароларни улар учун мос келадиган ишга қабул қилишда устунлик ва имтиёз берилади.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш борасидаги ташаббуслари кўллаб-қувватланиб, уларни рағбатлантириш чоралари кўрилади. Жумладан, бундай тадбиркорлар ва ишга қабул қилинган фуқароларга қўшимча солиқ имтиёзлари берилади ва давлат томонидан субсидиялар ажратилади.

**Учинчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини асраш, уларга тиббий хизматлар кўрсатиш ишлари тизимли равишда давом эттирилади.

Ногиронлиги бўлган болаларни соғломлаштириш учун Республика болалар тиббий реабилитация маркази ва унинг ҳудудий филиаллари ташкил этилади.

Шунингдек, ҳар йили 2 минг нафар болада туғма юрак нуқсонлари ва бош миёдаги патологик ўзгаришлар бўйича жарроҳлик амалиётини ўтказиш белгиланмоқда.

**Тўртинчидан**, имконияти чекланган фуқаролар мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашиши учун “тўсиксиз муҳит”, яъни қулай шароит яратилади.

Жумладан, янги барпо этиладиган давлат идоралари бинолари, ижтимоий объектлар, боғ ва парклар, жамоат транспортида махсус инфратузилма яратиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш бўйича чоралар кўрилади, улар учун махсус ахборот порталлари, телекўрсатувлар, адабиётлар ва кутубхоналар сони кўпайтирилади.



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивларида ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой шароитларини яхшилаш учун субсидия ва имтиёзли кредитлар берилади.

Энг муҳими, барча даражадаги раҳбарлар ва давлат идоралари масъуллари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича доимий мулоқот тизими йўлга қўйилади.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: жамиятимизнинг энг эҳтиёжманд қатламларидан бири бўлган ногиронлар билан боғлиқ фаолиятимизни танқидий қайта кўриб чиқар эканмиз, бу инсонлар ҳам мамлакатимиз фуқаролари, бизнинг юртдошларимиз эканини, бинобарин, ҳеч қачон ўзларини ёлғиз ҳис этмасликлари, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимизда фаол иштирок этишлари учун бундан буён ҳам барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди.

Ишончим комил, 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллаб, жамиятимизда эзгулик, меҳр-окибат, гуманизм ғояларини янада чуқур қарор топтиришга хизмат қиладиган муҳим саналардан бири бўлиб қолади.

Биз бу борада сиз, азизларга – кўпни кўрган отахон ва онахонларимизга, ҳурматли хотин-қизларимизга, ҳаётга дадил кириб келаётган навкирон ёшларимизга, доимо эзгу ва савоб ишлар қилиб яшашга интиладиган бутун халқимизга таянамиз.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, инсон кадр-қиммати ва шаънини улуғлаш, ҳар бир фуқаро ҳақида эътибор ва ғамхўрлик, меҳр-мурувват, саховат ва олижаноблик биз қураётган Янги Ўзбекистон жамиятининг ҳаёт қоидаси бўлиб қолади.

Барчангизни ана шундай олижаноб ишларда фаол иштирок этишга даъват этаман.

*2021 йил 3 декабрь*



## БИЗ ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ

– *Ҳурматли Шавкат Миромонович, бизнинг наширимизга интервью беришга розилик билдирганингиз учун Сиздан миннатдормиз. Бугунги Ўзбекистон барча йўналишлар бўйича ажойиб ривожланиш суръатларини намойиш этмоқда. Янгича сиёсат туфайли беш йилда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга эришди. Сиз Президентлик лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимдаги нутқингизда бизнинг минтақамиз мамлакатингиз учун устувор йўналиш эканини яна бир бор таъкидладингиз. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида Қозоғистон қандай ўринни эгаллайди?*

– Авваламбор, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар натижасида жадал ривожланишга эришилаётгани хақида берилган юксак баҳо учун миннатдорлик билдираман.

Президентлик лавозимидаги фаолиятимнинг илк кунларида-ноқ биз ўз олдимизга мамлакатни модернизация қилиш ва унинг тараққиёти учун қулай шарт-шароитлар яратиш вазифасини қўйганмиз. Ана шу мақсадда 2017–2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширдик: давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, конун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иктисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний ҳамжиҳатликни таъмин-



лаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиш.

Ҳозирги кунга келиб амалга оширилаётган кенг кўламли изчил ва тизимли демократик ислохотлар ортга қайтмайдиган даражада муқаррар хусусият касб этди. Бугун биз ушбу йўлнинг мантиқий давоми сифатида Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик. Унда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг қонуний манфаатлари ва фаровонлигини таъминлайдиган, халқпарвар давлат барпо этиш, бир сўз билан айтганда, “Инсон кадрлари учун” деган устувор тамойилимизни ҳаётга тўла татбиқ этиш борасидаги вазифалар асосий ўринни эгаллайди. Бундан буён ўз фаолиятимизни “инсон – жамият – давлат” янги парадигмаси доирасида ташкил этамиз.

Биз 2030 йилда Ўзбекистон даромадлари аҳоли жон бошига нисбатан ўртача даражадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши учун бундан кейин ҳам хусусий секторни рағбатлантириш ва иқтисодиёт таркибидаги унинг улушини кўпайтириш ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини оширамиз, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг доимий ўсишини таъминлаймиз.

Айни дамда мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизлик, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш ҳамда “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепцияси асосида маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни кучайтириш фаолиятимизнинг асосий мезонлари бўлиб қолади.

“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган ғояни амалга ошириш доирасида Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик, яхши кўшничлик ва



стратегик шериклик муҳитини мустаҳкамлаш йўлини давом эттирамиз.

Ҳеч шубҳасиз, энг яқин кўшниларимиз – Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик қилмасдан туриб, ушбу мақсадларга эришиб бўлмайди.

Улкан сиёсий, молиявий-иқтисодий, демографик салоҳиятга эга, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ва халқларини яқинлаштиришдан манфаатдор бўлган Қозоғистон бу борада жуда муҳим ўрин эгаллайди.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, ушбу тарихий жараёнларда замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг хизматлари бекиёс.

Ҳамкасбим, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан суҳбат ва музокараларда ҳамиша унинг нафақат ўз халқи, балки бутун минтақамиз аҳолисининг фаровонлиги йўлида фаол ва ижодий фаолият олиб боришга бўлган интилишини ҳис этаман.

Қозоғистон Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлади, XXI асрда Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш мақсадида яхши кўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги беш томонлама битимни имзолашни таклиф қилди, шунга қаратилган ташаббусларни амалга оширишга фаол ҳисса кўшди.

Албатта, минтақамиз келажаги, минтақавий хавфсизликни чуқурлаштириш истиқболлари – Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлиб, бутун Марказий Осиё маконида тараққиёт, фаровонлик ва барқарорлик қандай бўлиши ҳам шунга боғлиқ.

*– Ҳеч шубҳасиз, минтақавий ҳамкорликнинг стратегик йўналишларини белгилашда бевосита иштирок этаётган мамлакатларимиз етакчиларининг бу масаладаги ўрни жуда муҳим.*



*Бўлажак таширфингиздан нималарни кутяписиз? Ўзаро муносабатларимизда туб бурилиш ясайдиган муҳим қарорлар қабул қилиш режалаштириляптими?*

– Ўзбекистон ва Қозоғистон – нафақат умумий тарих, маданият, анъаналарга эга бўлган яхши кўшниллар, балки ўзаро кўп асрлик дўстлик алоқалари билан боғланган жуда яқин, қардош давлатлардир. Халқларимизни ажралмас маънавий ва оилавий ришталар, интилишлар бирлаштириб туради, улар муштарак қувонч ва ташвишлар, орзу-умидлар билан яшайди.

Минтақамиздаги биз зикр этаётган ўша тарихий ижобий ўзгаришлар Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларида ҳам яққол намоён бўлади. Сўнгги беш йилда бизнинг стратегик мулоқотимиз ва муттасил ривожланиб бораётган давлатлараро ҳамкорлигимиз минтақада мустаҳкам яхши кўшничилик шериклиги намунасига айланди. Унинг натижалари мамлакатларимиз аҳолисининг барча даражаларда, хусусан, савдо ва бизнес, илм-фан ва таълим, маданият ва спорт соҳаларида янада эркин ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлганида ҳам намоён бўлмоқда.

Фуқароларимиз Тошкент ва Нурсултон ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш йўлини катта мамнуният билан қабул қилмоқда. Бу ҳақда менга кўплаб ўзбекистонликлар, жумладан, яқинда бўлиб ўтган сайловолди ташвиқоти чоғида ҳам айтиб беришди.

Одамлар биздан дўстлик ва яхши кўшничилик борасидаги фаол сиёсатни давом эттиришни, Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан кўпқиррали алоқаларни ривожлантиришни кутмоқда. Бу, албатта, Президент Қосим-Жомарт Тоқаев ва менга катта масъулият юклайди. Ҳамкорликнинг қайси қирралари ҳали тўлиқ очилмаган, икки мамлакат ва бутун минтақа халқларининг манфаатларига жавоб бериш учун, биринчи навбатда, қандай режаларни амалга ошириш кераклигини биз яхши тушунамиз ва доимо очик муҳокама қиламиз.



Албатта, бу сафар ҳам Қозоғистон Президенти билан икки томонлама ва минтақавий муносабатлар кун тартибидаги кўп-лаб долзарб масалаларни кўриб чиқишни, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги алоқаларни янги, янада юксак даражага олиб чиқиш бўйича амалий кадамлар кўйишни режалаштирганмиз.

Ташриф кун тартибидан сиёсий мулоқотни янада чуқурлаштиришни, жумладан, икки мамлакат ҳудудлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, турли тармоқларда кўшма лойиҳаларни амалга ошириш, маданий-гуманитар ва сайёҳлик алоқаларини фаоллаштириш масалалари ўрин олган бўлиб, бу пандемия оқибатларини бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, фукараларнинг ўзаро саёҳатлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, таълим ва соғликни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш ҳам кўзда тутилган.

Шу билан бирга, умумий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашда шерикликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинади.

*– Бугунги кунда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида барча соҳаларда иқтисодий ҳамкорликнинг юқори ўсиш суръати кузатишмоқда. Бундай натижаларга қандай механизм ва воситалар орқали эришилди?*

– Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикчилик катта амалий маъно-мазмун билан тўлдирилди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорликнинг мутлақо янги муҳити шаклланимоқда. Йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларга ечим топилмоқда. Буларнинг барчаси икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, савдо, инвестиция, транспорт-коммуникация, ишлаб чиқаришда кооперация алоқаларини изчил ривожлантириш учун қулай шароитлар яратмоқда.



Бош вазирлар раҳбарлигида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия самарали иш олиб бормоқда. Хабарингиз бор, шу кунларда Туркистон шаҳрида унинг навбатдаги йиғилиши ҳамда икки мамлакат ҳудудлари вакиллари иштирокида форум бўлиб ўтди. Унинг якуни бўйича кооперациянинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишга доир йирик ҳажмдаги келишув ва шартномалар имзоланди.

Вазирлик ва идоралар даражасидаги учрашувлар ҳам мунтазам хусусият касб этмоқда. Чегараларимизга туташ ҳудудларда алоқалар кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда, иқтисодий муносабатларни фаоллаштиришнинг янги механизмлари шакллантирилмоқда. Шу кунларда Нурсултон шаҳрида кўшма бизнес форуми бўлиб ўтади, унда ўзбекистонлик ва қозоғистонлик тадбиркорлар ўртасида самимий мулоқот бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон – табиий иқтисодий шериклар экани, иқтисодиётларимиз бир-бирини тўлдиришини таъкидлашни истардим. Зарур маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш сони ва ҳажмини сезиларли даражада кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд. Масалан, жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми қарийб 40 фоизга ошиб, бу борада рекорд кўрсаткич – 4 миллиард долларга эришиш кутилмоқда. Иқтисодиётларимиз салоҳияти бизга келажакда бу рақамни 10 миллиардга етказишни мақсад қилиб қўйиш имконини беради.

Саноат кооперацияси соҳасидаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, Кустанайда Қозоғистонда харидоргирлиги бўйича етакчи ўринда турадиган автомобиллар, автобуслар ва кишлок хўжалиги техникасини ҳамкорликда йиғиш йўлга қўйилди. Туркистон ва Чимкентда замонавий тўқимачилик корхоналари ишга туширилди, маиший техника ишлаб чиқарилмоқда. Бундай мисоллар жуда кўп.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Қозоғистон капитали иштирокида иқтисодиётнинг деярли барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани қамраб олган 1 000 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда.



Икки йилдан ортиқ вақтдан буён Ўзбекистонда Қозоғистоннинг “Тенга банки” фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз ҳудудларида ўз филиаллари тармоғини кенгайтirmoқда.

Кимё маҳсулотлари, фармацевтика воситаларини ишлаб чиқариш, инфратузилмани модернизация қилиш, агрокластерлар ташкил этиш, автомобиллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва бошқа кўплаб йирик истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатларимизнинг геостратегик жойлашуви нуктаи назаридан транспорт-логистика соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Гап “Учкудук – Қизилўрда” темир йўл қурилиши ҳамда юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган “Туркистон – Тошкент” темир йўлини ишга тушириш каби муҳим лойиҳалар ҳақида бормoқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда автомобилда ва темир йўл орқали юк ташиш ҳажми ортиб бормoқда. Мамлакатлар ўртасидаги авиақатновлар тўлиқ тикланди.

Савдони кенгайтириш ва кооперациянинг янги йўналишларини ривожлантириш Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларининг манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз.

*– Қозоқлар ва ўзбеклар азалдан дўстлик ва аҳилликда яшаб келишган. Бизни умумий тарих, маданият ва дин, ўхшаш урф-одат ва анъаналар бирлаштириб туради. Мамлакатларимиз жамоатчилиги ўртасида маданий-гуманитар алмашинув доимо катта қизиқиш уйғотади. Икки халқ орасидаги бундай маънавий яқинликни қандай изоҳлаган бўлардингиз?*

– Фикрингизга тўлиқ кўшиламан. Бу заминда азалдан ёнма-ён яшаб келган халқларимизнинг тарихи бир неча минг йилликдан ошади. Бизни ҳамisha дўстлик ва ўзаро ёрдам туйғуси бирлаштириб келган.

Бизнинг тарихий, цивилизациявий муштараклигимиз, тил жиҳатдан яқинлигимиз, маънавий кадриятларимиз мустаҳкам тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурматни асраб-авайлаш, келгусида



мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекларда “Узоқдаги қариндошдан яқин кўшни афзал”, қозокларда эса “Туысы жақын жақын емес, қонысы жақын жақын” (“Ён кўшни туғишган қариндошдан ҳам яқинроқдир”) деган мақол бор. Шу нуқтаи назардан, Парвардигорнинг Ўзи бизга яқин кўшни, яхши дўст ва ишончли шерик бўлиб бирга яшашдек бебаҳо имкониятни ато этган.

Биз Ўзбекистонда Қозоғистон билан дўстлик ва қардошлиқ ришталарини жуда қадарлаймиз ҳамда мулоқот ва икки томонлама ҳамкорликни янада мустақкамлашга интиламиз.

Мамлакатларимизда кўп сонли ўзбек ва қозок диаспоралари яшайди. Бугунги кунда сизнинг мамлакатингизда 620 минг нафардан ортиқ этник ўзбеклар Қозоғистон фуқаролари бўлиб, улар ўз она тилида таълим олиш, миллий урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш имкониятига эга.

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги қозоклар сони 800 минг нафардан ошади. Қарийб 400 га яқин умумтаълим мактаблари, Сирдарё, Жиззах, Нукус ва Навоий педагогика институтлари бўлимларида қозок тили ўқитилади, шу тилда Ўзбекистондаги энг қадимий матбуот нашрларидан бири “Нурлы жол” газетаси чоп этилади, телекўрсатув ва радио дастурлар эфирга узатилади.

Бизнинг қозок юртдошларимиз республикамиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг қарийб 700 нафари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланганларидан фахрланамиз. Уларнинг орасида Ўзбекистон қаҳрамонлари, сенатор ва депутатлар, вазир ва генераллар, йирик корхоналар раҳбарлари бор.

Асли тошкентлик бўлган қозок фарзанди, Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев юртимизда яшаб, ижод этган. Ҳозирги кунда унинг мемориал уй-музейи фаолият кўрсатмоқда. Истеъдодли ҳайкалтарош Жўлдасбек Қуттимуратовнинг ижоди ҳам мамлакатимизда катта шухрат қозонган.



Маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш халқларимиз ўртасидаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ўтказилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Илм-фан, таълим, маданият ва санъат, спорт соҳаларида умумий дастурлар амалга оширилмоқда. Бу албатта бизни қувонтиради. Биз халқ дипломатияси ривожининг ёрқин намунаси бўлган бу жараёнга ҳар томонлама ҳисса қўшишимиз керак.

– *Маълумки, Марказий Осиё давлатлари БМТ, МДҲ, ШХТ, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, ЕХХТ ва бошқа кўплаб минтақавий ва халқаро ташкилотларда иштирок этади. 2018 йилдан буён Сизнинг ташаббусингиз билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш бўйича мутлақо янги механизм йўлга қўйилди, айти пайтда шу йўналишдаги илк саммит Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтди. Сизнингча, ушбу платформанинг бошқа турдаги форматлардан асосий фарқи нимада ва унга қанчалик талаб бор?*

– Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Марказий Осиёдаги давлатлараро муносабатларнинг фаоллашуви ва мустаҳкамланиб бораётгани тўғрисида саммитларимиз кўпчилик мамлакатлар сиёсатчилари, замонавий халқаро муносабатларнинг йирик иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маслаҳат учрашувларининг мақсад ва вазифалари ҳақида жуда кўп ва батафсил гапирилди. Менинг ҳамкасбларим – Марказий Осиё мамлакатлари президентлари ҳам бу ҳақда бир неча бор ўз фикрларини билдиришган. Бу борадаги ташаббус БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг баёнотида ҳамда 2019 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича имзоланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг қўшма баёнотида ўз ифодасини топган эди.



Гап Марказий Осиёда янги халқаро ташкилот тузиш ёки интеграция соҳасида ўз устави ва миллий давлат органларидан юқори турадиган қандайдир тузилма ташкил этиш ҳақида кетмаётганини яна бир бор таъкидламоқчиман. Ушбу музокоралар олиб бориладиган, минтақавий мулоқот майдонининг фаолияти, образли қилиб айтганда, минтақавий ривожланишнинг асосий масалалари – савдо-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар ҳамкорликдан тортиб, хавфсизлик муаммоларигача бўлган кўп қиррали фаолиятимиз бўйича фикр алмашиб олишга қаратилган.

Биз ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли томонлар ўртасидаги манфаатлар, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлашни ҳисобга олиш асосида умумминтақавий муаммоларни ҳал эта оламиз, деган тушунчага таянамиз.

Бизнинг асосий мақсадимиз – Марказий Осиёни барқарор, очиқ ва жадал ривожланаётган минтақа, ишончли ва ривожланиш истикболини олдиндан тахмин қилиш мумкин бўлган халқаро шерик сифатида шакллантиришдан иборат. Марказий Осиёдаги сиёсий мулоқот ва давлатлараро яқинлашувнинг ижобий жараёнлари очиқ ва амалий хусусиятга эга ва улар учинчи мамлакатлар манфаатларига қарши қаратилмаган.

Маслаҳат учрашувларида минтақанинг барча мамлакатлари иштирок этади. Энг муҳим тамойиллар – консенсус ва тенг ҳуқуқлиликдан иборат.

Саммитларимизнинг мунтазамлиги ҳамда ўзаро ҳамкорлик механизмлари кенгайтирилгани – уларнинг зарурлигидан далолат беради. Масалан, Туркманистоннинг Аваза шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сўнгги учрашувида етакчи аёллар мулоқоти, иқтисодий форум, миллий маҳсулотлар кўргазмаси, миллий таомлар фестивали, минтақа мамлакатлари санъат усталарининг концерти ташкил этилди.

Ўйлайманки, минтақавий ҳамкорликда муҳим восита бўладиган ва унга янада барқарор, изчил ва жадал хусусият бахш



этадиган Минтақавий парламент форуми ҳамда Марказий Осиё Ёшлар форуми ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда кўшимча рағбатлантирувчи омиллар бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, Марказий Осиёдаги интеграция жараёнлари – самарали минтақавий ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва ёрдамни тиклаш ҳамда энг муҳими, тўпланиб қолган муаммоларни тезкор ҳал этишга нисбатан аллақачон пайдо бўлган саволга долзарб жавобдир. Бундай ёндашувнинг натижалари, айниқса, пандемия даврида якқол намоён бўлди.

*– Шу муносабат билан Марказий Осиёнинг келажagini қандай тасаввур қиласиз?*

– Маслаҳат учрашувлари кун тартибига киритиладиган саволлар кўлами, ҳамкасбларим – Марказий Осиё мамлакатлари президентларининг ташаббуслари ҳамда ушбу саммитлар доирасида ташкил этиладиган тадбирлар уларнинг асосий вектори – Марказий Осиё маконида тинчлик, хавфсизлик ва мустақкам таракқиётни таъминлашга қаратилганини кўрсатмоқда.

Минтақадаги умумий ўзгаришлар тарқоқликдан яқинлашишга бўлган тадрижий ўсиш жараёни албатта муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди, очик, оқибатини олдиндан айтиш мумкин бўлган ва барқарор хусусият касб этди, деб хулоса қилиш мумкин.

Ишончим комилки, минтақамизнинг барча мамлакатлари ўзаро ҳамкорликни мустақкамлаш ва умумий вазифаларимизни изчил ҳал этишни давом эттиради.

Такрор айтаманки, бизнинг асосий вазифамиз – Марказий Осиёни гуллаб-яшнаётган ва барқарор ривожланаётган минтақага, ишонч ва дўстлик маконига айлантириш.

Минтақавий ҳамкорликни мустақкамлашга қаратилган мулоқот шакллари муваффақиятли ривожлантириш бўйича



жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, улар нафақат объектив омиллар – жуғрофий яқинлик, тарихий умумийлик, савдо-иқтисодий ва маданий-цивилизация алоқаларига, балки, шунингдек, яқин шерикликдан ўзаро манфаатдорликка асосланади.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай бирлашув аҳолининг турмуш сифатини оширишга, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлар ва ўзаро боғлиқликни яхшилашга хизмат қилади.

– *Марказий Осиёдаги жиддий муаммо – Орол денгизининг экологик инқирози Қозоғистон ва Ўзбекистонга бевосита таъсир кўрсатади. Унинг оқибатларини юмшатиш учун нималар қилинмоқда? Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликда экология ва иқлим ўзгариши масалалари қандай ўрин тутади?*

– Марказий Осиёда барқарор тараққиётни таъминлаш муаммолари ҳақида сўз борганда, албатта, замонамизнинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол фожиасини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Бир пайтлар дунёдаги энг гўзал сув манбаларидан бири бўлган бу денгизнинг сув ресурларидан ўйламай фойдаланиш амалда унинг йўқ бўлиб кетишига олиб келди, минглаб инсонларга кулфат ва фожа келтирди.

Мисли кўрилмаган иқлим ўзгаришлари сабабли вазият янада оғирлашмоқда. Йиллик ўртача ҳароратнинг кўтарилиши кузатилмоқда, қурғокчилик, чанг бўронлари, сув тошқинлари ва селлар тез-тез учраб, музликлар эриб бормоқда.

Биз Ўзбекистонда экология масалаларига жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Сўнгги тўрт йил давомида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиётга” ўтиш стратегияси, Сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси ва экологик вазиятни ҳар томонлама яхшилашга қаратилган бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.



Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадида институционал ислохотлар олиб борилди. Шунингдек, мамлакатимизда иқтисодий энергия самарадорлигини ошириш, углеводородлардан фойдаланишни қисқартириш, қайта тикланадиган энергия манбаларининг улушини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Орол денгизи қуриши оқибатларини имкон қадар юмшатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда лалми ерларни кўкаламзорлаштириш бўйича катта дастур амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, 2020–2023 йилларда Қорақалпоғистонни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ушбу экологик фожианинг оқибатларига қарши курашда Марказий Осиё мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича фаол қадамлар кўймоқда. 2018 йилда Туркманистонда ўн йиллик танаффусдан сўнг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси йиғилиши бўлиб ўтди. Ўшанда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик асосидаги Траст жамғармаси тузилган эди.

Минтақа мамлакатлари, хусусан, Қозоғистоннинг кўмаги билан 2021 йил май ойида БМТ Бош Ассамблеяси бир овоздан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияни қабул қилди.

Маслаҳат учрашувлари доирасида ҳам ушбу масалаларга катта эътибор қаратмоқдамиз. Масалан, сўнгги учрашувимизда Ўзбекистон томонидан “Марказий Осиё учун “яшил” кун тартиби минтақавий дастури”ни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Унинг амалга оширилиши минтақа мамлакатларининг иқлим ўзгаришларига мослашишига ёрдам беради.



Қардош Қозоғистон ҳам Орол денгизининг сакланиб қолган қисмини тиклаш жараёнларида фаол иштирок этмоқда, мамлакат сув ресурсларидан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган муҳим ва зарур ташаббусларни амалга оширмоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бу боладаги саъй-ҳаракатларини янада бирлаштириш минтақамиздаги кўплаб долзарб муаммоларни ечишга ижобий таъсир кўрсатади. Фақат биргаликда барча синовларни енгиб ўтамиз, фарзандларимиз учун энг яхши ва ёруғ келажак бунёд этамиз.

– *Ўзбекистон 2019 йилда Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан ташкил этилган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Кенгашининг Истанбулда бўлиб ўтган сўнгги саммитида ушбу ташкилот номи Туркий давлатлар ташкилоти деб ўзгартирилди. Сиз мазкур тузилманинг салоҳиятини қандай баҳолайсиз? Сизнингча, ушбу ташкилот туркий дунё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда қандай амалий роль ўйнаши мумкин?*

– Туркий давлатлар ташкилотини ҳали ишга солинмаган имкониятларга ва бирлаштирувчи салоҳиятга эга минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизми сифатида кўрамиз.

Ташкилотнинг аҳамияти ҳақида сўз борганда, авваламбор, муҳтарам оқсоқолимиз Нурсултон Назарбоевнинг туркий дунё мамлакатларини бирлаштиришга қаратилган ғояларини концептуал ривожлантириш ва амалиётга татбиқ этишдаги ҳамда ҳамкорликни институционал тус беришдаги улкан, айтиш мумкинки, асосий ролини таъкидламоқчиман.

Ушбу тузилма туркий давлатларнинг фақат тил ва дин борасидаги муштараклиги, тарихий ва маданий алоқалар асосида эмас, балки, биринчи навбатда, иқтисодий барқарор ривожланишга оид мулоқот ва ҳамкорликни чуқурлаштириш, замонавий



таҳдидларга биргаликда жавоб беришдан манфаатдор эканларини ҳисобга олиб ташкил этилган ва ривожланмоқда.

Шу боис Ўзбекистон Туркий кенгашга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кўшилди ҳамда жорий йилнинг 12 ноябрь куни Истанбулда бўлиб ўтган саккизинчи саммитда унинг Туркий давлатлар ташкилоти деб ўзгартирилишини кўллаб-қувватлади.

Бугунги кунда ташкилот олдида қатор муҳим вазифалар турибди.

Бизнингча, бу, энг аввало, аъзо давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат. Бу борада биз ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда Туркий давлатларнинг савдо ҳамкорлиги бўйича тадқиқотлар марказини ташкил этиш таклифини илгари сурдик.

Ташкилотнинг интеграция салоҳиятини рўёбга чиқаришда аъзо мамлакатларнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастурининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Биз тараққиётнинг янги, инновацион ва технологик моделига ўтиш бўйича, жумладан, “яшил”, экологик тоза, энергия тежайдиган ва хавфсиз технологияларни жорий этиш, экологик инкироз оқибатларини юмшатиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ташаббусларни амалга оширишда ҳамда туризмдан барқарор ривожланиш омили сифатида фойдаланишда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз керак.

Экологик фожиадан энг кўп жабр чеккан минтақа – Оролбўйида бош қароргоҳига эга бўлган, доимий фаолият юритадиган Экспертлар ва IT-мутахассислар платформаси, шунингдек, туркий мамлакатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган тузилмасини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуслар ҳам шунга қаратилган.

Ривожланиш жараёнида мамлакатларимиз ёшларининг ўрни ортиб борётганини ҳисобга олиб ҳамда уларнинг салоҳияти-



ни ҳар томонлама рўёбга чиқариш мақсадида 2022 йилни турк дунёсида Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилишни таклиф этдик.

Ишончим комилки, улкан ресурслар – бой тарихий ва маданий-маънавий меросга, улкан интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятга, анъаналар, бағрикенглик ва маърифатга эга туркий давлатлар инсоният олдида турган глобал муаммоларни ҳал этишда тобора муҳим роль ўйнайди.

*– Афғонистондаги бугунги вазият барча Марказий Осиё мамлакатларини ташвишга солмоқда. Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг афғон масаласи бўйича позицияси бир-бирига мос келади. Сизнингча, бу инқироздан чиқиш учун қандай муҳим қадамлар қўйилиши керак?*

– Ўзаро мувофиқлаштирилган самарали чоралар кўрилмаса, Афғонистон узок вақт давомида минтақавий хавфсизликка янги таҳдид ва хавф-хатарлар манбаи бўлиб қолиши мумкин. Ушбу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорликка эришиш ривожланишга йўл очади ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик йирик иқтисодий, энергетик лойиҳаларни амалга ошириш учун янги стратегик имкониятлар яратади.

Афғонистоннинг Евроосиё ва Жанубий Осиё, Шарқий ва Ғарбий Осиё ўртасида табиий ерусти кўприги сифатидаги жуғрофий жойлашуви унинг трансминтақавий ўзаро боғлиқликни ривожлантиришдаги муҳим ролини белгилайди.

Афғонистонни иқтисодий жиҳатдан тиклаш бу заминда барқарор ва узок муддатли тинчликни таъминлашнинг зарур шартидир.

Шу нуқтаи назардан, вазиятнинг кескинлашувига йўл қўймаслик учун ушбу мамлакатдаги янги ҳокимият билан мулоқотни ривожлантириш, афғон халқига ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ёрдам кўрсатишни давом эттириш керак, деб ҳисоблайман. Бу мамлакатда улкан гуманитар инқирознинг вужудга



келиши ва унинг халқаро яққаланиб қолишига йўл кўймаслик  
ниҳоятда муҳим.

– *Муҳтарам Шавкат Миромонович, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида қозоғистонликларга қандай тилақларингиз бор?*

– Давлат мустақиллигига эришиш – ҳар бир халқ тарихидаги энг муҳим, тарихий воқеадир. Мамлакатларимиз бундан 30 йил олдин мураккаб шароитда давлат суверенитетини кўлга киритган. Шу йиллар давомида биз ёнма-ён туриб, барча синовлардан муносиб ўтдик, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида салмоқли натижаларга эришдик. Бугунги кунда бу ҳақиқатни бутун дунё тан олмоқда.

Биз қардош Қозоғистоннинг ўтган 30 йил давомида эришган улкан ютуқлари, унинг замонавий жадал ривожланишидан чиндилдан хурсандмиз.

Қозоқ халқининг меҳнатқашлиги ва истеъдоди, интилиши ва бирдамлиги ҳамда Қозоғистон раҳбариятининг узокни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли мамлакат барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди.

Кенг кўламли лойиҳалар – жумладан, “Нурлы жол”, “100 та аниқ қадам” каби саноат ва инновация соҳаларини жадал ривожлантиришга қаратилган машҳур дастурлар, дунёнинг ўттизта ривожланган мамлакатлари қаторига кириш мақсади белгилаб берилган “Қозоғистон – 2030” стратегиясининг самарали амалга оширилиши – қозоғистонликларга халқаро майдонда кучли давлат ва рақобатбардош иқтисодиётни қуриш имконини берди.

Замонавий Қозоғистон бутун дунёга давлат ва жамият қурилишида ёрқин ютуқларни, муттасил ўсиб бораётган аҳоли турмуш даражасини намоиш этмоқда.

Яна бир қарра таъкидлаб айтмоқчиман, ўзбек ва қозоқ халқлари ҳамisha бир-бирини кўллаб-қувватлаб келган, синовларни бирга енгиб ўтган, бугун эса умумий келажагимизни биргаликда барпо этяпмиз.



Улуғ шоир ва мутафаккир зотлар Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоев халқларимиз ўртасидаги дўстликни энг катта бойлик сифатида асраш ва мустаҳкамлаш ҳақида ёзиб, бизни шунга даъват этиб кетганлар. Бугунги кунда биз қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз, фарзандларимиз ва набираларимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун қўлимиздан келган барча ишни қилишимиз керак.

Қозоғистон Республикасининг кўпмиллатли халқини ажойиб байрам – Мустақилликнинг 30 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаб, унга янги ютуқлар, таракқиёт ва фаровонлик тилайман.

*Қозоғистон Республикасига давлат таширфи чоғида  
“Егемен Қазақстан” ва “Казахстанская правда”  
газеталари мухбирига берилган интервью*

*2021 йил 4 декабрь*



## ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ МАҚСАДИ БЎЛАДИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни кутлуғ айём – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилганининг 29 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бутун дунё қатори юртимизда ҳам давом этаётган коронавирус пандемияси сабабли бу йил ҳам Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин бу байрам қалбларимизга қувонч ва шуқуҳ бағишлаб, оилаларимизда, меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳаётимиз қомуси бўлган Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Айнан Конституциямизга таяниб, биз бундан беш йил олдин мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг кўламли ислохотларни бошладик. Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очиклик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.



Биз Конституциямизда муҳраб кўйилган ҳукукий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини куриш ғоясига содик қолиб, шу йўлда кенг кўламли улкан ишларни амалга оширдик, катта билим ва тажриба тўплдик.

Аввало, “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий қоидадан келиб чиқиб, халқ билан доимий мулоқот қилиш фаолиятимиз мезони этиб белгиланди, давлат идоралари раҳбарлари фуқаролар олдида ҳисобот берадиган самарали тизим йўлга кўйилди.

Давлат органлари фаолиятида очиклик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча мансабдор шахслар қуйи бўғинга, маҳалла даражасига тушиб, аҳоли билан бевосита учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этмоқда.

Муҳим қарор ва қонунлар лойиҳаларини, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, давлат харидлари масалаларини муҳокама қилиш жараёнида бугун фуқароларимиз фаол иштирок этмоқда. Шу асосда давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ва жамоат назорати янги босқичга кўтарилмоқда.

Юртдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудида эмин-эркин яшаш, уй-жой ва кўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.

Айникса, давлат томонидан Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чет элларда ҳам таъминлаш бўйича бошлаган ишларимиз хорижда яшаётган юртдошларимизнинг Ватанимизга бўлган меҳри ва ишончини оширишга хизмат қилмоқда.



Бундай натижаларга эришишда Конституция ва қонунларимиз талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупцияга қарши кураш масалалари кенг жамоатчилигимиз иштирокида ҳал этилаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизимлари дастлабки ижобий натижасини бераётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, муҳтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий Кенгашлар фаолияти ҳам жонланмоқда. Шу йилнинг ўзида ушбу тузилмалар орқали фуқароларнинг 29 мингдан зиёд муаммолари ижобий ҳал этилгани, ўз вазифасини масъулият билан адо этмаётган раҳбарларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўрилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутадиган суд тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, назорат инстанцияси бекор қилиниб, фуқаролар ва адвокатларнинг шикоятлари ҳам, худди прокурор протести каби, тўғридан-тўғри кўриладиган тартиб ўрнатилди.

Илк бор мансабдорларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб турадиган маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, улар орқали жорий йилнинг ўзида 6,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Иқтисодий ва фуқаролик судларида прокурорнинг иштироки чекланди, жиноят ишларини асоссиз равишда суддан чақириб олиш билан боғлиқ амалиётга барҳам берилди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш мақсадида Халқаро тижорат арбитражи фаолияти йўлга қўйилди.



Адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда, Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил – Омбудсман томонидан ташкил этилган жамоатчилик гуруҳлари ўз вазифасини самарали амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилгани, 859 нафар шахс оқлангани суд-тергов соҳасидаги ислохотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва олижаноблик тамойилларига амал қилган ҳолда, билиб-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан афв институти мунтазам қўлланмоқда. Шу борадаги ишларимизнинг давоми сифатида Конституция куни арафасида яна бир Фармонга имзо чекдим. Унга кўра шу тоифага мансуб 182 нафар шахс муддатидан олдин озод қилиниб, эркин ҳаётга қайтарилмоқда.

Мамлакатимизда сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик фикрини ифода этадиган “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Турли миллат ва диний конфессиялар вакилларининг ўз тили, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Айни вақтда биз Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг кўламли ислохотларимизни изчил давом эттирамиз.

Аввало, Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиб, де-



мократик янгиланишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Парламент ва маҳаллий Кенгашлар ваколатларини янада кенгайтириш, ижро органлари устидан вакиллик назоратини кучайтириш, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Айниқса, ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий Кенгашлар ролини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолияти учун зарур шароитлар яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Маъмурий ислоҳотлар дастурини амалга ошириш борасида давлат органларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, ихчам бошқарув аппаратини шакллантириш ва иш юритишни рақамлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилади.

Яна бир муҳим вазифа амалдаги жиноят қонунчилигини қайта кўриб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда колониялардаги маҳкумларнинг қарийб 80 фоизи меҳнатга жалб этилган бўлса-да, уларнинг ишлаган йиллари умумий меҳнат стажига кўшиб ҳисобланмайди ва пенсия тайинлашда инобатга олинмайди. Ижтимоий адолат тамойилига тўғри келмайдиган бундай чекловнинг бекор қилиниши маҳкумлар томонидан молиявий муҳтожлик туфайли такроран жиноят содир этишнинг олдини олишга хизмат қилган бўлар эди. Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш учун “дастлабки ёрдам пакети” тизими жорий этилади. Хусусан, ўзининг аниқ тадбиркорлик лойиҳасини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган собиқ маҳкумларга Пробация хизматини ривожлантириш жамғармасидан 10 миллион сўмгача бир марталик моддий ёрдам берилади.

Тараққиёт кушандаси бўлган коррупцияга қарши курашиш, жамиятда унинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттирамиз. Бу борада давлат идоралари билан бирга, кенг



жамоатчилик, айниқса, фуқаролик жамияти институтларининг куч ва салоҳиятидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратамиз.

Азиз дўстлар!

Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустаҳкам қонунчилик базаси керак бўлишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Шу маънода, Асосий Қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда.

Шу йил Президент сайлови олдидадан бўлиб ўтган учрашувларда фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари томонидан билдирилган таклифларда ана шу масала алоҳида қайд этилгани конституциявий ислохотларни объектив зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда.

Бу, айниқса, қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлмоқда.

**Биринчидан**, илгари амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойилини “инсон – жамият – давлат” деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлаш зарур.

**Иккинчидан**, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши керак. Бу – халқпарвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шартидир.

**Учинчидан**, “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган эзгу ғоя доирасида Асосий Қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳам давр талабидир.

**Тўртинчидан**, Бош қомусимизда оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкам-



лаш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйишимиз зарур.

**Бешинчидан,** фарзандларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида майдонга чиқаётган бугунги кунда Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши керак.

**Олтинчидан,** ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият куриш сари дадил бормоқда. Шу сабаб-ли “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақт-соати етди, деб ўйлайман.

**Еттинчидан,** инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши зарур.

**Саккизинчидан,** ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган давлатлар табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз конституциясига экологияга оид махсус боблар киритмоқда. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши лозим.

**Тўққизинчидан,** Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси бўлмиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Албатта, Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, ҳалқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур.



Олий Мажлис палаталари, ҳурматли депутат ва сенаторларимиз, мухтарам нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар жамоатчилиги, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимларимиз, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлиларимиз, бутун халқимиз бу масалада ўзининг аниқ фикр ва қарашларини билдирадилар, деб ишонаман.

Атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг “Яхши бўлиш учун – ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак”, деган сўзларида, ўйлайманки, теран ҳаётий маъно мужассам.

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли давр биздан замонга мос ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этмоқда. Ана шундай талабга жавоб берадиган мукаммал Конституцияга эга бўлиш учун Асосий Қонунимизнинг янги лойиҳасини тайёрлашимиз, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиб, билдирилган таклифлар асосида такомиллаштириш, ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллик байрами нишонланадиган кунларда қабул қилиш, ўйлайманки, миллий давлатчилик анъаналаримизга, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади.

Азиз ва кадрли ватандошлар!

Мана шу улуғ айёмда халқимизнинг дилидаги бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар энди ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Янги Ўзбекистон ғояси эл-юртимизнинг улкан интилиш ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Барчамиз ана шу улуғ мақсад йўлида янада жипслашиб, ғайрат-шижоат ва масъулият билан фидокорона меҳнат қилсак, кўзлаган юксак марраларимизга албатта етамиз.

Ишончим комил, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин ғоят қийин ва мураккаб, оғир синовли йилларда Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар миннатдорлик билан эслайди.



Барчамизга ана шундай буюк бахт ва шараф ёр бўлсин!  
Жонажон Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!  
Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!  
Сиз, азиз ватандошларимни Конституция куни билан яна  
бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик,  
хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ти-  
лайман.

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси  
қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати  
билан йўлланган табрик*

*2021 йил 7 декабрь*



## ЎЗБЕКИСТОН – ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРАФДОРИ

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!

Хурматли Нурсултон Абишевич!

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши навбатдаги йиғилишининг барча иштирокчиларини кутлашдан бағоят мамнунман.

Ҳамкасбларимнинг сўзларига кўшилган ҳолда, Қозоғистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги муваффақиятли раислигини қайд этмоқчиман.

Қозоғистонлик ҳамкорларимиз ташаббуси билан Бирлашма доирасидаги кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга хизмат қилган муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги конструктив ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган кўшма тадбирлар кўллаб-қувватлангани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Республикаси Евроосиё иқтисодий кенгашига кузатувчи сифатида кўшилганига роппа-роса бир йил бўлди.

Ўтган даврда биз узок муддатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратдик.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан тизимли ва самарали иш йўлга қўйилди.

Меморандум ва уч йиллик аниқ чора-тадбирлар режаси амалга оширилмоқда.



Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифокининг бошқа органлари ишида ҳам фаол қатнашмоқда.

Биз миллий қонунчиликни Евроосиё иқтисодий иттифоки нормалари билан, биринчи навбатда, стандартлаштириш ва ташқи савдони нотариф тартибга солиш чоралари соҳасида яқинлаштириш масаласида изчил ҳаракат қилмоқдамиз.

Юртимиз “COVIDсиз саёҳат қиламан” рақамли платформасига уланди.

Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиш жараёни бошланди.

Бугунги давр кийинчиликларига қарамай, мураккаб шароитларга мослашиш ва янги “ўсиш нуқталари”ни излаб топишга муваффақ бўляпмиз.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоки мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг 11 ойида 30 фоизга ортди.

Айни пайтда пандемиядан аввалги 2019 йил билан таққослаганда, Бирлашма мамлакатлари билан ўзаро савдомиз 11 фоизга ошди.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ўзбекистон Ташкилотимизга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларда ижобий суръатни сақлаб қолиш ва уларни барқарор ривожлантириш бўйича ўзаро келишилган чоратadbирларнинг ишлаб чиқилиши тарафдоридир.

Шу муносабат билан қўшма қарорлар қабул қилишни тақозо этаётган энг долзарб вазифаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчи.** Ўзаро савдодаги тўсик ва чекловларни бартараф этишни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Евроосиё иқтисодий иттифоки мамлакатлари билан товар айирбошлашни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги ёндашув ва механизмларни биргаликда ишлаб чиқишга тайёрмиз.



Техник тартибга солиш нормалари, санитария, фитосанитария ва ветеринария талабларини уйғунлаштириш ишларини давом эттирмоқдамиз.

Бу борада Евроосиё иқтисодий комиссияси билан биргаликда алоҳида “Йўл харитаси”ни келишиш жараёнини якунлаяпмиз.

**Иккинчи.** Аввалги саммитда саноат кооперациясини чуқурлаштириш муҳим экани хусусида анча сўз юритилди.

Бугун ушбу йўналишдаги ишларимиз иштирокчи давлатлар билан кўпроқ икки томонлама асосда олиб борилмоқда.

Биз Россия, Қозоғистон, Беларусь ва Қирғизистон билан саноат кооперациясини мустаҳкамлаш бўйича “йўл харита”ларини қабул қилганмиз ва изчил амалга оширяпмиз.

Бирлашма билан тегишли ҳамкорликни тизимли асосда ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, Евроосиё иқтисодий кенгашининг Индустириаллаштириш онлайн харитасини яратишда иштирок этишга тайёрмиз.

**Учинчи.** Янги транспорт йўлакларини барпо этиш лойиҳаларини илгари суриш мамлакатларимиз транзит салоҳиятини ошириш борасидаги биргаликдаги ишларга кўшимча суръат бағишлайди.

Ўзбекистоннинг бугун имзоланаётган битимга мувофиқ амалга ошириладиган юк ташишларни кузатиш учун навигация тамғаларини жорий этиш бўйича дастурга қўшилиш имкониятини кўриб чиқмоқдамиз.

Евроосиё иқтисодий иттифоқининг Логистика занжирларини ривожлантиришнинг рақамли экотизимини яратиш тўғрисидаги янги ташаббус ҳам бизда қизиқиш уйғотмоқда.

**Тўртинчи.** Глобал иқлим кун тартибинини ҳисобга олиб, аъзо ва кузатувчи давлатларнинг “яшил энергетика” лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимдир.



Шу муносабат билан, ҳозиргина Владимир Владимирович айтган Юкори даражадаги ишчи гуруҳга кўшилишга тайёрмиз ҳамда унинг доирасида “яшил” тараққиёт соҳасидаги кўшма Чора-тадбирлар режасини тасдиқлашни таклиф этамиз.

**Бешинчи.** Рақамли иқтисодиётга ўтиш, инновациялар ва илғор IT-ечимларни кенг жорий қилиш мамлакатларимиз рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бу борада билим, тажриба ва илғор технологиялар алмашиш, мамлакатларимиз IT-парклари ва марказлари ўртасида тизимли ҳамкорликни ривожлантириш, соҳада ишбилармонлар шериклигини кенгайтириш мақсадида навбатдаги Евроосиё рақамли форумини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этамиз.

**Олтинчи.** Евроосиё маконидаги муҳим ишбилармонлик ташаббуслари ва дастурларини амалга оширишга кузатувчи давлатларни янада фаол жалб этиш юзасидан ўзаро келишилган таклифлар тайёрлаш, илмий-техник ва гуманитар алмашинувни рағбатлантириш мақсадида Евроосиё иқтисодий иттифоқи Тараққиёт маркази имкониятларидан самарали фойдаланиш ниятидамиз.

Бунинг учун марказ негизида мамлакатларимиз тараққиёт институтларининг фаол иштирокида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича туркум тадбирлар ўтказишни таклиф этамиз.

**Еттинчи.** Иқтисодий интеграция мақсадларидан келиб чиқиб, кузатувчи мамлакатларнинг Евроосиё иқтисодий комиссияси Кенгаши ва органлари ишида иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришни истардик.

Бу ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва кўшма қарорларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг катъий тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлайман.



Сўзим якунида Евроосиё иқтисодий иттифокига раислик Қирғизистонга ўтгани муносабати билан Қирғиз Республикаси Президенти, ҳурматли Садир Нургожоевич Жапаровга катта муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли дўстлар, сизларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклайман, мустақам соғлик, фаровонлик ва ўз олдингизга қўйган мақсадларнинг рўёбини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши  
йиғилишидаги нутқ*

*2021 йил 10 декабрь*



## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Муҳтарам деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа ходимлари!

Бугунги кутлуғ айём — Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан сизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Саховатли заминимизда гўзал ҳосил байрами нишонланаётган шу файзли дамларда янги Ўзбекистон равнақи ва аҳоли фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, қадоқ кўли ва фидойи қалби билан элимизнинг ризқ-насибасини яратаётган, ўз ишининг устаси бўлган моҳир деҳқон ва фермерлар, боғбонлар, чорвадор ва пиллакорлар, сувчилар ва ирригаторлар, агроном ва механизаторлар, агрокластерларнинг раҳбарлари ва ишчи-ходимлари, деҳқон хўжалиги раҳбарлари, соҳанинг жонкуяр олимлари ҳамда мутахассисларига самимий миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида узокни кўзлаган ҳолда амалга ошираётган туб ислохотларимиз тизимда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Биз бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириб, мамлакатимизда қулай агробизнес муҳитини яратиш, бу борада инвестициявий жозибадорликни ошириш, соҳани саноатлаштириш масаласига устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Ўз навбатида, омилкор деҳқон ва фермерларимиз энг сўнгги илм-фан ютуқларини пухта ўрганган ҳолда, кўп йиллик бой би-



лим ва тажрибалари билан соҳа тараккиёти учун азму шижоат кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳаммамизга аёнки, деҳқончилик Ер юзидаги энг шарафли, айни вақтда машаққатли касблардан биридир. Юртимиз кишлоқ хўжалик соҳаси бу йил ҳам турли қийинчиликларга дуч келганига барчамиз гувоҳмиз.

Аввало, дунё микёсида давом этаётган пандемия таъсири, колаверса, баҳорда ёғингарчиликнинг кам бўлгани, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурсларининг ҳар йилгидан сезиларли даражада танқислиги деҳқонларимизнинг ирода ва матонатини яна бир бор синовдан ўтказди.

Лекин мавжуд муаммоларга қарамасдан, барча тармоқларда мўл ҳосил етиштириб, аввалги йилларга нисбатан юқори марраларга эришганингиз учун сиз, азизларга ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди.

Бу йил республикамиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тухум, 400 минг тонна балиқ етиштирилгани йил бўйи туну кун қилинган машаққатли меҳнатнинг муносиб самарасидир.

Бу ҳақда гапирганда, ғалланинг ҳар гектаридан 95–100 центнердан ҳосил олган Марҳамат туманидаги “Сотволдиев Ҳошимжон”, Бувайда туманидаги “Исломжон Шукурулло”, Оҳангарон туманидаги “Нажмиддин Фахриддин файз”, Дўстлик туманидаги “Фарход”, Ромитан туманидаги “Кўҳна Бухоро”, Қарши туманидаги “Мўл ҳосил сифат”, Риштон туманидаги “Мохинур файзли гавҳари”, Қумқўрғон туманидаги “Паданг”, Элликқалъа туманидаги “Саҳтиён Азамати”, Тўрақўрғон туманидаги “Шоҳида бургути” каби фермер хўжаликларининг номларини мамнуният билан эътироф этамиз.



Аграр соҳанинг яна бир муҳим тармоғи — пахтачиликда олиб борилаётган ислохотлар натижасида жорий мавсумда ўтган йилдагига нисбатан 422 минг тонна кўп пахта хомашёси етиштирилди. Ҳосилдорлик эса ўртача 6,3 центнерга ошгани, айниқса, эътиборлидир.

Бундай улкан хирмонни яратишга салмоқли хисса кўшган Қумкўрғон туманидаги “Термиз Жайхун”, Дўстлик туманидаги “Сангзор-текстиль”, Зафаробод туманидаги “Жиззах кентекс”, Боёвут туманидаги “Боёвут текстиль кластер”, Қоракўл туманидаги “Қоракўл кумуш калава”, Гиждувон туманидаги “Бухоро агро кластер”, Тўрақўрғон туманидаги “Наманган тўқимачи кластер”, Пахтачи туманидаги “Пахтачи кластер”, Оккўрғон туманидаги “Оккўрғон агро кластер”, Янгиарик туманидаги “Янгиарик текс”, Боғот туманидаги “Коботекс” каби пахта-тўқимачилик кластерлари, шунингдек, Жарқўрғон туманидаги “Хушбоқ бобо”, Шароф Рашидов туманидаги “Норкозок ота”, Юкори Чирчик туманидаги “Тангирберди ота”, Кўрғонтепа туманидаги “Савай кўрки”, Пешку туманидаги “Варахшо нурли замини”, Беруний туманидаги “Раҳматулла Чаман” фермер хўжаликлари ҳаммага намуна бўлганини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги кучли рақобат шароитида қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам янгича ёндашув, инновациялар ва илғор ишланмаларни, интенсив ва ресурс тежайдиган технологияларни изчил татбиқ этишни замоннинг ўзи тақозо қилмоқда.

Кейинги пайтда бутун дунёда бўлгани каби минтақамизда ҳам юз бераётган иқлим ўзгаришлари, сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани, экологик муаммолар соҳада илмфан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш нақадар долзарб эканини кўрсатмоқда.

Ана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси соҳада ислохотларни



янада чуқурлаштириш ва инновацион технологияларни қўллаш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, экспорт географиясини кенгайтиришдек устувор масалаларда дастуриламал бўлиб хизмат килмокда.

Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларига асосланган, бошқарувнинг мутлақо замонавий шакли бўлган кластер тизими жорий этилаётгани амалда ўзини тўла окламокда. Ушбу инновацион тизим аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим воситасига, қишлоқ аҳолисининг кафолатли даромад манбаига айланиб бормокда.

Ҳозирги вақтда юртимизда барча йўналишларда 651 та агрокластер фаолият юритиб, пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавотнинг 40 фоизидан ортиғи айнан ана шундай корхоналар улушига тўғри келмокда.

Агрокластерлар қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳани саноатлаштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, пировардида четга хомашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот экспорт қилиш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби асосий вазифаларни самарали амалга оширмокда.

Натижада биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш кўрсаткичи 2,5 бараварга ошди. Ҳосилнинг 100 фоизи мамлакатимизда қайта ишланиши туфайли ип-калава ишлаб чиқариш 2 бараварга, тайёр маҳсулот ҳажми 3 бараварга ортди. Бу борадаги йиллик экспорт миқдори қарийб 3 миллиард долларни ташкил қилди.

Ер қадрини биладиган, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланадиган, доимо изланиб, ноёб тажриба мактаби яратган кластер раҳбарлари, фермер ва деҳқонларимиз, шунингдек, мева-сабзавот, шоли, доривор гиёҳлар етиштириш, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритиб келаётгани ғоятда аҳамиятлидир.



Хурматли соҳа вакиллари!

Сизларга маълумки, сўнгги йилларда кишлок хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, оборотдан чиккан экин майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. 2020–2021 йилларда 369 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди. Сув тежайдиган технологияларни жорий этишни кўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидия ажратиш тизими йўлга кўйилди.

Шунингдек, янги иссиқхоналар ташкил этиш, озик-овкат маҳсулотлари таннархининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, биргина 2021 йилнинг ўзида 797 гектар майдонда қиймати 2,3 триллион сўмлик 398 та замонавий иссиқхона ишга туширилиб, 11 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

Буларнинг барчаси ички бозор эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда, экспорт имкониятларини кенгайтириб, кишлок жойларида кўркам ва қулай бўлган савдо, логистика марказлари ва қайта ишлаш корхоналарини ривожлантирмоқда. Хорижий мамлакатлар бозорларига янги истикболли йўналишлар очилиб, қарийб 1,5 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари 65 та давлатга экспорт қилинди.

Бу ўринда экспорт кўрсаткичларида ўтган йилга нисбатан дуккакли маҳсулотлар 122 фоизга, узум маҳсулотлари 142 фоизга, сабзавотлар 103 фоизга ҳамда ёнғоқ маҳсулотлари 1,8 баробарга ўсганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни пайтда янги лойиҳалар устида ишлаш, бозор механизмлари тамойилларини кенг жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари диққатимиз марказида бўлиши лозим. Ана шу талаб ва мезонлардан келиб чиккан ҳолда,



соҳада кенг кўламли ислоҳотларни жорий этиш режалаштирил-  
моқда.

Жумладан, маҳсулот етиштириш таннархини 30–35 фоизга  
кискартириш, ер унумдорлигини ошириш, деҳқон ва фермер-  
лар даромадини камида 2 бараварга кўпайтириш, экспортбоп  
маҳсулотлар етиштиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда мева-  
сабзавотчиликни ривожлантириш, агросаноат корхоналарини  
хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кескин  
ўстириш, чорвачилик тармоқлари фаолиятини такомиллашти-  
риш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик  
тамойиллари асосида бошқариш тизимига ўтиш келгусида  
ўзининг ижобий самарасини кўрсатади, албатта.

Олдимизда турган бундай масъулиятли вазифаларни бажа-  
ришда барчангиз елкама-елка туриб, бир тану бир жон бўлиб,  
бор малака ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва салоҳиятингизни  
сафарбар этишингизга ишонаман.

Муҳтарам дўстларим, кадрдонларим!

Мир Алишер Навоий хазратларининг бободеҳқонларни  
улуғлаб, улар ерга уруғ сочиб, эл-юрт учун ризқ йўлини очади-  
лар, деб айтган сўзларида теран ҳаётий маъно борлигини ҳамма-  
миз яхши биламиз.

Сизларни ушбу файзли ва шукуҳли айём билан яна бир бор  
табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат,  
хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Кириб келаётган янги – 2022 йилда ҳосилимиз янада мўл  
бўлсин!

Халқимиз, элимиз дастурхонидан тўкин-сочинлик ҳеч қачон  
аримасин!

Умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, танти ва  
бағрикенг, яратувчан ва она заминни севиб ардоқлайдиган  
азизларим!

2021 йил 11 декабрь



## БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ НАМОЯНДАЛАРИ ВА МУХЛИСЛАРИГА

Мухтарам юртдошлар!

Қадрли бахшичилик санъати намояндалари ва мухлислари!

Барчангизни халқаро миқёсдаги катта хушхабар – шу йил 16 декабрь куни ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий меросни асраш ҳукуматлараро кўмитаси томонидан Бахшичилик санъати Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу муҳим ва қувончли янгилик маданият арбоблари, устоз бахшилар ва иқтидорли ёшларимиз, фольклор санъатининг барча ихлосмандлари, кўп миллатли халқимиз учун албатта гурур ва ифтихор бахш этади.

Бу юксак эътироф дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, ранг-баранг ижодий мактаблар ва изчил ривожланиш силсиласига эга бўлган ноёб бахшичилик санъатига улкан ҳурмат-эътиборининг ёрқин ифодасидир.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижодининг ушбу гўзал ва бетакрор намунаси мамлакатимизда минг йиллар давомида ривожланиб, баланд чўққиларга кўтарилди. Бахшичилик санъати юртимиздаги турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлида беминнат хизмат қилиб келди ва бугунги кунда ҳам бу шарафли вазифани тўла адо этмоқда. Ёшларни она юртга, миллий-маданий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни



адолат ва инсонийликка чорлаш, баркамол авлод бўлиб вояга етишида эзгулик элчилари бўлган бахши, окин ва жировларнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир.

Бахшичилик санъати ижрочидан бир вақтнинг ўзида ҳам моҳир шоир, ҳам истеъдодли хонанда, ҳам уста созанда ва актёрлик маҳоратига эга бўлишни талаб этишини, бунинг учун нафақат тугма қобилият, айнаи вақтда юксак ижодий салоҳият, тинимсиз изланиш зарурлигини яхши биламиз.

Ўзбекистон замини Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил бахши, Ислом шоир, Пўлкан шоир, Бола бахши Абдуллаев, Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Абдуназар Поёнов, Қора бахши Умиров, Шомурод Тоғаев, Қодир бахши Раҳимов, Зиёдулла Исломов, Норбек бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норметов, Абдуқаҳҳор ва Абдумурод Раҳимов каби ўнлаб бетакрор истеъдод соҳибларини етиштирди ва бу анъана изчил давом этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда самарали фаолият олиб бораётган 250 нафардан ортиқ соҳа вакиллари орасида 25 нафарга яқини “Ўзбекистон халқ бахшиси” ва “Қорақалпоғистон халқ бахшиси” унвонлари, 1 нафари “Дўстлик” ордени, 11 нафари “Шухрат” медали, 7 нафари “Нихол” мукофоти, 2 нафари “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланганини кайд этиш лозим.

Мамлакатимизда ушбу қадимий санъат турини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида сўнгги пайтда қабул қилинган Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари соҳа ривожига янги ҳаёт бағишлаганини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, юртимизда ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш яхши анъана тусига кирди. 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида ўтказилган биринчи ва жорий йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида ташкил этилган иккинчи фестиваль минтака ва халқаро ҳамжамият маданий доираларида катта қизиқиш уйғотди.



Бугунги кунда мамлакатимизда бахши-шоир ва оқинлар ўр-тасида халқаро кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда, таълим муассасаларида бахшичилик санъати сирларини ўқи-тиш, келажак авлодларга етказиш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Энг муҳими, бундай кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда республика бўйича бахшилар синфи 115 тага етиб, уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг умумий сони 1500 дан, ўқитувчилар сони эса 245 нафардан ортиқни ташкил этаётгани бу йўналишдаги ишларимиз кўлаמידан далолат беради.

Ҳурматли ватандошлар!

Бахшичилик санъатини ривожлантириш йўлида эришган натижаларимиз ва уларнинг халқаро эътирофи бизни руҳлантириб, улкан марраларга чорлайди. Биз бу ноёб маданий меросни асраш, ривожлантириш ва оммалаштириш, жумладан, бахшиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун янги имкониятларни сафарбар этамиз. Бу борада энди бизга ЮНЕСКО бошчилигида халқаро ҳамжамият ҳам мададкор бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор барчангизни, бутун халқимизни ушбу тарихий воқеа муносабати билан чин дилдан қутлайман.

Юртимизда бахшичилик санъати янада раванк топсин, бахши, оқин ва жировларимизга эса жонажон Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда янги ютук ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

*Хива шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро  
бахшичилик санъати фестивали  
иштирокчиларига йўлланган табрик*

2021 йил 16 декабрь



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ЯҚҚОЛ НАМОЁНИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизлар билан улуғ аллома ва саркардалар юрти бўлмиш саховатли Қашқадарё заминида кўришиб турганимдан гоят мамнунман.

Бугун, Янги йил арафасида мамлакатимиз саноатида яна бир ёркин саҳифа очаётган улкан воқеага гувоҳ бўлиш барчамизга чексиз кувонч бағишлайди.

Ўз бағрида ноёб бойликларни асраб келаётган Ғузор туманида суюлтирилган синтетик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган “Uzbekistan GTL” заводи ишга туширилмоқда. Албатта, бундай улкан мажмуанинг қурилиши кейинги йилларда мамлакатимизда саноат ривожини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга олиб чиқиш бўйича амалга ошираётган сиёсатимиз натижаси, десак, тўғри бўлади.

Сизларга яхши маълумки, яқунланаётган 2021 йилнинг ўзида мамлакатимизда қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, “Навоийазот”да – аммиак, карбамид ва азот кислотаси ишлаб чиқарадиган мажмуалар, Навоий кон-металлургия комбинатида – бешинчи ва еттинчи гидрометаллургия заводлари, Карманада – биринчи куёш электр станцияси ишга туширилди.

Республикамиз бўйича электр энергияси ҳисобини юритиш ва назорат қилиш тизими иш бошлагани ҳам ана шундай катта ишларимиз қаторига киради.



Бугун ишга туширилаётган завод ўзининг ноёб технологик устунликлари ва юкори ишлаб чиқариш қуввати билан ана шу лойиҳалардан алоҳида ажралиб туради, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай йирик мажмуа шу пайтгача жаҳонда фақат 4 та давлатда – Қатар (2 та), Нигерия, Жанубий Африка Республикаси ва Малайзияда барпо этилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ушбу мажмуа курилишида бир вақтнинг ўзида 13 мингдан ортиқ муҳандис ва ишчи-курувчилар қатнашгани бу ерда қиска муддатда нақадар кенг кўламли ишлар амалга оширилганини кўрсатади.

Заводда Япония, Корея, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Буюк Британия, Россия, Хитой каби 24 та давлатдаги 130 га яқин етакчи корхоналарда ишлаб чиқарилган 10 мингдан зиёд ускуналар ўрнатилди.

Ишлаб чиқаришга доир технологик ечимлар, ускуна ва жараёнларни қўллаш учун 140 та халқаро лицензия ва патентлар олинди. Уларнинг аксарияти дунёда ягона ва ноёб эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, ушбу завод мамлакатимизда ва умуман, минтақамизда нефть-газ-кимё саноати соҳасидаги энг йирик корхонадир. Янги Ўзбекистоннинг қудратли иқтисодий салоҳияти айнан мана шундай мажмуаларда яққол намоён бўлади.

Қуйидаги рақамлар ҳам шундан далолатдир.

Мажмуада йилига 3,6 миллиард метр куб табиий газ қайта ишланиб, қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган 1,5 миллион тонна тайёр суюқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жумладан, 307 минг тонна авиакеросин, 724 минг тонна дизель ёқилғиси, 437 минг тонна нафта, 53 минг тонна суюлтирилган газ тайёрланади. Ушбу маҳсулотлар ҳисобидан йилига 500 миллион долларлик импорт ўрни қопланади, 200 миллион долларлик экспорт ва бюджетга 2 триллион сўмлик солиқ тушумлари тушиши таъминланади.



Алоҳида таъкидлаш керак, биз 300 миллион долларлик газни кайта ишлаб, уни қиймати 3 баробар юқори ва дунё бозорида талаб катта бўлган тайёр маҳсулотларга айлантирамиз. Бунинг учун тўла асосимиз бор. Чунки бу ерда ишлаб чиқарилган авиакеросин бошқа заводлар маҳсулотига нисбатан жуда тоза ва сифатли бўлиб, энг замонавий самолётларга мўлжаллангани учун унга ҳамisha талаб юқори ҳисобланади.

Заводда ишлаб чиқариладиган дизель ёқилғиси ҳам камда “Евро-6” стандартларига жавоб берадиган бўлиб, минтақамизда бундай тоза маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона умуман мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, ушбу маҳсулотлар ҳисобидан республикада авиация хабларини ташкил этиш ҳамда юк ташишда хизмат қиладиган йирик логистика компанияларини ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, заводни электр энергияси билан таъминлашда ҳам инновацион ечимлар қўлланган. Яъни технологик жараёнларда ҳосил бўладиган буғ ҳисобидан йилига 650 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, завод ўзини ўзи энергия билан таъминлайди.

Бу ерда ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган. Технологияларни бошқариш, мониторинг ва хавфсизликни таъминлаш каби муҳим жараёнларга инсон омили таъсири жуда кам даражада.

Шу ўринда бугун GTL технологиясига бутун дунёда талаб кун сайин ортиб бораётганини қайд этиб ўтмоқчиман. Шу боис АҚШ, Канада, Норвегия ва бошқа катор давлатларнинг етакчи компаниялари ҳам ана шундай лойиҳаларни амалга оширишга киришмоқда.

Халқаро энергетика агентлиги ҳисоб-китобларига кўра, GTL маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2030 йилга бориб 2 баробар ўсади.

“Uzbekistan GTL” заводи маҳсулотларидан хомашё сифатида фойдаланган ҳолда, янада юқори қўшилган қийматли янги



турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ҳам режаларимиз бор. Жумладан, завод негизида алкил-бензол, бутен ва гексен, синтетик мойлар, малеин ангидрид, эмульсион кўшимчалар, катализаторлар каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича киймати 620 миллион доллар бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилади. Ўз навбатида, бу ярим тайёр маҳсулотлар кимё ва майший кимё, текстиль, чарм ва мебель, қурилиш материаллари ва электротехника каби соҳаларда кенг қўлланилади.

Яна бир муҳим жиҳат – заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар жаҳондаги энг юқори экологик талаблар, норма ва стандартларга тўлиқ жавоб беради. Ана шу заводни ишга тушириш орқали биз “яшил иктисодиёт” сари яна бир жиддий кадам қўймоқдамиз.

“Uzbekistan GTL” заводида фойдаланиладиган ёқилғи бошка анъанавий ёқилғиларга нисбатан 40 фоиз кам чиқинди ва зарарли газ ҳосил қилади. Бунинг ҳисобидан йилига 13,5 минг тонна – шунга эътибор беринг – 13,5 минг тонна зарарли газларнинг ҳавога тарқалишига йўл қўйилмайди.

Биз учун яна бир ўта муҳим томони шундаки, завод ишга тушганидан кейин жами 1 минг 300 нафар мутахассис юқори даромадли, доимий иш ўрнига эга бўлади.

Заводнинг қурилиши маҳаллий қурувчи ва муҳандисларнинг янги авлодини тайёрлашга замин яратиб, уларга энг илғор технологияларни ўзлаштириш имконини бергани ҳам ғоят аҳамиятлидир. Ана шу тажриба келгусида мамлакатимизда янги саноат объектларини ўз кучимиз билан барпо этишда албатта жуда керак бўлади.

Мени қувонтирадиган яна бир жиҳат – завод қурилишида қатнашган мутахассисларнинг қарийб 80 фоизи ўзимизнинг маҳаллий кадрлар, хусусан, янгича ишлашга қанқок, азму шижоатли ёшларимиздир.

Бу ёшлар – Янги Ўзбекистон ёшлари. Улар миллий саноатимиз раванқига муносиб ҳисса қўшиб, бу йўлда “олтин фонд”имизга айланади, деб ишонаман.



Биз бунинг учун барча шароитни яратамиз. Аввало, Қашқадарёда ёшларни касб-хунарга ўқитишни янгича ёндашув асосида ташкил этамиз. Бунда ҳудуддаги барча касб-хунар марказларини “Шўртан газ-кимё” мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш ва янги “Uzbekistan GTL” заводларига бириктираамиз. Улар ўз соҳалари учун кадрлар тайёрлашнинг янги майдонини ташкил этади.

Энди ушбу корхоналарнинг раҳбарлари вилоятда нефть-газ ва кимё саноатининг истиқболли йўналишлари учун кадрлар тайёрлаш режаларини белгилайди, касб-хунар марказларининг ўқув дастурлари ва ўқитиш методикасини замонавий ишлаб чиқариш талаблари асосида қайта кўриб чиқади, ўқиш жараёнини ишлаб чиқариш билан узвий боғлаб, ҳар бир ўқувчининг ўз мутахассислиги бўйича бевосита заводларда амалиёт ўташини ташкил этади. Бунда, айниқса, ёшларни янги ўрнатилган мураккаб ускуналарда ишлаш, уларни автоматлашган ҳолда бошқариш, технолог, аргон пайвандлаш каби замонавий касб ва малакаларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади. Таълим жараёнига хорижий мутахассислар жалб қилинади, замонавий дастурий таъминот ва симуляторлар олиб келинади.

Ҳурматли ватандошлар!

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимиздаги биринчи нефть-кимё корхонаси бўлган “Шўртан газ-кимё” мажмуаси 20 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимизнинг иқтисодий мустақиллигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган “Шўртан газ-кимё” мажмуасининг 4 минг кишилик жамоасини ушбу кутлуғ сана билан чин қалбимдан табриклаб, уларнинг барчасига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Ушбу мажмуада ўтган 20 йил давомида 78 миллиард метр куб газ қайта ишланиб, 2,4 миллион тонна полиэтилен, 4 миллион тонна суюлтирилган газ ва конденсат каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Шундан республикамиз саноат корхоналарига



1,6 миллион тонна полиэтилен етказиб берилиб, қарийб 2 миллиард долларлик импорт қисқартирилган. Шу билан бирга, 900 миллион долларлик 800 минг тонна полиэтилен экспорт қилинган.

Бугунги кунда “Шўртан газ-кимё” мажмуаси Қашқадарё вилояти ҳудудий маҳсулотининг 8 фоизини, саноатининг 17 фоизини таъминламоқда.

Умуман, ушбу мажмуа мамлакатимизда газ-кимё ва полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаси ривожига, минглаб кичик саноат корхоналарини барпо этишга асос бўлди. Масалан, тайёр пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар сони қарийб 1 минг 700 тага етди. Ҳар бир корхонада ўртача 10 тадан ишчи ўрни яратилиб, камида 17 минг нафар аҳоли иш жойи билан таъминланган.

Бугун сизлар билан бирга “Шўртан газ-кимё” мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини 3 баробар кенгайтириш имконини берадиган яна бир янги мажмуа қурилишига старт берамиз. Янги қуриладиган ушбу корхонада “Uzbekistan GTL” заводида ишлаб чиқариладиган 430 минг тонна нафтани қайта ишлаш ҳисобидан йилига 380 минг тонна полиэтилен ва полипропилен тайёрланади. Яна мингга яқин янги иш ўринлари яратилади. Натижада қўшимча 550 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ўз навбатида, ана шу маҳсулотларни янада чуқур қайта ишлаш орқали 2 баробаргача кўп истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Мисол учун, 100 миллион долларлик полимерлардан электротехника, қурилиш материаллари, автомобиль саноати ва бошқа соҳаларда йилига қўшимча 200 миллион долларлик харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, пластмасса ва ҳар хил турдаги кадоқлаш буюмлари, сув таъминоти учун қувурлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Яъни ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган яна камида 1 минг 200 та янги хусусий корхона ва 12 мингта иш ўрни ташкил этилиши учун асос яратилади.



Ушбу янги лойиҳанинг қиймати 1,8 миллиард долларга тенг бўлиб, уни молиялаштириш учун Россиянинг “Газпромбанк”и, Европанинг “Дойчебанк”, “Ландесбанк” каби банклари, Хитойнинг Давлат тараққиёт банки ва бошқа банклардан маблағлар жалб этилади.

Ана шу иккита янги завод ҳисобидан Шўртан мажмуасида республикамизнинг биринчи йирик газ-кимё кластерига асос солинади. Ушбу кластерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳозирги 290 миллион доллардан 2025 йилда 1,8 миллиард долларга етказилади, яъни 6 баробар ошади.

“Uzbekistan GTL” заводи ва янги қуриладиган мажмуа ҳисобидан юртимизда табиий газни чуқур қайта ишлаш даражаси қарийб 2 баробар кўпайиб, ҳозирги 8 фоиздан 14 фоизга етади. Шунингдек, республикамизда полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 2 баробар кўпаяди.

Ушбу кластер тизимидаги корхоналар 1 долларлик хомашёдан, 10 долларлик юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар яратади.

Янги мажмуалар нафақат ўзининг маҳсулоти, балки саноатнинг бошқа соҳаларида ишлаб чиқариладиган 100 миллион долларлик бутловчи ва эҳтиёт қисмлар учун ҳам бозор шакллантиради. Шу билан бирга, мазкур кластерда меҳнат қиладиган янги ишчилар ўз турмуш эҳтиёжлари учун ҳудуддаги хизматлар соҳаси ривожига ҳисса қўшиб, камида яна 100 миллиард сўмлик талабни яратади.

Умуман олганда, янги кластер ишга тушиши натижасида Ўзбекистон саноати технологик жиҳатдан бир неча қадам илгарилайди, десак, тўғри бўлади.

Янги кластер корхоналари нафақат нефть-газ-кимё соҳаси, балки республикамизнинг барча саноат тармоқлари учун технологик ва лойиҳалаштириш ечимлари ва стандартлари, замонавий бошқарув ва IT технологиялари йўналишлари бўйича яққол намуна бўлади. Биз бу орқали мазкур замонавий мажмуа



атрофида янги юкори технологик хизматлар тизимини ташкил қиламиз.

Албатта, янги корхоналар илм-фан ва инновациялар учун ҳам самарали майдонга айланади.

“Шўртан газ-кимё” кластеридаги замонавий лаборатория ва жорий этилган илғор технологиялар ёш олимлар учун илмий изланишларни олиб бориш ҳамда янги инновацион маҳсулотлар ва технологик жараёнларни яратишга катта имконият беради.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Ушбу янги мажмуаларнинг ишга тушиши, ҳеч шубҳасиз, Қашқадарё вилояти иқтисодиёти ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Воҳада саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошади, ялпи ҳудудий маҳсулот эса 7 фоизга ўсади. Бу эса Қашқадарё вилоятининг умумий экспорт кўрсаткичини 2 баробар кўпайтириш имконини беради.

Очиғини айтиш керак, Қашқадарё вилояти жуда бой хомашё ресурсларига эга бўлишига қарамасдан, кўп йиллар давомида унинг тайёр саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси паст бўлиб қолаётган эди. Шунинг учун охириги йилларда вилоятда маҳаллий саноатнинг тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм, электротехника, озиқ-овқат каби соҳаларида киймати қарийб 9 триллион сўмлик 1 минг 700 тага яқин лойиҳалар ишга туширилди. Натижада сўнгги уч йилда вилоятда тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 баробар ошди.

Келгуси йилларда ҳам Қашқадарё вилоятини барча йўналишда ривожлантириш бўйича кенг кўламли режаларни ишлаб чиққанмиз. Хусусан, нефть-газ соҳасида киймати 140 миллион доллар бўлган яна 3 та лойиҳа амалга оширилади. Мисол учун, Муборак газни қайта ишлаш заводида 135 миллион доллар эвазига олтингугурт олиш қурилмасининг қуввати тикланади.

Энергетика соҳасида 1,3 миллиард доллар инвестициялар ҳисобидан, жами 1 минг 250 мегаваттга тенг электр энергияси



ишлаб чиқарадиган янги қувватлар барпо этилади. Мисол учун, Ғузор туманида 2025 йилда қуввати 300 мегаватт бўлган қуёш электр станцияси фойдаланишга топширилади. Талимаржон ис-  
сиклик электр станциясида ҳар бири 900 мегаватт қувватга эга  
бўлган навбатдаги иккита буғ-газ қурилмаси ишга туширилади.  
Оксу дарёсида умумий қуввати 24 мегаватт бўлган 3 та кичик  
гидро электр станцияси барпо этилади. Ушбу янги қувватлар йи-  
лига 8 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш  
ва 1,6 миллиард метр куб табиий газни тежаш имконини беради.

Шу билан бирга, вилоят учун “драйвер” бўлган маҳаллий са-  
ноат тармоқларига 900 га яқин лойиҳа доирасида 2,7 миллиард  
долларлик инвестициялар фаол жалб қилинади. Жумладан, Ни-  
шон, Касби, Миришкор ва Яккабоғ туманларида – тўқимачилик,  
Китоб, Қамаши, Дехқонобод ва Чирокчи туманларида – қури-  
лиш материаллари, Миришкор, Китоб туманлари ва Қарши  
шаҳрида – чарм, электротехника саноати, Шаҳрисабз шаҳри ва  
Қарши туманида – мебель, Чирокчи, Нишон ва Косон туманла-  
рида – озик-овқат саноати бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

Бугунги тадбиримизда қатнашаётган Ўзбекистоннинг хори-  
жий давлатлардаги барча элчилари ҳам Қашқадарёда янги ло-  
йиҳаларни амалга оширишга фаол ҳисса қўшишлари учун жалб  
қилинди. Бунинг учун улар олдиндан вилоятга келиб, шаҳар  
ва туманларнинг ихтисослашувини, мавжуд имкониятларни,  
қандай истиқболли лойиҳалар кераклигини ўрганишди. Энди  
улар бу лойиҳаларда иштирок этиш ва бошқа янги лойиҳаларни  
ишлаб чиқиш учун ўзлари элчилик қиладиган давлатлардан хо-  
рижий ҳамкорларни ва замонавий технологияларни жалб этади.

**Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!**

Ишончим комил, барпо этилаётган янги газ-кимё кластери  
мамлакатимиз саноати ривожига қудратли туртки бериб, унинг  
юксалишига катта ҳисса қўшади.

Умуман, мамлакатимизда замонавий саноатни шакллан-  
тиришда биз кимё ва нефть-газ кимёси соҳалари асосий



“драйвер”лардан бўлиши учун амалий режаларни белгилаб олганмиз.

Сўнгги беш йилда бу соҳаларда 5 та йирик лойиҳа ишга туширилган бўлиб, йилига жаҳон бозорида талаб юқори бўлган 450 миллион долларлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Энг муҳими, агар бу тармоққа олдин фақат давлат сармоя киритган бўлса, охириги йилларда эса соҳага хусусий сектор тўғридан-тўғри фаол кириб келмоқда. Масалан, “Навоийазот”да – Австрия, Германия, Хитой ва Туркия, Тошкент вилоятида – Россия компаниялари янги лойиҳаларни бошлади. Шунингдек, “хомашёдан – тайёр маҳсулотгача” занжири доирасида юқори қийматли товарларни ишлаб чиқариш бўйича Тошкент, Навоий, Фарғона, Бухоро вилоятларида ва Устюртда яна 5 та кимё технологик кластерини ташкил этишни бошладик.

Мазкур кластерларда келгуси йилларда умумий қиймати 8 миллиард доллар бўлган 60 дан зиёд лойиҳа амалга оширилади. Ушбу лойиҳалар ҳисобидан йилига 180 турдаги 5 миллиард долларлик юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, 1,2 миллиард долларлик маҳсулот экспорти ҳамда 5,5 триллион сўмлик бюджет тушумлари таъминланади. Энг муҳими, қўшимча 15 мингтадан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Азиз дўстлар!

Тўғриси, биз “Uzbekistan GTL” заводи лойиҳасини бошлаганимизда кўпчилик бунни уддалашимизга шубҳа билан караган эди. Лекин биз қатъий интилиш ва машаққатли меҳнатимиз билан, барчамиз биргаликда мураккаб синов ва қийинчиликларни енгиб ўтиб, мана шундай янги ва замонавий, юқори технологик мажмуани барпо этишга эришдик. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Айниқса, коронавирус пандемияси даврида хориждан мутахассис ва ускуналар келтириш, қурилиш майдонида 10 мингдан



ортик ишчининг соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш албатта осон бўлгани йўқ. Аммо ҳамжиҳатлик билан ўз вақтида амалга оширган зарур чора-тадбирларимиз натижасида ушбу муҳим лойиҳа бўйича иш пандемия даврида ҳам бирор кун тўхтамади.

Меҳнаткаш, серғайрат ва фидойи курувчи ва муҳандислар, тажрибали мутахассислар, минглаб матонатли ишчилар карантин талабларига қатъий амал қилиб, узок вақт оиласи, яқинларидан олисда ишлаб, ҳақиқий қаҳрамонлик намунасини кўрсатди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, “Uzbekistan GTL” заводи курилишида муносиб иштирок этган барча мутахассислар, фидойи курувчи, муҳандис ва лойиҳачилар, ҳурматли хорижий ҳамкорларимизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Мазкур улкан лойиҳага Хитой давлат тараққиёт банки, Корея Эксимбанки, Корея экспорт кредитларини суғурталаш корпорацияси, “Газпромбанк”, “РосЭксимбанк” сингари обрўли хорижий молиявий ташкилотлар муносиб ҳисса қўшганини мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Лойиҳани амалга оширишда фаол иштирок этган ва бугунги тадбиримизда қатнашаётган меҳмонларимиз — “Air Products” компанияси президенти жаноб Сейфи Гасимиға, “Hyundai engineering” компанияси президенти жаноб Ким Чанг Хагга, “Газпромбанк” бошқаруви раиси ўринбосарлари жаноб Алексей Матвеев ва жаноб Тигран Хачатуровга, “ЭКСАР” компанияси бош директори жаноб Никита Гусаковга, шунингдек, “Sasol Energy”, “Chevron”, “Haldor Topsoe” компаниялари ва бошқа хорижий ҳамкорларимизга, курувчи ва пудратчилар, ишчи-ҳодимларга “Uzbekistan GTL” заводини барпо этишдаги фаол иштироки ва яқиндан қўллаб-қувватлаганлари учун чуқур миннатдорлик билдираман.

“Шўртан газ-кимё” мажмуаси қувватини кенгайтиришга қаратилган лойиҳани амалга оширишда сизларга улкан зафарлар тилайман.



Қадрли дўстлар!

“Uzbekistan GTL” заводи ва “Шўртан газ-кимё” мажмуасини кенгайтириш бўйича лойиҳалар Янги Ўзбекистонда янги саноат даврини яратиш йўлидаги илк йирик кадамларимиздан биридир.

Ишончим комилки, сизлар билан бирга келгусида бу борада иктисодиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшадиган, унинг ракобатбардошлигини мустаҳкамлайдиган яна кўплаб йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширамиз.

Биз қанча оғир бўлмасин, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш ва халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиш йўлида маррани баланд олиб ишлаш ва яшашга ўргандик.

Ана шундай улуғ мақсадларга қийинчиликлардан кўркмасдан, янги билим ва технологияларни эгаллаб, барчамиз биргаликда ҳаракат қилиб, албатта эришамиз.

Янги йил остонамизда эшик қоқиб турган ушбу қувончли лаҳзаларда, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган меҳнатқаш, мард ва олижаноб халқимизга, саноат соҳасининг жонкуяр ва фидойи ишчи-ходимларига чуқур эҳтиром билан таъзим қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларни, жумладан, ҳурматли хорижий меҳмонларимизни, янги заводни ишга туширишга муносиб ҳисса қўшган барча курувчи ва ҳамкорларимизни кириб келаётган янги – 2022 йил билан чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Янги йилда мана шундай қувончли кунларимиз янада кўп бўлсин!

Катта раҳмат сизларга.

Доимо соғ-омон бўлинглар!

*Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида  
“Uzbekistan GTL” заводининг ишга туширилишига  
бағишланган тантанали маросимдаги нутқ*

*2021 йил 25 декабрь*



## БИЗ ДУНЁГА, ДУНЁ ЭСА БИЗГА ОЧИҚ БЎЛИШИ КЕРАК

Хурматли фавкулодда ва мухтор элчилар!

Янги йил арафасида сиз, ҳурматли элчилар билан кўришиб турганимдан бағоят мамнунман.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган Президент сайловларидан сўнг бугун хорижий давлатлар элчиларидан илк бор ишонч ёрликларини қабул қилмоқдаман.

Сайловларда сизлар вакиллари бўлган мамлакатлардан ҳам кузатувчилар фаол иштирок этгани учун алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Шу ўринда биз янги Ўзбекистонда бундан беш йил муқаддам бошлаган демократик ислоҳотлар йўлини келгусида ҳам қатъий давом эттиришимизни таъкидламоқчиман.

Жадал ўзгаришлар давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан – тараккиёт стратегияси”га тамоъйилини асосий ғоя сифатида кун тартибига кўйдик.

Биз инсон кадри устувор бўлган, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фаровонлиги таъминланадиган эркин ва очик жамият, халқчил давлат барпо этмоқдамиз. 2030 йилга бориб, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаш бизнинг муҳим вазифамиздир. Шу мақсадда, бозор иқтисодиёти тамоъйилларини чуқурлаштириш, янги иш ўринларини яратиш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестиция ва технологияларни кенг жалб этишга катта эътибор қаратаёلمиз.

Халқаро майдонда прагматик ва чуқур ўйланган ташки сиёсат ва иқтисодий дипломатияни бундан буён ҳам изчил давом



этирамиз. Марказий Осиёдаги барча кўшни давлатлар билан яхши кўшничилик, ўзаро дўстлик ва стратегик шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлаб борамиз.

Асосий ҳамкорларимиз бўлган Россия, Хитой, АҚШ, шунингдек, Европа, Жанубий Осиё ва Осиё-Тинч океани минтақаси, араб-мусулмон давлатлари билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқамиз.

Биз – дунёга, дунё эса бизга очик бўлиши керак. Биз айти шундай ёндашувни бугунги тараққиётнинг асосий талаби сифатида кўрамиз.

Яна бир муҳим масала. Биз Афғонистонни минтақамизнинг ажралмас қисми, деб ҳисоблаймиз. Яқин кўшнимиз бўлган ушбу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инкирозга йўл кўймаслик, нотинчлик қайта бошланмаслиги учун халқаро ҳамжамият билан кенг кўламли ҳамкорликка доимо тайёрмиз. Шу мақсадда Термиз шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида халқаро ҳаб ташкил этилмоқда.

Умуман олганда, ташқи сиёсат борасидаги барча ишларимизнинг концептуал асосларини янада кучайтириш мақсадида яқинда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепциясини янги таҳрирда қабул қиламиз.

Ҳурматли элчилар!

Ўзбекистон сизлар вакил бўлган давлатлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш, алоқаларимизни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришдан манфаатдор.

Бу борада қуйидаги масалаларга диққатингизни қаратишни истар эдим.

Латвия Республикаси элчиси Рейнис Трокша жаноби олийлари!

Биз Латвияни ўзимиз учун Европадаги ишончли шерик, анъанавий савдо-иқтисодий ҳамкоримиз сифатида биламиз. Давлатларимиз ўртасида қарор топган дўстона ҳамда ўзаро ҳурмат руҳидаги муносабатларни алоҳида кадрлаймиз.



Фурсатдан фойдаланиб, Латвиянинг халқаро ташкилотлар ва Европа Иттифоқи тузилмалари доирасида мамлакатимизни доимий кўллаб-қувватлаб келаётгани учун миннатдорлик билдираман.

Латвия Ўзбекистон учун Болтиқбўйи ва Скандинавия мамлакатлари бозорига чиқишда муҳим кўприк вазифасини ўтаб келмоқда. Сўнгги йилларда ўзаро савдо ҳажми ва кўшма корхоналар сони икки баробар кўпайди. Латвия компаниялари ва сармоядорларининг юртимизга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Хусусан, “ВАО” компанияси Навоийдаги “Азнек” қонида фосфорит ишлаб чиқариш лойиҳасини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Бироқ қатор йўналишлар бўйича ҳали ишга солинмаган катта салоҳият ва имкониятларга эгамиз. Шу маънода, биз жорий этилган имтиёзли савдо режимидан тўлиқ фойдаланиш, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тўқимачилик саноати, туризм соҳаларида кўшма лойиҳа ҳамда дастурларни амалга ошириш тарафдоримиз.

Келгуси йили Латвия ташқи ишлар вазири Ринкевичс ҳамда Бош вазир Кариньш жанобларининг мамлакатимизга бўлажак ташрифлари ҳамкорлигимизнинг янги қирраларини очиши билан бирга олий даражадаги мулоқотлар учун яхши пойдевор яратиши шубҳасиз.

Ҳурматли Трокша жаноблари!

Сизнинг профессионал тажрибангиз Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кенг камровли алоқаларимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашга катта ҳисса кўшади, деб ишонаман. Шарафли фаолиятингизда улкан зафарлар тилаб қоламан.

Венгрия элчиси Дьюла Ковач жаноби олийлари!

Венгрия Ўзбекистоннинг Европадаги энг муҳим ҳамкорларидан биридир. Кўп асрлик тарихий ва яқин қардошлик ришта-



ларига асосланган муносабатларимиз сўнгги йилларда шиддат билан ривожланиб бормоқда.

Азиз биродарим, Бош вазир Виктор Орбан Жаноби Олийларининг 2021 йил март ойида юртимизга амалга оширган биринчи расмий ташрифи чоғида алоқаларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Сўнгги пайтда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро савдо ҳажми икки марта ошди. Жиззахда “Kiss Group”, Самаркандда “Полюс”, шунингдек, “Meditop” компаниялари, “OTP bank Group” билан қўшма лойиҳалар самарали бажарилмоқда.

Минтақалараро ҳамкорлик механизми яратилди ва келгуси йил унинг дастлабки Форуми бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Жорий йил июнь ойида олийгоҳларимиз ректорларининг илк анжумани самарали ўтказилди. “Hungaricum” таълим дастури доирасида ўзбекистонлик талабаларга стипендиялар ажратиш йўлга қўйилганидан миннатдоримиз. Сентябрь ойидан улар Венгрия олий таълим даргоҳларида ўқишни бошлади.

Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, машинасозлик, фармацевтика, логистика, туризм каби тармоқларга алоҳида эътибор қаратиш тарафдоримиз.

Ҳурматли Ковач жаноблари!

Аминманки, Сизнинг иқтисодиёт ва таълим соҳаларида ортирган бой ҳаётий тажрибангиз мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Бу масъулиятли ишда Сизга катта омадлар тилаб қоламан.

Франция Республикаси элчиси Орелиа Бушез хоним олиялари!

Биз Франция Республикасини жаҳонда улкан нуфуз ва иқтисодий салоҳиятга эга давлат, Европа Иттифоқидаги етакчи шерикларимиздан бири сифатида алоҳида эътироф этамиз.

Францияга 2018 йил октябрда амалга оширган расмий ташрифимиз, шу йил август ойида муҳтарам Президент Макрон



Жаноби Олийлари билан телефон орқали бўлиб ўтган сермазмун мулоқотларимиз икки томонлама алоқаларимизни юксак боскичга олиб чиқди.

Фурсатдан фойдаланиб, Франция Сенати аъзоларининг юртимиз истиклол байрамининг кутлуғ 30 йиллиги тантаналарида бевосита иштирок этгани учун алоҳида ташаккур билдираман.

Жорий йил май ойида ўтказилган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида қатор фойдали лойиҳалар келишиб олинди. Жумладан, Жиззахда “Renault” автомобилларини ишлаб чиқариш; “E-de-F” билан Сирдарё иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини модернизация қилиш, “Veolia” компаниясининг пойтахтимизда иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш; “Total Egen”нинг Самарқандда қуёш электр станциясини қуриш бўйича йирик лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Франция тараққиёт агентлиги билан юртимизда салкам 700 миллион еврога тенг ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар жорий этилаётгани таҳсинга сазовор.

Бундан ташқари, биз инновация, кишлоқ хўжалиги, авиасозлик, тоғ-кон саноати, тиббиёт, туризм ва таълим соҳаларида истикболли қўшма лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш тарафдоримиз.

Айниқса, ўзининг бой маданий мероси орқали жаҳонда шуҳрат қозонган Франция билан мазкур йўналишдаги алоқаларни кенгайтиришга катта эътибор қаратамиз. Ҳеч шубҳасиз, келгуси йили Париждаги машҳур Лувр музейида Ўзбекистон кўрғазмасининг ўтказилиши маданий-гуманитар ҳамкорлигимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшади.

Ишончим комил, 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида Франциянинг Европа Иттифоқи Кенгашига раислиги даврида ушбу нуфузли тузилмага аъзо мамлакатлар билан кўп томонлама алоқаларимиз ҳам янада мустаҳкамланади.



Ҳурматли Бушез хоним.

Сизнинг кўп йиллар давомида бошқарув тизимларида ва элчилик лавозимларида тўплаган бой профессионал билим ва малакангиз узок муддатли алоқаларимиз равнақига янги куч ва шиддат бағишлайди, деган умиддаман. Сизга катта омадлар тилайман.

Саудия Арабистони элчиси Юсуф Солиҳ ал-Утайбий жаноби олийлари!

Биз Саудия Арабистонини нафақат араб-мусулмон оламида, балки бутун дунёда катта сиёсий нуфузга, юксак иқтисодий ва молиявий салоҳиятга эга ҳамкор сифатида қабул қиламиз.

Икки муқаддас масжид ходими, Подшоҳ Салмон Ол Сауд ва Валиаҳд Муҳаммад Ол Сауд Ҳазратлари билан бўлиб ўтган учрашувларимиз ўзаро алоқаларимизни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Подшоҳ Аъло Ҳазратларининг бетакрор Саудия диёрига ташрифим юзасидан йўллаган таклифлари иншооллоҳ албатта рўёбга чиқади.

Ҳурматли биродарим Валиаҳд Муҳаммад томонидан “Нигоҳ-2030” дастури доирасида олиб борилаётган жадал ислохотлар халқаро майдонда катта кизиқиш уйғотмоқда.

Ўзаро муносабатларимиз фаоллашмоқда. Ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал ва Инвестиция вазири Холид ал-Фалиҳнинг ташрифлари ҳамкорлигимизга кучли ижобий суръат бағишлади.

Машҳур “AKWA Power” компанияси билан ҳудудларимизда энергетика тармоғида салкам 3 миллиард долларга тенг бўлган 4 та йирик лойиҳа амалга оширилаётгани қувонарлидир. Саудия тараққиёт жамғармаси ҳам ижтимоий-иқтисодий ислохотларимизга фаол молиявий кўмак кўрсатиб келмоқда.

Пандемия сабабли вужудга келган икки йиллик танаффусдан сўнг келгуси ойдан бошлаб Умра зиёратларининг қайта тикла-



ниши бутун халкимиз қалбига чексиз хурсандчилик бағиш-ламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бу борада Саудия томонидан кўрсатилган алоҳида эътибор учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ҳурматли Утайбий жаноблари!

Дипломатия соҳасида кўп йиллик фаолиятингиз давомида тўплаган бой амалий тажрибангиз ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлади. Бу борада Яратганнинг ўзи Сизга мададкор бўлсин!

Ҳурматли дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари!

Сизларнинг юртимиздаги шарафли фаолиятингиз унутилмас тарихий ва жўшқин давр – Янги Ўзбекистонни барпо этиш палласига тўғри келмоқда.

Бу ижобий жараёнларда сиз, қадрли элчилар ҳам муносиб иштирок этасиз ҳамда дўстона алоқаларимизни кенгайтиришга бор куч-ғайратингизни сафарбар қиласиз, деб ишонаман.

Ўзаро муносабатларимизда янги “ўсиш нуқталари”ни излаб топиш, халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришда элчилик касбининг ўрни ва салмоғини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Сизлардан янада ташаббускор бўлишни, барча ҳудудларимизга чикиб, кўшимча имкониятлар эшигини очишингизни кутиб қоламан.

Ҳамкасбларингиз билан умумий манфаатларимизни чуқур англаб, ҳамжихатликда ишлаш орқали салмоқли натижаларни кўлга киритишингизга аминман.

Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, давлатларингиздаги элчиларимиз билан кўшма “йўл харита”ларини келишиб олсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади.

Президент Администрациясидан тортиб, барча вазирлик ва идоралар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларигача сизларнинг фаолиятингизни самарали ташкил этиш, зарур шарт-



шароитларни яратиб бериши ва керакли ёрдамни кўрсатиши учун алоҳида топширик берганман.

Хурматли элчилар!

Сўзимнинг якунида сизларни шахсан ўз номимдан, кўпмиллатли халқимиз номидан кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт-саодат, масъулиятли фаолиятингизда катта ютуқлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон Республикасида фаолият бошлаган  
хорижий давлатларнинг Фавқулодда ва мухтор  
элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб  
олиш маросимидаги нутқ*

2021 йил 27 декабрь



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва мухтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни, Янги – 2022 йил билан самимий муборакбод этаман. Шу кувончли дамларда барчангизга тинчлик-осойишталик, сихат-саломатлик, бахту саодат тилайман!

Бугун, Янги йил остонасида туриб, ўтаётган йилдан рози бўлсак, Яратганга ҳар қанча шукроналар айтсак, арзийди.

Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили ҳаётимизда ёрқин из қолдирмоқда. Йил давомида сизлар билан бирга улкан ишларни амалга оширдик.

Пандемия ва глобал инқирозга қарамасдан, юртимизда юкори иқтисодий ўсиш таъминланди. Кўплаб корхоналар, кластер ва технопарклар, замонавий инфратузилма тармоқлари барпо этилди.

Янги-янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳ ва шифоналар, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилмоқда.

Тадбиркорлик ҳаракати, жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлиги жадал ривожланмоқда.

Дехкон ва фермерларимиз фидокорона меҳнат қилиб, бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирдилар.

Шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, Янги Ўзбекистоннинг бетакрор кифаси шаклланмоқда.

Билимдон ва ғайратли ёшларимиз катта-катта ютуқлари билан халқимизни янада кувонтирмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора юксалмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, хо-



рижий хамкорларимиз, чет давлатлар халқларини Янги йил билан табриклаб, уларнинг барчасига тинчлик ва равақ тилаймиз.

Азиз дўстлар!

Юртимизда кенг кўламли ислохотларимиз барқарор тус олди. Уларни янада ривожлантириш мақсадида биз Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик.

Унинг асосида “Инсон қадрини учун”, деган улуғвор гоёни амалга оширамиз.

Биз янги йилга ном беришда, кенг жамоатчиликнинг фикрларини ўргандик. Ана шу таклифлардан келиб чиқиб, мен Янги – 2022 йилни мамлакатимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилишни таклиф этаман.

Инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир.

Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади.

Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади.

Шу боис бундан буён ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш фаолиятимизнинг бош мезонига айланади.

Бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

2022 йилда иқтисодиётимиз тармоқлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳоли даромадларини кўпайтириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини оширишга қаратилган муҳим ишларни давом эттирамиз.

Ижтимоий соҳалар, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва илм-фанни ривожлантиришга барча ресурслар жалб этилади.



Мухтарам уруш ва меҳнат фахрийларини, азиз аёлларимиз ҳамда ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, кўмакка муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор берамиз.

Юртимизни янада обод қилиш, замонавий уй-жойлар, жумладан, барча ҳудудларимизда “Янги Ўзбекистон массивлари”ни қуриш асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ишонтириб айтаманки, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон ва мазмунли бўлиши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Азиз ва кадрли ватандошларим!

Барчангизни Янги – 2022 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман!

Янги йилимиз қутлуғ ва баракали келсин!

Кексаларимизнинг умрини, ёшларимизнинг камолини берсин!

Дилбар аёлларимизга доимо бахту иқбол ёр бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*2021 йил 31 декабрь*



## МАРД ВА ЖАСУР ҲАРБИЙЛАРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧИНАКАМ БАҲОДИРЛАРИДИР

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуrolли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Аввало, ўз ҳаётини она юртимизни ҳимоя қилишдек улуғ ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу қутлуғ айёмда жонажон Ватанимизга садоқат, азмушижоат каби эл-юртимизга хос юксак фазилатларнинг кадр-қиммати ва аҳамиятини, улар ҳаётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганини янада теран англаймиз ва ўзининг жанговар фаолияти билан буни амалда исботлаб келаётган сиздек гоят олижаноб касб эгаларини шарафлаймиз.

Шу билан бирга, жанговар бурчини адо этишда мардларча ҳалок бўлган фидойи ҳарбий хизматчиларимизнинг нурли ва сўнмас хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирамиз.

Азиз дўстлар!

Истиқлол даврида Ўзбекистон армияси жуда мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ёш давлатимизнинг ўта оғир шаклланиш йилларида айнан Қуrolли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъ-



минлаш, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Кейинги йилларда амалга оширган туб ислохотларимиз тугайли тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армияни ташкил этишга эришмоқдамиз.

Ана шундай буюк тарихий жараёнда халқимизнинг ҳарбий соҳадаги бой меросига таяниб, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда боболаримизнинг жанговар анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган, жисмоний ва маънавий етук, замонавий билим, қурол-яроғ ва техникаларни пухта эгаллаган, давлат ва халқ манфаатлари учун ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга тайёр бўлган ҳарбийларимиз доимо фаол иштирок этиб келаётганлари ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

Шу маънода, муқаддас қасамёдига ҳамиша содиқ, эл-юрт ҳимояси йўлида метин қалқон бўлган мард ва жасур ҳарбийларимиз Ўзбекистоннинг чинакам ватанпарвар баҳодирлари, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Халқимиз ўзининг сизлар каби ботир ва довюрак фарзандлари – Ватанимизнинг ҳақиқий посбонлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда “Халқ ва армия – бир тану бир жондир” деган эзгу тамойил асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда фуқароларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини ҳаётнинг барча соҳаларида амалда ҳис этмоқдалар. Айниқса, мураккаб синов даври бўлган пандемия пайтида ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда, биз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қийинлаб бўлмайдиган бебаҳо бойлик –



тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилишда бу яқдиллик янада яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда бутун жамятимизда, жумладан, Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларда “Инсон кадри учун” деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилаётгани сизларга яхши маълум. Шу асосда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбийлар, муҳтарам фахрийларимизнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларини муносиб кадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, кундалик ҳаётидаги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, уларнинг оиласи ва фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларимиз йилдан-йилга янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олаётган бундай жадал ўзгаришлар юртимизда ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, армия ва халқ бирлиги янги мазмунга эга бўлиб, ёшларимиз қалбида армиямиз билан фахрланиш туйғуси, Ватан ҳимоячисидек олижаноб касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даври, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролли можаро ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Ана шундай ғоят масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишда Қуролли Кучларимиз, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимиз кудратини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ушбу



вазифаларни амалга оширишда Қуролли Кучларимиз кўмондонлик таркиби жойлардаги ҳокимият идоралари ва халқимиз билан биргаликда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишлари керак.

Ҳарбий хизматчилар, айниқса, командирлар таркибининг профессионал тайёргарлигини ошириш миллий армияни янада ривожлантиришнинг энг муҳим шarti бўлиб қолмоқда. Бу борада Қуролли Кучлар Бош штаби ҳамда ҳарбий округлар бошқарув аппаратлари офицерларини, бригада командирлари ва уларнинг ўринбосарларини ўқитиш бўйича Қуролли Кучлар Академиясида жорий этилган янги тизимнинг юксак самарадорлигини таъминлаш – долзарб вазифадир.

Шу муносабат билан ҳарбий таълим ва илм-фан тизимида бошланган ислохотларни изчил амалга ошириш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда назария ва амалиётни имкон қадар яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш бўйича комплекс дастурларни тайёрлашда бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган ҳарбий можаролар хусусиятларини, кўшинларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада энг зарур қурол-аслаҳа ва анжомларни сотиб олиш, уларни янги жанговар тизимлар билан биргаликда қўллаш ва такомиллаштириб бориш эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Жаҳон ахборот маконида кескин кураш кетаётган ҳозирги вазиятда муҳим объектларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳам давр талабидир.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучларимиз фахрийла-



рини ижтимоий ва ҳукукий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар,  
Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Ушбу кутлуғ айёмда фидокорона хизматларингизни алоҳида таъкидлаб, сизларнинг фаол саъй-ҳаракатларингиз билан Ўзбекистон армияси изчил ривожланиб бораётганини, унинг жанговар қобилияти ортиб, мудофаа қудратимиз мустаҳкамланаётгани, халкимизнинг осойишта ҳаёти таъминланаётганини яна бир бор юксак ғурур билан эътироф этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай самарали хизматларингиз учун сизларга, мўътабар тупроғимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш йўлида олижаноб ва масъулиятли бурчини муносиб адо этиб келаётган барча жасур ўғлонларимизга, уларнинг ота-оналари ва оила аъзоларига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Барчангизни Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг шонли 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Сизларга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Миллий армиямиз сафларидаги шарафли хизматингизда янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин!

Куч-ғайратингиз, шаъну шарафингиз янада зиёда бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимизга садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон чарчаманг, мард ва жасур Ватан посбонлари!

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил  
этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари  
куни муносабати билан йўлланган табрик*

*2022 йил 13 январь*



## **БИЗНИНГ МАҚСАДИМИЗ – КЎПҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИГИМИЗНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДИР**

Ҳурматли Раис Си Цзиньпин жаноблари!

Мухтарам ҳамкасблар, азиз дўстлар!

Сизларни самимий қутлайман ҳамда Хитой Халқ Республикаси ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан билдирилган табрикларга қўшиламан.

Си Цзиньпин жанобларига учрашувимиз ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Ўтган 30 йилда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик муносабатлар жадал ва барқарор тус олди.

Ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш мақсадида эътиборни қуйидаги устувор йўналишларга қаратиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчи.** Ипак йўлининг Иқтисодий маконини барпо этиш борасидаги ташаббуснинг муҳим вазифаси савдо ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистоннинг Хитой билан товар айирбошлаши 30 йилда 140 карра кўпайди. Хитойнинг иқтисодиётимизга инвестициялари ҳажми 2017 йилдан буён беш баробар ортди.

Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичлар мавжуд улкан салоҳиятни тўлиқ акс эттирмапти.



Бугун Хитой – бу нафақат “глобал фабрика”, балки “глобал бозор” ҳамдир.

Биз Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой иқтисодиётларининг бир-бирини тўлдириб турувчи устунликларини ҳисобга олган ҳолда ушбу имкониятлардан максимал даражада фойдаланишдан манфаатдормиз.

Марказий Осиё мамлакатларидан Хитойга тўсикларсиз савдони таъминлаш ва тайёр маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини ошириш бўйича манзилли чоралар кўриш, Хитой технологияларини жалб қилган ҳолда минтақа мамлакатлари импорт қилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун умумий саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш маконини шакллантириш кўзда тутилган Янги “Хитой — Марказий Осиё” иқтисодий мулоқоти кўшма стратегиясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

**Иккинчи.** Транспорт инфратузилмаси Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожининг драйверидир.

“Хитой – Марказий Осиё” йўналиши бўйлаб етказиб беришда пандемия оқибатида келиб чиққан логистик узилишлар мамлакатларимизнинг кўплаб тармоқларини зарур ускуналар ва хомашёсиз қолдирди.

Бу ҳолат устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан юк оқимининг узлуксизлигини таъминлаш ва трансминтақавий логистика тармоқларини ривожлантириш учун тизимли ечимлар ишлаб чиқишни фавқулодда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бир қаторда, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳасини амалий рўёбга чиқаришга жорий йилдаёқ киришиш муҳим.

Ушбу масалаларни тезкор ҳал қилиш мақсадида Марказий Осиё ва Хитой мамлакатлари ҳукумат раҳбарларининг ўрин-



босарлари даражасида Мувофиқлаштирувчи кўмита тузишни таклиф этамиз.

**Учинчи.** Пандемиядан кейинги тикланиш ва тўртинчи саноат инқилобига жадал ўтиш шароитида рақамли технологияларни кенг қўллашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Хитойнинг бу соҳада тўпланган тажрибасини ҳисобга олиб, рақамли иқтисодиёт ва савдони ривожлантириш, “электрон ҳукумат”, блокчейн ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш соҳасидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришни таклиф этамиз.

Ушбу йўналишда амалий натижаларга эришиш мақсадида мамлакатларимиз IT парклари негизида қўшма “Интеллектуал Ипак йўли” платформасини яратишни таклиф қиламиз.

**Тўртинчи.** Жамоат саломатлигини сақлаш ва юқумли касалликларга қарши курашиш борасида мамлакатларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлашни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Жуда қисқа муддатда коронавируsgа қарши Ўзбекистон – Хитой вакцинасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, ушбу вакцинанинг ўн етти миллионта дозаси тайёрлангани диққатга сазовор.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Си Цзиньпин жаноблари, Хитой Ҳукумати ва халқига коронавирус инфекциясига қарши курашда Ўзбекистонга бекиёс ёрдам кўрсатгани учун миннатдорлик билдираман.

Фармацевтика, анъанавий тиббиёт, врачлар малакасини ошириш ва соҳа шифохоналари ўртасидаги шериклик борасидаги ҳамкорлигимизни кенгайтиришга тайёрмиз.

Умид қиламизки, тез фурсатда вакцинация паспортларини ўзаро тан олиш юзасидан келишувларга эришамиз.

**Бешинчи.** Биз камбағалликни қисқартириш борасида изчил чора-тадбирларни амалга оширишга аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти сифатида қараймиз.



Хитойнинг мутлак камбағаллик устидан қозонган тарихий ғалабасини юксак баҳолаймиз.

Хитой тажрибасини қўллаган ҳолда Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар бизга ҳатто пандемия шароитида ярим миллиондан зиёд оилаларни кам таъминланганлар тоифасидан чиқариш имконини берди.

2026 йилга бориб камбағаллик даражасини икки баробар камайтиришни мақсад қилганмиз.

Бу мақсадга эришиш учун аграр тармоқни модернизация қилиш, шўрланган ва шўрхок ерларда экинлар етиштириш, шаҳар ва қишлоқ ўртасида ишлаб чиқариш занжирларини йўлга қўйишда Хитой билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз.

**Олтинчи.** Пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яқин ҳамкорлик масалалари ўтқир заруратга айланмоқда.

Мазкур вазифа ечимига аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш бўйича аввалдан қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш орқалигина эришиш мумкин.

Шу маънода, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида резолюция қабул қилиниши тўғрисидаги ташаббусни биргаликда илгари суришни таклиф этамиз.

Ушбу ҳужжатда озиқ-овқат тармоғига инвестицияларни қўпайтириш ва “яшил йўлаклар” яратган ҳолда ўзаро етказиб беришнинг самарали механизмларини шакллантириш масалалари ҳисобга олиниши муҳим, деб ҳисоблаймиз.

**Еттинчи.** “Иқлим” кун тартибини ва “экологик тоза ривожланиш”ни биргаликда илгари суриш ҳамкорлигимизнинг долзарб йўналишидир.

2026 йилга қадар Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия генерацияси улушини 25 фоизга етказиш, 2030 йилгача эса “пар-



ник газлари”ни чиқаришни 35 фоизга қисқартиришни режалаштирмоқдамиз.

“Яшил Ипак йўли” ташаббуси доирасида муқобил энергетика, қуёш ва шамол электр станциялари учун бутловчи қисмлар ва ускуналарни маҳаллийлаштириш, тармоқ учун кадрлар тайёрлаш соҳаларига Хитой инвестициялари ва технологияларини жалб қилиш бўйича ҳамкорлик “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

**Саккизинчи.** Маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш халқларимизнинг янада яқинлашишига хизмат қилади.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш борасида Сизнинг, ҳурматли Си Цзиньпин жаноблари, ташаббусингиз ривож сифатида келгуси йилни “Марказий Осиё ва Хитой халқлари маданияти ва санъати йили” деб эълон қилишни таклиф қиламиз.

Ёшлар давлатларимиз аҳолисининг ярмини ташкил этишини ҳисобга олиб, академик ва талабалар алмашинувларига, ёшлар фестиваллари, форумлари ва спорт мусобақаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Рақобат кучайиб бораётган ва жаҳоннинг турли нуқталарида можаролар давом этаётган шароитда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, шу жумладан, “уч ёвуз куч”га қарши курашиш борасида янада яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Қозоғистон халқининг донишмандлиги ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевнинг қатъий ҳаракатлари туфайли мамлакатдаги вазият нормаллашгани бизни қувонтиради.

Хавфсизлик – бўлинмас, Қозоғистонда тинчлик – бутун минтақамиздаги барқарорлик гаровидир.



Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви ва ушбу мамлакатда гуманитар инқироз кучайишининг олдини олиш устувор масалаларимиз каторига киради.

“Хавфсиз Ипак йўли” концепциясини амалга ошириш йўлида Афғонистон йўналишидаги саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштиришни давом эттириш муҳимдир.

Биз хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда Афғонистонда инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишдан ҳам манфаатдормиз.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Ҳамкасбларим томонидан билдирилган барча ташаббус ва таклифларни, шунингдек, бугунги саммит якунлари бўйича Қўшма баёнотни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу ҳужжатда кўп қиррали шериклигимизни янада мустақамлашнинг муҳим масалаларига доир умумий ёндашувлар ўз аксини топган.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш бўйича ишлаб чиқилган режани биргаликда амалга оширишга тайёрмиз.

Сўзимнинг якунида бугунги учрашув ташкил этилгани учун Сизга, Си Цзиньпин жаноблари, яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман ҳамда Сизни ва бутун Хитой халқини яқинлашиб келаётган Баҳор байрами – Чуньцзе билан муборакбод этаман.

Хитойлик дўстларимизга Пекиндаги қишки Олимпия ўйинлари муваффақиятли ўтказилишини тилаймиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Марказий Осиё ва Хитой давлат  
раҳбарлари саммитидаги нутқ*

*2022 йил 25 январь*



---

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ – ЯҚИН ВА ЎРТА ИСТИҚБОЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МУҲИМ СТРАТЕГИК ДАСТУР

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Барчангизга маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳаётида ғоят муҳим давр бошланмоқда. Бу – янги тараққиёт ва миллий юксалиш даврида 35 миллиондан иборат кўпмиллатли халқимиз дунёдаги ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, адолатли, эркин ва обод жамият куришдек улугвор мақсадлар билан яшамокда.

Бугун биз жонажон Ўзбекистонимизнинг узок муддатга мўлжалланган истиқболи билан боғлиқ бўлган ўта муҳим масалани муҳокама қилиш учун йиғилдик.

Ҳаммангиз хабардорсиз, ўтган йили сайловолди дастури доирасида ҳудудларга ташрифларимиз пайтида “Инсон қадри учун” тамойилини барча ислоҳотларимизнинг бош мезони этиб белгиладик. Шу асосда “Давлат – инсон учун” деган эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини бевосита халқимиз билан маслаҳатлашиб, одамларимизнинг фикр ва таклифлари асосида ишлаб чиқдик.

Ушбу стратегияда яқин ва ўрта истиқболда Ўзбекистоннинг тараққиёт тенденциялари қандай бўлиши, келгусидаги фаолиятимизни белгилайдиган айнан қайси мақсад ва вазифалар, биз учун энг долзарб ва устувор аҳамиятга эга экани, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳа ва йўналишларини комплекс ривожлантириш учун асосий эътиборни нималарга қаратишимиз



зарурлиги, кейинги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорларимиз, дастур ва режаларимизни янги даврда қандай давом эттиришимиз, уларга қандай қўшимча ва ўзгартиришлар киритишимиз кераклиги билан боғлиқ саволларга чуқур ва атрофлича жавоб берилган.

Бугунги ҳаётимиз ва эртанги келажагимиз билан боғлиқ ана шундай устувор масалалар таҳлили “Янги Ўзбекистон тараккиёт стратегияси” китобида ўзининг батафсил ифодасини топди.

Халқимиз бугунги кенг қўламли ўзгаришларга катта ишонч билан қараб, тезроқ уларнинг самарасини қўришни истамоқда. Айнан шу сабабли демократик ислоҳотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида келгуси фаолиятимиз учун “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараккиёт стратегияси сари” деган принципни бош тамойил этиб белгиладик. Шу асосда 2022 йил – “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” бўйича давлат дастури тайёрланиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баланд-парвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундамен-тал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунамиз.

Бу мақсадга эришиш учун эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз. Мухтасар айтганда, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади.



Ана шу чукур маъноли фикрни эл-юртимиз, айникса, ёшла-римизнинг қалби ва онгига сингдиришимиз зарур. Шу боисдан, 2022 йилга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳасининг муҳокамаси фуқароларимиз билан очик мулоқот шаклида ўтказилиб, халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Муҳокама жараёнида аҳолидан 17 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Уларнинг барчаси йўналишлар бўйича ўрганилди, бир-бирига яқин таклифлар умумлаштирилиб, Дастур лойиҳаси 300 дан ортик янги ташаббуслар билан тўлдирилди.

Мисол учун, фуқароларимиз билдирган маҳаллаларда “Иш марказлари”ни ташкил этиш, маҳаллада ҳокимлар, сектор раҳбарларининг онлайн қабулини ўтказиш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этган фуқароларни рағбатлантириш, ҳар бир маҳаллани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, аҳоли кайфиятини социологик сўровномалар орқали ўрганиб бориш ёки узок ҳудудлардаги мактабларга автобус катновини йўлга қўйиш билан боғлиқ таклифлар бизга айникса маъқул бўлди.

Одамларимизнинг Дастур муҳокамасидаги фаоллиги, уларнинг ислохотларга бўлган ишончи ва дахлдорлиги ортиб бораётгани халқимиз юртимиздаги ўзгаришлар жараёнини, ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаётганидан яна бир бор далолат беради. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу муҳокамаларда фаол иштирок этган барча юртдошларимизга чукур миннатдорчилик билдираман.

Умуман, Тараккиёт стратегиясида 7 та устувор йўналиш бўйича “Инсон кадри учун” йўналишида 100 та мақсад” белгилаб олинди. Ушбу мақсадларга эришиш учун жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Барча саъй-ҳаракатларимиз, ажратилаётган маблағлар маҳалла ва хонадонларгача аниқ етиб бориши ва ҳар бир оила фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шарт. Бунинг учун республика, вилоят, туман ва шаҳар ҳамда маҳалла даражасидаги барча



рахбарлар бор куч ва ресурсларини тўлик сафарбар қилишлари зарур. Шундан келиб чиқиб, бугунги йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар ойма-ой амалга оширадиган аниқ ишлари юзасидан ҳисобот беришлари лозим.

Дастурдаги 7 та йўналишнинг ҳар бири бўйича Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва Ҳукумат раҳбарлари масъул ва жавобгар бўлади.

Инсон кадрини юксалтириш ва халқпарвар давлат барпо этиш йўналишида бундан буён фаолиятимизни мутлақо янгича, яъни, “инсон–жамият–давлат” тамойили асосида ташкил этамиз. Шу йўналишда 12 та мақсадга эришиш учун 42 та топшириқ, жумладан, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, халқ билан мулоқот механизмларини такомиллаштириш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа ҳудудий дастурларни, жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқиш, давлат органларини “маҳаллабай” ишлаш тизимига ўтказиш, электрон давлат хизматларининг улушини амалдаги 54 фоиздан 90 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Биз халқимиз билан мулоқотни янада кучайтирамиз. Шу мақсадда Халқ қабулхоналари тизими такомиллаштирилади.

Шу билан бирга, жамоатчилик фикрини мунтазам ва илмий асосланган ҳолда тизимли ўрганиш йўлга қўйилади. Бунинг учун “Ижтимоий фикр” маркази фаолияти такомиллаштирилиб, алоҳида Социология институти ташкил этилади. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки ислоҳотларимизнинг натижалари, амалга оширилаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало жойларда, биринчи навбатда маҳаллада яққол сезилади. Шу маънода, бундай сўровномаларни жамият ҳаётининг ижтимоий барометри деб аташ мумкин.

Олий Мажлис палаталари маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа ҳудудий дастурларни жамоат-



чилик фикри асосида ишлаб чиқишни қонун даражасида мустақамлашга алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, гендер масалалари ва хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш дастури лойиҳасини кенг муҳокамадан ўтказиб, тасдиқлаш – олдимизда турган муҳим вазифадир. Бунда хотин-қизларга ўқиш ва ишлаши учун имкониятларни янада кенгайтириш орқали, улар орасидаги ишсизликни камида 2 баробар қисқартириш асосий мақсад бўлади.

Тараққиёт стратегиясининг навбатдаги адолат ва қонун устуворлигини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришга қаратилган йўналишида 8 та мақсад бўйича 24 та топширик белгиланган. Бу ғоят муҳим, ҳал қилувчи масала бўйича илгари ҳам кўп гапирганмиз. Бу мавзу бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлади. Бизнинг бу борадаги позициямиз оддий, шу билан бирга, ўзгармас ва қатъийдир. Яъни, “Жамиятимизда қонун – устувор, жиноятга жазо – муқаррар” деган принципни оғишмай амалга оширишда давом этамиз.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги энг асосий вазифамиз – мамлакатимизнинг дунёдаги “қонун устуворлиги индекси” юқори даражада бўлган давлатлар қаторидан жой олишига эришишдан иборат. Бу йўналишда мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиш, маъмурий судлар ваколатларини кенгайтириш орқали, фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли таъминлаш бўйича янги тизим яратиш зарур.

Яна бир муҳим масала йўлларда ҳавфсиз ҳаракатланишга шартроит яратиш, авария ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш, бунинг учун ҳаракатларни бошқаришни тўлиқ рақамлаштириш билан боғлиқ.

Шу ўринда бир муҳим масалага барчанинг эътиборини қаратмоқчиман. Умуман, ҳайдовчилик гувоҳномасини ўқимасдан олиш оддий ҳолга айланиб қолди. Шунинг учун авариялар сони соат сайин ошиб бормоқда. Бу муаммони бартараф этиш учун аввало ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш, иккинчи-



дан, ўқитмасдан ва ўргатмасдан гувоҳнома беришдек “жиноий ҳаракатлар”га қарши жазони кучайтириш бўйича қонунчиликка тегишли кўшимчалар киритиш зарур.

Тараққиёт стратегиямиз янги иқтисодий дунёқараш, янги иқтисодий муносабатлар асосида эркин ва фаровон ҳаёт қуришга хизмат қилади. Фақат ривожланган иқтисодиёт барпо этиш орқали биз тинчлик ва осойишталикни, миллий хавфсизликни таъминлай оламиз.

Ҳеч кимга сир эмас – бугун жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифа, керак бўлса, масалаларнинг масаласи бўлиб турибди. Фақат самарали иқтисодий ислохотларгина мавжуд ижтимоий муаммоларни ечиш имконини беради.

Биз келгуси фаолиятимизда иқтисодиёт тармоқларини комплекс ва жадал ривожлантириш орқали замонавий иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартиришга энг асосий эътибор қаратишимиз шарт. Шу мақсадда иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва барқарор ўсиш бўйича 16 та мақсадга эришиш учун 126 та топшириқ ижросини таъминлашимиз керак. Бунда барча иқтисодий комплекс раҳбарлари ва ҳокимларнинг келгуси беш йилдаги энг устувор вазифаси – ялпи ички маҳсулотни 100 миллиард доллардан ошириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,4 баробар кўпайтириш ва камбағаллик даражасини камида 2 баробар қисқартиришдан иборат бўлиши зарур.

Жорий йилда инфляция даражасини 9 фоиздан оширмаслик бўйича барча зарурий чораларни кўришимиз лозим. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 10 триллион сўм кредитларнинг “маҳаллабай” усулида кафолатли етиб боришини таъминлаш керак.

Жорий йилда бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги шарт.



Янги ерларни ўзлаштириш, сув тежовчи ва рақамли технологияларни жорий қилиш, илм-фан ва инновациялар орқали, деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириб, аграр тармоқда йиллик ўсишни камида 5 фоизга етказиш ҳам муҳим вазифадир.

Иқтисодиётга яқин беш йилда 120 миллиард доллар, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб этиш, экспорт ҳажмини йилига 30 миллиард доллардан оширишга эришиш шарт.

Кўряпсизларми, биз ўз олдимизга қандай улугвор марраларни кўймоқдамиз. Энг муҳими, бу улкан вазифаларни ҳамон давом этаётган пандемия ва глобал инқироз шароитида амалга оширишга тўғри келади. Бу биздан катта куч ва маблағ, юксак ирода ва қатъий интизомни, барча куч-имконият ва ресурсларимизни тўла сафарбар этишни талаб этади.

Азиз дўстлар!

Барча орзу-ният ва интилишларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани – кеча, кундузни – кундуз демасдан амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз – ҳамма-ҳаммаси бизга катта умид ва ишонч билан боқиб турган халқимиз учундир. Бу борада ижтимоий йўналишдаги ислохотларимиз алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун Тараққиёт стратегиясининг адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиши бўйича 34 та мақсад ва 61 та топширик белгиланган.

Бу борадаги асосий вазифа – мактаб таълими сифатини ошириш, келгуси беш йилда мактабларда қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш ҳамда дарсликларни янгилашдан иборатдир. Шу мақсадда жорий йилда дарсликларни янгилашга ажратилаётган 600 миллиард сўмдан самарали фойдаланиш зарур.

Вилоят ҳокимлари Мактабгача таълим вазирлиги билан бирга барча ҳудудларда давлат ва хусусий боғчаларни кўпайтириш



орқали, мактабгача таълимнинг камров даражасини 67 фоиздан 80 фоизга етказиши керак.

Олий таълим тизимида келгуси беш йилда камида 10 та олийгоҳнинг нуфузли халқаро рейтингларга кириши таъминланиши зарур. Вилоят ҳокимлари хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиши лозим.

Бугун барча йиғилиш иштирокчиларига шуни айтмоқчи-манки, жорий йилдан бошлаб, олий таълим, халқ таълими ва мактабгача таълим вазирлари қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланмайди. Қурилиш ишлари билан жойларда ҳокимликлар шуғулланади. Бу вазирликларнинг асосий вазифаси ёш авлодга сифатли таълим-тарбия, маърифат ва маданият бериш бўлади. Шунинг учун Бош вазир А. Арипов бир ой муддатда ушбу талабни амалга ошириш бўйича тегишли қарор лойиҳасини киритсин.

Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари давлат бюджетидан дори воситалари ва тиббий буюмлар учун ажратиладиган маблағларни 3 баробар ошириш чораларини кўриши керак.

Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умумбашарий ғояларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз. Маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шунча кучли бўлади. Фақатгина ана шундай заминга таянган ҳолда, биз юртимизда Учинчи Ренессанс асосларини барпо эта оламиз.

Бу муҳим йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш учун маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш масалалари бўйича 8 та мақсад ва 30 та топшириқни амалга ошириб, сезиларли ўзгаришларга эришишимиз зарур. Шу йўналишда юртимиздаги 12 мингдан зиёд кутубхоналар им-



кониятидан самарали фойдаланиб, китобхонликни оммалаштириш чораларини кўриш лозим.

Яна бир муҳим вазифа шундан иборатки, радикализм, экстремизм ва терроризмга, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш бўйича таълим муассасалари ва маҳаллаларда янги тизим яратиш зарур.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳоли сонини 33 фоизга етказиш, мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Таъкидлаб айтмоқчиман: агар кимки маънавий масаласи – бу фақат Маънавий ва маърифат маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши деб ўйласа, хато қилади. Бу – давлатимиз ва жамиятимиз, ҳамма раҳбарлар, зиёлилар, барча-барчамизнинг энг асосий ва муҳим вазифамизга айланиши шарт.

Биз бугунги кунда глобал дунёда яшамоқдамиз. Глобал оламда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ. Ҳар бир одамнинг ҳаёти бутун инсоният ҳаёти билан янада кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда. Олис-яқин ҳудудларда юз бераётган турли ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, техноген офатлар бизга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Мана, кунни кеча электр таъминоти бўйича содир бўлган техник узилиш бир зумда бутун минтақа ҳаётида кучли акс-садо берганига барчамиз гувоҳ бўлдик. Бу авариядан ўша захотиёқ хабар топиб, дарҳол Ҳукумат комиссиясини тузишга топширик бердим. Комиссия, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари билан доимий мулоқотда бўлиб, авария ҳамда унинг иқтисодиёт ва аҳоли ҳаётига салбий таъсирини бартараф этиш бўйича ишларни шахсан ўз назоратимга олдим. Бундай экстремал вазиятда, энергетика, нефть-газ, коммунал соҳа, транспорт, ҳокимликлар, соғликни сақлаш, фавқулодда вазиятлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари ўзаро баҳамжиҳат ишлагани ҳисобидан авария оқибатлари босқичма-босқич бартараф этилмоқда.



Шу билан бирга, бундай ҳолатда халқимиз ҳам вазиятни тўғри қабул қилиб, саросимага тушмади. Фурсатдан фойдаланиб, аввало сабр-тоқатли халқимизга, шунингдек, ушбу вазиятни бартараф этишда жонбозлик кўрсатган барча соҳа ва идоралар ходимларига, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқ вакилларига ўз миннатдорлигимни билдираман.

Бу ходисадан тўғри хулоса қилиб, биз Ўзбекистон тараққиётини давраимизнинг глобал муаммолари билан янада боғлиқ ҳолда кўришимиз керак. Бу борадаги мавжуд таҳдид ва муаммоларни бартараф этишга доимо тайёр туришимиз зарур. Тинч-осойишта ҳаёт осмондан тушмайди. Бу ҳаётни кадрлаш, асраб-авайлаш, бу ҳаётни ҳимоя қилиш керак.

Шу нуқтаи назардан, Тараққиёт стратегиясида экология, атроф-муҳит, меҳнат миграцияси масалалари бўйича белгиланган 10 та мақсад ва 38 та топшириқни самарали амалга ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо этишдек долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йилда меҳнат миграциясини тизимли ташкил этиш орқали, 100 минг нафар фуқароларни хорижий тилларга ва касбга ўргатиш белгиланган. Шу билан бирга, хориждаги ватандошларимиз билан мулоқотни кенгайтириш бўйича жиддий ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Тараққиёт стратегиясидаги яна бир муҳим вазифа – Ватанимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб боришдан иборат. Бу йўналишда 12 та мақсад ва 77 та топшириқ белгиланган. Жумладан, дунёда ва минтақада юзага келаётган хавф-хатарларни инобатга олиб, ярим йилдан буён ишланаётган Янги Ўзбекистон хавфсизлиги концепциясини қабул қиламиз.



Ахборот технологиялари билан боғлиқ хуружларнинг олдини олиш ва кибер хавфсизликни таъминлаш тизимини яратиш ҳам кечиктириб бўлмайдиган ғоят муҳим вазифадир.

Қуролли Кучларнинг ягона автоматлашган бошқарув тизимини ишга тушириш, фавқулодда вазиятларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш, ички ва ташқи молиявий оқимларни мониторинг қилиш ва улар билан боғлиқ хавф-хатарларни олдини олишга қаратилган янги механизмларни ишлаб чиқиш ҳам ушбу йўналишдаги устувор вазифалар қаторига киради.

Ана шу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ишлаб чиқиладиган янги қонун ва қарор лойиҳалари, бажариладиган чора-тадбирларнинг “Инсон кадри учун” тамойили асосида, халқимизнинг ҳаётини яхшилашга бевосита таъсир қилишини таъминлашимиз керак.

Дастурга киритилган 398 та чора-тадбирни сифатли амалга оширишга вазирлик ва идора раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари бевосита масъул ҳисобланади.

Бир нарсани аниқ тушуниш лозим. Дастурда кўзда тутилган барча чора-тадбирлар халқимиз томонидан катта ишонч билан қизғин қабул қилинди. Уларнинг амалдаги ижросини аҳолимизнинг барча қатламлари – ўрта синф вакиллари ва тадбиркорлар, зиёлилар, бюджет соҳаси ходимлари, ҳарбий хизматчилар, фахрийларимиз, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бор фуқаролар яқин кунларда ўз кундалик ҳаётида сезишлари керак.

“Инсон кадри учун – 100 та мақсад” доирасида амалга ошириладиган ишларимиз ва уларнинг натижасини аҳолининг барча қатлами ва хорижий ҳамкорларимизга тўлақонли шаклда, содда ва тушунарли тилда етказиб бориш зарур.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Кўриб турганингиздек, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини ҳаётга жорий этиш учун, олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Уларни амалга ошириш албатта осон бўлмайти.



Лекин биз ўтган беш йил мобайнида бу борада катта тажриба тўпландик, ўз иш услубимизни шакллантирдик. Энди талаб янада каттик бўлади. Бу фақат Президентнинг талаби эмас, бизга ишонч билдирган халқимизнинг талаби, ҳаёт талаби. Шунинг учун ҳам бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб, ҳақиқий фидойилик намунасини кўрсатиб ишлашимиз керак.

Жамиятимизда тинчлик-хотиржамлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ҳар кун, ҳар соатда мустаҳкамлаб, ҳушёр ва огоҳ бўлиб, дадил ва қатъий олдига боришимиз зарур. Бунинг учун биз янада жипслашиб, бирлашиб, шахсий масъулият ва жавобгарлик туйғусини чуқур англаб меҳнат қилишимиз лозим. Ҳар бир сўзимиз, ҳар бир хатти-ҳаракатимиз жамиятга, одамлар қалбига қандай таъсир кўрсатишига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор беришимиз зарур. Давлат тузумини ичидан емирадиган, ижтимоий барқарорлик кушандаси бўлган коррупция балосига қарши, бюрократиянинг ҳар қандай кўринишларига, одамларни менсимаслик, маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик иллатларига қарши барчамиз кескин кураш олиб боришимиз керак.

Ишончим комил – кўпни кўрган, мард ва олижаноб, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз билан биргаликда Янги Ўзбекистонни – инсон тинч, озод ва фаровон яшайдиган, эзгу мақсадларини эмин-эркин амалга оширадиган давлат ва жамиятни албатта барпо этамиз. Бунинг учун бизда барча сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий асослар, энг муҳими, кучли хоҳиш-ирода ва қатъий интилиш бор. Мана шу йўлда барчангизга куч-қувват ва муваффақиятлар тилайман.

*Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган  
Тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни  
2022 йилда амалга ошириш масалаларига бағишланган  
видеоселектор йиғилишидаги нутқ*

2022 йил 26 январь



## МУШТАРАК ИНТИЛИШЛАР

Ўзбекистон ва Покистон халқларини азалдан муқаддас ислом дини, тарихий ва маданий қадриятлар, ўхшаш урф-одат ва анъаналар бир-бирига боғлаб туради.

Маънавий ва руҳий жиҳатдан ўзаро яқин бўлган халқларимиз ҳамيشа бир-бирига интилиб яшагани, Буюк Ипак йўли бўйлаб қатнаган савдо қарвонлари орқали ҳар томонлама алоқалар ривож топгани мозий манбаларидан бизга яхши маълум.

Ана шундай кўп асрлик маънавий ришталар ҳақида сўз борганда, авваламбор Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурхонуддин Марғиноний каби буюк мутафаккирлар, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мумтоз аллома ва шоирларимизнинг бебаҳо мероси Покистон заминиде қанчалик шуҳрат қозонган бўлса, ўз навбатида, Муҳаммад Иқбол, Файз Аҳмад Файз, Аҳмад Фароз, Мушток Аҳмад Юсуфий, Вазир Оға каби улуғ сўз санъаткорларининг ўлмас асарлари ҳам ўзбек диёрида шунчалик машҳур эканини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, буюк давлат арбоби, комусий олим, дилбар шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг шонли сулоласи ҳар икки халқ тарихида алоҳида муҳим ўрин тутеди.

Уч асрдан зиёд давом этган бобурийлар ҳукмдорлиги даврида бугунги Покистоннинг бир қатор шаҳарлари салтанатнинг йирик сиёсий, маданий ва меъморий марказларига айланди.

Ушбу кўҳна заминда аждодларимиз томонидан биргаликда бунёд этилган кўплаб машҳур обидалар ҳозирги вақтда нафақат Покистон, балки жаҳон маданий меросининг бетакрор ва ноёб



дурдоналари ҳисобланади. Булар каторида биринчи навбатда 1566 йилда Буюк Акбар даврида барпо этилган мухташам Лохур калъасини тилга олиш ўринлидир. Шунингдек, Шохжаҳон ва Аврангзеб томонидан барпо қилинган Акбар саройи ва Подшоҳий масжиди, Жаҳонгир Мирзо даврида қад ростлаган Ҳирон минор, Шалимар боғлари ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан барчани хануз ҳайратга солиб келади.

1673 йилда қурилган Подшоҳий масжидининг уч юз йилдан ортиқ вақт мобайнида, аниқроғи, 1986 йилга қадар катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда бўлиб келгани, Шалимар боғлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилгани ҳам аجدодларимизнинг ақл-заковати ва беқиёс бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради.

Халқларимиз юз йиллар давомида бир-бирига интилиб, ўзаро борди-келди қилиб яшаган бўлса-да, фақатгина Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йилдан кейин ўртамиздаги дўстлик ва қардошлик муносабатларини кенг ривожлантиришга ҳар томонлама имкониятлар яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Покистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятини, жумладан, ушбу давлатнинг расмий тили бўлмиш урду тилини ўрганиш бўйича фаол ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Юртимиздаги бир қанча мактабларда, хусусан, Тошкент Давлат Шарқшунослик университетининг шарқ филологияси ва таржимашунослик факультетида талабаларга Покистон тарихи, урду тилининг лексикологияси ва стилистикаси, мумтоз урду адабиёти фанлари бўйича дарс берилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистонда урдушунослик ривожига улкан ҳисса қўшган Озод Шоматов, Тошмирза Холмирзаев, Раҳмонберди Муҳаммаджонов, Муҳайё Абдурахмонова, Ансориддин Иброҳимов каби заҳматқаш олимларнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишни истар эдим. Ушбу ўзбек олимларининг аксарияти урдушунослик соҳасидаги илмий изланишлари



учун Покистон ҳукумати томонидан юксак давлат мукофотлари билан тақдирлангани айниқса эътиборлидир.

Ана шундай фидойи олим ва адибларимизнинг ташаббуси билан мумтоз ва замонавий урду адабиётининг бадий етук асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, кўп нусхаларда нашр этилмоқда.

Айни шу жараённинг Покистонда ҳам давом этаётгани бизни мамнун қилади.

Хусусан, ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари урду тилига таржима қилинган бўлса, халқларимизнинг маданий-маърифий ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга комусий асар – “Бобурнома” урду тилига тўрт марта ўгирилиб, Покистон китобхонларининг ҳам маънавий мулкига айланиб кетган, десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Юлдузли тунлар” романи Исломобод шаҳрида урду тилида чоп этилиб, катта шуҳрат қозонди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адибимиз Эркин Воҳидов қаламига мансуб “Олтин девор” комедияси Ансориддин Иброҳимов томонидан урду тилига таржима қилиниб, 1996 йили ўзбек ва покистонлик санъаткорлар иштирокида Лоҳур шаҳридаги драма театрида кенг оммага намойиш этилди. Спектаклнинг томошабинларда катта таассурот қолдиргани халқларимизнинг маданияти ва урф-одатлари, ҳаётий қарашлари бир-бирига нақадар ўхшаш ва яқинлигидан дарак беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон – Покистон муносабатлари янги сифат босқичига кўтарилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Покистон раҳбарияти, хусусан, Бош вазир, кадрли дўстим Имрон Хон жаноби олийлари билан биргаликда биз сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларимизни халқларимизнинг туб манфаатлари йўлида янада ривожлантириш учун муҳим дастурларни амалга оширмоқдамиз. Янги Ўзбекистонни ва Ная Покистонни бунёд этиш борасидаги



ёндашув ва ислохотларимиз ҳам уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, улар ҳар икки мамлакат жамоатчилигига яхши маълум, деб ўйлайман.

Кейинги йилларда Пешовар университетидида “Алишер Навоий маркази”, Панжоб университетидида эса “Захириддин Муҳаммад Бобур мероси маркази” очилгани, Исломободдаги Замонавий тиллар миллий университетидида ўзбек тили бўйича таълим берилаётгани давлатларимиз ўртасидида тобора кенгайиб бораётган маданий алоқаларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Покистон тарихчи олимлари ҳамкорлигидида “Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Покистонда” китоби тайёрланиб, ўзбек, урду ва инглиз тилларида нашр этилди.

Покистонлик истеъдодли маданият намояндаларининг Ўзбекистонда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалидида, Мақом санъати ҳамдида Хунармандчилик халқаро анжуманларида фаол иштирок этиб, юқори натижаларга эришиб келаётгани бизни албатта қувонтиради.

Ҳурматли Бош вазир Имрон Хон жаноблари билан бўлиб ўтган суҳбатларимиздан биридида мен “Яна икки-уч марта учрашсак, бир-биримизни таржимонсиз ҳам тушунамиз”, деган фикрни билдирган эдим.

Шуни таъкидлашни истардимки, бу шунчаки дипломатик лутф эмас, ҳаётий ҳақиқатдир.

Бу фикрнинг тўғрилигига таниқли урдушунос олимимиз Ансориддин Иброҳимов томонидан яратилган “Урдуча – ўзбекча муштарак сўзлар луғати” китобини ўқиб, яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Мазкур луғатдида ҳар икки тилди мавжуд бўлган ва фаол ишлатиладиган 3000 та сўз келтирилган. Бу, албатта, раҳматли олимимизнинг кўп йиллик заҳматли изланишлари натижасидида аниқланган ва бир луғатга жамланган сўзлардир.

Лекин, мен аминманки, агар мамлакатларимиз олимлари бу борадида тадқиқотларини давом эттирсалар, бу миқдор яна кўп маротаба ошади.



Ўзбекистон ва Покистон халқларининг дилларини бири-бирига пайванд этадиган ушбу китобнинг яқинда навбатдаги янги нашри Тошкент шаҳрида амалга оширилди.

Мен мана шундай муҳим илмий асарга мухтасар Сўзбоши ёзиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Биз Ўзбекистонда нафақат мусулмон дунёсида, балки жаҳон миқёсида сиёсий, иқтисодий, инсоний ва маданий салоҳияти тобора юксалиб бораётган Покистон давлатига, унинг меҳнаткаш, кўпни кўрган, бунёдкор халқига катта қизиқиш, ҳурмат ва эҳтиром билан қараймиз.

Ҳаммамизга аёнки, ўзаро дўстлик муносабатларимизни янада раванк топтиришда илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаси вакиллари алоҳида роль ўйнайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳар икки мамлакат илмий-ижодий зиёлиларининг эътиборини муҳим бир масалага қаратишни истардим.

Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз фондларида 100 мингдан зиёд қадимий кўлёмалар сақланади. Улар орасида Ўзбекистон ва Покистон халқлари тарихи ва маданиятига оид ноёб асарлар ҳам мавжуд. Зукко олим ва мутахассисларимиз ушбу кўлёмаларни биргаликда ўрганиб, улардан кенг жамоатчилик, аввало, ёшларимизни баҳраманд этсалар, нур устига нур бўлур эди. Бунинг учун биз барча зарур шароитларни яратиб беришга тайёرمىз.

Зеро, халқларимизнинг нафақат маданият ва урф-одатлари, аввало, эзгулик, тинчлик ва ҳамкорлик йўлидаги интилишлари ҳам муштаракдир.

*Покистонга расмий таширф муносабати билан тайёрланган "Урдуча – ўзбекча муштарак сўзлар лугати" китобига ёзилган сўзбоши*

*2022 йил 1 март*



**ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ “БМТ ГЛОБАЛ  
АКСИЛТЕРРОР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШМА ҲАРАКАТЛАР  
РЕЖАСИ ДОИРАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ  
МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ  
ҲАМКОРЛИГИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО  
КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

Ҳурматли делегация раҳбарлари!

Ҳурматли халқаро ташкилотлар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал ак-  
силтеррол стратегиясини Марказий Осиёда амалга оширишга  
бағишланган, БМТ Аксилтеррол бошқармаси ҳамда Европада  
хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда таш-  
кил этилган халқаро конференцияда кутлайман.

Мазкур форумни ўтказиш ташаббусимизни қўллаб-қувват-  
лаганлиги учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби  
жаноб Антониу Гутерришга алоҳида миннатдорчилик билдир-  
моқчиман.

ЕХҲТ Бош котиби Хельга Шмид хоним, БМТ Бош котиби  
ўринбосари жаноб Владимир Воронков, БМТнинг Марказий  
Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минтақавий марка-  
зи раҳбари Наталья Герман хонимга ва Марказий Осиё давлат-  
ларининг ташқи сиёсат идоралари раҳбарларига ушбу муҳим  
тадбирни ташкиллаштиришдаги ҳамкорлик учун эҳтиромимни  
изҳор этаман.

Сизлар конференция ишини қўллаб-қувватлаганингиз уму-  
мий хавфсизлик ва барқарорлик йўлида терроризм, бошқа таҳ-



дид ва хатарларга биргаликда қарши туриш масаласида собитликнинг ишончли тасдиғидир.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Бугун биз халқаро муносабатларда низоларнинг кучайиши, мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик даражасининг пасайишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айти дамда дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари сақланиб қолмоқда, қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаларига зарар келтирган пандемия БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ўта салбий таъсир қилмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги инкирозли ходисалар дунёдаги тенгсизликни кучайтирмоқда, низоларнинг кескинлашуви хавфини жиддий оширмоқда ва шу аснода терроризм ғояларининг тарқалиши учун қулай муҳит яратмоқда.

Шундай мураккаб шароитларда тобора ортиб бораётган глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш йўлида дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан 15 йил муқаддам дунёнинг барча мамлакатлари БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини бир овоздан маъқуллаган эдилар. Ушбу ҳужжат терроризмга қарши курашда миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган кенг қамровли, умумэътироф этилган илк ҳуқуқий асос бўлди.

2011 йилда Марказий Осиёнинг бешта мамлакати уни рўёбга чиқаришга доир Қўшма ҳаракатлар режасини тасдиқлаб, биринчи бўлиб мазкур дастурий ҳужжатни минтақалаштириш бўйича намуна кўрсатдилар.

Ушбу режани амалга ошириш терроризмга қарши курашда умумий тамойиллар ва ёндашувларга доир минтақавий консенсусни мустаҳкамлаш, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликнинг таъсирчан механизмларини яратиш имконини берди.



Минтақа мамлакатлари терроризмга қарши кураш бўйича ўз  
миллий тизимларини шакллантирдилар. Мамлакатларнинг БМТ  
тавсияларига тўлиқ мос келадиган ҳаракатлар стратегиялари  
ишлаб чиқилди.

Шу аснода давлатларимиз учун янада тартибли ва самарали  
мулоқотга киришиш, тажриба ва муҳим маълумотларни алма-  
шиш, аксилтеррор ҳаракатлар салоҳиятини ошириш ҳамда ёлғиз  
амалга ошириб бўлмайдиган натижаларга биргаликдаги инти-  
лишлар орқали эришиш имконияти пайдо бўлди.

Натижада эса бугун кўплаб нуфузли халқаро рейтингларда  
Марказий Осиё дунёнинг энг хавфсиз минтақалари қаторидан  
ўрин эгалламоқда.

Кейинги йилларда бу ерда фундаментал ижобий ўзгариш-  
лар рўй берди. Минтақа мамлакатлари ўртасида дўстлик, ўза-  
ро манфаат ва ишонч тамойилларига асосланган яхши қўшни-  
чилик муносабатлари изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё  
давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари мамлакат-  
ларимизнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни  
таъминлаш бўйича улкан салоҳиятини юзага чиқаришга ёрдам  
бермоқда.

Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифа-  
тида кўрар экан, минтақа давлатлари афғон халқига гуманитар  
ёрдам кўрсатмоқда, тинч иқтисодиётни қайта тиклашга ва ушбу  
мамлакатнинг минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга кўши-  
лишига ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон 14 та асосий универсал халқаро ҳуқуқий хуж-  
жатни имзолаган бўлиб, халқаро террорчиликка қарши курашиш  
йўлидаги глобал саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этмоқда.

Мазкур соҳадаги давлат сиёсати кенг қамровлилик, инклю-  
зивлик ва изчиллик ёндашувларига таянади. Барчамизга маълум-  
ки, бундай ёндашув ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари билан  
бир қаторда превентив ва профилактик чораларни биргаликда



олиб боришни, БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясининг асосий йўналишларини рўёбга чиқаришда нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол қатнашишини назарда тутди.

Бу ишда жамиятда ўзаро англашув муҳитини қарор топтириш ва мулоқотни ривожлантириш, низоларнинг олдини олиш, маънавий-маърифий тарбия, таълимни, шу жумладан, профессионал таълимни илгари суриш, бандликни таъминлаш, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш энг устувор йўналишлар ҳисобланади. Маданиятлараро ва динлараро мулоқот, аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда терроризмга қарши курашишнинг фундамен-тал асоси, бу – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлашдир. Ишончимиз қомилки, терроризмга қарши кураш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бир-бирини инкор этувчи эмас, балки тўлдирувчи ва мустаҳкамловчи мақсадлардир.

Аминманки, бугун сиз Қўшма ҳаракатлар режаси доирасидаги ҳамкорлигимизни ҳар томонлама таҳлил қилишингиз ва уни янги муҳим йўналишлар билан тўлдиришингиз мумкин.

Шу нуқтаи назардан, терроризм ва экстремизмга қарши бир-галикда курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қатор ташаббусларни кўриб чиқишни таклиф этамиз.

**Биринчи.** Шуниси аниқки, минтақада аксилтеррор стратегияни амалга оширишни муваффақиятли давом эттириш Қўшма ҳаракатлар режаси ижросининг боришини доимий мониторинг қилиш ва танқидий баҳолаш, Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамжихатликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмларини кучайтиришни тақозо этади.

Шу муносабат билан, минтақамизда БМТ Аксилтеррор бош-қармасининг офисини очиш зарурати аллақачон вужудга келган деб ҳисоблаймиз.



Марказий Осиёда терроризмга қарши курашиш йўлида ўзаро мувофиқлашган ҳамкорликдан максимал даражада уйғун самарага эришиш учун унинг хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан яқин алоқаларини таъминлашни таклиф этамиз.

**Иккинчи.** Бугун дунёнинг деярли барча мамлакатлари кибермакондаги терроризм билан тўқнашмоқда. Интернет радикал ғояларни тарқатиш, одамларни ёллаш, террорчилик ҳаракатларини молиявий таъминлаш, режалаштириш ва содир этиш воситасига айланмоқда.

Бундай шароитда давлатларимизнинг терроризм мақсадларида рақамли технологиялардан фойдаланишга қарши самарали курашиш соҳасидаги салоҳиятини ривожлантириш ғоятда муҳим аҳамиятга эга.

БМТнинг Аксилтеррор бошқармасини 2020 йилда қабул қилинган Марказий Осиёда киберхавфсизлик ва янги технологиялар бўйича дастурларини бажариш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга чақириб қоламиз.

Ушбу дастур доирасида кибертерроризм соҳасида тажриба ва маълумотлар, тадқиқотлар ва энг яхши тажрибалар алмашинувини ривожлантиришга қаратилган Марказий Осиёда кибертерроризм бўйича Ягона электрон тизимни яратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, кибермаконда хавфсизликка таҳдидларнинг трансчегаравий характерга эга эканлиги ахборот маконида экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларига қарши самарали курашиш имконини берувчи ягона халқаро ҳуқуқий механизмларни яратишни тақозо этмоқда. Бу масала юзасидан мулоқот ташкил этиш ва уни мувофиқлаштиришда БМТ кўмагига умид билдирамиз.

**Учинчи.** Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ҳарбий можаролар ҳудудидан 1500 нафардан зиёд ўз фуқарола-



рини ватанга қайтарди, уларни реабилитация ва реинтеграция қилишда ўзига хос ёндашувларни ишлаб чиқди.

Шу муносабат билан БМТнинг Аксилтеррор бошкармаси шафелигида Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи мутахассислари орасидан Минтақавий эксперт кенгаш таъсис этишни таклиф қиламиз. Радикал ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни реабилитация ва реинтеграция қилиш дастурларини такомиллаштириш ҳамда мамлакатларимизда терроризм тарғиботига қарши курашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш кенгашининг асосий вазифаси бўлади.

**Тўртинчи.** Терроризм ва экстремизмга қарши муваффақиятли курашишнинг энг муҳим шарти самарали ёшларга оид сиёсатдир. БМТнинг Ёшлар стратегиясида қайд этилганидек, ёшларда ўзини бир неча бор оқлайдиган бебаҳо ва ғоятда муҳим ресурс мужассамлашган.

Мамлакатларимиз келажаги ёш авлод қандай инсон бўлиб қамол топиши, қандай таълим ва тарбия олиши, биз улар учун қандай шароитлар ва “ижтимоий лифтлар” яратиб беришимизга боғлиқ.

Шу каби барча масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш учун 2023 йилда Самарқанд шаҳрида, илгари таклиф қилганимиздек, доимий фаолият юритадиган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари Ёшлари кенгашини чақиришни таклиф қиламиз. Учрашувлар якуни бўйича мамлакатларимиз ёшлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, ёш авлоднинг ўз иқтидорини намоён қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда экстремизм ва терроризм ғояларига қарши мустақам иммунитетни шакллантириш йўналишларида тажриба алмашишга доир батафсил Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш зарур.

**Бешинчи.** Хабарингиз бор, БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясида бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, жамиятнинг барча қатламлари иштирокида динлараро ва маданиятлараро му-



локот ғоялари ва тамойилларини илгари суриш муҳим ўрин тутди.

2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг Бош Ассамблеяси махсус “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилди. Резолюцияда сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро англашувни қарор топтириш алоҳида таъкидланган.

Келгуси йилда БМТ шафелигида юқори даражадаги “Маърифат ва диний бағрикенглик” конференциясини ўтказиш ҳамда конференция яқунлари бўйича БМТнинг Махсус резолюциясида мустаҳкамлаб қўйилган ғояларни илгари суриш йўлида амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олишни таклиф қиламиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз улар минтақавий ва глобал миқёсда самарали мувофиқлаштириб борилгандагина натижа беради.

Айнан шу сабабли ҳам бугунги форум, қабул қилинажак Тошкент декларацияси ва Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича янгиланган Қўшма ҳаракатлар режаси фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро конференциянинг барча иштирокчиларига сермаҳсул фаолият, қизиқарли муҳокамалар, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган янги таклиф ва ташаббуслар ишлаб чиқилишини тилайман.

2022 йил 3 март



## АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

Ассалому алайкум, азиз ва мўътабар онахонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Дилбар кизларим!

Шукуҳи ва қувончи тамоман ўзгача бўлган бугунги тантанамизда иштирок этаётган сиз, нафосат олами вакиллари, бутун мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайман. Барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Аввало, оилангиз ва яқинларингиз бахтига, қолаверса, аёл кадрини эъзозлаб яшайдиган эл-юртимиз бахтига соғ-омон бўлишингизни, доимо мана шундай гўзал баҳорий кайфиятда юришингизни тилайман.

Мухтарам юртдошлар!

Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганинг улуғ неъматини, тенгсиз мўъжизасини, деб билади, уни ҳамيشа ардоқлаб-асраб яшайди. Юртимиз заминидаги “Бибихоним”, “Қизбиби”, “Модарихон”, “Қирққиз” мажмуаси каби табаррук меъморий обидалар ҳам ана шундай азалий юксак эътибордан далолат беради.

Айни пайтда биз инсоният таракқиётига унутилмас ва бекиёс ҳисса кўшган буюк аجدодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улуғвор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан албатта фахрланамиз.



Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади.

Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда эътиборингизни айрим мисолларга қаратмоқчиман.

“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” деган эзгу тамойил асосида, 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Хусусан, 18 мингга аёлларга уй-жой харид қилиш учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Боқувчисини йўқотган аёлларнинг фарзандлари учун боғча харажатларини бюджетдан қоплаш тартиби жорий этилди.

Яна бир муҳим рақамга эътибор беринг. Фақатгина 2021 йилнинг ўзида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд кредит ва субсидиялар ажратилди. Натижада 320 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз доимий иш ва даромадга эга бўлдилар.

Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2021 йилда эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар олийгоҳларга давлат гранти асосида қабул қилинди, яна шунча талаба қизларга контракт пуллари тўлаб берилди.

Аёллар таълимига алоҳида эътибор бераётганимиз туфайли ўтган йили олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.



Агар бундан олти йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар кизларимиз таҳсил олишган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 400 минг нафарга етди ёки уларнинг улуши 2016 йилдаги 38 фоиздан айти пайтга келиб қарийб 50 фоизга етди.

Бу натижалар ҳам ушбу йўналишдаги ислохотларимизнинг амалий ифодаси, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам фикримга қўшиласизлар.

Ҳар қандай халқнинг етуклик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, окила ва ўқимишли оналар миллатнинг буюк келажагини яратишлари ҳаммамизга яхши аён. Шу боис донишмандлар “Битта киз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз”, деб бежиз таъкидламаганлар.

Қизларимизнинг замонавий билимлар ва касб-ҳунар эгаси бўлиб, жамиятда ҳамда ўз оиласида муносиб ўрин топиши учун бошлаган ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз. Бу борада, аввало, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастурини қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат доирасида пойтахтда хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда унинг техникумларини ташкил этамиз. Барча талаба қизларга таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилинади.

Ушбу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида илмий изланиш ва кашфиётлари билан юртимиз равнақига катта ҳисса қўшиб келаётган олима аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз.

Маълумки, бугунги кунда опа-сингилларимиз орасида ўнлаб академик ва профессорлар, фан докторлари ва фан номзодлари, юзлаб истеъдодли тадқиқотчилар бор. Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш – бу игна билан кудук қазишга баробар.



Мен ўзим шу соҳадан чиққаним учун бу ишнинг нақадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам оила ташвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришаётган олима аёлларни шахсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари деб биламан ва юксак қадрлайман.

Зукко ва билимдон хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиши ва иштиёқини ошириш мақсадида биз бир қанча муҳим чора-тадбирлар белгиладик. Жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган барча қизларнинг контракт пулларини тўлиқ бюджетдан қоплаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади; докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Бу ишларни тизимли равишда ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида “Олима аёллар жамияти” тузилади. Ушбу жамият мамлакатимизда ва хорижда илм-фан соҳасида юксак ютуқларга эришаётган олима аёлларимизни жипслаштириб, уларнинг ақл-заковат нурини ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб бориши учун ўзига хос парвоз майдонига айланади.

Заҳматқаш олималарнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш, улар учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш мақсадида “Олима аёллар жамияти”га ҳар йили 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Умуман олганда, юқорида айтилган барча мақсадларга жорий ва келгуси йил учун 1,8 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Хабарингиз бор, яқинда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам бу борада олдимизда турган энг муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилиб олдик. Шу асосда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди.



Ушбу вазифаларни тизимли ва самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди.

Шу тариқа опа-сингилларимизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шуғулланадиган адолатли ва самарали тизим яратилди.

Энди мамлакатимизда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ёндашувлар ҳам тубдан қайта кўриб чиқилади. Жумладан, эҳтиёжманд аёлларга зарур шароитлар яратиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида ишлаётган хотин-қизлар сонини янада кўпайтириш мақсадида “Бизнесчи аёллар” дастури қабул қилиниб, унинг доирасида 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилади. Бу муҳтож аёлларни 12 мингта қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради.

Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг кўламли ишлар ижроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Барча ҳудудларимизда жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган “Оқила аёллар” ҳаракатини сизлар билан бирга ташкил этсак, бу эзгу ҳаракат том маънода жамиятимиз овозига, маҳалла виждонига айланади, деб ўйлайман.



Шунингдек, мулкчилик шаклидан катъи назар, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун “Аёллар кенгашлари” тузилмоқда.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: хотин-қизлар ва онла масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир.

Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади. Дуогўй момоларимиз, муштипар оналаримиз ва азиз опа-сингилларимиз бу эхтиром ва эътиборнинг албатта кадрига етадилар. Аёл кадри, инсон кадри улуғланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва баракка албатта барқарор бўлади.

Ҳурматли байрам тадбири қатнашчилари!

Ҳозирги кунда хотин-қизлар мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислоҳотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Биз республикамиз бошқарув тизимида, парламент ва маҳаллий кенгашларда, турли соҳаларда билимдон ва фидойи опа-сингилларимизнинг улушини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратамиз. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада кучайтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, она Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сизлар каби минг-минглаб жонкуяр аёллар, фаол қизларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шу билан бирга, бугунги файзли даврамизда иштирок этаётган дипломат хонимларни – хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам чин дилдан самимий қутлайман. Сизларга ўзаро манфаатли ва кўпқиррали муносабатларимиз ривожига кўшаётган муносиб ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур изҳор этаман.



Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Марказий Осиё масалалари бўйича махсус вакили Наталия Герман хоним олияларини бугунги байрамда иштирок этаётганликлари учун алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Бугунги байрам билан ушбу меҳмонимизни ҳам самимий табриклаб, минтақамизда якин кўшничилик ва кўпқиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз жонажон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу ва шарафли йўлда энг аввало, оиланинг муқаддас кадриятларига ва чин мураббий бўлган оналаримизнинг теран маънавиятига таянамиз.

Шу боис мен сизларга мурожаат этиб айтмоқчиман.

Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун янги тарихий даврга қадам қўйдик.

Фарзандларимиз қалбига улуғ мақсадлар, олижаноб ғояларни сингдириш – барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир.

Юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш албатта сизларга боғлиқ. Бу – ёруғ келажакка йўналтирилган энг катта инвестиция ва битмас-туганмас бойликдир.

Шу ўринда шижоатли ва дилбар қизларимга ҳам кўнглимдаги бир фикрни айтмоқчиман.

Бугун биз эркин ва очик жамиятда яшамоқдамиз. Бу имкониятдан тўғри фойдаланиб, давр билан ҳамқадам бўлишимиз, замонавий илм ва касб-хунарларни эгаллаб, илғор тараккиёт ютуқларини ўзлаштиришимиз, айти вақтда миллий ўзлигимизга содик қолишимиз керак. Сизлар эл-юртимизнинг ана шундай юксак умиди ва ишончига муносиб бўласизлар, деб ишонаман.



Қадрли ватандошлар!

Маълумки, турли соҳаларда ўз иқтидорини намоён этиб келётган истеъдодли кизларимизни ҳар йили мана шу кутлуг байрам арафасида Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш яхши анъанамизга айланган.

Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилиб, совриндорлар сафида турган яна 28 нафар зукко фарзандларимни кўриб, қалбим чексиз фахр ва қувончга тўлмоқда. Сизлар каби юксак марраларга интилувчан кизларимни чин юракдан табриклаб, намунали фаолиятингиз ва етакчилик фазилатларингиз билан тенгдошларингизга ўрнатиб бўласизлар, деб ишонаман.

Шунингдек, ушбу файзли лаҳзаларда кўп йиллар давомида давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, фидойи меҳнати билан ўз соҳасида катта ютуқ ва натижаларга эришаётган бир гуруҳ аёлларимизни юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаймиз.

Сизларнинг ҳар бирингиз ўз ғайрат-шижоатингиз, тафаккур ва тажрибангиз билан Янги Ўзбекистонимиз равнақи ва она халқимиз фаровонлиги учун беқиёс хизмат қилмоқдасиз.

Эл-юрт эътибори ва чексиз меҳрини қозонган ҳар қандай киши ўзини бахтиёр ҳис этишга ҳақлидир.

Шу маънода, давлатнинг юксак мукофотларига сазовор бўлиш, бу аввало, халқнинг назарига тушиш, унинг дуосини олиш демакдир.

Бугунги қувончли айёмда сизларга, азиз опа-сингилларим ва мунис кизларимга ана шу мукофотларни топшириш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Суюкли кизларим!

Барчангизни яна бир бор бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриклайман.



Сизларга дунёдаги энг бебахо бойлик – оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юриш қувончи ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Иқболингиз баланд, умрингиз узок, ҳаётингиз фаровон бўлсин!

Қалбингиз доимо баҳордек яшнаб турсин!

Ҳамиша соғ-омон бўлинглар!

*Халқаро хотин-қизлар кунига  
бағишланган тантанали маросимдаги нутқ*

*2022 йил 7 март*



## КУЧЛИ ВА САМАРАЛИ ТИББИЁТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Ҳурматли тиббиёт соҳаси вакиллари, йиғилиш қатнашчилари!  
Юртимизда гўзал баҳор нафаси кезиб юрган мана шу ёруғ  
кунларда – Наврўзи олам арафасида тиббиёт соҳасининг жонкуяр  
вакиллари бўлган сиз, муҳтарам юртдошларимиз билан дийдор  
кўришиб турганимдан беҳад мамнунман.

Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, фақатгина соғлом халқ,  
баркамол миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Эл-юртимиз азалдан шифокорларни инсон саломатлигини  
асрашдек эзгу ва савобли ишга бутун борлигини бағишлаган  
фидойи зотлар, деб билади ва ҳамиша кадрлайди. Чунки одамлар  
сизларга ўзларининг энг бебаҳо бойликларини – ҳаётларини ишо-  
ниб топширади. Буюк бобомиз Абу Али ибн Синонинг: “Ин-  
сон дардига дармон бўлмоқ – олижанобликнинг энг юксак  
намунасидир”, деган сўзлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Туб ислохотларимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб биз  
халқимиз соғлигини мустаҳкамлашга энг устувор вазифа деб  
қараб келмоқдамиз. Ўтган беш йилда бу борада катта ишларни  
амалга оширдик, илғор хорижий ютуқларни ўрганиб, етарли  
тажриба тўплادик. Келгуси беш йилда ҳам аҳолимизни сифатли  
ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, соғлом турмуш  
тарзини кенг қарор топтиришни Янги Ўзбекистон тараққиёт  
стратегиясининг энг муҳим йўналиши сифатида белгилаб олдик.

Бугун сизлар билан соғликни сақлаш соҳасининг умумий  
аҳволи, уни ривожлантириш масалалари, тизимдаги долзарб



муаммоларни очик-ойдин муҳокама қилиб, навбатдаги вазифаларни аниқлаб оламиз.

Мен ҳар сафар ҳудудларга борганимда, албатта тиббиёт масканларига киришга, шифокорлар билан учрашишга ҳаракат қиламан. Лекин сизлар билан мана шундай кенг даврада, очик мулоқот шаклида биринчи марта кўришиб турибмиз.

Бугун соҳадаги ютуқни – ютуқ, камчиликни – камчилик деб айтиб, тизимдаги “касалликлар”га тўғри диагноз қўйиб, уларнинг давосини топишга ҳаракат қилишимиз зарур.

Тиббиёт шундай соҳаки, унга дахлдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз, тиббиёт муассасаларига кунда-кунора мурожаат қилмаган кишини топиш қийин.

Барчамизга аёнки, одам соғлом бўлмаса, унга иш ҳам, моддий неъматлар ҳам, ҳаёт қувончлари ҳам татимайди. Шу боис ўз фуқароларининг соғлиғини ҳимоя қилиш, кучли ва самарали тиббиёт тизимини шакллантириш – халқпарвар давлатнинг энг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Албатта, касалликни кечикиб даволагандан кўра, унинг олдини олган ҳар томонлама афзалдир. Имом Мотуридий ҳазратларининг: “Тириклик қадрига соғлик пайтингда етгил”, деган сўзларида чуқур маъно бор.

Юртимизда ҳар куни янги фарзандлар туғилмоқда. Аҳолимиз сони ҳозирги вақтда 35 миллиондан ошди.

Бу ўз навбатида, халқимизга муносиб турмуш шароити яратишни, аввало, тиббиёт соҳасида олиб бораётган ишларимизни мутлақо янги босқичга кўтаришни тақозо этади.

Бу борада ўтган даврда кўп ишларни амалга ошириб, салмоқли натижаларга эришдик. Лекин ҳали қатор муаммолар, камчилик ва нуқсонлар ўз ечимини кутиб турибди. Шу сабабли соҳадаги вазиятни танқидий таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни тизимли ҳал қилиш вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Ҳурматли соғлиқни сақлаш ходимлари!

Сизларга маълумки, охириги йилларда тиббиёт соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин оширилди. Жумладан,



2022 йилнинг ўзида соҳага бюджетдан 24 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 4 баробар кўп маблағ йўналтирилмоқда.

Ўтган беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар кўпайтирилди. Шу даврда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш учун халқаро молия ташкилотларидан 700 миллион доллардан зиёд маблағлар жалб қилинди.

Буларнинг ҳисобидан тизимда нима ўзгарди?

Энг аввало, бирламчи тиббиёт бўғинини мутлақо янги ёндашувлар асосида тубдан ўзгартиришга киришдик. Бу борада ўтган йилдан бошлаб ҳар бир маҳаллада “хонадонбай” ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилди. 2021 йилдан бошлаб бирламчи бўғинда аҳолини 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда шамоллаш, қон босими, юрак хуружи, қандли диабет, ошқозон ва нафас йўллари касалликларини даволаш учун энг зарур дориларни одамларимиз ортиқча сарсон бўлмасдан, оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникалардан олишмоқда.

Аҳолига сифатли тиббий ёрдамни кенгайтириш мақсадида бирламчи тизимга 20 мингта ўрта тиббиёт ходимлари қўшилди. Шунингдек, қишлоқларда жойлашган 801 та оилавий поликлиника янги замонавий “УЗИ” ва “ЭКГ” аппаратлари билан таъминланди. Шу орқали қишлоқ ва маҳаллаларда 8 турдаги янги тиббий хизматлар йўлга қўйилди. Жумладан, саломатлик кўрсаткичлари бўйича хавф гуруҳига кирган 12 миллион аҳолини мақсадли скринингдан ўтказиш бошланди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, сифатли тиббий хизматларни “маҳаллагача тушириш” бўйича муҳим қадамлар бўлди.

Бундан ташқари, юқори малака ва технологияларни талаб қиладиган тиббий хизматлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Авваламбор, ҳудудларда 23 та республика ихтисослашган тиббиёт марказининг юздан ортиқ филиаллари ўз фаолиятини



бошлади. Натижада илгари пойтахтда амалга оширилган 210 турдаги операция ва диагностика жараёнларини маҳаллий шифохоналарда ўтказиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, 130 турдаги жарроҳлик амалиётлари вилоят шифохоналарида, 60 тури эса туманларда биринчи марта йўлга қўйилди. Сўнгги беш йилда 200 турдаги янги жарроҳлик амалиёти жорий этилгани, жумладан, буйрак ва жигар трансплантацияси республикамиз шифохоналарида йўлга қўйилгани айниса эътиборлидир. Мисол учун, пойтахтимиз ва ҳудудларда ўтказилган буйрак трансплантацияси орқали шу кунгача 700 га яқин фуқароларимизнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ҳаммангиз яхши биласиз, авваллари ҳар йили минглаб юртдошларимиз даво истаб чет элга боришга мажбур эди. Тасаввур қилинг, одам ўзи оғир касал бўлса, қанча вақт, қанча маблағ сарфлаганидан ташқари, жонини ҳам хатарга қўйиб, бегона юртларда сарсон бўлиб юрарди.

Эндиликда яратилган янги шароит ва имкониятлар ҳисобидан илгари хорижда бажарилган қиммат операциялар ўзимизнинг шифокорлар томонидан амалга оширилаётгани албатта катта ютуқдир.

Ахир, бир одамни дарддан халос қилиб, соғлиғини тикласак, ҳаётга қайтарсак, бу – бутун оиланинг бахтини, келажагини таъминлаш дегани эмасми?

Хабарингиз бор, яқин-яқингача эҳтиёжманд аҳолининг республика тиббиёт марказларида даволаниши учун “ордер” деган бир эски тизим бор эди. Ушбу “ордер”лар қоғоз шаклида юритилиб, аксарият ҳолларда таниш-билишчилик асосида бериб келингани ҳеч кимга сир эмас.

Шу билан бирга, “ордер” учун маблағлар республика тиббиёт марказларига бемор келса-келмаса, унинг миқдори етарлими ёки йўқми, бундан қатъи назар, ҳар йили ўтказиб келинган. Оқибатда ҳақиқий эҳтиёжи бор аҳоли даволаниш учун йиллаб навбатда турган бир вақтда айрим марказлар самарасиз



молиялаштириб келинган. Биз бундай амалиётдан тўлик воз келиб, эҳтиёжманд аҳоли учун республика тиббиёт марказларида хизмат кўрсатишнинг очик ва шаффоф, янги тизимига ўтдик.

Энди ихтисослашган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўлланма ҳақиқий эҳтиёжи бор аҳолига “электрон навбат” асосида берилмоқда. Энг муҳими, бу тизимга асосан маблағлар марказга эмас, балки даволаниши зарур бўлган аниқ беморга ажратилмоқда.

Мисол учун, илгари туғма юрак нуқсони бор болага операция учун республика марказига 3 миллион сўм маблағ ажратилган. Қолган 20–30 миллион сўмлик харажатни эса ота-онаси кўтаришга мажбур бўлган. Эндиликда эса, ушбу операция учун зарур маблағ давлат томонидан тўлик қопланмоқда ва ҳар бир бемор учун манзилли ажратилмоқда.

Тиббиёт тизимидаги энг катта ўзгаришлардан яна бири – давлат шифохоналари билан бирга хусусий медицина ҳам ривожланмоқда. Масалан, аввал бундай хизматлар фақат стоматология бўйича кўрсатилган бўлса, ҳозир хусусий клиникалар деярли барча йўналишларда фаолият юритмоқда ва уларнинг сони 8 мингтага етди.

Хусусий тиббиёт учун солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидияларни қамраб олган кўллаб-қувватлаш тизими жорий этилди. Натижада биргина солиқ имтиёзлари ҳисобидан сўнгги беш йилда хусусий сектор ихтиёрида 1,3 триллион сўм маблағ қолди.

Ҳамма соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам барча масалаларни малакали кадрлар ҳал қилади. Бу борада буюк олим Гиппократнинг: “Табобат – барча илм ва ҳунарлар ичида энг кийини ва шарафлиси”, деган сўзлари айни ҳақиқатдир. Шу боис бугун тиббий таълим муассасалари сонини кўпайтириш, уларда чуқур билим ва малакага, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Мисол



учун, сўнгги беш йилда 6 та янги тиббиёт олийгоҳи ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 14 тага етказилди, қабул квотаси эса 4 баробар ошди.

Худудларни малакали мутахассислар билан кафолатли таъминлаш мақсадида вилоятлар буюртмасига асосан манзилли ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилди, олис ва чекка қишлоқларга ишга борадиган битирувчилар учун “Қишлоқ шифокори” дастурини амалга ошириш бошланди. Шунингдек, 1,5 минг нафар шифокорлар нуфузли хорижий клиника ва университетларда малакасини оширди.

Шу ўринда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларимизни кўллаб-қувватлаб, бизга амалий ёрдам бериб келаётган ва бугунги анжуманимизда иштирок этаётган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Германия тараққиёт банки, ЮНИСЕФ, ЮСАИД, КОВАКС, ЖАЙКА, ТИКА, КОЙКА, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия ривожлантириш жамғармаси ва кўплаб бошқа ҳамкор ташкилотлар вакилларига самимий миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Қадрли дўстлар!

Биз бугунги мулоқотни ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрдик, ҳам шифокор, ҳам беморларнинг фикрларини эшитдик.

Кенг жамоатчиликдан, халқаро экспертлардан кўплаб таклиф ва мулоҳазалар олдик. Ташкил этилган “Call-марказ”га 25 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг орасида алоҳида аҳамиятга молик бўлган яна бир муҳим масала кўтарилган бўлиб, ижозатингиз билан аввало шу ҳақда тўхталиб ўтмоқчиман. Бу масала соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, аҳоли, айниқса, миллатимиз, халқимизнинг генофондини сақлашни конституциявий асосда алоҳида ҳимоя қилинадиган соҳага айлантириш билан боғлиқ.

Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда инсон ва унинг қонуний манфаатлари ҳамда конституциявий ҳуқуқлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислохотлар



нинг марказига кўйилмоқда. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари жамиятимизда олий кадрият ҳисобланади.

Амалдаги Конституциямизнинг 40-моддасида: “Ҳар бир киши малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”, деб белгилаб кўйилган. Биз халқимиз соғлиғини сақлаш соҳасида улкан мақсад ва вазифаларни олдимизга кўяётган ҳозирги шароитда ушбу конституциявий модданинг ўзи етарли эмас.

Бугун замон биздан тиббиёт тизимимизнинг конституциявий асосларини янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Шунинг учун Асосий қонунимизда миллий соғлиқни сақлаш тизимини аҳоли саломатлигини сифат жиҳатидан яхшилашга хизмат қиладиган юксак малакали замонавий соҳага айлантириш масаласи ҳам, ҳеч шубҳасиз, тўғридан-тўғри амал қиладиган конституциявий қоида сифатида ўз ифодасини топиши зарур.

Ўзбекистон фуқаролари қонунда, энг аввало, Конституциямизда белгилаб кўйилган кафолатли тиббий ёрдам турларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шу мақсадда биз турли тиббий суғурта шакллари ривожлантириш учун конституциявий асос яратишимиз керак.

Давлат ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятни англаган ҳолда, атроф-муҳитни асрашга қаратилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириши шарт. Чунки соф ва тоза экологик муҳитсиз аҳоли соғлиғи ва миллат генофондини сақлаш ҳақида сўз юритишдан маъно йўқ. Бу ҳақда гапирганда, мен аввало, бугунги кунда экологик офатдан зарар кўраётган Оролбўйи минтақаси ҳақида ўйлайман.

Айни вақтда экология соҳасидаги ҳуқуқ бузилишлари оқибатида фуқаролар соғлиғига етказилган зарарни коплаб бериш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олиши керак. Бу ҳам Бош қонунимизда аниқ-равшан белгиланиши зарур.

Шу билан бирга, Конституциямизда тиббиёт ходимларининг юксак мақомини таъминлайдиган қоида ҳам муҳрлаб кўйишимиз лозим.



Мурожаатларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг 8 минг 400 таси ёки 32 фоизи шахсий масалаларга оид бўлиб, бугунга қадар уларнинг 90 фоизи ҳал қилинди. Қолганлари ҳам қисқа муддатларда ўз ечимини топади.

Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари ва аҳолимиз томонидан келиб тушган мурожаатларнинг 68 фоизи ёки 17 мингтаси тизимли масалалар ҳисобланади. Мисол учун, айрим тиббиёт муассасалари аҳоли учун узоқ ва ноқулай жойлашган. 3 мингдан ортиқ маҳалла аҳолиси оилавий шифокорлик пунктига бориш учун 10 километрдан 75 километргача йўл босишга мажбур бўлмоқда. Тиббий хизматлар аҳоли эҳтиёжига, ҳудудлардаги одамларнинг турмуш тарзига, маълум бир касалликларнинг кўпайишига қараб белгиланмаган.

Масалан, Қашқадарёда юрак-қон томир касалликлари биринчи ўринда бўлиб, ҳар йили камида 10 фоизга ошмоқда. Лекин кардиологлар штати ва шифохона ўринлари сони сўнгги 20 йилда ўзгармасдан келмоқда.

Бирламчи бўғинда 70 фоиз тиббий асбоб-ускуналар эскиргани туфайли кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати пастлигича қолмоқда. Шифокорларнинг ойлик маоши иш натижасига қараб эмас, лавозим тариф сеткасига кўра белгиланган. Таълим ва амалиёт бир-биридан узилиб қолган, тиббиёт олийгоҳларида битирувчиларнинг аксариятида иш фаолияти учун зарур амалий кўникма етишмайди.

Мана шундай камчилик ва нуқсонлар сабабли аҳоли тиббиёт тизимидан ҳали тўлиқ рози эмас. Шунинг учун мурожаатларда келтирилган масалаларни чуқур ўрганиб, уларни тизимлаштириб, 7 та муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик. Ҳар бир банд бўйича аниқ молиявий манбалар, техник ечимлар ва амалий механизмлар белгиланди.

**Биринчи йўналиш** – мурожаатларнинг 55 фоизи бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш билан боғлиқ.



Мисол учун, Каттакўрғон туманидаги “Жизмон” маҳалласи аҳолиси тиббий хизматлар учун 48 километр масофани босиб, туман марказига боришга мажбур бўлмоқда. Вобкентдаги 3 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган “Бозор жойи” маҳалласида оилавий поликлиника мавжуд эмас. Олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси оилавий шифокор пунктларида врачлар етишмаслиги сабабли зарур тиббий хизматлар олиш имконияти йўқлиги ҳақида шикоят қилган. Ҳақиқатан ҳам, 56 та тумандаги 243 та олис ва чекка маҳаллада 562 та шифокор лавозими вакант бўлиб турибди.

Ёки Мингбулок туманидаги 4 та оилавий шифокор пункти ходимлари ҳар ҳафтада 10 километрдан узоқ масофада жойлашган 15 та маҳалладаги 750 нафар беморнинг уйига бориб, уларни кўриқдан ўтказишга мажбур бўлмоқда. Ҳолбуки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, бирламчи тиббий хизмат пункти 3 километр узоқликда ёки пиёда борилса, 20 дақиқалик масофада жойлашган бўлиши керак.

Шу боис жойларда фуқароларимизга тез, қулай ва сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича манзилли чоратадбирларни амалга оширамиз. Бунинг натижасида 85 фоиз муаммоларни бирламчи тиббиёт муассасаларида ҳал қиладиган тизим яратилади.

**Авваламбор**, жойларда поликлиникалар тармоғи янада кенгайтирилади. Жумладан, 2022 йилда 136 та ва 2023 йилда яна 140 та янги поликлиника фаолияти йўлга қўйилади. 2023 йилдан бошлаб жойлардаги поликлиника филиаллари негизида 1 минг 100 та оилавий шифокор пунктлари ташкил этилади. Шу тариқа қарийб 1 миллион нафар аҳоли тиббий хизмат билан камраб олинади.

Шунингдек, 2 мингдан зиёд олис ва чекка маҳаллаларда тиббиёт пунктлари ташкил этилади. Улар орқали ушбу маҳаллаларда 4 миллион аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.



Хабарингиз бор, 2021 йилдан бошлаб бошқа жойдан олис ва чекка ҳудудларга камида уч йил ишлаб бериш учун келган шифокорларга 30 миллион сўм миқдорида бир марталик рағбат пули тўлаш, уларни хизмат уйи билан таъминлаш ёки ижара тўловини бюджетдан коплаб бериш тизимини жорий этган эдик.

Энди “Қишлоқ шифокори” дастури янада такомиллаштирилади ва 2022 йил 1 майдан бошлаб олис ва чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган шифокорларнинг ойлик иш ҳақи-га 2 миллион сўмдан кўшимча устама тўланади. Ушбу шифокорларга ипотека асосида уй-жой сотиб олиш харажатининг 50 фоизгача қисми маҳаллий бюджетлардан коплаб берилади. Бундан буён олис ва чекка ҳудудда узлуксиз уч йил ишлаган шифокор клиник ординатурага имтиҳонсиз қабул қилинади.

Яна бир масала – хабарингиз бор, иқлим ва аҳолининг турмуш тарзи ўзгариши (кам ҳаракатлилик, нотўғри овқатланиш) оқибатида дунёда асаб тизими, юрак-қон томир, диабет касалликлари тобора кўпайиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам, афсуски, ҳар йили шундай касалликларга учраган юз минглаб беморлар қайд этилмоқда. Лекин туман касалхоналарида бундай касалликлар бўйича ётиб даволанадиган бўлимлар йўқлиги сабабли беморлар вилоят ва республика шифохоналарига боришга мажбур бўлмоқда.

Энди ана шу касалликлар бўйича аҳолининг ўзи яшаётган жойда ихтисослашган тиббий ёрдам олиш имкониятлари кенгайтирилади. Жумладан, 2022 йилда туман марказий шифохоналаридаги ўринларнинг 10 фоизи неврология, эндокринология, кардиология касалликлари учун ажратилиб, бюджетдан молиялаштирилади. Бу кўрсаткич 2023 йилда 20 фоизга етказилади.

**Иккинчидан**, ҳар йили 2 мингдан зиёд малакали шифокорлар пенсияга чиқади. Келиб тушган мурожаатларда уларнинг 60 фоизи ўз фаолиятини давом эттириш истагини билдирган.

Бирламчи тизим камровини кенгайтириш ва юкламани камайтириш мақсадида биз эндиликда бундай тажрибали шифо-



корларнинг якка тартибдаги оилавий шифокорлик фаолиятини юритишига рухсат берамиз. Бунинг учун алоҳида клиника очиш талаб этилмайди, балки бу тоифадаги шифокорлар ўз уйида ёки ижарага олинган бинода тиббий хизматлар кўрсатиши мумкин бўлади. Якка тартибдаги оилавий шифокорларга аҳолига бепул кўрсатилаётган хизматлари учун тўлов босқичма-босқич Давлат тиббий суғурта жамғармаси орқали берилади. Ушбу тажрибани дастлаб Сирдарё вилоятида бошлаймиз. Кейинчалик, зарур тайёргарликдан сўнг, бу тажриба босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий этилади.

**Учинчидан,** оилавий шифокор пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли поликлиникаларда стационар тиббий хизматлар кундузи соат 13.00 га қадар ишлайди. Шу сабабли аксарият аҳоли шифокор назорати талаб қилинмайдиган кечки даво олиш учун ҳам шифохонага ётишга мажбур.

Бу борада, яъни бирламчи тизимда кундузги стационарлар иш вақтини узайтиришни сўраб, 500 дан ортиқ мурожаат келиб тушган. Шу боис оилавий шифокор пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли поликлиникаларда кундузги стационар иш вақти соат 20.00 гача узайтирилади. Уларда ишлайдиган шифокор ва ҳамшираларнинг иш ҳақиға қўшимча устама тўланади.

**Тўртинчидан,** аҳолимизнинг 11 миллион нафарини 18 ёшгача болалар ташкил этади. Лекин, афсуски, аксарият туман ва шаҳарларда болалар поликлиникаси мавжуд эмас. Оқибатда бирламчи бўғинда болаларга манзилли ва малакали тиббий хизматлар кўрсатилмагани учун уларни даволаш ихтисослашган шифохоналар зиммасига тушмоқда.

Аҳолининг кўплаб эътирозлари ҳам поликлиникаларда болалар учун шароит йўқлиги билан боғлиқ. Энди бу тизимни ўзгартириш вақти келди. 2022 йил 1 майдан бошлаб барча кўп тармоқли марказий поликлиникаларда болалар бўлими ташкил этилади. 17 мингдан зиёд тиббиёт бригадаларига яна қўшимча 8,5 мингта болалар ҳамшираси ва доя (акушер) штатлари



Берилади. Улар оналарга болаларнинг соғлом бўлиб дунёга келишидан тортиб, вояга етгунига қадар тўғри парвариш қилишни ўргатади.

Болалар учун профилактик кўриклар дастури қайта кўриб чиқилиб, 18 ёшгача бўлган болаларни педиатр, стоматолог, эндокринолог, ортопед каби энг зарур мутахассислар томонидан манзилли кўриқдан ўтказиш тизими жорий қилинади.

Маълумки, 2021 йилдан бошлаб болалар учун овқатни бойтадиган қўшимчалар, витамин А ва гижжага қарши антигельминт препаратларни бепул бериш йўлга қўйилди. Ушбу ишларни давом эттирган ҳолда, 2022 йил 1 июлдан бошлаб 3–15 ёшли болаларга йод препаратлари давлат томонидан бепул тарқатилади. Бу орқали келгуси беш йилда болаларда буқоқ, камқонлик касалликларини 30 фоизга камайтириш, уларнинг ақлий ва жисмоний соғлом ривожланиши учун катта асос яратилади. Бу мақсадлар учун жорий йилда 60 миллиард сўм йўналтирамиз.

Яна бир масала – болаларга бирламчи бўғинда кўрсатилаётган тиббий хизматларни юқори технологик амалиётлар билан боғлаш зарур. Бу борада Республика ихтисослашган педиатрия марказида генетик лаборатория ҳамда унинг 13 та ҳудудий бўлимлари ташкил этилади. Ушбу лаборатория болалар орасида ногиронликка олиб келувчи, жумладан, кам учрайдиган (орфан) касалликларни эрта аниқлаш бўйича генетик текширувлар ўтказадиган замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланади. Бунинг учун 15 миллион доллар жалб қилинади.

Шунингдек, республикада спинал мушак атрофияси диагнози қўйилган бемор болаларга зарур дори воситаларини бепул етказиб бериш тизими жорий этилади. Бунга ҳар йили 110 миллиард сўм ажратилади.

Шу билан бирга, республикада бўйича 46 та туманлараро перинатал марказлар ташкил этилиб, уларда чақалоқлар реанимацияси бўлимлари фаолияти йўлга қўйилади.

Ҳаммамизга аёнки, фарзанд – бу ҳаёт қувончи, авлод давомчиси. Дунёга келаётган ҳар бир гўдакнинг соғлом ва баркамол



бўлиб вояга етиши, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун биз бундан буён ҳам барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бешинчидан, Маълумки, хусусий тиббиёт учун солиқ имтиёзлари ва субсидияларни қамраб олган қўшимча қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилган.

Хусусий клиникалардан тушган қўплаб мурожаатларда хориждан олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва буюмлари, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, сарфлов материалларига қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бериш сўралган. Бу масаланинг муҳимлигини эътиборга олиб, жорий йил 1 апрелдан бошлаб тиббиёт ташкилотлари томонидан чет элдан олиб кириладиган тиббий жиҳозлар, буюмлар, асбоб-ускуна ва материаллар 2025 йил 1 январгача қўшилган қиймат солиғи ва божхона божидан озод қилинади.

Мурожаатларда, шунингдек, хусусий клиникаларга малакали мутахассисларни жалб этишда Ўзбекистонда ишлаш рухсатномаси учун 700 мингдан 40 миллион сўмгача тўлов мавжудлиги кўрсатилган. Ушбу талаб ҳатто қисқа муддатда юқори технологик операциялар ҳамда шифокорларга “мастер-класс” ўтказишга таклиф этилган мутахассисларга ҳам қўлланган.

Бундан ташқари, хусусий клиникалар мамлакатимизга тиббий туризм орқали даволанишга келган хорижий фуқаролар учун “туризм йиғими” тўлашга мажбур.

Ушбу муаммоларга тўғри ечим топиш учун 2022 йил 1 апрелдан бошлаб хорижий шифокорларга Ўзбекистонда ишлаш рухсатномасини бериш бўйича тўловлар миқдори кескин камайтирилади, хусусий клиникалардан “туризм йиғими” ундириш бекор қилинади. Хусусий тиббиёт муассасалари учун лицензия олишда санитария ва қурилиш талаблари тубдан қайта кўриб чиқилади.

Бир нарсани аниқ тушуниш зарур. Тиббиётда соғлом рақобат бўлсагина, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ошади, энг асосийси, одамларимиз рози бўлади. Шунинг учун соҳага хусусий



секторни фаол жалб этиш, уларга тизимнинг ажралмас қисми сифатида ўнг кўз билан қараш керак. Бунда хусусий тиббиётни ривожлантириш учун фақат солиқ ва божхона имтиёзлари, арзон кредитлар беришнинг ўзи етарли эмас. Уларга давлат шифоналари билан тенг шароитларда ишлаш учун имконият яратиш керак. Бу муҳим масалада соғлиқни сақлаш тизими ва ҳудуд раҳбарлари ўз ёндашувларини ўзгартириши зарур.

Айтинг-чи, қайси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш мутасаддилари ўз ҳудудида янги тиббиёт муассасаси қуриш ёки янги бир тиббий жиҳоз олишдан аввал ўша ердаги мавжуд хусусий клиникалар имкониятини ўрганиб кўрган?

Афсуски, бирон-бир ҳудуд ёки соҳада бундай таҳлил ҳам, ёндашув ҳам йўқ. Шунинг учун давлат ва хусусий тиббий хизматларни ягона тизим асосида ривожлантириш бўйича ўзаро ҳамкорлик механизмлари ишлаб чиқилади.

Очиқ айтиш керак, кўплаб хусусий клиникалардаги шароит, кўрсатилаётган хизматлар сифати давлат шифоналаридан анча олдинга ўтиб кетган. Бундан фақат хурсанд бўлишимиз керак.

Бугунги кунда минглаб ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларимиз давлат шифоналарида бепул ихтисослашган тиббий хизмат олиш учун навбат кутмоқда.

Бундан буён аҳоли имтиёзли йўлланма билан нафақат давлат шифоналарига, балки ўзи танлаган хусусий клиникаларга ҳам бемалол бориши мумкин бўлади. Даволаниш учун ажратилган маблағ эса беморнинг ортидан боради.

Такрор айтаман – биз учун тиббиёт масканининг мулк шакли муҳим эмас. Энг асосий мақсадимиз – одамларимизнинг соғлиғини асраш, уларнинг дардига дармон бўлишдан иборат.

**Олтинчидан,** аҳолини арзон, сифатли дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан узлуксиз таъминлашимиз керак. Бу борада фуқароларимиздан 550 та мурожаат келиб тушган.

Умуман, мамлакатимизда энг зарур бўлган дори-дармон воситалари нархини камида 30 фоизга арзонлаштириш бўйича



барча чораларни кўрамиз. Бунинг учун келгуси беш йилда доридармон ва тиббиёт воситалари ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар оширилиб, маҳаллий дори воситалари билан таъминлаш даражаси 80 фоизга етказилади.

Бу мақсадларга эришиш учун миллий фармацевтика тармоғи ҳар томонлама кўллаб-қувватланади. Жумладан, маҳаллий корхоналар учун янги дори воситаларини қайта-қайта давлат рўйхатидан ўтказишга бўлган талаб бекор қилинади. Энди халқаро стандартга эга корхоналарга маҳсулотларнинг ҳар бир сериясини мажбурий сертификатлаш талаб этилмайди.

Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган янги турдаги ижтимоий муҳим дориларни 3 йил давомида кафолатли харид қилиш тизими йўлга қўйилади. Фармацевтика корхоналари учун технологик ва лаборатория ускуналари, бутловчи қисмлар импортига божхона божлари бўйича имтиёзлар яна уч йилга узайтирилади.

Яна бир масала – анъанавий тиббиёт билан бирга, халқ табобатини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратамиз.

Бир нарсани яхши тушунишимиз лозим. Халқ табобатининг устунлиги – касалликларни даволашда кимёвий қўшимчалари бўлмаган табиий доривор гиёҳларни кенг қўллашдир. Мамлакатимизда бундай доривор ўсимликларнинг 577 та тури аниқланган бўлиб, уларни табибларимиз асрлар давомида қўллаб келган ва самарасини амалда исботлаб берган.

Халқ табобатининг синалган усулларини замонавий тиббиётга интеграция қилиш орқали даволаш тизими натижадорлигини янада ошириш мумкин. Шу боис 2022 йилда самараси исботланган доривор ўсимликлар тиббий ёрдам кўрсатиш стандартлари ва протоколларига босқичма-босқич киритилади.

Барча тиббиёт олийгоҳлари ва техникумларда, ҳудудий Халқ табобати марказларида соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими жорий қилинади. Барча ҳудудларда Ибн Сино марказлари ташкил



этилиб, улар томонидан мактаб, лицей, коллеж, техникум ва олийгоҳларда халқ табобати ва соғлом турмуш тарзини ўқитиш йўлга қўйилади. Ҳар бир поликлиникада халқ табобати хоналари, фитобарлар ташкил этилади. Дорихоналарда доривор воситалар бурчаги бўлиши лицензия талаби сифатида киритилади. Тиббиёт академиясининг клиникаси қошида Республика халқ табобати илмий-амалий марказининг 40 ўринли даволаш бўлими ва ҳудудларда филиаллари иш бошлайди.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. Биз жамиятимизда замонавий медицина ва халқ табобати бир-бирига рақобатчи ёки душман эмас, балки яқин ҳамкор деган муҳим тушунчани шакллантиришимиз керак.

Қанчадан-қанча машҳур табиблар дунёдан ўтиб кетяпти. Афсуски, улар билан бирга уларнинг илми ва тажрибаси ҳам йўқолиб кетяпти. Шу боис халқ табобатини кенг тарғиб этиш, жумладан, “Ибн Сино мероси билимдонлари” танловларини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

**Иккинчи йўналиш** – инсон ҳаётини сақлаб қолишда тезкор, аниқ ва ўта малакали ҳаракатлар талаб қилинадиган соҳа, бу – албатта тез тиббий ёрдам тизимидир.

Мисол учун, ўткир юрак инфаркти ёки инсультда дастлабки 1 соатда кўрсатилган малакали тиббий ёрдам ҳам инсон ҳаётини сақлаб қолишга, ҳам келгусидаги оғир асоратларни камайтиришга хизмат қилади. Лекин бу соҳада ҳам кўплаб муаммолар борлигини 1 мингдан зиёд мурожаатлар кўрсатмоқда.

Биргина мисол. Касби тумани тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси Юсупов, Ғозғон бўлими фельдшери Набиев тез тиббий ёрдам машиналари эскириб, хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатаётганини, жойларда реанимация машиналари етишмаслигини билдирган. Умуман, 200 дан ортиқ тез тиббий ёрдам станцияларидаги 3 мингга яқин машинанинг 75 фоизи “Дамас” автомобиллари бўлиб, уларнинг 670 таси эскирган ёки таъмир-талаб аҳволда.



Ёки бугунги кунда бир туман ёки вилоятдаги тез тиббий ёрдам хизмати, масофаси яқин бўлса ҳам, бошқа ҳудуд аҳолиси-га хизмат кўрсатиши мумкин эмас. Мисол учун, Бухоро тумани “Соҳибкор” маҳалласига хизмат кўрсатувчи тез тиббий ёрдам пункти 19 километр узокликда жойлашган ва етиб бориш вақ-ти камида 25 дақиқани ташкил этади. Ваҳоланки, 8 километрда жойлашган Вобкент тумани тез тиббий ёрдам пунктидан ушбу маҳаллага 10 дақиқада етиб борса бўлади.

Тез тиббий ёрдам бригадасининг кечикиб келиши бўйи-ча Халк қабулхоналарига 2021 йилнинг ўзида 50 мингдан зиёд шикоят келиб тушган. Шу боис тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, уларни аҳолига янада яқинлаштириш учун алоҳида дастур қабул қилинади.

Энг аввало, “103” тез тиббий ёрдам хизмати республика, вилоят, шаҳар ва туман даражасида ягона бошқарув тизими-га бирлаштирилади. Энди Тошкент шаҳри тажрибаси асосида ҳар бир вилоятда тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлашган бошқарув тизими жорий этилади.

Янги ташкил этиладиган диспетчерлик марказлари чакирув-ларни беморнинг аҳволи, касаллик тури ва даражасига қараб саралайди ҳамда шунга асосан тегишли тиббий бригадаларни йўналтиради.

Бундан буён тез тиббий ёрдам туман ёки вилоят чегарасига қараб эмас, балки беморгача масофанинг яқинлигига қараб хиз-мат кўрсатади. Шунингдек, туман марказидан 50–80 километр узокликда жойлашган 24 та аҳоли пунктида алоҳида тиббий ёрдам бригадалари ташкил этилади. Улар барча зарур тиббий асбоб-ускуналар ва тез тиббий ёрдам машиналари билан таъ-минланади.

2022–2025 йилларда тез тиббий ёрдам тизимидаги барча “Дамас” ва бошқа эскирган машиналар замонавий автомобил-ларга алмаштирилади. Хусусан, 2022 йилда – 890 та, 2023 йил-дан бошлаб эса, ҳар йили 450 тадан янги автомобиль, жумладан,



реанимация машиналари олиб берилди. Натижада келгуси уч йилда тез тиббий ёрдам автопарки тўлиқ янгиланади. Бу мақсадлар учун 65 миллион доллар жалб қилинади.

Ушбу чоралар эвазига тез тиббий ёрдамда чакирувларга етиб бориш вақти 3 баробар қисқаради.

**Учинчи йўналиш** – сўнгги беш йилда 9 триллион сўм ҳисобидан 2 мингга яқин тиббиёт муассасаси қурилиб, таъмирланди. Шунингдек, 500 миллион доллар сарфланиб, 2 минг 500 та муассаса замонавий тиббий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Лекин ичимлик суви, иситиш тизими бўлмаган, электр таъминоти яроқсиз мингдан зиёд тиббиёт муассасалари мавжуд. Соғлиқни сақлаш масканларининг шароитидан норози бўлиб, 700 дан зиёд мурожаат келиб тушгани ҳам буни тасдиқлайди.

Шу боис тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур амалга оширилади. Бунда, энг аввало, 182 та оилавий шифокор пунктида ичимлик суви тармоғи, 450 дан ортиқ муассасада иситиш, 650 тасида электр тизими тўлиқ таъмирланади.

Шулар қаторида 1 минг 100 та тиббиёт муассасаси қайта қурилиб, жиҳозланади. 227 та туғруқ комплекслари таъмирланиб, уларга замонавий тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Бундан ташқари, 39 та болалар шифохонасининг ҳолати ва улардаги шарт-шароитлар тубдан яхшиланади. Бу ишларга 6 триллион сўм маблағ жалб қилинади.

Шунингдек, туман ва вилоят тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш учун молиялаштириш манбалари ҳам кенгайтирилади. Жумладан, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларида қафолатланган тиббий хизмат турларига қирмайдиган бошқа янги хизмат турларини пуллик асосда ташкил қилишга рухсат берилди. Бунда пуллик хизматлардан келиб тушган маблағларнинг 75 фоизгача бўлган қисми малакали тиббиёт ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.



Тиббиёт муассасаларига бегараз ёрдам доирасида берилган тиббий техника ва асбоб-ускуналардан пуллик хизматлар кўрсатишда фойдаланиш бўйича мавжуд тақик бекор қилинади. 1 июлдан бошлаб вилоят кардиология, офтальмология, урология, травматология, тери-таносил касалхоналарида койка ўрнига қараб эмас, балки беморнинг “даваланган ҳолатидан келиб чиқиб” молиялаштириш тартиби жорий қилинади ва ушбу шифоналарга тўлик молиявий мустақиллик берилади.

Бошимиздан кечирган оғир пандемия синови санитария-эпидемиологик осойишталик хизматига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарурлигини кўрсатди. Шунинг учун ушбу тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 165 миллион долларлик дастур амалга оширилади. Бунда 2022 йил 1 майдан бошлаб санитария-эпидемиологик осойишталик хизмати учун туманларда 11 та янги бино барпо этилади, 190 та бино реконструкция қилиниб, мукамал таъмирланади. Худудий лабораториялардаги эскирган 9 мингта асбоб-ускуна тўлик янгиланади.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Замоनावий тиббиётда касалликни аниқлаш, диагноз қўйиш, даволаш билан боғлиқ барча жараёнларни рақамли технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис бирламчи бўғиндан бошлаб тиббиётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш ва IT инфратузилмасини ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинади.

Мисол учун, ҳозирги вақтда шифокорлар иш кунининг ярминини фақат қоғоз ҳужжатларни тўлдириш билан ўтказишади. Дастур доирасида жорий йилда 16 мингта ва 2023 йилда яна 13 мингта компьютер харид қилиниб, барча тиббиёт муассасалари тўлик жиҳозланади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари IT технологиялари ва замонавий тиббиёт ускуналарида ишлашга тизимли ўргатилади. Бунинг учун 2022 йилда – 20 минг нафар, келгуси йилларда яна



100 минг нафар шифокор ва ҳамширалар IT парк ва марказларда манзилли ўқитилади.

Шунингдек, республикадаги мавжуд 11 та тиббиёт олийгоҳи, 27 та коллеж ва 47 та техникумда “рақамли тиббиёт” бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Хурматли шифокорлар!

Юқоридаги янги режа ва ташаббусларнинг барчаси тиббиёт сифатини ошириш, аҳолига қулай шароит яратишга қаратилган. Бунинг учун биз барча зарур чораларни амалга оширамиз. Лекин ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб, малакали тиббий хизматларни ҳар бир хонадонгача олиб кириш бевосита сизларга – тиббиёт ходимларига боғлиқ.

Агар биз тиббиёт ходимларининг машаққатли меҳнатига яраша муносиб шароит яратиб бермасак, уларнинг жамиятдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширмасак, шифокорлар, ҳамширалар ўз ишидан манфаатдор бўлмаса, ислохотларимиз қутилган натижани бермайди. Шу боис **тўртинчи йўналиш**даги чора-тадбирлар бевосита тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ.

Бу борада, энг аввало, соғлиқни сақлаш ходимларини моддий рағбатлантириш янада кучайтирилади. Ушбу масала юзасидан сиз, ҳурматли тиббиёт соҳаси вакиллари томонидан 3 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Лекин аслида улар 500 мингдан зиёд барча тиббиёт ходимларининг таклиф ва истакларини ифода этади, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Барчангизга маълум, бюджет ходимларининг маошини ҳар йили ошириб боряпмиз. Бу йил ҳам бюджет ташкилотлари қаторида тиббиёт ходимларининг ойлик иш ҳақини ҳам камида 10 фоизга оширишни режа қилганмиз. Бунга қўшимча равишда соҳа вакилларининг машаққатли меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида жорий йил 1 июндан тиббиёт ходимларининг ойлик маоши малака тоифасига қараб, яна 15 фоизгача оширилади. Юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокорларга эса яна 25 фоиз миқдорида устама тўланади.



Бундан ташқари, Тиббиёт ходимларини рағбатлантириш жамғармасига йилига 1,5 триллион сўм ажратилади. Ушбу маб­лағлар ҳисобидан алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждо­нан ишлаётган шифокор ва ҳамшираларга 100 фоизгача ойлик устамалар ҳам белгиланади. Янги иш бошлаган жонкуяр ши­фокорларга 1 миллион сўмгача махсус ойлик устама тўлаш тар­тиби жорий этилади.

Содда қилиб тушунтирадиган бўлсам, мисол учун, ҳозирги кунда олий тоифали шифокор 4 миллион сўм маош олса, энди иш ҳақининг ошиши ва янги устамалар ҳисобидан у 8–9 мил­лион сўмгача маош олиши мумкин бўлади. Ҳамширалар эса ҳозирги 1,5 миллион сўм ўрнига, тоифаси ва эришган натижа­ларига қараб, 3–4 миллион сўмгача ойлик олиши мумкин.

Яна бир масала – даволаш ва лаборатория ҳамширалари, са­нитар ходимлар, рентгенолог, фтизиатр, инфекционист, виру­солог, стоматолог каби алоҳида меҳнат шароитида ишлайдиган 100 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари бир йилда икки марта ўз ёнидан пул тўлаб, мажбурий тиббий кўрикдан ўтади. Бу қанча­лик адолатли?

Ушбу масалада ҳам 720 та мурожаат келиб тушган.

Ўз соғлиғини гаровга қўйиб, беморлар дарди билан яшаётган тиббиёт ходимларининг саломатлиги ҳақида авваламбор давлат ўйлаши керак эмасми?

Шунинг учун 2022 йил 1 майдан бошлаб барча тиббиёт ходимлари учун дастлабки ва даврий касбий тиббий кўрик бепул ўтказилади. Қон билан бевосита ишлаётган тиббиёт ходимлари гепатит “В” касаллигига қарши бепул эмланади.

Бундан буён тиббиёт ходимлари учун мазкур харажатлар тўлик бюджетдан қопланади ва бунга ҳар йили камида 100 мил­лиард сўм ажратилади.

“Инсон кадрини улуғлаш ва шифокор меҳнатини кадрлаш” тамойили асосида ҳар йили минг нафар бемор шифокорлар, айниқса, соҳада бир умр меҳнат қилган фахрийларга юқори тех­нологик операциялар давлат ҳисобидан бепул ўтказилади.



Таъкидлаш жоизки, жойларда тиббиёт соҳаси вакиллариغا, айниқса, шошилиш ва тез тиббий ёрдам ходимларига нисбатан куч ишлатиш (тажовуз) ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шифокорга кўл кўтариш, уни сўкиб, ҳақорат қилиш бизнинг инсофдиёнатли, оқкўнгил, меҳр-оқибатли халқимизга муносибми? Бу бизга мутлақо ярашмайдиган ҳолатдир.

Энди тиббиёт ходимлари фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашган, уларнинг ишига тўсқинлик қилган ҳамда тажовуз кўрсатган кимсаларга нисбатан қонунчиликда алоҳида маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланади.

Ўзбекистонда “қонун – устувор, жазо – муқаррар” эканини ҳеч ким эсидан чиқармаслиги керак.

Бугунги анжуманда яна бир муҳим масалани алоҳида айтмоқчиман. Таниқли олимлар ва халқаро экспертларни жалб қилиб, Соғлиқни сақлаш кодексини ишлаб чиқишнинг вақтисоати келди. Бу муҳим ҳужжатда тиббиёт ходимлари ҳамда беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқилади, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилади, фуқароларнинг ўз соғлиғига эътибори ва масъулиятини ошириш механизмлари жорий этилади.

**Бешинчи йўналиш** – соғлиқни сақлаш муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш билан боғлиқ.

Бугунги кунда республикамиз тиббиёт муассасаларида 8 мингга яқин топ соҳадаги мутахассислар ҳамда бирламчи тиббиёт муассасаларида 3 мингдан зиёд оилавий шифокорлар етишмайди. Айниқса, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида шифокорларга эҳтиёж анча юқори. Шунингдек, тизимдаги шифокорларнинг 45 фоизи, ҳамшираларнинг эса 40 фоизи малака тоифасига эга эмас.

Шифокорларни малака ошириш курслари билан қамров даражаси бор-йўғи 25 фоизни ташкил этади.

Мавжуд аҳволни ўнглаш учун тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этила-



ди. Бунинг учун 2022/2023 ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳларига давлат грантлари асосида қабул квоталари ҳудудларда шифокорларга бўлган ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб мақсадли ошириб борилади. Фтизиатрия, гематология, нефрология, пульмонология, психиатрия, шошилиш тиббий ёрдам, лаборатория иши, юкумли касалликлар каби 15 та топ соҳадаги мутахассислик бўйича магистратурага давлат грантлари 4 баробар оширилади. 11 та тиббиёт олийгоҳида олти ойлик ихтисослашган курслар ташкил этилиб, ҳар йили 500 нафардан оилавий шифокорни ҳудудлардаги энг зарур топ соҳа мутахассислиги бўйича мақсадли ўқитиш дастури амалга оширилади.

Шунингдек, бакалаврият, магистратура ва клиник ординатура таълим тизими такомиллаштирилади. Хусусан, битирувчиларга кўйиладиган малака талаблари эҳтиёж юқори бўлган муҳим йўналишлар бўйича қайта кўриб чиқилади, ўқув режалари ва дастурлар, талабаларнинг билимини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштирилади, 11 та тиббиёт олийгоҳида алоҳида ўқув марказлари ташкил этилиб, улар замонавий симуляторлар билан жиҳозланади. Бунинг учун 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Бундан ташқари, тиббиёт олийгоҳларининг магистратура босқичида ва бакалавриятнинг 5-6-курсларида ўқиётган талабаларга йўлланма асосида бирламчи ва тез ёрдам тизимида шифокор бўлиб ишлашга рухсат берилади. Бу орқали ҳар йили 7 мингга яқин талаба иш ҳақи олиб, таълимни амалиёт билан бирга олиб бориш имконига эга бўлади.

Амалиёт даврида йўналишини ўзгартиришга қарор қилган талабаларга ўқишни бошқа турдош мутахассисликлар бўйича давом эттиришга рухсат берилади.

Шу билан бирга, соҳа учун илғор медицинани чуқур тушунадиган, ахборот технологиялари ва чет тилларини яхши билладиган, бошқарув қобилиятига эга бўлган замонавий тиббиёт менежерларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратамиз.



Яна бир муҳим масала – хориждан нуфузли мутахассислар жалб қилиниб, тиббиёт соҳасида малака ошириш тизими мутлақо янги ёндашувлар асосида тўлиқ ўзгаради. Бунда 11 та тиббиёт олийгоҳида малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари, 23 та ихтисослашган марказларда махсус ўқув курслари ташкил этилади.

Шунингдек, йирик ва нуфузли хусусий шифохоналарда тиббиёт олийгоҳларининг клиник базалари ташкил этилиб, уларга ҳам шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлашга рухсат берилади.

Шу муносабат билан Республика тиббий ходимлар касбий малакасини ривожлантириш ҳамда Ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш марказлари фаолияти тўлиқ қайта кўриб чиқилади. Бу ташкилотлар энди фақат замонавий методикаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан шуғулланади.

Шу билан бирга, шифокорларнинг малака тоифасини олиш муддатлари қайта кўриб чиқилади. Бунда тоифасиз ходимлардан талаб этиладиган иш стажи 5 йилдан 3 йилга, биринчи тоифага – 7 йилдан 5 йилга, олий тоифага – 10 йилдан 7 йилга қисқаради.

Айтиш жоизки, бизда ҳамшира деганда кўз олдимизга фақат “укол” қилишни билладиган тиббиёт ходимлари келади. Лекин соғлиқни сақлаш тизими ривожланган мамлакатларда ўрта тиббиёт ходимларининг билим даражаси, малакаси ва масъулияти врачлардан кам эмас. Бизда эса ҳамма масъулият шифокорлар зиммасида қолиб кетган. Шу боис тизимда врачлар етишмайди. Ўрта тиббиёт ходимлари сони эса эҳтиёждан ортик даражада, яъни сони кўп, хизмат сифати паст.

Мисол учун, 2022 йилда – 20 минг нафар, 2023 йилда – 34 минг нафар ёшлар тиббиёт коллежи ва техникумларини туғатади. Лекин соҳада ўрта тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёж йилига ўртача 10 минг нафарни ташкил этади, холос.

Бу масалани тўғри ҳал этиш учун ўтган йили оилавий шифокорларнинг 60 дан зиёд функциясидан 25 тасини ҳамши-



раларга ўтказиш, бунинг учун уларни ўқитиш тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича қарор қабул қилган эдик. Лекин 11 та тиббиёт олийгоҳи ва 27 та тиббиёт коллежи ҳамда 47 та техникум бир-биридан ажраган ҳолда фаолият юритиб келгани сабабли ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашда сифат ўзгармаяпти. Шу боис ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш тизими ҳам қайта кўриб чиқилиб, тиббиёт коллежлари ва техникумлари трансформация қилинади. Бунда хорижий ҳамкорлар билан халқаро илғор тажриба асосида ҳамшираларни тайёрлашнинг янги мактаби яратилади.

Оддий қилиб айтганда, жарроҳлик амалиётидан кейинги муҳим жараён, яъни беморнинг “оёққа туриши” учун (интенсив терапия ва реабилитация) барча даволаш ишларини бажара оладиган малакали ҳамшираларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилади.

Энди барча тиббиёт коллежлари ва техникумлари олий таълим муассасаларига бириктирилади. Олийгоҳлар таълим ва амалиёт сифати учун бевосита масъул бўлади. Тиббиёт олийгоҳларининг клиникалари, республика тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари ва шифохоналар тиббиёт коллежлари ва техникумлари учун клиник база бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларининг барча кафедралари ўз йўналишида коллеж ва техникумларга замонавий ўқитиш методикаси ва технологияларини ўргатади, муаллимлар ва ўқувчиларнинг билимини ҳаққоний баҳолаб боради. Бунда коллеж ва техникумларнинг иқтидорли ўқувчиларини саралаб, уларни келгусида олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттиришига шароит яратилади.

**Олтинчи йўналиш** – шифокорларнинг энг муҳим ва олижаноб вазифаси – бу албатта касалликни даволаш, шу тариқа инсонларнинг дардига малҳам бўлиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, мен сизлардан соғлом турмуш тарзи орқали касалликнинг олдини олишга кўпроқ эътибор беришингизни



сўрайман. Чунки, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланидиган одам ҳеч қандай давога муҳтож бўлмайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, инсон саломатлиги 19 фоиз – ташқи муҳитга, 20 фоиз – генетик омилларга, 9 фоиз – соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва 52 фоиз турмуш тарзига боғлиқ.

Саломатлигимиз асосан ўз кўлимизда экан, жамиятда соғлом турмуш маданиятини янада оширишимиз зарур.

Ушбу масала бўйича алоҳида дастурни амалга оширишни бошлаганимиздан хабардорсиз.

Афсуски, тўғри овқатланмаслик ва ҳаракатсизлик оқибатида бугунги кунда аҳолимизнинг 75 фоизида ортикча вазн борлиги, 30 фоизида эса холестерин ва қон босими юқори экани барчамизни ўйлантириши керак. Шунинг учун жорий йилдан бошлаб 17 мингдан зиёд тиббий бригада, 2 мингдан ортик оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларнинг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича рейтинг тизими жорий қилинади.

Рейтинг дегани шуки, энди тиббиёт ходимлари ўз ҳудудида аҳоли соғлиғини сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш бўйича ўзига мажбурият олади. Бунда ортикча вазнга йўл қўймаслик, тўғри овқатланишга амал қилиш, жисмоний фаолликни ошириш, зарарли одатлардан воз кечиш ва уларнинг натижасида келиб чиқадиган инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкология каби касалликларнинг олдини олиш кўрсаткичлари асосий мезон сифатида белгиланади.

Ижобий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари ҳар чоракда мукофотланади, йил якунида эса ҳар бир вилоятда энг яхши натижа кўрсатган поликлиникага мукофот ва совғалар берилади. Бу тажрибани жорий йилда пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 11 та ҳамда Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги 12 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда бошлаймиз. Ушбу тажриба якуни бўйича бу янги тизимни 2023 йилдан бошлаб барча ҳудудларда жорий этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинади.



Ўз маҳалласида соғлом турмуш тарзини туну кун тарғиб қилган, бу борада шахсий намуна бўлган тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакиллари учун алоҳида “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони таъсис этилади.

**Еттинчи йўналиш** – соғлиқни сақлаш тизими асосан касалликларни даволашга эмас, энг аввало, уларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши зарур.

Аслида, жаҳон тиббиётида касалликлар профилактикаси – энг устувор йўналиш ҳисобланади. Бу борада Сирдарёда бошланган тажриба тиббиёт соҳасидаги кўплаб камчиликларни очиб берди. Вилоятдаги туман ва шаҳар шифохоналарида турли асаб касалликлари, сурункали бронхит, остеохондроз каби дарди бор беморлар стационар шароитда даволанмоқда. Ваҳоланки, улар туну кун шифокор назоратига муҳтож эмас.

Сирдарёдаги шифохоналарда ётган беморларнинг 30–40 фоизини амбулатор шароитда даволаш мумкин. Бу – касалхоналарнинг самарасиз харажатларини 40 фоизга қисқартириш имконини беради.

Шунингдек, бирламчи бўғинда маблағларнинг асосий қисми иш ҳақиға сарфланиб, тиббий ёрдам кўрсатишга атиги 10 фоизи қолмоқда. Шу боис Гулистон шаҳридаги Республика шошилинич ёрдам илмий маркази филиали ва вилоят кўп тармокли шифохонасини, унга туташ ёки унинг атрофида жойлашган 10 га яқин тор соҳадаги тиббиёт муассасаларини ягона кластерга бирлаштиришга қарор қилдик.

Бошқа ҳудудларда ҳам соғлиқни сақлаш инфратузилмасини пухта ўрганган ҳолда, бир йўналишдаги шифохоналардан воз кечиб, мавжуд шифохоналар негизида кўп тармокли клиникалар ташкил этилади.

Бундан буён тиббиёт тизими “маблағни бевосита беморга сарфлаш” деган тамойил асосида молиялаштиришга ўтказилади.

Шунингдек, йил якунига қадар Сирдарёда тиббий суғурта тизимини тўлиқ йўлга қўйиб, келгуси йилларда барча ҳудудларда



жорий этамиз. Шу билан бирга, бутун мамлакатимизда амал киладиган ягона клиник протоколлар, кўрсатма ва стандартлар ишлаб чиқилади.

Тиббиёт соҳасида ягона тиббий маълумотлар базаси – “электрон соғликни сақлаш” ахборот тизими яратилади.

Тиббий-иктисодий, статистик ва аналитик таҳлилларни ўтказиш имконини берадиган Миллий тизим жорий этилади.

Шу билан бирга, илғор хорижий тажриба асосида клиникаларни эмас, шифокорларни лицензиялаш тизимига босқичма-босқич ўтишимиз керак. Бу тизим йўлга қўйилса, тиббиёт ходимларини малака оширишга мажбурий юбориш талаб этилмайди. Балки улар ўз устида доимий ишлаб, тажрибасини оширишдан ўзлари бевосита манфаатдор бўлади.

Умуман, соҳадаги ислохотларни режали ва изчил давом эттириш мақсадида Жаҳон банки экспертлари билан бирга 1 октябрга қадар 7 та асосий йўналишни ҳам ўз ичига олган Соғликни сақлаш стратегияси ишлаб чиқилади.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Ўрни келганда, тиббиёт ходимларининг маънавияти, ахлоқ-одоби масаласига ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

Албатта, соҳа мутахассислари ўз касбини чуқур билиши шарт. Лекин, ҳар томонлама етук шифокор бўлиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун тиббий таълим тизимида “Тиббиёт ходимларининг маънавий-ахлоқий қиёфаси” номли махсус курсни жорий этиш лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, ижодкор зиёлиларимиз эътиборини бир масалага қаратишни истардим. Биз пандемия шароитида шифокорларимизнинг ўз касбига, муқаддас қасамёдига садоқати ва фидойилигига такрор ва такрор гувоҳ бўлмоқдамиз. Бунинг учун уларга барчамиз ва халқимиз номидан яна бир бор раҳмат айтамыз. Аммо эл-юрт орасида ҳурмат қозонган, чинакам матонат ва жасорат соҳиби бўлган шифокорлар образи тараннум этилган бадий асарлар етарлича яратилмаяпти. Жонкуяр тиб-



биёт ходимларининг машаққатли ва шарафли фаолияти тасвирланган бадий, сахна ва кино асарлари, сериалларни кўпайтириш зарур, деб ўйлайман.

Мухтарам дўстлар!

Бугунги очик мулоқотга тайёргарлик жараёнида келиб тушган муаммоларнинг ечимлари ва сизларнинг бугунги таклифларингиз бўйича қисқа муддатда қарорлар қабул қилинади. Уларда барча муҳим таклиф ва ташаббуслар, шунингдек, бугун билдириладиган фикр-мулоҳазалар ҳам ўз аксини топади. Бу мақсадлар учун 2022 йилда бюджетдан соҳага ажратилган 24 триллион сўмга қўшимча 3,2 триллион сўм бериш бўйича ҳисоб-китоблар қилинган.

Барчангиз тушунасиз, ҳозир дунёда содир бўлаётган мураккаб вазиятда соғлиқни сақлаш тизими учун бундай катта маблағларни излаб топиш албатта осон бўлаётгани йўқ. Биз халқимиз саломатлиги учун ҳар қанча маблағ ва куч-имкониёт сарфлашга тайёرمىз. Шахсан мен учун халқимиз саломатлиги ҳамма нарсадан устун ва қадрли.

Лекин тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътибордан тўғри ва самарали фойдалана олаёмизми? Мана шу савол мени кўп ўйлантиради. Бу савол сизларни ҳам қийнаши керак. Соҳа раҳбарлари ажратилаётган ҳар бир сўмнинг қадрига етиши, уларнинг самарасини барча одамларимиз ўз ҳаётида ҳис этиши лозим.

Бугунги кунда барча жабҳаларда, жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам ҳар куни беқиёс илмий янгиликлар кашф этилаётгани, даволаш иши бўйича қандай янги технологиялар ва методикалар пайдо бўлаётганини ҳаммангиз кўриб-билиб турибсиз. Бинобарин, жаҳон илм-фани ва тараққиёти шиддат билан ривожланаётган ҳозирги мураккаб замонда кечаги билим ва тажриба билан узоққа бориб бўлмайди. Мана шундай кескин рақобат шароитида доимий ўқиш, изланиш, янгиликка интилиш – бу ҳар бир тиббиёт ходимининг масъулиятли бурчи, керак бўлса, ҳаёт мақсадига айланиши шарт.



Шу ўринда ўзимизга бир савол берайлик: Ибн Сино бобомиз қандай қилиб, ниманинг ҳисобидан буюк шифокор бўлди? Албатта, ноёб истеъдоди, беқиёс ақл-заковати билан. Лекин шунинг ўзи етарлимиди?

Маълумки, улуғ табиб Бухоро ҳукмдорини оғир дарддан даволайди. Шунда амир унга катта мол-дунё ва амал таклиф қилади. Ибн Сино бобомиз эса уларнинг барчасидан воз кечиб, фақатгина сарой кутубхонасидаги китоблардан фойдаланиш учун ижозат сўрайди. Ана шу китобларни ўқиб, ўз устида тинимсиз ишлаб, буюк аждодимиз оламшумул шухрат қозонади.

Такрор айтаман, таракқиёт ва юксалишга фақат илм, фақат таълим ва тарбия, фақат китоб орқали эришиш мумкин.

Мана шундай мисоллар барча тиббиёт ходимлари, айниқса, ёш врач ва ҳамширалар учун юксак ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиши лозим.

Тиббиёт аҳли орасида касбий ҳалоллик ва поклик муҳитини мустаҳкамлаш, коррупция балосидан бутунлай кутулиш учун барчамиз – врач ва ҳамширалар ҳам, беморлар ҳам, раҳбар ва мутасаддилар ҳам биргаликда ҳаракат қилишимиз керак.

Шифокорнинг нафақат устидаги ҳалати, энг аввало, кўнгли ҳам, кўли ҳам пок бўлиши лозим.

Унутманг, давлат тиббиёт тизимини ривожлантириш, соҳа ходимларини кўллаб-қувватлаш учун шунча катта маблағ ва ресурсларни сафарбар этаётган экан, энди бу борада ҳар қандай қонун бузилишларига, тамагирлик ва порахўрлик кўринишларига қарши қатъий кураш олиб боради.

Беморларни фақат дори билан эмас, балки меҳр билан, ақл билан даволаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Минг афсуски, соғлиқни сақлаш муассасаларида айрим шифокорларнинг аҳоли билан кўпол муомалада бўлиши, одамларни менсимаслик, ўз вазифасини суиистеъмол қилиши каби салбий ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Бундай вазиятни ўз-



гартириш учун, аввало, тиббиёт ходимларининг маънавий дунёсини, беморлар билан мулоқот маданиятини юксалтириш зарур.

Донишманд адиблардан бирининг чуқур маъноли гапи бор: «Инсоннинг ҳамма нарсаси – киёфаси ҳам, либоси ҳам, калби ва фикри ҳам гўзал бўлиши керак». Ҳайлайманки, бу сўзлар авваламбор сизларга – тиббиёт аҳлига қарата айтилган.

Шахсан мен Президент сифатида сизларнинг машаққатли меҳнатингизни юксак қадрлайман. Қолаверса, шифокорнинг фарзанди бўлганимдан ғурурланаман. Шу сабабли барча тиббиёт ходимлари жамиятимизнинг энг маданиятли қатлами, зиёлиларимизнинг пешқадам вакиллари бўлишларини орзу қиламан.

Сизлар ана шундай юксак мақомга албатта муносибсиз.

Сизларни театр ва музейларда, концерт заллари ва кутубхоналарда янада кўпроқ кўришни истайман. Шу мақсадда республикамиз тиббиёт ходимларини давлат ҳисобидан театр ва концертларга бепул олиб бориш тизими ташкил этилади.

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, миллий генофондимизни асрашда оналик ва болалик ҳамда оилани муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш – бизнинг устувор вазифамиздир.

Бу борада, аввало, эртага она бўладиган ёш қизларимизга оилавий турмуш асосларини, бола парвариши ва тарбиясини ўргатиш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ҳар қандай соҳа, жумладан, тиббиёт тизимининг эртанги ривожини ҳам ёшларга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу мақсадда соғлиқни сақлаш соҳасига кириб келаётган ёш шифокор ва ҳамшираларга кенг йўл очиб бериш, амалда ўзини оқлаган устоз-шогирд анъаналарини давом эттиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Маълумки, нафақат қадимги тарихда, балки яқин ўтмишда ҳам мамлакатимизда Восит Воҳидов, Ўктам Орипов, Ёлқин



Тўракулов каби машҳур шифокорлар ўз мактабларини яратганини ёши улуғ инсонлар яхши биладилар.

Бугунги кунда шифокорларимиз орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, кўплаб фан докторлари ва профессорлар бор. Улар ҳам ўзларининг илмий, тиббий-амалий мактабларига асос соладилар, деб ишонамиз. Бунинг учун қандай шароит ва имкониятлар керак бўлса, давлатимиз барчасини яратиб беришга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги очик мулоқот, унда билдирилган аччиқ, аммо ҳаққоний ва холис фикрлар барчамиз учун ҳар томонлама фойдали бўлди, десак, тўғри бўлади.

Сизлар билан мана шундай янгича шаклда тиббиёт соҳасидаги муаммо ва камчиликлар, устувор вазифалар ҳақида батафсил фикрлашиб олдик. Кўпгина масалаларни ҳал этиш бўйича амалий ечимларни топдик. Уларни бажариш учун, ҳеч шубҳасиз, шифокорларнинг ўз устида ишлаши, иш услуби ва дунёқарашини ўзгартириши, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштириб бориши, масъулияти ва жавобгарлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Олдимизда турган бундай улкан ва долзарб вазифаларни амалга оширишда лоқайдлик, бепарволик ва сусткашликка йўл қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки гап инсон ҳаёти, инсон саломатлигини асрашдек ҳал қилувчи масала устида бормоқда. Ишонаманки, Ўзбекистон тиббиёт ходимлари бунга албатта қодир. Сизлар пандемия давридаги оғир шароитда халқимиз соғлиғини асраб қолиш учун чинакам қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатганингиз бунинг яққол исботидир. Буни нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

Ўйлайманки, бугунги анжуман мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасини ривожлантириш йўлида туб бурилиш бўлиб хизмат қилади.



Айни вақтда аҳолимизнинг соғлиғини сақлашдек гоят мухим, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласини фақат биргина вазирликнинг зиммасига юклаб, қолганлар томошабин бўлиб четда турмаслигимиз керак. Бу барча соҳа раҳбарлари, ҳокимлар ва вазирлар, депутат ва сенаторларнинг, кенг жамоатчилик, бир сўз билан айтганда, ўзини шу юрт тақдирига дахлдор деб билган ҳар бир инсоннинг вазифаси ва бурчига айланиши шарт.

Азиз шифокорлар!

Ишончим комилки, бутун дунёда “тиб илмининг султони” деб шуҳрат қозонган буюк Ибн Синонинг ворислари бўлган сиз, азизлар билан бирга Янги Ўзбекистоннинг кучли ва самарали тиббиёт тизимини шакллантиришдек олдимизда турган улуғвор вазифани албатта муваффақият билан адо этамиз.

Барчангизни кириб келаётган Наврўз айёми билан чиндилдан табриклаб, эзгу ва хайрли ишларингизда ҳамиша ютук ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

*Соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтган учрашувдаги нутқ*

2022 йил 18 март



## НАВРЎЗ – ИНСОНИЙЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК БАЙРАМИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Хурматли меҳмонлар!

Аввало, сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни шарқона янги йил – Наврўз байрами билан чин юракдан самимий табриклайман.

Барчангизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат ва улкан ютуқлар тилайман.

Бугунги файзли дамларда чет эллардаги ватандошларимизни ҳам Наврўз айёми билан кутлаб, уларга чуқур хурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мухтарам дўстлар!

Биз баҳор, яшариш ва янгиланиш фасли – Наврўзи оламини ҳамisha орзиқиб, интизорлик билан кутамиз.

Аммо, бу галги соғинчимиз чексиз, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам менинг фикримга қўшиласиз.

Чунки, коронавирус пандемияси туфайли биз кейинги икки йилда ушбу ардокли байрамни халқимиз кутганидек юксак даражада нишонлай олмадик.

Мана, ниҳоят, Наврўз байрамини яна кексаю ёш барчамиз биргаликда катта шоду хуррамлик билан қарши олмоқдамиз.

Бугун Наврўз байрамини Сиз, азизлар билан мана шу муҳташам “Ҳумо” саройида ўтказаяпмиз.

Чунки, барчангиз кўриб турибсиз – сўнгги ҳафтада юртимизда ҳаво совиб, ёғингарчилик кўпаймоқда.



Аммо ҳаммамиз яхши тушунамизки, шу кунларда осмондан ёмғир эмас, обираҳмат ёғмоқда, кут-барака билан ризку рўз ёғмоқда. Бунинг учун Яратганга ҳар канча шукроналар айтсак арзийди.

Буюк аллома Ҳаким Термизий бобомиз ўзининг “Наврўзнома” китобида “Наврўзи олам душанба куни кирса, ёмғир, қор ёғади, дехқончилик, ҳосил мўл бўлади – йил тўқчиликда ўтади”, деб ёзганлар.

Бу фикрлар бугун – айна душанба куни Наврўзни кутиб олаётган эл-юртимизнинг эзгу орзу-ниятлари билан уйғун ва ҳамоҳанг десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз мамлакатимизда бошлаган улкан ислохотларимизни давом эттириш мақсадида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ҳамда “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” дастурини қабул қилдик.

Меҳнатқаш ва олижаноб халқимиз миллий ривожланишнинг янги даврига улуғвор мақсад ва амалий ишлар билан кириб бормоқда.

Бунинг тасдиғини биз бугун ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овуллар, шаҳарларимиз мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Юртимизда юзлаб замонавий корхоналар, йўл ва коммуникация тармоқлари, шинам турар жойлар, янги боғча ва мактаблар, олийгоҳлар ҳамда маданият масканлари, тиббиёт ва спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Барча ҳудудларимизда “Янги Ўзбекистон” боғлари, “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд қилинмоқда.

“Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари каторида бутун мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ушбу бектакрор айёмда Наврўзнинг олижаноб кадриятларидан куч-қувват ва илҳом олган халқимиз маҳаллаларда ҳашар-



лар ўтказиб, кўчат ва гуллар экиб, янги-янги боғ-роғлар, сайил-гоҳлар яратмоқда.

Айтиш мумкинки, айна пайтда бутун мамлакатимиз байрам кайфияти ва бунёдкорлик руҳи билан яшамокда.

Қадрли дўстлар!

Маълумки, дунёда турли байрамлар, кутлуғ саналар кўп. Лекин инсон кадри ва шаънини улуғлашда Наврўз айёми алоҳида ўрин тутади, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Наврўзи олам бизни табиат фарзанди бўлиб, Ватан тупроғини, она заминдаги ҳар бир гиёҳни кўзимизга тўтиё килиб яшашга ўргатади.

Наврўз ҳаммамизга инсонийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фанидан сабоқ беради.

Шу файзли лаҳзаларда барчамиз тинчлик ва осойишталик нақадар бебаҳо неъмат эканини, унинг кадр-қиммати ва аҳамиятини яхши англаймиз.

Бугунги мураккаб дунёда халқимиз ҳаётини, фарзандларимиз келажагини, мусаффо осмонимизни асраб-авайлаш учун ҳар биримиз масъул ва жавобгар эканимизни янада чуқурроқ ҳис этамиз.

Наврўз байрами мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига, энг севимли ва ардоқли айёмга айлангани билан чексиз фахрланамиз.

Айна шу кунларда бағрикенг диёримизда миллатлараро дўстлик, ўзаро ҳурмат, саховат ва мурувват туйғулари яққол намоён бўлмоқда.

Инсон кадрини улуғлашга қаратилган эзгу ишларимиз доирасида кенг жамоатчилик уйма-уй юриб, беморлар, кекса ва ногиронларга, кўмакка муҳтож оилаларга меҳр-оқибат, амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Биз барча ҳавас қиладиган бундай боқий урф-одатларимизни кўз қорачиғидек асраб, азиз фарзандларимизни мана шундай



юксак одамийлик руҳида тарбиялашни давом эттиришимиз лозим.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Халқаро Наврӯз куни муносабати билан барча хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимизни, бугунги байрамимизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакилларини улуғ айём билан табриклаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик, фаровонлик ва равақ тилаймиз.

Азиз юртдошлар!

Эртага юртимизда яна бир кутлуғ байрам – Маҳалла куни кенг нишонланади. Маҳалла биз учун Ватан ичра кичик ватандир.

Шу боис, биз инсон кадрини маҳалла билан уйғун ҳолда тасаввур этамиз. Маҳалла тинч бўлса – бутун юртимиз тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакатимиз фаровон бўлади.

Айни шу сабабли, ҳаётимизда маҳалланинг ўрни ва нуфузини ошириш, унинг ваколат ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

“Маҳаллабай” ишлаш асосида аҳолининг яшаш шароитларини, ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, одамларимизнинг соғлиғини асраш, ижтимоий муаммоларни ечиш, хотин-қизлар ва ёшларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларни иш ўринлари ва уй-жой билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимиз янги босқичга чиқмоқда.

Доимо эл-юрт хизматида бўлиш, унинг ташвиш ва муаммолари билан яшаш барча даражадаги раҳбар ва мутасаддилар учун фаолият мезонига айланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, аҳолининг оғирини енгил, мушкулларини осон қилиш мақсадида астойдил хизмат қилаётган барча-барча инсонлар – маҳалла раислари ва фаолларини, муҳтарам нуронийлар ва халқ ноибларини, кайвони опа-сингилларимизни, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларини самимий табриклаб, уларга янги зафарлар ва омадлар тилайман.



Азиз дўстлар!

Мана шу баракали кунларда ризку насибамиз бунёдкори бўлган миришкор дехқон ва фермерларимиз, соҳибкор боғбон ва чўпонларимиз яхши кайфият ва эзгу ниятлар билан кадрдон далалари ва боғлари, яшил яйловлари томон йўл олмоқдалар.

Уларнинг барчасини чин дилдан кутлаб, янги мавсумда ишларига ривож ва омадлар тилаб, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин, деб пок ниятлар қиламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Наврўз ва ёшлик тушунчалари бир-бирига бағоят яқин ва муштаракдир.

Бугун азму шижоатли миллионлаб фарзандларимизга гурур билан қарар эканмиз, бу ҳақиқатга такроран ишонч ҳосил қиламиз.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда, эзгу орзу-интилишлар билан ҳаётга кириб келаётган ёш авлодимизга – азиз болаларимга мурожаат қилиб айтмоқчиман:

Қадрли ўғил-қизларим, сизлар мустақил, эркин ва обод Ватан бағрида вояга етмоқдасиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, бебаҳо бойлик ва катта бахт, айни вақтда чексиз масъулиятдир.

Нега деганда, ота-оналар, устозларингиз бошлаган улкан ишларни эртага айнан сизлар давом эттирасиз.

Бу улуғ вазифага ҳозирдан тайёр бўлишингиз, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллашингиз, муқаддас Ватанимизни кўз қорачиғидек асрашингиз, унга ҳамиша содик бўлиб яшашингиз зарур.

Доимо ёдингизда бўлсин – биз интилаётган юксак марраларга, ҳеч қачон ўз-ўзидан, осонлик билан эришиб бўлмайди.

Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни халқимизнинг буюк кудратидан куч олиб, бугунги ва эртанги авлодимиз бунёд этади.



Сизлар бўлгуси Хоразмий ва Фаргонийлар, Беруний ва Ибн Синолар, Улуғбек ва Навоийлар, Бобурлар сифатида Ватанимиз шону-шуҳратини бутун дунёга, албатта, тараннум этасизлар.

Илм ва хунар ўрганишдан, камолот сари парвоздан асло тўхтаманг. Доимо олдинга, юксак чўккиларга интилинг, азиз фарзандларим!

Муҳтарам юртдошларим, кадрдонларим!

Мана шу кутлуғ айёмда сиз, азизларни, бутун халқимизни Наврўз байрами билан яна бир бор, чин қалбимдан муборакбод этаман.

Наврўзи олам ҳар бир инсон, ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, яхшилик ва файзу барака олиб келсин!

Муҳтарам отахон ва мўътабар онахонларимизнинг умрлари зиёда бўлсин!

Меҳрибон опа-сингилларимизнинг эзгу тилаклари рўёбга чиқсин!

Азиз фарзандларимизнинг бахту иқболини берсин!

Жонажон Ватанимиз янада гўзал ва обод бўлсин!

Юртимиз тинч ва осойишта, халқимиз доимо соғ-омон бўлсин!

Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!

*Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган  
тантанали маросимдаги нутқ*

*2022 йил 21 март*



## ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР ШАРОИТ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРАМИЗ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз, азизларни – биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг барча иштирокчиларини меҳмондўст Ўзбекистон диёрида самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Бугунги анжуманимизда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ҳамда жаҳоннинг етакчи компаниялари раҳбарларини, мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлган давлатларнинг юқори даражадаги вакилларини кўриб турганимдан хурсандман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида дунёнинг турли минтақаларидаги савдогар, ишбилармон ва тадбиркорлар эътиборини ўзига тортиб келган. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг қарвон йўллари туташган ҳудуд сифатида машҳур бўлган. Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Миср каби мамлакатларда шаклланган цивилизация ва маданият намуналари айнан қадимги Мовароуннаҳр, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида учрашиб, бир-бирини ўзаро бойитиб келган. Бунинг натижасида 3 минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган



мамлакатимиз узок давр мобайнида дунёнинг савдо, иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва санъат юксак раванқ топган марказларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Ушбу кўҳна заминдан етишиб чиққан буюк аллома ва му-тафаккирлар, дунёвий ва диний илмларнинг улуғ намоянда-лари бугунги кунда ҳам бутун инсониятга хизмат қилаётган ноёб кашфиёт ва бебаҳо асарлар яратиб, уларни жаҳон аҳлига мерос қилиб қолдирганлар. Мисол учун, ҳозирги даврда ҳам долзарб бўлган “карантин” тушунчасини Европада “Авицен-на” номи билан танилган аждодимиз, буюк шифокор Абу Али ибн Сино бундан минг йил муқаддам биринчи бўлиб амалиёт-га жорий қилгани тарихдан яхши маълум.

Замонавий инновацион ва блокчейн технологиялари ва сунъий интеллект негизини ташкил этувчи алгоритм атамаси яна бир улуғ аждодимиз – Муҳаммад Хоразмий номи билан боғлиқ эканидан сизлар албатта хабардорсиз.

Машҳур давлат арбоби, айна пайтда буюк астроном бўлган Мирзо Улуғбек эса XV асрдаёқ Самарқандда расадхона курди-риб, мингдан ортиқ юлдузларнинг энг тўғри координатларини аниқлаб, илм-фан ривожига беқиёс ҳисса қўшган.

Юксак тафаккур эгаси бўлган яна ўнлаб ватандошларимиз-нинг ўтмишда физика, геодезия, кимё, фалсафа ва тарих, меъ-морлик, тасвирий санъат, илоҳиёт ва бошқа йўналишларда ярат-ган илмий кашфиётлари ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотмасдан келаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг географик жойлашувига кўра, Шимол ва Жанубни, Ғарб ва Шарқни магистрал транзит коридорлари орқали боғлаб турадиган Марказий Осиё минта-қасининг ўзаги ҳисобланади.

Биз “Буюк ўтмишдан – буюк келажак сари” тамойили асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланишимизни жадал давом эттирмоқдамиз.



Бундан 5 йил аввал биз Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиб, унинг доирасида кенг қўламли демократик ислохотларни амалга ошириш йўлини танладик. Ушбу ислохотлар дастури давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олиб, қонун устуворлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш каби муҳим йўналишларни ўзида мужассам этган.

Биз, биринчи навбатда, илгари инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига кириши ва эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилган барча омилларни бартараф этиб, тадбиркорлик учун қулай шароитлар ярата бошладик.

**Биринчидан**, 2017 йилда миллий валютаимиз – сўмнинг эркин конвертациясини жорий этиб, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ барча чекловларни олиб ташладик.

Банк ва йирик корхоналаримиз илк марта халқаро рейтинглар олиб, жаҳон молия бозорларига чиқди. Дунё бозорларига миллий валютаимизда ҳам халқаро облигациялар чиқарилди.

Шу билан бирга, биз банк-молия соҳасидаги ислохотларимизни тизимли равишда давом эттириш зарурлигини албатта яхши тушунамиз.

**Иккинчидан**, мамлакатимизда очиклик сиёсатини таъминлаш мақсадида 90 та хорижий давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имкониятини яратдик. Яна 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса енгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти берилди.

Бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон минтақадаги энг очик давлат мақомини қўлга киритгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

**Учинчидан**, коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни амалга ошириш мақсадида алоҳида Агентлик ташкил этилди.



Бу соҳада бошлаган ишларимизни давом эттириб, иктисодиётда шаффофликни таъминлаш ва коррупцияга қарши қатъий кураш олиб бориш янада кучайтирилмоқда.

**Тўртинчидан,** мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва тўлиқ ҳимоя қилишни ҳам энг устувор вазифа сифатида белгиладик.

Икки йил аввал Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси қабул қилинди ва тарихда биринчи марта мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

Ўзбекистонни қонун ва адолат мустаҳкам қарор топган демократик мамлакатга айлантириш, мустақил ва кучли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш – энг олий мақсадларимиздан бири сифатида кун тартибига қўйилди.

**Бешинчидан,** ислоҳотларимизнинг муҳим йўналиши сифатида мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик медиа макон яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш, давлат идораларининг жамият олдидаги ҳисобдорлигини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бу борадаги энг муҳим ютуғимиз шуки – биз жамиятимизда “ёпиқлик муҳити”дан қутулиб, Янги Ўзбекистон пойдеворини айнан эркинлик ва адолат тамойиллари асосида барпо этмоқдамиз.

**Олтинчидан,** кўп йиллар давомида мамлакатимизни турли “қора рўйхат”ларга киритилиши учун сабаб бўлган мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди. Бунинг эътирофи сифатида яқинда халқаро Нодавлат нотижорат ташкилотлар коалицияси – “Cotton Campaign” ҳамда жаҳондаги машҳур брендлар томонидан Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан илгари ўрнатилган бойкот бекор қилинди.



**Еттинчидан,** биз ислохотларимизнинг биринчи кунидан бошлаб таълим ва инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқдамиз.

Сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 21 мингдан ортиқ янги мактабгача таълим муассасаси ташкил этилиб, ушбу масканларда тарбия олаётган болаларимиз қамрови аввалги 27 фоиздан 67 фоизга кўтарилди.

Бундан ташқари, 200 га яқин янги мактаб барпо этилди, 3 мингдан ортиқ мавжуд мактаб эса реконструкция қилинди ва тўлиқ жиҳозланди.

Шу ўтган қисқа даврда 82 та янги университет ва институт, жумладан, 23 та хорижий олийгоҳ ташкил этилиб, олий таълим даргоҳларининг умумий сони 159 тага етди. Натижада мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамров даражаси олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етказилди ва бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муҳим ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон ва зарур буюмлар билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблағлар миқдори ўтган даврда 12 баробар кўпайтирилди.

**Саккизинчидан,** мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати ҳам бизнес соҳасини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда солиқларнинг умумий сонини 13 тадан 9 тага туширдик. Мол-мулк, шахсий даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари икки баробар пасайтирилди. Шу билан бирга, импорт бўйича 6 мингга яқин бож ставкалари ҳам камайтирилди. Шунингдек, ўтган 5 йил ичида 200 га яқин лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки соддалаштирилди.

Тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юкини янада камайтириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш-



га каратилган чора-тадбирлар тизимли равишда давом эттирил-  
моқда.

**Тўққизинчидан**, Ўзбекистонда “ягона дарча” тамойили асосида хорижий инвесторлар билан ишлаш бўйича мутлако янги тизим жорий этилиб, сармоядорларга ҳар томонлама кўмак берадиган, барча ҳудуд ва тармоқларни камраб олган Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолияти йўлга қўйилди. Натижада иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми 3,5 баробар ошиб, охириги 5 йилда уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобидан 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани мамлакатимизда 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринларини яратишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Шунингдек, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, электротехника, кимё ва нефть-кимё, қурилиш материаллари, озик-овқат саноатлари ва бошқа кўплаб соҳалардаги қайта ишлаш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга ҳамда экспортнинг йиллик ҳажмини салкам 20 миллиард долларга етказишга муваффақ бўлдик.

**Ўнинчидан**, икки йил аввал мамлакатимиз тарихида биринчи марта камбағалликни бартараф этишни Ҳукумат сиёсатининг асосий мақсадларидан бирига айлантирдик.

Ушбу йўналишда алоҳида Стратегия қабул қилиниб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Натижада қисқа даврда ярим миллиондан ортиқ оилани муҳтожлар тоифасидан чиқаришга эришдик.

Умуман олганда, 5 йил давомидаги ҳаракатларимиз ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу фикрни ислохотларимизнинг дастлабки йилларидаёқ иқтисодиётимизнинг йиллик ўртача ўсиши – 5 фоизни, саноат соҳасида эса – 8 фоизни ташкил этгани ҳам тасдиқлайди. Олтин-валюта захираларимиз 27 миллиард доллардан 35 миллиард долларга етди.



Хатто коронавирус пандемияси авж олган 2020 йилда ҳам мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсишида ижобий динамика сақлаб қолингани, 2021 йилда эса унинг ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани ислоҳотлар йўлининг тўғри танланганидан далолат бўлиб, бизни янги амалий марраларга даъват этмоқда.

Муҳтарам форум иштирокчилари!

Мамлакатимиздаги 5 йиллик ислоҳотлар жараёнининг энг муҳим ютуғи сифатида бир фикрни тўла ишонч билан таъкидлаш мумкин: Ўзбекистонда ислоҳотлар ортга қайтмайдиган муқаррар тус олгани реал ҳақиқатдир.

Яқинда биз келгуси 5 йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини қабул қилдик. Ушбу Стратегия “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти ва инсон капиталини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлиги ва гендер тенгликни таъминлаш каби муҳим вазифаларга қаратилган.

Стратегиямизнинг пировард мақсади – давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳа ва йўналишларида “Инсон кадри учун” ғоясини ҳаётга татбиқ этишни кўзда тутади.

Бу йўналишлар куйидагилардан иборат.

**Биринчи йўналиш** – мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни изчил давом эттириш.

Жумладан, кенг кўламли маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш ва рақамлаштиришни жорий этиш орқали бизнес учун янада қулай шароит яратиш, давлат бошқаруви тизимининг натижадорлигини ошириш орқали ишбилармон ва тадбиркорларга кўмак берадиган, ихчам ва юқори самарали ҳукумат тизимини ташкил этиш кўзда тутилган.

**Иккинчи йўналиш** – давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартириш.



Халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари кўмагида давлат активларини хусусийлаштириш орқали 2026 йилга қадар эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳисобидан 25 дан ортиқ фаолият турлари бўйича монополиялар тугатилади, тижорат банкларида трансформация жараёнлари давом эттирилиб, банк активларида хусусий секторнинг улуши 60 фоизга етказилади, давлат иштирокидаги корхоналар сони камида 3 баробар қисқартирилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Форумда қатнашаётган сиз, ҳурматли инвестор ва тадбиркорларга ошқоралик, шаффофлик ва рақобат тамойиллари асосида ўтказиладиган хусусийлаштириш жараёнларида кенг иштирок этишингиз учун барча шароитлар яратишимизни таъкидлаб айтмоқчиман.

**Учинчи йўналиш** – мамлакатимизда инфратузилмани жадал ривожлантиришни давом эттириш.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик механизмини жорий этган ҳолда, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилмани ривожлантириш ва йўл қурилиши соҳаларида умумий қиймати 15 миллиард долларлик 200 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Барчангизни ушбу жараёнларда фаол иштирок этиб, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишга таклиф этамиз.

**Тўртинчи йўналиш** – иқтисодиётимизни саноатлаштириш доирасида бой хомашё захираларимизни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон кўплаб фойдали қазилмалар захираси бўйича дунёнинг юқори ўринда турадиган 20 та давлати қаторига қиради. Жумладан, мамлакатимиз олтиннинг ресурс базаси бўйича дунёда – 2-ўринни, мис бўйича – 7, вольфрам бўйича – 8, кумуш бўйича – 9, уран бўйича



12-ўринни, табиий газ ишлаб чиқариш соҳасида эса 16-ўринни эгаллайди.

Ана шундай бой хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаган ҳолда, келгуси 5 йилда кимё ва газ-кимё, мисни қайта ишлаш, электроника, фармацевтика, тўқимачилик ва кўплаб бошқа соҳаларда 120 миллиард долларлик инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ лойиҳалар ишлаб чиқилган.

**Бешинчи йўналиш** – инсон капиталига инвестиция кiritиш.

Келгуси 5 йилда мактабгача таълим соҳасида – 7 мингдан зиёд янги муассасалар ташкил этиш орқали қамров даражаси ҳозирги 67 фоиздан 80 фоизга етказилади, мактаб таълими тизими учун ўқув дастурлари ва дарсликлар илғор хорижий тажриба асосида тўлиқ қайта ишланади ва қўшимча 1 миллион 200 минг ўқувчи учун янги мактаблар барпо этилади, олий таълим соҳасидаги қамров даражаси 50 фоизга етказилади.

Биз профессионал таълим тизимини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, юқори малакали мутахассисларни замон талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун IT ва муҳандислик йўналишларига ихтисослаштиришни устувор вазифа сифатида белгиладик.

Масалан, Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати билан биргаликда амалга оширилаётган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ушбу йўналишдаги амалий ҳаракатларимиз намунасидир. Мақсадимиз – иқтисодиётимизнинг “драйвер” тармоқларини етук ва малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминлашдан иборат.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодий ресурслар билан бирга катта инсоний салоҳиятга, замонавий билим ва чет тилларни пухта ўзлаштирган янги авлод кадрларига эга. Бу бизнинг энг катта бойлигимиз ҳисобланади.



**Олтинчи йўналиш** – мамлакатимизда ташки савдони янада эркинлаштириш, экспорт ва импорт фаолиятлари учун кўшимча кулайликлар яратиш.

Ўзбекистон яқин йилларда Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш учун аниқ кадамлар кўймоқда. Ҳозирнинг ўзида республикаимизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркин савдо орқали 280 миллион истеъмолчиси бўлган минтакавий бозорларга чиқиш имкониятига эга.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг кенгайтирилган преференциялар тизими “GSP +” доирасида Ўзбекистондан 6 мингдан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш мумкин.

Шунингдек, миллий экспортчиларимизга кўшимча имкониятлар яратиш учун ҳозирги вақтда Ҳиндистон, Туркия, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан имтиёзли ва эркин савдо битимларини имзолаш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

Мавжуд транспорт коридорларини диверсификация қилиш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Трансафғон темир йўли орқали Жанубий Осиёга, “Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой” темир йўли орқали Осиё – Тинч океани минтақасига ҳамда Жанубий Кавказни кесиб ўтадиган мультимодал транспорт коридори орқали Европа мамлакатларига етказиш учун имкониятлар яратиш бўйича ҳам амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

**Еттинчи йўналиш** – мамлакатимизнинг инвестиция жозибдорлигини ошириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш.

Бу соҳа ривожини учун амалий таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида 2022 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш йўлга қўйилади.

Шунингдек, краудсорсинг платформаси ва замонавий рақамли ечимлардан фойдаланган ҳолда, барча тармоқ ва ху-



дудлардаги инвестор ва тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш амалиётини давом эттирамиз.

Бизнинг мамлакатимизда 20 август санаси Тадбиркорлар кунини сифатида белгиланган. Айни шу кунда Президентнинг тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри учрашуви бўлиб ўтади. Мен бугунги анжуманда иштирок этаётган барча инвестор ва тадбиркорларни бўлғуси ана шундай мулоқотда ўзларини кизиқтирган савол ва таклифлар билан иштирок этишга мамнуният билан таклиф этаман.

Умуман олганда, амалга ошириладиган ислохотларимиз натижасида келгуси 5 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизга етказилади.

Биз Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олишига эришишни аниқ мақсад қилиб қўйганмиз.

Ҳурматли дўстлар!

Охирги йилларда дунёда юз бераётган пандемия синовлари, иқтисодиёт соҳасидаги мавжуд қийинчиликлар ва бошқа муаммолар бизни ноштандрт чоралар кўришга, янги вазиятда ишлаш ва натижага эришишга ўргатмоқда.

Дунёдаги бугунги мураккаб вазиятда ҳам Ўзбекистон – яшаш ва ишлаш учун тинч ва хавфсиз макон сифатида танилганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Биз инвесторлар учун энг қулай ва жозибадор шароитлар яратиш бўйича саъй-ҳаракатларимизни янада жадаллаштирамиз.

Ислохотларни амалга ошириш жараёнидаги энг мураккаб вазифа – бу фақат қонунчиликни ўзгартириш ёки турли стратегияларни ишлаб чиқишдан иборат эмас. Булар албатта муҳим, лекин энг асосийси – одамларнинг дунёқараши ва фикрини ўзгартириш эканини, ўйлайманки, дунёдаги барча ислохотчилар тан олса керак.



Бугун ушбу залда Ўзбекистон Республикаси Президенти командаси аъзолари – вазирлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ҳам катнашмоқда. Уларнинг ҳаммаси, юқорида таъкидланганидек, юксак малакали мутахассислар, замонавий дунёқарашга эга, Янги Ўзбекистон вакиллари бўлиб, ушбу Форумга тайёргарлик доирасида мендан аниқ топшириқлар олишган. Бу раҳбарлар Форумга ташриф буюрган Сиз, ҳурматли меҳмонларимиз билан амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, энг муҳими – инвестор ва тадбиркорларга ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш учун мунтазам ишлашга тайёр.

Шунингдек, Форум ишида хорижий шерикларимиз билан янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга тайёр бўлиб турган Ўзбекистоннинг етакчи тармоқ бирлашмалари, хусусий компаниялари ва корхоналари раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

Форум доирасида сизларнинг эътиборингизга Ўзбекистонда ўз бизнесингизни самарали юритишингиз учун мавжуд шароитлар ва янги истиқболлар тўғрисида кенг маълумот берадиган 30 дан зиёд тадбирлар билан бир каторда, 200 дан ортиқ жозибадор лойиҳалар бўйича таклифлар ҳам ҳавола этилади.

Ҳурматли инвесторлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Маълумки, ҳозирги замон бутун жаҳон иқтисодиёти рақамлаштириш жараёнига ўтаётган, “яшил” технологиялар ва инновацион таракқиёт ҳар қандай соҳа ва бизнес ривожини учун устувор аҳамият касб этаётган бир даврдир. Бизнес ва тадбиркорлик, халқаро иқтисодий алоқалар учун бекиёс имкониятлар очилаётган мана шундай шароитда сизларни қадимий цивилизация ва маданият маскани бўлган, бугунги кунда янгиланиш ва ислоҳотлар йўлидан дадил бораётган Янги Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик ўрнатишга таклиф этаман.



Сизларнинг мамлакатимизда муваффақиятли фаолият олиб боришингизни таъминлаш – Ўзбекистон Президенти ва Хукумати томонидан кафолатланади.

Барчангизни улкан ва муштарак мақсадларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли шериклик алоқаларимизни янги, янада юксак боскичга кўтариш учун фаол амалий ҳаракатларга даъват этаман.

Анжуманимизнинг барча иштирокчиларига Форум натижалари бўйича муҳим ва самарали келишувларга эришишни, келгуси ишларида эса янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг тантанали очилиш маросимидаги нутқ*

*2022 йил 24 март*



## МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АССАМБЛЕЯСИ КЕНГАШИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Барчангизни кутлуғ сана – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси ташкил этилганининг 30 йиллиги билан кутлашдан ғоят мамнунман.

Ўтган давр мобайнида биргаликда олиб борган саъй-ҳаракатларимиз туфайли Парламентлараро Ассамблея жуда зарур халқаро тузилмага, Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида кўп томонлама ҳамкорликнинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинадиган муҳим платформага айланди.

Ассамблея МДҲ маконида демократик жараёнлар, парламентаризм ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда ташкилотнинг ўрни бекиёсдир.

Ассамблея негизида модель сифатида ишлаб чиқилаётган қонунлар умумий иқтисодий маконни шакллантириш, янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш, гуманитар ва маданий алоқаларни чуқурлаштириш мақсадида Ҳамдўстлик давлатлари қонунчилигини халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган меъёрлари асосида такомиллаштириш ва уйғунлаштириш имконини бермоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда парламент ва президент сайловларида Ассамблея номидан иштирок



этаётган халқаро кузатувчилар сайлов жараёнларининг халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда ўтишини таъминлашда муҳим вазифани бажармоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг ёш парламент аъзолари ва етакчиларини ёшларга оид самарали сиёсатни амалга оширишга фаол жалб этаётган МДХ Ёшлар парламентлараро ассамблеяси фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳурматли мажлис катнашчилари!

Ҳамдўстликни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида дўст халқларимиз манфаатлари йўлида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун МДХнинг давлатлараро тузилмалари, аввало, Парламентлараро Ассамблеянинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Ҳамдўстлик мамлакатларининг миллий қонунчилик органлари томонидан МДХ доирасидаги қарорлар ва дастурий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан парламент назоратининг амалга оширилиши белгиланган мақсадларга эришишнинг таъсирчан механизми ва кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ассамблея фаолиятида ва парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда фаол иштирок этмоқда.

Биз бундан буён ҳам шерикларимиз билан биргаликда Парламентлараро Ассамблея ишини кучайтириш, жумладан, унинг эркин савдо зоналарининг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш, ўзаро инвестициялар ва саноат кооперациясини кенгайтириш, амалдаги транспорт маршрутларидан фойдаланиш ва янгиларини шакллантиришга қаратилган фаолият самарадорлигини ошириш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, илм-фан, инновациялар, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун қўшимча имкониятлар яратишга тайёрмиз.

Ўзбекистон МДХ Парламентлараро Ассамблеяси доирасида мамлакатларимиз ўртасида тинчлик, барқарорлик, дўстлик,



ўзаро ишонч ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлаш йўлидаги фаол ҳаракатларини давом эттиради.

Ишончим комилки, МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг навбатдаги мажлиси шу йил кузда Тошкент шаҳрида юксак даражада бўлиб ўтади ва Ҳамдўстлик маконида парламент дипломатиясини ривожлантиришга ўз ҳиссасини кўшади.

Бугунги юбилей мажлисининг барча қатнашчиларига самарали иш олиб боришни ва янги ютуқлар тилайман.

2022 йил 29 март



## ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юрtdошлар!

Маданият ва санъат соҳасининг заҳматкаш ва фидойи вакиллари!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни мамлакатимизда илк бор нишонланаётган кутлуғ айём – Маданият ва санъат ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилақларимни изҳор этаман.

Ҳаммамизга аёнки, инсон қалбига олижаноб фазилатлар, эзгу ҳис-туйғуларни сингдириб, жамиятни бирлаштириш ва тараккий эттириш, халқни, Ватанни дунёга тараннум этишда маданият ва санъатнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир.

Юртимиз тарихига назар солсак, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс каби ноёб ҳодисалар аввало қадимий ва бой маданиятимиздан озикланиб, ўлмас кадрият ва анъаналаримиз асосида вужудга келганини кўрамиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон қиёфасини шакллантириш, ўз олдимизга қўйган буюк мақсад – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда сиз, ҳурматли ижодкор зиёлиларимиз ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқаётганингизни эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги йилларда соҳа ривожига қаратилган бир қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.



Айникса, Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ бу борадаги ислоҳотларнинг янги стратегияси қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

Коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инкирозга қарамадан, маданият ва санъат соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун давлатимиз томонидан зарур маблағ ва ресурслар ажратилиб, қулай имкониятлар яратилмоқда.

Аввало, Маданият вазирлиги замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, унинг марказий ва ҳудудий тузилмалари, турли ижодий ташкилот ва уюшмалар фаолияти такомиллаштирилди. Миллий санъатимизнинг ноёб турлари тикланиб, ўнлаб янги маданият ва санъат муассасаси фаолияти йўлга қўйилди, 15 га яқин театр, музей ва кўрикхоналар ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон давлат филармонияси, Миллий мақом санъати ва Бахшичилик санъати марказлари, ҳудудларда намунавий мақом ва бахшичилик ансамбллари, Театр ва кино арбоблари уюшмалари, “Баҳор” давлат рақс ансамбли самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган қисқа даврда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институти, Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти, Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали, Республика муסיқа ва санъат коллежи ҳамда Нукус опера ва бахшичилик мактаби ташкил этилди.

Юртимизда мақом ва бахшичилик санъатлари ҳамда ҳунармандчилик бўйича халқаро фестиваллар мунтазам ўтказиб келинаётгани миллий маданиятимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Натижада халқимизнинг қадимий ва бетакрор санъати дунё ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. “Хоразм лазгиси” ва бахшичилик санъати



ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани бунинг яққол далилидир.

Соҳа ходимларининг машаққатли меҳнاتини ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Айниқса, мамлакатимизда 15 апрель санаси Маданият ва санъат ходимлари куни этиб белгилангани бу йўлдаги янги қадам бўлди.

Муҳтарам юртдошлар!

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган юксак мақсад ва марраларимиз барча соҳалар қатори маданият ва санъат жабҳасида ҳам олдимизга долзарб вазифаларни қўймоқда.

Аввало, миллий маданиятимиз ва санъатимизда халқчилик тамойилларини янада ошириш, уни том маънода эл-юртимизнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, энг юксак халқаро мезон ва талабларга жавоб берадиган соҳага айлантириш – энг муҳим вазифадир.

Аҳоли, аввало, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни турли бузғунчи ғоялар, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашда биз сизлар каби минглаб фидойи маданият ва санъат намояндаларига таянамиз.

Бу борада улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий “ибратхона” деб таърифлаган театрларимизнинг ўрни ва таъсири катта эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Ўтган йил декабрь ойида мамлакатимизда опера ва балет санъатини янада ривожлантириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, бу борада зарур чора-тадбирлар белгиланганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Бундан ташқари, маданият ва санъат олийгоҳлари талабаларини, нодавлат театр-студияларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилишларини рағбатлантириш мақсадида жорий йилдан бошлаб энг яхши лойиҳалар учун давлат грантлари ажратилади.



Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича таълим олаётган битирувчилар, шунингдек, эркин ижод билан банд бўлган рассомлар фаолиятига ёрдам бериш, жумладан, ижодий устахоналар билан таъминлаш, “устоз-шогирд” анъаналарини кучайтириш масаласида ҳам катор ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Миллий кинематография соҳасини янада ривожлантириш мақсадида яқинда тубдан таъмирланган “Ўзбекфильм” киноконцернини замонавий ускуна ва курилмалар билан жиҳозлаш ва уни йирик ижодий муассасага айлантириш бўйича бошлаган ишларимизни охирига етказамиз. Кино санъатининг туризм салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамиятини инобатга олиб, нуфузли хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, маданият ва санъат ташкилотлари, хусусан, ҳудудлардаги маданият масканларида меҳнат қилаётган кўп миллатли ижодий ва техник жамоаларни кўллаб-қувватлаш, юксак бадиий асарлар яратишга рағбатлантириш, уларнинг эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилишлари учун зарур шароит яратиб бериш ишлари янги босқичга кўтарилади.

Азиз санъаткорлар, муҳтарам соҳа фахрийлари!

Сизларни қутлуғ байрам – Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлик, ижодий ва ижтимоий фаолиятингизда улкан зафарлар, хонадонларингизга тинчлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Ҳамиша халқимиз ардоғида бўлиб юринг!

2022 йил 15 апрель



## “ЛАЗГИ” ХАЛҚАРО РАҚС ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли фестиваль қатнашчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам санъат шайдолари!

Аввало, сиз, азизларни кўҳна Хоразм заминида биринчи бор ташкил этилаётган йирик санъат ва нафосат байрами – “Лазги” халқаро рақс фестивалининг очилиши билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига ҳам самимий миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Маълумки, ҳар бир халқ ўзининг кўп асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий мероси билан ҳақли равишда фахрланади. Шу маънода, улкан маънавий хазинамиз ҳисобланадиган бой ва ранг-баранг ўзбек рақс санъати халқимизга хос нафосат ва гўзаллик, эзгу орзуинтилишлар ёрқин мужассам топгани билан катта аҳамиятга эгадир.

Миллий рақс санъатимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллайдиган, таъбир жоиз бўлса, унинг гултожи бўлган “Лазги” рақси ўзининг чуқур ҳаётий фалсафаси, бетакрор ижро усули ва жози-



баси билан нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кенг шухрат қозонган.

Маълумотларга кўра, халқимизнинг бадиий даҳоси билан яратилган ушбу санъат мўъжизаси уч минг йиллик тараккиёт йўлини босиб ўтган. Унинг пайдо бўлиши ҳақида турли афсона ва ривоятлар мавжудлиги ҳам шундан далолат беради.

Неча юз йиллар давомида халқимизнинг эстетик тафаккур олами, анъана ва қадриятлари билан ҳамоҳанг тарзда “Лазги” рақсининг бир неча йўналиш ва турлари вужудга келиб, у мукаммал санъат асарига, яхлит хореографик мажмуага айланган.

“Лазги” рақси ўзининг беқиёс сеҳри, жозибаси ва таровати билан дунё сахналарини ҳам забт этиб, турли миллат ва элатларни бирлаштирувчи таъсирчан санъат воситаларидан бири сифатида тобора севимли бўлиб бормоқда. ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан 2019 йил 12 декабрда Хоразм “Лазги” рақси Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатнинг барча соҳалари қатори миллий рақс санъати турларини асраб-авайлаш ҳамда бу йўналишдаги ижодий мактабларга хос бўлган ноёб анъаналарни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда, 2020 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларимиз бу борада муҳим амалий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, ўз даврида бутун дунёда ўзбек миллий рақс санъатининг рамзи сифатида ном қозонган Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” рақс ансамблининг қайта таш-



кил этилиши маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда миллий рақс санъати, хусусан, “Лазги” рақсининг жаҳон маданиятида тутган ўрнини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, унинг маҳоратли раққосаларини тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда, юртимизда Хореография академияси тузилиб, ушбу ноёб санъат масканининг фаолияти мутлақо янгича асосда ташкил этилди.

Шу билан бирга, рақс санъати йўналишида узлуксиз таълим тизими жорий қилиниб, барча мактабгача таълим ташкилотларида хореография санъатидан дарс бериш йўлга қўйилмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида рақс синфларининг сони кўпайтирилгани, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилгани ҳам бу соҳада янги истеъдодларни кашф этиш ва тарбиялашда пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда кўп йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган машҳур “Лазги” ашула ва рақс ансамблини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва санъаткорларга зарур шароитлар яратиб бериш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Айниқса, ўтган йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида германиялик санъаткорлар билан ижодий ҳамкорликда сахналаштирилган балет-спектакль орқали “Лазги” рақсининг қадимий тарихи ва жозибаси гўзал бадиий талқинда очиқ берилди. Мазкур асар нафақат мамлакатимиз томошабинлари, балки чет эллик санъат ихлосмандлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

Жорий йилдан бошлаб Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир мартаба “Лазги” халқаро рақс фестивалининг ўтказилиши ушбу ноёб санъат турини асраб-авайлаш ва ҳар томонлама тарғиб қилиш, шу асосда халқаро маданий алоқаларимизни янада кенгайтириш борасида катта имконият яратиши шубҳасиз.



Бугун тантанали равишда очилаётган ушбу фестивалга 30 та давлатдан 175 нафардан зиёд рақс санъати усталари, профессионал рақс жамоалари, санъатшунос олимлар, маданият соҳасининг таниқли намояндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюргани ҳам юртимизга ва санъатимизга бўлган қизиқиш қай даражада юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Миллий рақс санъатимизнинг тарихини, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Фестиваль доирасида ташкил этилаётган “Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни” халқаро илмий-амалий конференцияси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Фурсатдан фойдаланиб, конференция ишига муваффақиятлар тилайман.

**Қадрли фестивал қатнашчилари!**

Бугун қадимий ва улуғвор Хива шаҳрида сизларнинг иштирокингизда эзгу орзу ва ниятлар билан бошланаётган “Лазги” халқаро рақс фестивали келгусида дунёдаги нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин олади, деб ишонаман.

Ана шу йўлда барчангизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, ижодий парвозлар, янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

*2022 йил 26 апрель*



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-му-  
сулмонларни, бутун халқимизни муборак Рамазон ҳайити –  
Ийд ал-Фитр билан чин қалбимдан самимий табриклар, бар-  
чангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни  
изҳор этаман.

Қалбларимиз қувончга ва эзгу ниятларга тўлган ушбу сао-  
датли ва мунаввар дамларда аввало шундай табаррук кунларга  
етказгани, байрамни тинч ва осуда муҳитда, оиламиз, эл-юрти-  
миз билан ҳамжиҳатликда кутиб олаётганимиз учун Яратганга  
чексиз шукроналар айтамыз.

Халқимиз асрлар давомида буюк диний кадрият, саховат ва  
меҳр-окибат рамзи сифатида эъзозлаб келаётган бу улуғ айём  
кейинги пайтда ижтимоий ҳаётимизда янада мустаҳкам ўрин  
эгаллаб бораётгани албатта барчамизни хурсанд қилади.

Айниқса, бу йилги Рамазон байрами “Инсон кадри ва ман-  
фаатлари учун” деган олижаноб ғояни ўзида мужассам этган  
Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида кенг кўламли  
ислохотларимиз янада юксак босқичга кўтарилаётган тарихий  
шароитда ўтаётгани унинг фойзи ва шуқухини кескин ошир-  
моқда.

Чиндан ҳам, дунё аҳлини ўзаро дўст ва биродар бўлиб, тотув-  
лик ва ҳамкорликда яшашга даъват этадиган Рамазон ҳайити ин-  
сон кадрини улуғлашнинг ёрқин намунаси, десак, айтиш ҳақиқат-  
ни айтган бўламиз.



Ҳеч шубҳасиз, биз инсон кадрини унинг диний соҳадаги ҳуқуқ ва манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда кўрамиз. Шунинг учун сўнгги йилларда мамлакатимизда диний кадриятларимизни тиклаш, бебаҳо илмий-маънавий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмокда.

Жумладан, Бухорода – етти улуғ пир, Сурхондарёда – Имом Термизий зиёратгоҳлари, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий, Тошкент вилоятида – Занги ота, Наманганда – Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида – Сузук ота ёдгорлик мажмуаси каби мўътабар масканлар ҳар томонлама обод қилингани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда ана шу хайрли амалларимизнинг мантикий давоми сифатида Бухорода – Мир Араб олий мадрасаси, Самарқандда – Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ҳамда Тошкент шаҳрида – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмокда.

Муҳтарам юртдошлар!

Маълумки, дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси туфайли муборак Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш учун баъзи чекловлар киритилган эди. Қандай оғир бўлишига қарамай, жорий йилнинг январь ойидан бошлаб фуқароларимизнинг Умра зиёратига боришларини қайта йўлга қўйдик ва қисқа вақт ичида 35 мингга яқин юртдошларимиз қулай шароитларда ориқиқиб кутилган бундай эзгу амалларини бажариш имкониятига эга бўлди.

Яна бир хурсандчилик – бу йил муборак Ҳаж ибодатини амалга ошириш учун имконият пайдо бўлганини сиз, азизларга етказишдан ғоят мамнунман. Бу – синовли кунларда сабр-тоқат ва матонат билан барча қийинчиликларни енгиб ўтган ватандошларимиз учун Аллоҳ таолонинг яна бир марҳамати, десак, тўғри бўлади.



**Хурматли дўстлар!**

Ҳозирги пайтда дунёдаги вазият қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Айрим минтақалардаги можаролар тез аланга олиб, тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирмоқда. Буларнинг барчаси олдимизга муҳим вазифаларни кўйиб, доимо ҳушёр ва огоҳ, замон билан ҳамнафас бўлиб яшашни тақозо этмоқда.

**Муқаддас динимиз ҳам чин мусулмон одам ҳар қандай синов ва муаммога ҳамisha тайёр туриши зарурлигини, пок ният, эзгу амаллар билан яшайдиган бандаларга албатта юксак ажру мукофотлар ато этилишини уқтириб келади.**

Шу маънода, юртимизда барқарорликни таъминлаш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, қадимий ва ўлмас кадриятларга таянган ҳолда тараққиёт сари жадал одимлаш – давр талабидир.

Ана шундай аниқ мақсадларни кўзлаб, доимо олдинга интилган тақдирдагина биз бугун – кечагидан, эртага – бугунгидан кўра катта ютуқларга эришмоғимиз, обод ва фаровон ҳаёт кечирмоғимиз мумкин бўлади.

Барчамизнинг умидимиз ва таянчимиз бўлган ёшларимизнинг қалби ва онгида ана шу муҳим фазилатларни уйғунлаштириб, уларни жаҳон майдонида рақобатбардош етук авлод этиб тарбиялашимиз шарт.

**Ҳеч қачон унутмайлик, дунёдаги ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган энг катта бойлик – бу билим ва тарбиядир.**

Бу борада бой миллий анъаналаримиз асосида шаклланган ўзбекона тарбия билан бирга бизга яқин дўст ва хайрихоҳ бўлган давлатлардаги илғор ҳамда замонавий таълим тажрибаларидан оқилона фойдалансак, кўзлаган улуғ мақсадларимизга албатта етамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг узок ва яқин мамлакатларидаги барча мусулмонларни Рамазон ҳайити билан самимий



табриклар, уларга тинчлик, бардавом тараккиёт ва раванқ тилаймиз.

Азиз ватандошлар!

Ушбу муборак кунларни хонадон ва маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда мазмунли ва кўтаринки кайфиятда ўтказиш учун Рамазон ҳайити муносабати билан юртимизда дам олиш кунлари эълон қилинганидан хабарингиз бор.

Ўйлайманки, бундай қулай шароит байрамнинг файзу тароватини, кадр-кимматини янада оширади. Бинобарин, ушбу ҳордик кунлари – мўътабар ота-оналарни зиёрат қилиш, беморлар ва муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, яқинлар билан дийдор кўришиш учун яхши имкониятдир.

Ишончим комил, жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, ҳар бир инсоннинг, аввало, ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашишга қаратилган инсонпарварлик руҳидаги ишларимизнинг аҳамиятини халқимиз албатта яхши тушунади ва уларни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Муҳтарам юртдошларим!

Сизларни, бутун халқимизни мамлакатимизда кенг нишонланаётган муборак Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин юракдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, оилаларингизга хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Байрам шукуҳидан қалбларимиз янада нурафшон бўлсин!

Она юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

2022 йил 1 май



---

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИА ҲАРАКАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА БУТУН СПОРТ ЖАМОАТЧИЛИГИГА

Қадрли юртдошлар!

Олимпия ҳаракати ва спорт соҳасининг заҳматкаш ва фидойи вакиллари!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли ва спортсевар халқимизни мамлакатимизда кенг нишонланаётган кутлуғ сана – Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ташкил этилганининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан самий табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг – 1992 йилда ташкил этилиб, 1993 йилда Халқаро Олимпия кўмитаси томонидан расман тан олинган бўлса-да, аслида юртимизда спорт билан боғлиқ анъана ва кадриятлар узок тарихга эга эканини таъкидлаш лозим. Бунинг тасдиғини қадимий Ўзбекистон заминидан асрлар давомида кўплаб мард ва жасур инсонлар, кураги ерга тегмаган полвон ва паҳлавонлар етишиб чиққани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўз фаолиятини ана шундай бой анъаналар ҳамда халқаро мезонлар асосида ташкил этган Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ўтган қисқа даврда мамлакатимизда Олимпия ҳаракатини ривожлантириш, юртимиз вакилларининг нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлаш, аҳолимиз, айникса, ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, байроғимизни юксакларга кўтариб, она Ватанимиз шуҳрати-



ни жаҳонга тараннум этишдек гоят шарафли ва масъулиятли ишга бекиёс ҳисса қўшиб келаётганини халқимиз яхши билди ва ҳамиша қадрлайди.

Чиндан ҳам, ўтган 30 йил мобайнида Ўзбекистон спортчилари мустақил ва аҳил жамоа, тобланган ирода соҳиблари сифатида дунё спортининг энг йирик мусобақаси – Олимпия ўйинларида мунтазам иштирок этиб келаётгани таҳсинга сазовордир.

Ана шу даврда юртимиз вакиллари 7 та ёзги ва 8 та кишки Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 13 та олтин, 7 та кумуш ва 21 та бронза медалини қўлга киритганлари албатта барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бугунги кунда барча соҳалар қатори спорт оламида ҳам рақобат, беллашув тобора кескин тус олиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар бир ғалаба замирида азму шижоатли спортчиларимиз билан бирга уларнинг устоз ва мураббийлари, барча миллий терма жамоа аъзоларининг тинимсиз ва машаққатли меҳнати, билим ва тажрибаси, сабру матонати мужассам эканини англаш албатта қийин эмас.

Атлетларимизнинг энг нуфузли халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари, ҳеч шубҳасиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг спортга бўлган меҳри ва иштиёқини янада ошириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, спорт соҳасидаги шонли анъаналаримизни янада бойитишга хизмат қилаётгани билан ҳам эътиборлидир.

Айниқса, сўнгги йилларда спортчи ёшларимиз улар учун Янги Ўзбекистон шароитида яратилаётган қулай имкониятлардан руҳланиб, жаҳон спорт майдонларида янада улкан натижаларга эришаётгани барчамизни мамнун этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Халқаро Олимпия қўмитаси билан бирга, Осиё Олимпия кенгаши, Миллий Олимпия қўмиталари ассоциациясининг тўлақонли аъзоси ва фаол иштирокчиси эканини қайд этиш ўринлидир. Бу



эса ўзбекистонлик спортчилар иштирок этаётган мусобақалар географиясини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Ҳозирги вақтда спортчи ўғил-қизларимиз нафақат халқаро ёзги ва қишки Олимпия ўйинлари, балки Осиё ўйинлари, Ислом бирдамлиги ўйинлари, жаҳон Универсиада беллашувлари, Жанг санъати ва ёпик иншоотлардаги Осиё ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда зўр шижоат билан иштирок этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мухтарам ватандошлар!

Кейинги йилларда юртимизда барча соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалаларига устувор аҳамият бермоқдамиз.

Бу борада, айниқса, Ўзбекистон вакилларининг қишки Олимпия ўйинларида ҳам кенг таркибда иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритишларини таъминлаш мақсадида қишки спорт турларини раванқ топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашни истардим.

Азим пойтахтимиз – Тошкент шаҳрида қад ростлаган муҳташам “Хумо арена” замонавий муз саройи, “Амирсой” тоғ-чанғи комплекси, вилоятларимизда бунёд этилаётган қишки спорт турлари мажмуалари бу йўналишдаги дастлабки салмоқли қадамлар бўлди. Биз бу ишларни изчил давом эттирамиз.

Ишончим комил, соҳа ривожини учун яратилаётган бундай қулай шароитлар ва амалга оширилаётган тизимли ишлар келгуси қишки Олимпия ўйинларида албатта ўзининг ижобий натижасини беради.

Ўз навбатида, давлатимиз жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш, шу асосда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдодли ва моҳир спортчилар, юқори малакали устоз ва мураббийларни қўллаб-қувватлаш учун бундан буён ҳам зарур шароит ва имкониятларни яратиб беради.



Айни пайтда ўз спортчи фарзандларидан доимо янги ютук ва зафарларни кутиб яшайдиган халкимиз 2022 йилда бўладиган халқаро нуфузли мусобақаларда, хусусан, Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказиладиган XIX Осиё ўйинларида сизлардан янада юксак натижаларни кутиб қолади.

Азиз спортчи ва мураббийлар!

Ҳурматли Олимпия ҳаракати иштирокчилари!

Бугунги тантанали тадбирда бир катор нуфузли халқаро спорт ташкилотларининг юқори мартабали вакиллари, жумладан, Осиё Олимпия Кенгаши раҳбарлари, Халқаро Олимпия қўмитаси мутасаддилари, шунингдек, бизга дўст ва ҳамкор бўлган 30 дан ортиқ хорижий давлатларнинг Миллий олимпия қўмиталари раҳбарлари ва масъул вакиллари муҳтарам меҳмон сифатида иштирок этмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига бутун дунёда тинчлик ва дўстлик элчиси деб эътироф этиладиган спорт соҳасини ривожлантиришдаги эзгу ишларига улкан муваффақиятлар тилайман.

Мана шу кувончли айёмда мамлакатимизда Олимпия ҳаракатининг тамал тошини қўйган, умрини жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ривожига, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишлаган, бой билим ва тажрибасини бутун ҳам ёшларимизга ўргатиб, жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган муҳтарам фахрийларимизнинг бекиёс хизматларини яна бир бор эсга олиб, уларнинг барчасига ўзимизнинг самимий табрик сўзларимиз, чуқур эҳтиромимизни билдирамиз.

Улар нафақат миллий спортимиз, балки бутун жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги, ифтихори, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ана шу анъаналарни изчил давом эттириб, юртимизда Олимпия ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган, унинг кадриятларини ёшларимиз қалбига сингдираётган Олимпия ҳаракатининг барча иштирокчиларини, спортчи ва мураббийларни,



бир сўз билан айтганда, кенг спорт жамоатчилигини Ўзбекистон  
Миллий Олимпия кўмитасининг 30 йиллик байрами билан яна  
бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, Янги Ўзбекис-  
тон спортини юксалтириш йўлидаги эзгу фаолиятингизда  
улкан ютук ва зафарлар тилайман.

2022 йил 6 май



## ЎЗБЕКИСТОН – ЕОИИ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Хурматли Садир Нургожоевич!

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишининг барча иштирокчиларини кутлашдан мамнунман.

Ҳамкасбларимнинг сўзларига қўшилган ҳолда, хурматли Садир Нургожоевичга ушбу учрашувимизни ташкил этгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Қирғизистоннинг ЕОИИдаги фаол раислиги мамлакатларимизнинг Евроосиё бирлашмаси доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилишига ишонаман.

Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон кузатувчи давлат сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан шериклик муносабатларини ривожлантиришни давом эттирмоқда. Бу биз учун жуда муҳим йўналиш, чунки ЕОИИ мамлакатлари табиий ҳамкорларимиздир.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш ва мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигида ижобий суръатни таъминлашга муваффақ бўлганимиз бизни қувонтиради.

Хусусан, Ўзбекистоннинг бирлашмага аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йил яқунларига кўра 30 фоизга, жорий йилнинг биринчи тўрт ойида эса яна 33 фоизга ошди. ЕОИИ мамлакатларидан жалб қилинаётган инвестициялар йилига қарийб 25 фоизга кўпаймоқда.



Шу билан бир каторда, дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар ва инкирозли ходисалар мамлакатларимиз барқарорлиги учун жиддий хатардир. Глобаллашув даври янги жаҳон тартиботи шаклланиши босқичига ўтмоқда. Илгари кузатилмаган миқёсдаги чеклов чоралари киритилаётгани, маҳсулотлар етказиб беришнинг логистик занжирлари ва кооперация алоқалари узилаётгани, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўсаётгани, ижтимоий кескинлик кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Юзага келган вазиятда умумий саъй-ҳаракатлар билан биргаликдаги чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, ноодатий ечимлар топиш ва ҳамкорликнинг ностандарт механизмларидан фойдаланишни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бугун савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитларни шакллантириш вазифаси ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга. Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдода техник тўсиқларни бартараф этишни давом эттириш ва сертификатлаштиришни тан олиш товарларнинг бозорларимизга кириб боришини анча соддалаштириш имконини беради. Шу маънода, озиқ-овқат ва хомашёни четга чиқариш бўйича чекловлар Ўзбекистонга нисбатан татбиқ этилмаслиги масаласида бизни қўллаб-қувватлашларига ният қиламиз.

Шунингдек, биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали агросаноат кооперациясини кенгайтиришни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ишлар натижадорлигини ошириш учун Агрокооперация дастурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ушбу дастур бозорларимизни кафолатли тўлдириш мақсадида ЕОИИ мамлакатларида дон ва мойли экинларни биргаликда етиштириш ҳамда мева-сабзавот экинларини, шу жумладан, уларнинг эртапишар навларини Ўзбекистонда етиштириш масалаларини камраб олиши мумкин. Айни пайтда дастурни амалга



ошириш учун, биринчи навбатда, мамлакатларимиз худудларининг салоҳиятини ишга солиш мақсадга мувофиқ.

Янги хавф-хатарлар муқобил транспорт йўлакларини янада ривожлантириш, Жануб ва Шарқ йўналишларида транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Энг яқин вақтда Осиё-Тинч океани минтақаси бозорларига чиқиш учун кўшимча имкониятлар яратадиган “Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой” темир йўлини куриш лойиҳасини амалий рўёбга чиқаришга киришишни режалаштирмоқдамиз. Ушбу йўл “Шарқ – Ғарб” йўналишида мавжуд темир йўл магистралларининг имкониятларини кенгайтиради.

Шу билан бир қаторда биз Жанубий Осиёга ва унинг 2 миллиард истеъмолчига эга бозорига чиқиш учун энг қисқа йўлни таъминлайдиган Термиздан Покистоннинг Пешоваригача трансфғон темир йўлини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш борасида ЕОИИДаги шерикларимиз билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Бундан ташқари, мамлакатларимизнинг инновацион салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳамда саноат кооперациясининг янги шаклларини, энг аввало, юқори технологиялар соҳасида ривожлантириш тарафдоримиз. Тошкент шаҳрида «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» халқаро саноат кўргазмаси ўтказилгани бу борада биринчи амалий қадам бўлди. Унинг ишида бирлашма мамлакатларининг мингдан зиёд компанияси иштирок этди. Биз ушбу муҳим майдонни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Шу мақсадда, энг аввало, кимё, фармацевтика, машинасозлик, ускунасозлик, электроника соҳаларида кооперация алоқаларини рағбатлантириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича кўшма “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Бунда янги компетенцияларни шакллантираётган илмий-тадқиқот институтлари ва технологик марказлар имкониятларини ишга солиш муҳим.



Мамлакатларимизда меҳнат миграцияси ва мутахассислар ҳаракати билан боғлиқ масалалар долзарблиги ортмоқда. ЕОИИга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар иқтисодиётларининг тез ўзгариб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ меҳнат ресурсларини самарали жалб қилиш имконини берадиган зарур ҳужжатларни қабул қилиш ва соддалаштирилган тартиб-таомилларни қабул қилишни таклиф этамиз.

Пандемия оқибатларини енгиб ўтиш шароитида туризм соҳаси иқтисодий тараққиётнинг табиий драйверига айланиши мумкин. Йил бошидан буён Ўзбекистонга, биринчи навбатда ЕОИИ мамлакатларидан туристлар оқими сезиларли ўсаётганини кузатмоқдамиз. Жорий йил кузида Ўзбекистонда етакчи компанияларимиз иштирокида Туризм индустриясини ривожлантириш форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги йўловчи транспорти қатновини тўлиқ ҳажмда тиклаш масаласини ишлаб чиқиш ҳам муҳимдир.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Сўзимнинг якунида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга интилиши қатъий эканини яна бир бор тасдиқламоқчиман.

Бугунги учрашув натижалари кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимизда барқарор иқтисодий ривожланиш ва фаровонликни юксалтиришга хизмат қилишига ишонаман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

*Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши  
йиғилишидаги нутқ*

*2022 йил 27 май*



## **КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ – ИНСОН ҚАДРИ, ХАЛҚ МАНФААТИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШДИР**

Ассалому алайкум, ҳурматли комиссия аъзолари ва йиғилиш иштирокчилари!

Аввало, бугун халқимиз учун жуда муҳим сиёсий ислоҳотлар даврида сизлар билан кўришиб турганимдан мамнунман.

Қисқа вақт мобайнида Конституциявий комиссия томонидан Асосий қонунимизни такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Бугун сизлар билан шу борада атрофлича фикр-мулоҳаза алмашиш, устувор йўналишлар бўйича мулоқот қилиш учун йиғилиб турибмиз.

Конституциявий комиссиянинг иши, ҳеч шубҳасиз, биз олиб бораётган демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий заминини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Мен бу жараёнларни бевосита кузатиб, бир нарсага қувондим. Бошланаётган янги даврдаги ўзгаришларга фуқароларимиз бефарқ бўлмасдан, ўзлари ташаббускор бўлиб, кўплаб таклифлар бермоқда ва ислоҳотларимизни фаол кўллаб-қувватламоқда. Улардан келиб тушган ҳеч бир таклифни эътиборсиз қолдирмасдан, Асосий қонунимизни такомиллаштириш жараёнида албатта инобатга олишимиз зарур.

Бош мақсадимиз – ҳар бир юртдошимиз ушбу ҳужжатни менинг Конституциям деб фахрланадиган мукаммал даражага олиб чиқишдир.



Энди, рухсатингиз билан, бу борадаги баъзи фикрларимни баён этсам. Сўнгра ушбу муҳим масалалар бўйича батафсил фикр алмашсак, ўйлайманки, мақсадга мувофик бўлади.

Азиз дўстлар!

Биз Конституцияни такомиллаштириш бўйича янги, ғоят масъулиятли босқичга кадам қўймоқдамиз.

Бугунги кун ҳолатига кўра, Комиссияга фукароларимиздан 48 минг 492 та таклиф келиб тушгани ҳам конституциявий ислохотлар объектив ҳаётий зарурат сифатида кун тартибига чиқаётганини яққол намоён этмоқда.

Конституциявий комиссия томонидан тайёрланган таклифлар чуқур муҳокамадан ўтказилди ва ҳозирда Қонунчилик палатасига киритиш босқичида. Энди қонун, регламент асосида муҳокамалардан ўтказилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бу борадаги энг муҳим жиҳатларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Авваламбор, биз бир саволга аниқ жавоб топишимиз керак.

Нима учун айнан бугун конституциявий ислохотлар ўтказиш зарурати туғилмоқда?

Айрим юртдошларимиз, ҳатто баъзи олимларимиз ҳам Конституциямиз замонавий демократик талабларга жавоб беради-ку, унга ўзгартириш киритишга эҳтиёж борми, деган саволни ўртага қўймоқда.

Тўғри, Конституциямиз хорижий илғор тажриба ҳамда халқаро стандарт ва талабларга ҳар томонлама мос келади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Мен 1992 йили амалдаги Асосий қонунимизни қабул қилишда иштирок этган комиссия аъзоси сифатида олдин ҳам айтганман: Ўзбекистон Конституцияси мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Буни ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.



Шу билан бирга, бугун шиддатли тараккиётнинг ўзи олди-мизга кўяётган муҳим бир талабни чуқур тушуниб олишимиз зарур.

Ҳозирги таҳликали замон, ён-атрофимиздаги мураккаб вазият она Ватанимиз тақдирига янада улкан масъулият билан ёндашиб, кечиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Албатта, ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий қиёфаси тубдан ўзгарди. Олти йил олдинги халқимиз билан бугунги юртдошларимизнинг дунёқараши ўртасида катта фарқ бор.

Биз Конституциямизда муҳрлаб кўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш ғоясига содиқ қолган ҳолда, кенг кўламли ишларни амалга оширдик ва бу борада катта тажриба орттирдик.

Инсоният илмий-технологик даврга қадам кўйди. Жаҳонда кескин трансформация жараёнлари ва рақобат кучаймоқда. Эртанги кунини ўйлаган халқлар ва давлатлар ўз келажаги ҳақида бугун ҳар қачонгидан ҳам жиддий бош қотирмоқда.

Шу ўринда табиий саволлар туғилади. Мана шундай халқилувчи паллада ва келажакда давлатимизда, жамиятимизда инсоннинг ўрни ва қадри қандай? Қандай сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-гуманитар тамойиллар, қадрият ва манфаатлар биз учун устувор аҳамиятга эга бўлади?

Энг муҳими, конституциявий ислохотлар оддий аҳолига, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, жамиятимиз ва давлатимиз тараккиётига нима беради?

Бу саволларнинг барчасига жавобни пухта ишланган ҳуқуқий нормалар орқали Конституциямизда акс эттириш — давр тақозосидир.

Маълумки, Асосий қонунимизнинг 12-моддасида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Бу — ўта муҳим ва жуда тўғри белги-



ланган конституциявий қондадир. Чунки ҳар қандай сиёсий партиянинг мафкураси, у қанчалик обрӯли ва таъсирли партия бўлмасин, фақат муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этади.

Чинакам халқ мафкурасини, миллатнинг энг муқаддас орзу-интилишларини фақат унинг Бош ҳужжати – Конституциясида тўлиқ ифода этиш мумкин.

Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узок муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли қарор яратиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, “Инсон кадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак.

Ана шундай талаблардан келиб чиқиб, қуйидаги устувор йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчи йўналиш – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи.**

Амалга оширилаётган барча ислохотларимиз марказида инсон кадрини улуғлашга қаратилган эзгу ғоя мужассам. Чунки бизнинг муқаддас динимизда ҳам, буюк алломаларимиз бой илмий ва маънавий меросида ҳам, инсон – ҳаёт гавҳари, тенгсиз мўъжиза сифатида улуғланади.

Муқаддас Қуръони каримда Аллоҳ инсонни барча мавжудотлар ичида энг азиз ва муқаррам қилиб яратгани таъкидланган.

Улуғ бобомиз Мир Алишер Навоий ҳам инсонни қийнаётган муаммолар тўғри ҳал этилиб, унинг кадри жойига қўйилса, албатта эл шод, мамлакат обод бўлади, деб ёзганлар.



Дарҳақиқат, инсон муносиб шароитда таълим-тарбия олиб, фаровон ҳаёт кечирган тақдирдагина, жамият ва давлат уйғунликда барқарор ривожланади. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, ушбу тушунчалар билан боғлиқ рейтинг ва стандартларга биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Инсон – давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий кадрият бўлиши лозим.

**Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон кадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устундир.**

Шу боис инсон кадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт.

Янгиланаётган Конституциямизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилиши, ўзининг мукаммал ҳуқуқий ечимини топиши зарур.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, инсоннинг кадр-қиммати, аввало, унинг табиий яшаш ҳуқуқида намоён бўлади. Бу – энг улуғ ва муқаддас кадриятларимиздан биридир.

Маълумки, биз ўлим жазоси тайинланадиган жиноятлар сонини босқичма-босқич камайтириб, бу жазони тўлиқ бекор қилдик. Шунга қарамасдан, айрим фуқаролар томонидан ўлим жазосини тиклаш, уни жиноят қонунчилигига қайта киритиш ҳақида таклифлар ҳам илгари сурилмоқда. Ваҳоланки, демократик ва инсонпарвар ғояларни олий кадрият даражасига кўтарган дунёдаги аксарият давлатларда ўлим жазоси бекор қилинган. Чунки яшаш ҳуқуқи – ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга бу ҳуқуқни давлат эмас, Яратганнинг ўзи ато этган.

Агар сизлар қўллаб-қувватласангиз, Конституциямизга “Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади”, деган яна бир муҳим нормани киритишни таклиф қиламан.



Шу тариқа биз бу ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслигимизни, инсонпарварлик ғояларига содиқ эканлигимизни бутун дунёга яққол намоён қиламиз.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Президент Халқ қабулхоналарига келаётган кўплаб мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахс қўлга олинганида, у нима учун ушлангани ва қандай ҳуқуқларга эга экани тушунтирилмайди. Натижада гумон қилинувчининг ҳуқуқлари ушланган дастлабки вақтдаёқ хавф остида қолади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб давлатларнинг Конституция ва қонунларида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда акс эттирилган “Миранда қоидаси”ни қўллаш лозим. Яъни шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шарт. Ана шу қоидани Конституциямизда муҳрлаб қўйишнинг вақт-соати келди, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, “Хабеас корпус” институтини ривожлантириш зарур. Яъни шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас. Агар суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқа турдаги озодликни чеклаш ҳақида қарор белгиланган муддатда қабул қилинмаса, бундай шахсни дарҳол озод қилиш керак. Бу ҳақдаги муҳим нормани ҳам Асосий қонунимизда акс эттиришимиз зарур.

Бундай қоидалар инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият деган эзгу тамойилга ҳар томонлама мос келади.

Эсингизда бўлса, Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган маросимда яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ масалага алоҳида тўхталган эдим. Бундай номаъқул ёндашув туфайли кўплаб



ёшларимиз, малакали мутахассисларимиз айбсиз айбдор бўлиб, якин қариндошлари содир этган қилмишлар учун жабр тортиб келаётган эди.

Нима сабабдан бир жиноят учун бутун авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши лозим? Бундай адолатсиз “тизим”дан энди бутунлай воз кечамиз. Чунки халқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 30-йилларидаги сиёсий катагонларнинг ўзи етарли эмасми?!

Шу боис Конституциямизга “Шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмас”, деб қатъий ёзиб қўйишимиз керак. Шунингдек, “Озодликдан маҳрум этилган барча шахсларга нисбатан инсоний муносабат ва уларнинг кадр-қиммати таъминланиши шарт”, деган норма ҳам Асосий қонунимизда ўз аксини топиши зарур.

Биз жазо муддатини ўтаётганларни ҳам қайта тарбиялаб, улар соғлом ҳаётга қайтиши учун барча чораларни кўришимиз керак.

Яна бир масала. Кўпчилигимиз яхши биламизки, қадимги Рим ҳуқуқида олтин қоидалар бор. Масалан, “ҳеч кимга бажариб бўлмайдиган мажбуриятни юклама” ёки “қонун – имконсиз нарсани талаб қилмайди” каби қоидалар шулар жумласидандир.

Афсуски, миллий қонунчилигимизда бажариб бўлмайдиган ёки бажариш қийин бўлган нормалар ҳам учраб туради. Аслида, қонунлар инсонга ҳеч қачон ортиқча талаб қўймаслиги керак. Ортиқча талаб, аввало, ортиқча харажат дегани. Қолаверса, бу коррупцияга йўл очади.

Мана, бир мисол: фуқаронинг ипотека кредитидан 3 миллион сўмлик уч ойлик қарзи бор. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, банк қарздорни судга беради. Лекин бу масалада даъво аризаси 3 миллион сўм, яъни реал қарз бўйича эмас, балки кредитнинг



тўланмаган қисмига, дейлик, 250 миллион сўмга нисбатан берилади.

Суд аризани кўриб чиқиб, қарздордан 10 миллион сўмдан ортик давлат божи ундириш ва шартномани бекор қилиш бўйича қарор қабул қилади. Ўзингиз ўйланг, 3 миллион сўмни тўлай олмаган фуқаро 10 миллион давлат божини қандай тўлайди?

Бундай мантиксиз ҳолатларнинг олдини олиш учун янги бир нормани Конституцияга киритиш таклифини билдираман. Яъни маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жинсий жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар енгиллик яратиши керак.

Биласизларми, мени кўп йиллардан буён кийнаб келган яна бир масала бор эди, у ҳам бўлса “прописка” деган муаммо.

Одамларимиз Тошкентга келиш учун йўллардаги назорат постларидан паспортсиз, “метрика”сиз ўта олмас эди. Ҳаммамизнинг фахримиз бўлган пойтахтимизни томоша қилишга ёки ишлашга келса ҳам ҳадиксираб юрарди.

Нега? Чунки амалдаги Конституцияда фуқароларимизнинг эркин ҳаракатланишига оид нормалар тўлиқ ёзилмаган. Ваҳоланки, биронта демократик мамлакатда фуқаронинг ҳуқуқини чеклайдиган бундай тартиб йўқ.

Одамларимизни, уларнинг ҳуқуқларини камситадиган бундай ҳолатни бартараф этиш учун биз йўллардаги назорат постларини, “прописка” деган нарсани йўқ қилдик.

Келгусида бундай тўсиқларни тизимли ҳал этиш учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Ҳар бир фуқарога мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуқи қафолатланиши лозим. Ана шу муҳим нормаларни Конституциямизда қатъий белгилаб қўйишни таклиф этаман.



Шунингдек, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва унинг кафолатлари айнан Конституция даражасида мустаҳкамланиши керак. Шундагина фуқароларимизнинг тинч ва хотиржам яшаши, давлатга ва конунга ишончи, эмин-эркин ҳаракат қилишини кафолатли таъминлаган бўламиз.

**Иккинчи йўналиш – Асосий конунимизда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилни мустаҳкамлашни таклиф этаман.**

Чунки “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ғоянинг туб негизида ҳам, аввало, инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассамдир.

Маълумки, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиш беради. У – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

**Биринчидан,** ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутади. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Шулар қаторида яшаш учун зарур ресурслар – ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, транспорт ва бошқа қулайликлар билан таъминланиш, мажбурий меҳнатга тақиб қўйиш ҳам ижтимоий давлатда муҳим аҳамият касб этади.



Бир сўз билан айтганда, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди.

Ижтимоий давлатда инсон кадри деганда, аввало, фуқарони яшаш учун зарур уй-жой билан таъминлашни тушунамиз.

Бизнинг халқимиз учун уй-жой – бу Ватан ичра кичик ватандир.

Инсоннинг дунёга келиши, шахс сифатида камолга етиши, фарзандларни вояга етказиш, миллий урф-одат ва тарихий анъаналарни давом эттириш, тўйлар қилиш айнан уй-жойда амалга оширилади. Фарзанд туғилса, яхши ниятлар билан одамларимиз ҳовлисига кўчатлар экиб, шу уй, шу боғ кўп йиллар авлодларимга хизмат қилсин, деб орзу қилади.

Шу боис уй-жойли бўлиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш ҳар бир инсон ҳаётида қанчалик муҳим эканини барчамиз яхши биламиз. Халқимизнинг “Уйи борнинг ташвиши йўқ, унинг бошпанаси бор” деган гапида чуқур маъно бор.

Яқинда “Ижтимоий фикр” нодавлат маркази ўтказган сўровномада кўпчилик юртдошларимиз доимий уй-жойнинг борлиги – оила қуришнинг асосий шарти, деб фикр билдирган.

Мана, кўряпсизларми, оила мустаҳкам бўлиши учун инсонга аввало нима керак?

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ўтган беш йилда қарийб 500 мингта янги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Биринчи марта аёллар ва ёшларга, эҳтиёжманд оилаларга субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилди. 2022–2026 йилларда эса реновация ва уй-жойлар дастурлари доирасида шаҳарларда маънан эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойлар барпо этилади. Бунинг ҳисобидан 275 мингдан зиёд оила янги массивларга кўчиб ўтади.

Конституциямизда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш,



аҳолининг барча катламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамлаш зарур.

Халкимиз орасида “снос” деган ном билан машҳур бўлган муаммо бор. Бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун уй-жой бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйиш лозим. Яъни суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги керак. Иморат бузилишга тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматига мос равишда компенсация тўланиши шарт.

Уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг руҳсатисиз кириш, уларни кўздан кечириш ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши Конституцияда қатъий белгиланиши даркор.

Яна бир муҳим масала. Тараққиётнинг кўп асрлик тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий мулкисиз, унинг ишончли кафолатисиз, кучли ижтимоий давлатни қуриб бўлмайди.

Шу боис Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларни кучайтиришимиз лозим. Токи, катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир тадбиркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида эканини амалда ҳис этсин.

Ривожланган давлатлардаги каби шундай тартиб ўрнатилиши лозимки, мулкдор суд қарорисиз, ўзининг розилигисиз, адолатли товлон пулисиз мулкидан маҳрум этилмасин.

Шу билан бирга, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқмаслик ҳамда бекор қилмаслик масаласини ҳам конституциявий қоида сифатида белгилашнинг вақт-соати келди, деб ўйлайман.

Иқтисодиётимизни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлган тадбиркорликнинг ривожланиши йўлидаги барча тўсик ва ғовларни олиб ташлашимиз зарур. Шу мақсадда Конституциямизда мамлакатимизда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва



молиявий маблағлар эркин ҳаракатланиши, ички ва ташқи савдо ривожланиши учун давлат барча шароитларни яратиши ҳақидаги нормани мустаҳкамлашимиз керак. Бу – бошлаган ислохотларимиз ва давр талабидир.

Шунингдек, тадбиркорлар қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақли эканини ҳам Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Давлат хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини ҳамда шароитларни таъминлаши, эркин ва ҳалол рақобатнинг ҳимоя қилиниши, иқтисодий фаолиятда монополлаштиришга йўл қўйилмаслигини кафолатлаши лозим. Шу билан бирга, Асосий қонунимизда ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги аниқ белгиланиши лозим, деб ҳисоблайман.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмон фонди давлат тасарруфида бўлиб, тадбиркорлик субъектларига ижара шартномаси асосида берилади, деган мазмундаги норма ҳам Конституция-мизда акс этиши албатта ўринли бўлар эди.

**Иккинчидан**, ҳар қандай инсон учун муҳим ва мукаддас қадрият – бу унинг оиласидир. Соғлом ва мустаҳкам оила – давлат таянчи ва жамиятнинг асосий бўғинидир.

Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, миллий маданият, урф-одат ва анъаналарни, ўзлигимизни сақлайдиган, баркамол авлодни шакллантирадиган маскан сифатида эъзозлаймиз. Каттага – ҳурмат, кичикка – иззат, одамийлик, меҳр-окибат, она Ватанга муҳаббат ва садокат каби олижаноб фазилатлар аввало оилада қарор топади.

Бугунги глобаллашув замонида оила институтини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш зарурати тобора кучаймоқда.



Бош комусимизда оила институтининг конституциявий асосларини ривожлантириш мақсадида “оила аёл ва эркакнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосида шаклланиши”, жамиятнинг табиий ва таянч бўғини, жамият ва давлатнинг алоҳида ҳимоясида эканини мустаҳкамлаб қўйишни таклиф этаман. Шунинг учун давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун зарур ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратиши, кўп болали оилаларга қонунга мувофиқ имтиёз ва ижтимоий қафолатлар яратиб бериши лозим. Шунда оиланинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкам бўлади.

**Учинчидан,** халқимиз ҳаётининг мазмуни бўлмиш азиз фарзандларимиз тарбияси ва уларнинг ёруғ келажаги олиб бораётган сиёсатимизнинг муҳим йўналишидир.

Бугунги кунда 30 ёшгача бўлганлар юртимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ташкил этмоқда. Бу – биз учун жуда катта бойлик, инсоний ресурс.

Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий масканларни Учинчи Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари, тўрт узвий ҳалқаси деб ҳисоблаймиз. Шундай экан, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлмиш ўғил-қизларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш – долзарб масаладир.

Бош комусимизда боланинг манфаатлари, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида ўз аксини топиши зарур.

Шу билан бирга, давлат иқтидорли ёшларни, уларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, доимо қўллаб-қувватлашини мустақил қоида сифатида белгилаб қўйишимиз керак.

Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта аҳамият бераётганимиз барчангизга яхши



маълум. Бу борадаги сиёсатимизни конституциявий асосда мустаҳкамлаш мақсадида Асосий қонунимизга қуйидаги қоидаги киритишни тақлиф этаман:

“Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида маънавий ва ахлоқий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шароитларни яратади”.

Шунингдек, Конституциямизга “Ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунига қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиғи, тўлақонли ва баркамол ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурдир”, деган қоидаги киритиш ёш авлод тақдири учун масъулиятни янада оширишга хизмат қилади.

**Тўртинчидан**, халқимизнинг мурувват, бағрикенглик, ёрдамга муҳтожларга беғараз кўмак бериш, имконияти чекланган инсонларга тенг имкониятлар яратиш, меҳр-оқибат ва саховат каби фазилатлари миллий ғоямизнинг асосини ташкил этади.

Бугунги кунда юртимизда 1 миллионга яқин имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган фуқароларимиз ҳаёт кечирмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда имконияти чекланган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга тенг шароитларни яратиш борасидаги давлат сиёсати мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда. Жумладан, Парламентимизда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, шунингдек, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция ратификация қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Шу асосда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавжуд имкониятлардан тенг фойдаланиш, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, бандлик, реабилитация, сиёсий-ижтимоий ҳаётда тенг иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланмоқда.



Энди ногиронлиги бўлган инсонлар – жамиятнинг тўлақонли аъзолари, деган тамойил негизда уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва кафолатларини белгилаб қўйиш инсоний бурчимиздир. Жумладан, “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар қандай шаклда ажратиб қўйиш, уларнинг ҳуқуқларини чеклаш, объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бош тортиш тақиқланади. Давлат уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароитларни ва тенг имкониятларни яратади. Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар учун таълим муассасаларида инклюзив таълим ташкил этилади”, деган қоидаларни киритишни таклиф қиламан.

**Бешинчидан**, инсоннинг меҳнатга ва муносиб ҳаёт шароитларига, ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш – конституциявий ислоҳотларнинг муҳим мақсадидир.

Мамлакатимизда ўтган қисқа даврда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “темир”, “аёллар”, “ёшлар” дафтарлари, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизимлари ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ мазкур ишлар мунтазам, тизимли амалга оширилиши, ортга қайтмайдиган жараёнга айланиши учун мустаҳкам конституциявий кафолат лозим.

Бундан ташқари, Асосий қонунимизда ҳар бир шахснинг қулай меҳнат шароитида ишлаш, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласининг ҳаёт кечириши учун етарли миқдорда бўлишини белгилашни таклиф этаман.

Барчангизга маълумки, янги авлодни дунёга келтираётган, фарзандлар тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга азал-азалдан халқимиз алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келади. Шу мақсадда Бош қонунимизда ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад



этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилиши шарт.

Ҳаммангизга аёнки, кейинги йилларда мамлакатимизда мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди. Бунинг эътирофи сифатида яқинда “Cotton Campaign” халқаро коалицияси ҳамда жаҳондаги машҳур брендлар томонидан Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан илгари ўрнатилган бойкот бекор қилинди.

Бундай ҳолатлар бошқа қайтарилмаслиги, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик ҳам ўз аксини топиши зарур.

Барчангизга маълумки, сўнгги йилларда хорижий давлатлардаги ватандошларимизга муносабатимиз бутунлай ўзгарди. Чет элда билим олаётган, меҳнат қилиб даромад топаётган юрtdошларимизни, уларнинг мамлакатимизда яшаётган оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Хусусан, “Ватандошлар” жамоат фонди орқали чет элларда яшаётган фуқароларимиз ва уларнинг оилалари билан алоқалар кенгайтирилмоқда.

Бундай фаолият ҳеч қачон тўхтаб қолмаслиги учун ватандошлар ҳақида давлат томонидан ғамхўрлик қилишнинг конституциявий асосларини яратиш зарур. Шу мақсадда Конституциямизга давлат чет элда яшаётган ва ишлаётган фуқароларимиз ҳамда ватандошлар билан мунтазам алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилади, деган қонун киритиш даркор.

**Олтинчидан,** инсон саломатлиги – жамиятнинг энг катта бойлигидир. Ҳаётининг тажриба шуни кўрсатадики, фақат соғлом халқ ва миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Биз учун инсон саломатлиги – миллат ҳаётининг давомийлигини таъминлаш, унинг генофондини сақлаш, барқарор миллий стратегиямизнинг муҳим таркибий қисмидир. Бу мақсадларга



эришиш учун, менимча, Конституциямизда белгиланган “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳукукига эга”, деган умумий норма етарли эмас. Бу моддани кенгайтириб, тўғридан-тўғри қўлланадиган нормалар билан бойитиш шарт, деб ҳисоблайман.

Дунёда икки йил олдин бошланган пандемия бизни кўп нарсага ўргатди. Жорий йил март ойида тиббиёт ходимлари билан ўтган учрашувда келиб тушган 25 мингдан зиёд мурожаатлар ҳам бу соҳадаги кўп муаммоларни кўрсатиб берди. Шуларни таҳлил этган ҳолда, Бош қомусимизда инсон соғлиғини сақлашга оид конституциявий кафолатларни янада кучайтиришни таклиф этаман.

Навбатдаги масала – инсоннинг камол топиши, фаровон ҳаёт кечиришида қулай ва хавфсиз атроф-муҳит, экологиянинг аҳамияти бекиёс эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани экологик хавфсизликни ғоят долзарб масалага айлантирди. Шу боис Конституциямизда ушбу йўналишга доир экологик-ҳукукий нормалар ўз ифодасини топиши лозим.

Ҳеч шубҳасиз, бундай конституциявий ўзгаришлар жамиятимизда фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, айниқса, мансабдор шахсларнинг табиат ҳимояси учун масъулиятини кескин ошириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларни янада кучайтириш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, давлатнинг эркаклар ва аёллар, оилалар ва болалар, ёшлар ва нуронийлар, ногиронлиги бор шахслар, мамлакатда ёки унинг ташқарисида бўлишидан қатъи назар, барча инсонлар ҳақида қайғуриши Конституцияда мустаҳкамланиши зарур.



Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Биз таълим, илм-фан ва инсон капиталини ривожлантиришга устувор эътибор бериб келмоқдамиз. Чунки бугунги шиддатли рақобат замонида фақат билимли, маърифатли миллат ва давлат муносиб тараққиётга эриша олади.

Ота-боболаримиз “Бешикдан қабргача илм изланг” деган муборак ҳадисга амал қилиб яшаган даврларда юртимиз заминидан буюк мутафаккир зотлар – бухорийлар, термизийлар, хоразмийлар, берунийлар, фарғонийлар, навоийлар етишиб чиккан. Биз ана шундай улуғ аждодларимизнинг янги баркамол авлодини тарбиялаб вояга етказмоқчи эканмиз, бунинг учун боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини устувор тараққий эттиришни конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйишимиз шарт.

Бош қомусимизда давлат мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб бериши билан боғлиқ нормалар ҳам бўлиши лозим.

Биз сўнгги йилларда жамиятимизда устоз ва мураббийларнинг обрў-эътиборини юксалтириш, уларнинг маошларини ошириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Устоз ва мураббийлар – билимларни, урф-одат ва анъаналар, маданиятимизни авлоддан-авлодга етказадиган буюк кучдир. Шундай экан, устозга бўлган юксак эҳтиром Конституциямизда ўз ифодасини топиши зарур. Шунингдек, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашиш, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслигини Конституция даражасида белгилаб қўйсак, ўйлайманки, адолатдан бўлади.

**Учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масаладир.**



Бизнинг халқимиз учун жамият, аввало, маҳалладан бошланади. Маҳалла – асрлар давомида миллий урф-одатларимиз ва бой маънавиятимизни безавол саклаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши кўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

Маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун ва бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб ижтимоий тузилмани тушунамиз.

Ўтган даврда маҳалла ривожига доир 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳар бир ҳудудда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизим жорий этилмоқда.

Айни пайтда маҳаллани фуқаролар ўз фикри ва дардини, таклиф ва тавсияларини эркин айтадиган, муаммосига самарали ечим топадиган чинакам халқчил тузилмага айлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маҳалла обод бўлса – юрт обод бўлади. Маҳаллада ўзгариш бўлса – бутун жамият ўзгаради.

Хабарингиз бор, фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этдик. Лекин гоҳида, бу – маҳаллаларни бошқарадиган идора, деган нотўғри гап-сўзларни ҳам эшитиб қоляпмиз. Бундай қарашларга йўл қўймаслик мақсадида маҳалланинг мақомини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман. Бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатлари алоҳида белгиланиши зарур. Бунинг учун эса давлат органларининг маҳаллалар фаолиятига ҳар томонлама кўмак кўрсатиш бўйича мажбуриятлари мустаҳкамланиши керак.



Хурматли мажлис иштирокчилари!

Юртимизда фаолият олиб бораётган 9 минг 200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий ҳаёт, маданият ва таълим борасидаги мақсадларга эришишда муҳим вазифани бажармоқда.

Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Бу чора-тадбирларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатга қаратилган истиқболларини белгилаб олиш мақсадида 2021–2025 йилларга мўлжалланган концепция тасдиқланди.

Энди Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтлари – маҳаллалар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, оммавий ахборот воситалари, касаба уюшмалари, жамғармалар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ўрни ва мақомини янада мустаҳкамлаш лозим, деб ўйлайман.

**Тўртинчи йўналиш – Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш масаласидир.**

Ҳуқуқий давлат – инсониятнинг минг йиллар мобайнидаги машаққатли меҳнати эвазига шаклланган тараққиёт ғояси ва буюк кашфиётидир.

Фақат ҳуқуқий давлат шароитидагина инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қимматини тўлиқ таъминлаш, том маънода халқпарвар бошқарув тизимини шакллантириш мумкин.

Ҳуқуқий давлат – демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлатдир.

Шу маънода, мен “Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат” деган ғояни Конституциямизда аниқ мустаҳкамлаб қўйишни таклиф этаман.



Биз эл-юрт ташвиши билан яшайдиган халкчил давлат барпо этишни кўзлаганмиз. Бу шунинг англатадики, давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари халк учун ишлайди, унга хизмат қилади. Давлат ҳокимияти устидан халк назорати ўрнатилади.

Конституцияга давлат органлари фаолиятида очиклик, шаффофлик ва ҳисобдорликни, мазкур органларнинг ихчам ва тежамкор бўлишини таъминлаш юзасидан қоидалар киритишни таклиф қиламан.

Асосий қонунимизда халқ ҳокимиятчилигини, ҳокимиятларни бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш механизмларини таъминлашни янада кучайтириш талаб этилади. Бунда, авваламбор, Ҳукуматни шакллантириш ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлашда Олий Мажлиснинг ваколатларини кенгайтириш бўйича тегишли қоидаларни Асосий қонунимизда белгилашимиз зарур. Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарини тайинлаш бўйича фармон Сенат томонидан тасдиқланиши тартибининг жорий этишни таклиф этаман.

Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан тайёрланган Коррупцияга қарши кураш бўйича йиллик миллий маърузани муҳокама қилиш масаласини парламентимиз ваколатига киритиш лозим.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларининг конституциявий асосларини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш керак. Шу мақсадда мен Президентнинг айрим ваколатларини Олий Мажлисга ўтказишни таклиф этаман. Мисол учун, Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш ваколатини Сенатга ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали Ҳисоб палатаси Давлат бюджети шаклланиши ва ижросини таъминлашда парламент назоратининг муҳим воситасига айланади.



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини ислоҳ қилишдаги муҳим масала – бу жойларда ҳокимлар ва маҳаллий кенгашлар ваколатини ажратишдир.

Барчангизга маълумки, бу гоёни мен аввал ҳам бир неча марта илгари сурган эдим. Амалга оширган ислоҳотларимиз натижасида маҳаллий кенгашлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайди. Шундан келиб чиқиб, ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгашларига ҳам бошчилик қилиши ҳақидаги қондани Конституциядан чиқариб ташлаш вақти келди, деб ҳисоблайман.

Бу ислоҳотнинг жорий этилиши ҳокимият ваколатларини бўлиниш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишга, маҳаллий кенгашлар фаолияти самарадорлигини, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга олиб келади. Худудларда халқ манфаатларини тўлиқ таъминлашга, ҳокимликлар фаолияти устидан кенгашлар ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Биз халқ вакиллик органлари ваколатларини бундан буён ҳам янада кенгайтириш йўлидан борамиз.

Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи институтини ислоҳ қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Хусусан, Конституциямизга қонунчилик таклифларини киритиш институтини жорий этишни таклиф қиламан.

Мазкур институт доирасида 100 минг кишидан кам бўлмаган миқдордаги фуқаролар ўз қонунчилик таклифларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш имкониятига эга бўладилар. Шу асосда энди халқ бевосита қонун ижодкори сифатида ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини кўлга киритади.

Мазкур янги қонунчилик таклифларини киритиш институтини Олий Мажлис Сенати, Омбудсман ва Марказий сайлов комиссиясига ҳам бериш вақти келди, деб ҳисоблайман. Бунда



ташаббуслар қонун лойиҳаси шаклида эмас, балки таклифлар кўринишида киритилади.

Ижро ҳокимияти органларининг конституциявий жавобгарлик соҳаларини, ваколатларини кенгайтириш билан бирга, уларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш ҳам талаб этилади.

Шу муносабат билан Ҳукумат ваколатларини кенгайтиришни таклиф этаман. Хусусан, Конституцияда Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар сиёсатини амалга ошириш, оилани қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қулай жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шароитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини белгилаш лозим.

Фуқароларнинг тинч, эркин ва фаровон яшаши Ҳукумат ва маҳаллий ижро органлари фаолиятининг бош мезонига айланиши зарур.

Яна бир муҳим масала. Янги Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари дадил қадам ташлаётган эканмиз, барча суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари шуни чуқур англаб олиши керак.

Суд-ҳуқуқ тизимини қораловчи, жазоловчи органдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш – ислохотларимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ривожланган давлатлардаги каби бизда ҳам адолатли ва мустақил суд, қонун устунлигини амалда таъминловчи прокуратура, жамоат тартибини сақловчи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ички ишлар, миллий гвардия, кучли адвокатура тизимини яратиш асосий вазифамиздир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Конституция моддаларини бевосита амалга ошириш механизми ҳақида ҳам фикр алмашиб олишимиз зарур.



Конституциянинг олий юридик кучга эга экани, тўғридан-тўғри қўлланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли экани қайд этилмоқда. Буларнинг барчаси Асосий қонуннинг ҳимоячиси бўлган Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мазкур суд, бошқа судлардан фарқли ўлароқ, фақат Конституцияга бўйсунди ҳамда Асосий қонуннинг устунлиги принципини таъминлайди. Бунда Конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият чиқарган ҳужжатларда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий принцип ҳамда Конституция нормаларига амал қилинишига эътибор қаратади.

Шу муносабат билан Конституциявий суд ишини тубдан ўзгартириш, унинг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда ҳисобдорлигини ошириш лозим.

Шунингдек, Конституциямизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян ишда суд томонидан уларга нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мослигини текшириш ҳақидаги шикоятларини кўриб чиқишни Конституциявий суднинг ваколатида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Азиз дўстлар!

Барча эзгу мақсадларимизнинг амалга ошиши миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликка, юртимиз тинчлиги ҳамда хавфсизлигига боғлиқ. Мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат ушбу вазифалар ечимига қаратилган.

Ўтган даврда биз жаҳоннинг кўплаб давлатлари билан, хусусан, минтақадаги барча мамлакатлар билан ҳамкорликни яхшиладик, яқин қўшничилик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамладик.

Шундан келиб чиқиб, Асосий қонунимизга Ўзбекистон барча давлатлар, энг аввало, ўзининг яқин қўшнилари билан тинчликпарвар ва дўстона сиёсат юритиши, унинг ташқи сиёсати инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатларнинг



худудий яхлитлигига оид принцип ва нормаларга асосланиши ҳақидаги моддани кўшишни таклиф этаман.

Шунингдек, мамлакатимиз ва жаҳонда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон ташки сиёсатининг концептуал-ҳуқуқий асосларини янгилаш ва такомиллаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳавфсизлик концепцияси 1997 йилда тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Ташки сиёсий фаолияти концепцияси эса 2012 йилда қабул қилинган.

Яккол кўриниб турибдики, мазкур икки муҳим ҳужжат бугунги дунёда шиддат билан ўзгариб бораётган янги шарт-шароитларга тўлиқ жавоб бера олмаяпти.

Шу муносабат билан, ҳозирги пайтда кенг омма муҳокама-сида бўлиб турган конституцион ислоҳотларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳавфсизлик концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ташки сиёсий фаолияти концепциясини янги таҳрирда ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман.

Мазкур ҳужжатларнинг ўта муҳимлигидан келиб чиқиб, ушбу концепцияларни ҳам Конституциявий конун шаклида қабул қилишни таклиф этаман.

Мухтарам мажлис қатнашчилари!

Албатта, халқимиздан Комиссияга келиб тушган барча муҳим ва долзарб таклифларни бугун Сизлар билан батафсил муҳокама қилиш имкониятига эга эмасмиз. Мен уларнинг айримларига тўхталиб ўтдим, холос.

Конституциявий комиссия биринчи босқичда ўз ишини якунига етказиб, халқимиздан келиб тушган барча таклифларни тизимлаштирган ҳолда, Олий Мажлис палаталарига тақдим этиш арафасида турибди.

Энди олдимизда бу ишларимизнинг иккинчи босқичи, яъни ана шу таклифларни халқимиз, жамоатчилигимиз билан яна



бир бор ҳар томонлама кўриб чиқиб, қабул қилиш вазифаси турибди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардим: биз шу кунга қадар барча ислоҳотларни бутун халқимиз билан бамаслаҳат амалга ошириб келяпмиз. Ўйлайманки, Конституцияга киритилган ҳар бир ўзгартиш ва қўшимча, албатта, умумхалқ муҳокамасига қўйилиши зарур. Чунки эл-юртимиз ғоят муҳим ва ҳал қилувчи тарихий танлов олдида турибди.

Конституциявий ислоҳот орқали биз Янги Ўзбекистонда инсон қадрини амалда энг олий қадрият даражасига кўтаришга қаратилган барча амалий ишларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиб, эртанги кунимиз, келажагимиз қандай бўлишини белгилаб олишимиз лозим.

Шу маънода, Комиссия таклифи асосида Парламент томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқишни ҳамда референдум ўтказиш йўли билан қабул қилишни таклиф этаман.

Тўғри, амалдаги қонунчилигимизга кўра, парламентнинг ўзи ҳам Конституцияга ўзгартиш киритиш ваколатига эга. Лекин конституциявий ислоҳотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади, деб ўйлайман.

Бу “Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи – халқдир” деган тамойилга тўла мос келади. Шунда ҳар бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси – менинг Конституциям” деб юксак ғурур билан айта олади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга мурожаат қилмоқчиман.

Азиз ватандошлар, бугун нотинч дунёда, ўта таҳликали замонда яшайпмиз. Мамлакатимиз тараққиётида ғоят масъулиятли даврни бошдан кечирмоқдамиз.



Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида бошлаган барча ислохотларимиз ҳар биримизнинг бугун ва келажакда фаровон ҳаёт кечиришимизни таъминлашга қаратилган.

Ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, шаъни ва ғурурини улуғлаб, Ватани ва халқига тоғдек таянч бўлиб яшашга қодир, эркин ва азму шижоатли инсонлардир.

Шу боис барчамиз Конституцияга киритиш таклиф этилаётган янги норма ва қоидаларни онгу тафаккуримиз, қалбимиздан ўтказиб, уларга ҳолис ва ҳаққоний муносабатимизни билдиришимиз лозим.

Барчамиз Асосий қонунимизда ўзимизни, оиламизни, маҳалламизнинг орзу-умидларини кўришга интилаётганимиз — бу табиий ва мутлақо тўғри.

Ўйлайманки, Конституцияга киритиладиган барча тузатиш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг 14 та ҳудудий бирлигидан иборат ягона давлатни, миллати ва элатидан қатъи назар, ягона ва қудратли Ўзбекистон халқини янада жипслаштиради ҳамда улуғвор мақсадлар сари сафарбар этади.

Шу боис барча азиз ватандошларимизни конституциявий ислохот жараёнида янада фаол қатнашишга чақираман.

**Ҳеч қачон унутмайлик, бу жараёндаги иштирокимиз билан ўзимиз, оиламиз, фарзандларимиз мана шу муқаддас заминда янада эркин ва фаровон яшаши учун мустаҳкам пойдевор яратамиз.**

**Қадрли ватандошларим!**

Сизларни ишонтириб айтмоқчиман, давлатимиз янгилаётган Конституциямиз моддаларини ҳаётда тўла қарор топтириш учун барча қуч ва воситаларни сафарбар этади.

Бу янгиликлар аниқ қонун ва кодекслар, амалий дастурлар ва режалар билан ҳаётимизда албатта ўз аксини топади. Ҳар бир конституциявий норма ижросини таъминлаш бўйича аниқ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилади.



Ишончим комил, эл-юртимиз эзгу ниятлар билан бошлаётган умидли ва барқарор ислохотларимизни албатта кўллаб-қувватлайди.

Конституцияга ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиши конституциявий ислохотларнинг бошланиши, холос. Конституциявий ислохотларни том маънода ҳаётга татбиқ этиш учун олдимизда янада муҳим ва масъулиятли вазифалар пайдо бўлади.

**Аввало**, барча қонунларимизни, бутун қонунчилигимизни қайтадан кўриб чиқиб, янги конституциявий нормаларга мувофиқлаштиришимиз лозим.

Давлат органлари, давлат бошқаруви тизимини конституциявий ислохотларга мос ҳолда такомиллаштириш зарурати туғилади.

**Иккинчидан**, боғчадан бошлаб олийгоҳга қадар бутун таълим-тарбия тизими конституциявий норма ва тамойиллар билан қамраб олиниши даркор.

Баркамол авлод, миллий ва умумбашарий кадриятлар руҳида вояга етаётган ёшлар тарбияси Конституцияда мустақамланган норма ва қоидаларни фарзандларимиз онгига сингдиришдан бошланиши зарур.

Ҳар бир фуқаромизда конституциявий ҳуқуқ маданиятини, конституциявий онгни ва Асосий қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантиришимиз керак.

**Учинчидан**, олдимизда турган энг муҳим вазифа – барча давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқароларнинг янги конституциявий норма ва принципларга оғишмай амал қилишини таъминлашдан иборат. Конституция тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат бўлиши шарт.

Давлат органлари, айниқса, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-тўғри мурожаат қилиши, унинг нормаларига асосланиб иш кўриши зарур.

Ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда Конституциямиздан куч-қувват олиб ҳаракат қилиши, унга таяниши лозим.



Бугунги шиддатли замонда инсон ҳуқук ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик фуқаролик жамияти барпо этиш орқали Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ривожланган давлатлардаги инсонлардан кам бўлмаган ҳолда ишлаши ва яшаши учун шароит яратиш – асосий вазифамиздир.

Биз ишлашга – иши, яшашга – уйи бўлган, фуқаролари тинч ва эркин, ҳаётдан мамнун, дастурхони тўкин, оиласи бахтиёр ва фаровон яшайдиган давлат куришни мақсад қилганмиз.

Биз ана шундай буюк ишлар арафасида турибмиз. Кучли иқтисодиёт барпо этиб, дунёда муносиб ўрнимизни эгаллашимиз, халқимизга юксак шароитлар яратиш учун ҳам жуда кўп ишларни биргаликда амалга оширишимиз керак.

**Бетакрор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш – барчамизнинг бош мақсадимиздир.**

Мен бутун халқимизни ана шу буюк мақсадга эришишда ўзаро бирдамликка ва ҳамжиҳатликка чақираман.

**Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгиланаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта биргаликда барпо этамиз.**

Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин ғоят мураккаб шароитда бундай улкан ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар ҳеч қачон унутмайди.

Ана шундай буюк бахт ва шараф барчамизга ёр бўлсин!

Сўзимнинг якунида барчангизга ана шундай улуғ ишларни амалга оширишда ютуқ ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Конституциявий комиссия аъзолари  
билан учрашувдаги нутқ*

*2022 йил 20 июнь*



## МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИКНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Азиз дўстлар!

Ҳурматли Илҳом Ҳайдарович!

Ҳурматли делегация аъзолари! Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, қардош озарбайжон дўстларимизни юртимиз заминида самимий қутлашдан бениҳоя мамнунмиз. Сиз, азизларнинг тимсолингизда дўст Озарбайжон халқига чексиз ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Бугун биз муқаддас Ўзбекистон заминида кадрли дўстимиз – Озарбайжон Республикаси Президенти, муҳтарам Илҳом Ҳайдарович Алиевни қутлаймиз.

Сизнинг давлат ташрифингиз озарбайжон халқининг умуммиллий йўлбошчиси, Ўзбекистоннинг яқин дўсти, муҳтарам Ҳайдар Алиевич Алиев шарафига номланган кўча, шунингдек, бу ерда у кишининг хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг тантанали очилиш маросимидан бошланаётганида чуқур рамзий маъно мужассам.

Барчамиз XX асрнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби сифатида тарихга кирган Ҳайдар Алиевни яхши биламиз. У бутун умрини ўзининг жонажон Озарбайжонига бағишлади. Мамлакат учун энг мураккаб йилларда унинг тақдири учун улкан масъулиятни мардларча ўз зиммасига олди, замонавий давлатчилик асосларини яратди, ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг миқёсли ўзгаришларни муваффақиятли амалга оширди. У том маънода мустақил Озарбайжоннинг меъмори эди. Унинг қатъияти ва сиё-



сий иродаси, бой рахбарлик тажрибаси ва ўзига хос етакчилик фазилатлари ёш мустақил давлатни саклаб қолишда чинакамга ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ҳар йили 15 июнь санаси Озарбайжонда Миллий озарбайжон халқини кутқариш куни сифатида нишонланишида чуқур маъно бор. Айнан ана шу куни Ҳайдар Алиев мамлакатни бошқаришга қайтиб, Озарбайжон Олий Кенгаши Раиси этиб сайланган.

Ўйлайманки, шу ўринда мамлакатларимизнинг мустақилликка эришиш арафасидаги мураккаб тарихи саҳифаларини ёдга олиш ўринли бўлади. Халқларимиз қийин ва баъзида аянчли кунларни бошдан кечиришига тўғри келган. Шунга қарамадан, ўзбек ва озарбайжон халқлари маънавий кадриятлари, миллий ғурури ва ўзлигини қўлдан бой бермади, ўз келажакини ўз кучи билан қуриш ҳуқуқини саклаб қолишга муваффақ бўлди.

Биз узоқ кутилган озодлик йўлида босиб ўтган машаққатли йўлни баҳолаш асносида мустақиллик ва суверенитетни қўлга киритиш учун халқларимиз жуда катта товон тўлаганини айтишимиз мумкин. Озодликнинг баҳоси – бу ҳамisha авлодлар тақдири, уларнинг ҳаёти, ишончи ва виждонидир.

Бугунги кунда қўлга киритилган миллий мустақилликни муносиб баҳолаш, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаб, кейинги авлодларга безавол етказиш муқаддас бурчимиздир. Тарих сабоқларини ҳисобга олган ҳолда биз бугун яна бир бор чинакам маънода бетакрор шахс – Ҳайдар Алиевич Алиев хотирасига чуқур эҳтиром кўрсатмоқдамиз.

Фурсат ва мангулик бир-бирига узвий боғлиқ бўлганидек, Ҳайдар Алиевни ҳам озарбайжон халқининг тарихи ва ҳаётидан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳайдар Алиевич буюк Самад Вурғуннинг ўлмас сатрларини бот-бот такрорлар эди:



*Эл биларки – сен манимсан,  
Юртим, элим, масканимсан,  
Онам – тугма Ватанимсан!  
Айриларми кўнгил жондан,  
Озарбайжон, Озарбайжон!*

Шунинг учун ҳам Ҳайдар Алиевнинг номи ва сиймоси бутун дунёда озарбайжон халқига хос барча ижобий хислатлар ва олижаноб фазилатлар тимсоли сифатида эътироф этилади.

Мамлакат ҳаётининг энг мушкул дамларида Президент сифатида сайланган бу шахс тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар аро ҳамжиҳатликка эришди, Озарбайжоннинг кўп йилларга мўлжалланган тараққиёт йўлини белгилаб берди. Иқтисодиёт, илм-фан, таълим соҳаларини жадал ривожлантиришга муваффақ бўлди, миллий кадриятларни тиклаш, озарбайжон халқининг бағрикенглик анъаналарини мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилди.

Нисбатан қисқа вақт ичида мамлакатда янги тармоқларга асос солинди, ўнлаб йирик завод ва фабрикалар барпо этилди, юзлаб мактаблар, кутубхоналар, маданият саройлари ва музейлар кад ростлади.

Озарбайжон жадал ривожланиб, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан одимлашни бошлади. Халқаро майдонда юксак ҳурмат ва обрў-эътибор қозониб, муносиб ўрин эгаллади.

Ҳайдар Алиевич ҳақиқий ватанпарвар инсон эди. Унинг исми ҳам жисмига мос ва чуқур маънога эга. Маълумки, Ҳайдар йўлбошчи деган маънони англатади. Дарҳақиқат, у ўз халқининг чинакам йўлбошчиси, етакчиси бўлиб, ўз фаолиятида буюк шоир ва мутафаккир Низомий Ганжавийнинг қуйидаги ҳикматли сўзларига таяниб иш тутар эди: “Ватанга муҳаббатни ўз бурчинг деб бил”.

Озарбайжоннинг худудий яхлитлигини тиклаш, Жанубий Кавказда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш унинг



қалбидаги энг эзгу орзулардан бири эди. Тарихий адолатни тиклаган холда, бу орзуни Озарбайжон Президенти, мухтарам Илҳом Ҳайдарович Алиев рўёбга чиқарди.

Шу йиллар давомида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ асосида Озарбайжон ҳудудий яхлитлигининг катъий тарафдори бўлиб келди.

Яна бир бор ўзбек халқи ва шахсан ўз номимдан қардош озарбайжон халқини самимий муборакбод этаман.

Ҳайдар Алиевнинг фаолияти, унинг кўп қиррали шахси ва бой меросини дунёдаги турли мамлакатларнинг машҳур сиёсатчи ва жамоат арбоблари юксак баҳолаб келмоқда.

Ҳурматли маросим иштирокчилари!

Ҳайдар Алиевнинг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, икки халқнинг тарихий алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳайдар Алиев ва Ўзбекистон раҳбарлари – Шароф Рашидович Рашидов, кейинчалик эса Ислом Абдуғаниевич Каримов ўртасида очик, ишончга асосланган муносабатлар шаклланган эди. Раҳбарларимиз ўртасидаги дўстлик икки мамлакат ва қардош халқларга яқин ҳамкорлик қилиш, фаол, жумладан, гуманитар алмашинувларни ривожлантириш имконини берди.

Озарбайжоннинг умуммиллий йўлбошчиси ўзбек халқига ҳамиша чуқур ҳурмат кўрсатиб келган. У ҳар томонлама оқил ва донишманд, ўта зиёли инсон бўлган, айниқса, бизнинг тарихимиз, маданиятимиз ва анъаналаримиз уни мафтун этган.

Шу ўринда, 1996 йилда Тошкентга ташрифи давомида Ҳайдар Алиевич Темурийлар тарихи музейида бўлиб, фахрий меҳмонлар китобида ўз фикрларини ёзиб қолдирганини эсга олиш лозим. Хусусан, унда ушбу сўзлар битилган: “Ўзбекистон халқига Амир Темурнинг хизматлари, тарихий меросини асраб-авайлаб, уларга эҳтиром билан муносабатда бўлаётгани учун чуқур



миннатдорлик изҳор этаман. Бу – юксак маънавият ва донишмандлик белгисидир”.

Сўнгги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар юксак даражадаги стратегик шериклик даражасига кўтарилиб, аниқ маъно-мазмун билан бойиб бормокда.

Мухтарам Илҳом Ҳайдарович, Сизга Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга шахсан эътибор қаратаётганингиз учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмокчиман.

Ишончим комилки, ушбу давлат ташрифи ўзаро манфаатли алоқаларимиз янада ривожланиши учун янги шиддат беради.

Азиз дўстлар!

Бугун Озарбайжоннинг умуммиллий йўлбошчисининг шафли номи ва ўчмас хотирасини ёдга олар эканмиз, буюк ўзбек шоири Ҳамид Олимжондан иқтибос келтирмокчиман: «Жисми-миз йўколур, ўчмас номимиз».

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Озарбайжон ёшлари учун ибрат намунаси бўлган буюк ва ватанпарвар инсон, келажак бунёдкори Ҳайдар Алиевич Алиев хотирасига барпо этилган мазкур ёдгорлик мажмуаси мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёркин тимсолига, Тошкент аҳолиси ва меҳмонларининг қадрли масканига айланишига шубҳа йўқ.

*Тошкент шаҳрида Озарбайжон Республикасининг атоқли сиёсат ва давлат арбоби Ҳайдар Алиев номи билан аталган кўча ва унинг хотирасига ўрнатилган хотира мажмуасининг очилиш маросимидаги нутқ*

2022 йил 21 июнь



---

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!  
Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз азизларни, соҳа ривожига бугун ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами билан чин калбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни изҳор қиламан.

Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари тимсолида ўзининг чуқур билим ва тажрибаси, ноёб истеъдод ва маҳоратини халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиклик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, глобал ахборот маконида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдек олижаноб ишларга бағишлаган жонкуяр ва заҳматкаш инсонларни кўрамиз.

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги ва муҳим босқичига қадам қўяётган ҳозирги даврда медиа соҳаси вакиллари – журналист ва муҳаррирлар, режиссёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва босмахона ходимлари Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга тараннум этишга бекиёс ҳисса қўшиб келаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак кадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг ишончли кўпригига айлан-



тириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом ракобатни ривожлантириш, медиа тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, устоз-шогирд анъаналарини кучайтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай юксак эътибор туфайли юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага етгани диққатга сазовордир. Айниқса, хусусий медиа воситалари ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда, туб ислохотларни амалга оширишда, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, телевидение ва интернет тармоғини интеграция қилиш мақсадида замонавий интернет платформаси ва унинг мобиль иловаси ташкил этилгани, миллий ахборот маконимизда интернет нашрларининг сони сўнгги 6 йилда салкам икки баробар кўпайиб, 677 тага етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Натижада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очик, холис ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ахборот соҳасида миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, миллий журналистикамиз тараққиёти-ни янги босқичга олиб чиқиш – олдимизда турган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон медиа компаниялари ҳам жаҳон ахборот майдо-нида муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий-ижтимоий жараён-ларда фаол иштирок этишга интиломоқдалар.



Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, илғор хорижий тажрибалар, замонавий ахборот технологиялари, серкирра таҳлил усулларини ўзлаштириб, доимо изланиб яшаш, миллий журналистикамизнинг янги авлодини тарбиялаш зарур.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган бундай юқори марраларга эришиш учун бизда барча ресурс ва салоҳият мавжуд.

Фуқароларимиз учун ахборот соҳасида қулай имкониятлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини кучайтириш – яна бир устувор вазифамиздир.

Шуни қайд этиш зарурки, соҳанинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга бундан буён ҳам доимий эътибор қаратамиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш бўйича куни кеча қабул қилинган Президент қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Унга кўра оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, эҳтиёжманд ва ёш журналистларни уй-жой билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида Матбуот уйлари рининг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилиб, янги бинолар барпо этиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, жаҳонда эътироф этилган демократик мезонларга кўра матбуот эркинлиги – барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, бу соҳада ютуқлар билан бирга ҳали муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқлар орқали баъзи жойларда оммавий ахборот воситаси ходимларига менсимай қараш, улар-



нинг ўз ваколати доирасида эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраётгани ҳақида хабарлар тарқалаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш – бу демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланиши керак. Суд ва прокуратура органлари бизга мутлақо ярашмайдиган бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чоралар кўриши лозим.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак: барчамиз демократия деб аталган буюк мактабнинг ўқувчиларимиз. Бу борада ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз зарур. Фарзандларимизни айна шу руҳда тарбиялашда журналистика соҳаси вакиллари, муҳтарам фахрийларимиз ўзларининг бой тажрибаси ва ибратли фазилатлари билан алоҳида намуна кўрсатадилар, деб ишонаман.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Бугунги байрам муносабати билан соҳа фидойиларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, ҳеч шубҳасиз, барча ижодкорларни янги-янги марралар сари илҳомлантириб, уларга катта ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз калам аҳлини кутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклар, барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

*2022 йил 27 июнь*



## АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИДИР

Қадрли ёшлар, азиз фарзандларим!

Аввало, барча Янги Ўзбекистон ёшларини бугунги кутлуғ байрам – Ёшлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Албатта, сизлар билан учрашиш, кўнглингиздаги эзгу орзу ва режаларингиз билан ўртоқлашиш, таклиф ва ташаббусларингиз ҳақида эшитиш менга доимо қувонч ва ғурур бағишлайди.

Сизларнинг шижоат ва интилишингизни кўриб, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимга битмас-туганмас куч оламан.

Ҳозиргина Президент ва ижод мактаблари ўқувчилари, Янги Ўзбекистон университети талабалари, ёш олим ва ижодкорлар, IT дастурчилар, спортчи ва тадбиркорлар билан мулоқот қилдим. Бугунги ёшларимизнинг салоҳияти, дунёкараши, билдирган таклиф ва ташаббуслари, мустақил фикрлаши, келажак ва Ватан ҳақида, ўзининг жамиятдаги ўрни ва масъулияти ҳақидаги карашлари барча ота-оналар, устоз-мураббийлар қаторида мени ҳам чексиз қувонтиради.

Азиз фарзандларим!

Дунёдаги мураккаб вазиятни ўзингиз кўриб турибсиз. Ҳар куни янги хавф-хатарлар ва ташвишларга дуч келяпмиз. Бундай вазиятларда халқимизнинг иродаси ва матонатига таяниб, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топиш учун биргаликда интилоқдамиз.

Меҳнаткаш ва бағрикенг, олижаноб халқимиз, сиздек билимли, фаол ва шижоатли ўғил-қизларим бор экан, биз ҳар қандай қийинчиликларни албатта енгиб ўтамиз.



Хурматли ёшлар!

Хабарингиз бор, биз мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратдик. Маҳаллаларда 9,5 минг ёшлар етакчилари ўз фаолиятини бошлади.

Ҳозирга қадар “Ёшлар дафтари”га киритилган 700 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўм йўналтирилди.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш устувор йўналишга айланди. Сўнгги икки йилда 174 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Дехқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган 560 минг тенгдошингизга жорий йилда 155 минг гектар ер майдони ажратилиб, 800 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, ёшларни ишга олган тадбиркорларга ижтимоий солиқ суммасини қайтариш тартиби жорий этилди ва бу имкониятдан 715 минг нафар ёшлар ишлаётган 7,5 минг корхона фойдаланди.

Албатта, таълим сифатини ошириш бўйича ҳам катта-катта қадамлар кўйилмоқда. Бу борада Янги Ўзбекистоннинг янги мактаблари – Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар кўлами кенгайиб, уларда таҳсил олаётган ўқувчилар юқори натижаларга эришмоқда.

Ўтган ўқув йилида биргина Президент мактабларини битирган 424 нафар ўғил-қизларнинг барчаси олий таълим муассасаларига қабул қилинди. Уларнинг 102 нафари ёки 24 фоизи хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида ўқиётгани таҳсинга сазовордир.

Сўнгги икки йилда 400 нафар ёшларимиз “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали чет эллардаги энг нуфузли олийгоҳларда ўқишга юборилди. Мисол учун тошкентлик Ламия Худоёрова – Оксфорд университетига, бухоролик Расулбек Баходиров – Лондон университетига, самарқандлик Нилуфархон Рўзиева –



Чикаго университетига ўқишга қабул қилинди. Бундай йиғиш-қизлар ҳар бир вилоятда кўплаб топилади.

Иқтидорли ёшларимиз кейинги бир йил ичида халқаро фан олимпиадаларида 255 та медални кўлга киритди.

Шу билан бирга, жорий йилда 382 нафар спортчи ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда 419 та совринли ўринларни эгаллади. Жумладан, Нодирбек Абдусатторов ва Умида Омонова – тезкор шахмат бўйича; Зухриддин Қодиров – қиличбозлик бўйича жаҳон чемпиони бўлгани; 23 ёшгача футболчиларимиз Осиё чемпионатининг қумуш медалини кўлга киритгани, шубҳасиз, бутун халқимизга ғурур бағишлади.

Мен ана шундай илмли, иродали ва қобилиятли фарзандларимиз борлигидан фахрланаман. Уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига алоҳида раҳматлар айтаман.

Бу ўғил-қизларимиз халқимизнинг олтин фонди, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари, десам, ҳеч муболаға бўлмайди. Янги Ўзбекистоннинг келажаги ҳисобланган бундай фидойи, билимли, зукко ва ватанпарвар ўғил-қизларимиз барчага намуна бўлиши керак.

Азиз фарзандларим!

Ҳар сафар сизлар билан учрашувга тайёргарлик кўраётганимда мени бир савол чуқур ўйлантиради. Эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг янада баркамол бўлишлари учун яна қандай шарт-шароит ва имкониятларни яратиб беришимиз лозим?

Бугунги форумга ҳам Ўзбекистон ёшларини кўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор янги чора-тадбирларни қабул қилиш бўйича таклифлар билан келдим.

Энг аввало, ёшларимизнинг замонавий касб ва билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтирамиз.

Хабарингиз бор, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўғил-қизларимизнинг масалаларини ҳал этиш мақсадида жорий қилинган “Ёшлар дафтари” тизими амалда ижобий натижалар бермоқда.



Лекин, шуни ҳам унутмаслик лозимки, ёшларнинг дунёкараши, уларнинг муайян бир касбга бўлган қизиқиши 14 ёшидан, яъни мактаб давриданок шаклланади.

Шу боис бундан буён 14–17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларимизга ҳам “Ёшлар дафтари”да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш имконияти яратилади. Хусусан, унда назарда тутилган имтиёзлар амалдаги 11 тадан 25 тага кўпайтирилади. Жумладан, ушбу дафтарга киритилган фарзандларимизга замонавий касблар, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиши учун ҳар ойда 1 миллион 200 минг сўмдан субсидия берилади.

Шунингдек, ёшларга илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги тўғараклар учун 6 ой давомида 300 минг сўмдан пул тўланади. Уларга ушбу йўналишлар бўйича маҳаллий олимпиадаларда қатнашиш харажатлари учун – 1 миллион 200 минг сўмдан, нуфузли халқаро олимпиадалар учун – 12 миллион сўмдан маблағ ажратилади.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун йилда бир маротаба мактаб формаси ҳамда ўқув қуролларини сотиб олиш харажати-ни давлат ўз зиммасига олади.

Яна бир муҳим янгилик – мусиқа санъатига қизиқиши баланд бўлган ёшларни янада кўллаб-қувватлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб мақом хонандалиги, мақом чолғу ижрочилиги ва бахшичилик йўналишларига янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилади. Фортепиано ижрочилари тайёрлаш бўйича қабул 3 баробар кўпайтирилиб, бу йўналишда ҳам контракт тўловлари тўла коплаб берилади.

Бундан ташқари, энди техникумларга қабул йилда 2 марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробар оширилади. Шунингдек, техникумлар учун таълим кредити жо-



рий қилинади ва 80 мингдан зиёд ёшларга кредит бериш учун молиявий ресурс ажратилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда 1 нафар IT мутахассисини тайёрлаш учун камида 1 йил вақт ва 20 миллион сўмгача маблағ талаб этилади. Ваҳоланки, яхши мутахассис 2–3 ойда битта дастур яратиб, ушбу харажатни бемалол қоплаши мумкин.

Бундан буён хусусий таълим муассасаларида IT технологиялари бўйича ўқиш (дастурлаш, веб-дизайнер, анимация) истагини билдирган ёшларга ҳам 20 миллион сўмгача миқдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этилади.

Сўнгги вақтларда олис ҳудудлардаги мактаблар ўқувчилари ҳам хорижий тиллар бўйича билим беллашувларида яхши натижа кўрсатмоқда. Бундай ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, уларни рағбатлантириб борсак арзийди.

Республика беллашувларида юқори натижаларга эришган ана шундай 70 нафар ўқувчимиз ва уларнинг 14 нафар устози давлат ҳисобидан Буюк Британияга сафарга юборилади.

Қадрли ёшлар!

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича жорий қилинган янги тизим асосида 8 миллиондан зиёд йигит-қизларимизни қамраб олган “Ёшлар баланси” шакллантирилди. Унга кўра, айти пайтда республикаимизда ишсиз йигит-қизлар 1 миллион 200 минг нафарни ташкил этмоқда. Шулардан 850 минг нафари ишлаш истагида бўлган ёшлар ҳисобланади.

Энг муҳими, ёшларнинг қизиқишлари, касб-ҳунарга мойиллиги, маълумоти, ижтимоий аҳволи ва муаммоларидан тўлароқ хабардор бўлиш имконини берадиган тизим яратилди.

Жорий йилда 404 минг йигит-қиз ўрта таълимни, 151 минг нафари профессионал таълим муассасасини битириб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларнинг бандлигини таъминлаш энг долзарб вазифа ҳисобланади. Жумладан, бир йил давомида тад-



биркорлик дастурларига 4 триллион сўм йўналтириш орқали 220 минг нафар ёшларнинг бандлиги таъминланади. 130 минг нафар ёшларга касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқиши учун 160 миллиард сўм субсидия ажратилади. 110 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз эса, давлат корхоналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига жойлаштирилади.

Шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳаларига 250 миллиард сўм субсидия ва компенсациялар берилади. Айни пайтда уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятини ҳам тизимли равишда рағбатлантириб борамиз. Масалан, Олтиарик узумчилик кластери намунаси асосида республикамиздаги 70 та туманда “Ёшлар агрокластери”ни ташкил этиб, 400 минг нафар ёшларни иш билан таъминлаймиз.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ёшлар билан учрашиб, ушбу режаларни ўз ҳудудлари бўйича батафсил муҳокама қилдилар. Энди ҳар йили ўқув йили якунланиши билан, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳар бир ҳудуд алоҳида дастур қабул қилади.

Азиз фарзандларим!

Албатта, ҳозирги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш осон эмас. Бу борада маҳаллалардаги 6 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз, айникса, уюлмаган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича Беш ташаббус олимпиадаси йўлга қўйилди. Бугунги тадбирда ушбу олимпиада ғолиблари бўлган 345 нафар йигит-қизларимиз ҳам қатнашмоқдалар.

Агар сизлар қўллаб-қувватласангиз, энди Беш ташаббус олимпиадаси ҳар йили 2 марта ўтказиб борилади.

Яна бир муҳим масала – бугунги ёшлар ўзига керакли маълумотларни аввало интернетдан олмоқда. Шундай экан, интернетнинг миллий сегментида ёшларни ўзига жалб қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, кадриятларимиз ҳақида ишонарли ва қизиқарли маълумот берадиган контентлар етарлими?



Афсуски, бу саволга ижобий жавоб беролмаймиз. Ҳали бу борада олдимизда жуда катта вазифалар турганини барчангиз яхши ҳис қиласиз, албатта.

Мен ҳозиргина учрашган Меҳриноз Аббосова бошчилигидаги бир гуруҳ ташаббускор ёшлар томонидан дунёнинг энг оммабоп электрон энциклопедияси – Википедияга 10 мингдан ортиқ ўзбек тилидаги мақолалар жойланганини эшитиб хурсанд бўлдим.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу фидойи ва ватанпарвар ўғил-қизларимизга ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Бундай эзгу ва хайрли лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Ана шу тажриба асосида интернет тармоғида Ўзбек миллий контентини ривожлантириш дастури амалга оширилади. Бунда миллий давлатчилигимиз тарихини матнли ва видео контентлар орқали тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан 100 нафар буюк аллома ва мутафаккирларнинг интернетдаги маълумотлар базасини яратиш, уларнинг асарларини оммалаштириш чораларини кўрамиз.

Википедияда ўзбек тилидаги мақолалар сонини 100 мингга етказиш ва хорижий тилларда ҳам Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш яхши самара бериши шубҳасиз. Ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Бундай тадбирларга, билимли ва шижоатли волонтер ёшларни жалб қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини тизимли равишда рағбатлантириб бориш лозим.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларнинг орангизда ватанпарварлик, меҳр-оқибат ва инсонийлик борасида кўпчиликка ибрат бўлаётган ёшлар жуда кўп.

Бугун волонтер ёшлар ҳаракати жамиятимизнинг кўплаб соҳаларида кенг қулоч ёзмокда. Бундан буён Ёшлар ишлари агентлиги бу ҳаракатга бош-қош бўлади. Ёшларнинг ташаб-



буслари асосида ҳар йили Ҳаракатлар дастури ишлаб чикилади ҳамда волонтерлик фаолияти кўллаб-қувватланади.

Ёшларнинг таълим олишига эътибор қаратиш билан бирга китобхонликни янада кучайтиришимиз зарур. Шу максатда маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳар бир кўча кесимида китобхонлик танлови, “Заковат” ва бошқа интеллектуал ўйинларни йўлга қўяди. Бундай танловлар ҳар ҳафтада – маҳалла кесимида, ҳар ойда – туман миқёсида ва ҳар чоракда вилоят даражасида ўтказиб борилиши керак. Бу орқали 2 миллионга яқин ёшлар камраб олинади.

Шу билан бирга, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳар бир мактаб кутубхонасига камида мингтадан янги бадиий адабиётларни етказиб беради.

Ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотида спортнинг ўрни бекиёс экани барчамизга яхши маълум.

Мана, яқинда Тўдакўлда 327 мингдан зиёд ёшлар иштирок этган шахмат турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди. Келгуси йилда Тўдакўлда дунё стандартларига жавоб берадиган халқаро шахмат мактабини куриб, фойдаланишга топширамиз. Бу ерда жаҳоннинг энг машҳур гроссмейстерлари келиб, болаларимизга шахмат сир-асрорларини ўргатади. Навоий кон-металлургия комбинати раҳбари, сенаторимиз Қувондик Санакулов ушбу мактабнинг ўз вақтида курилиши ва самарали фаолият юритишига масъул бўлади.

Шунингдек, республикамиз бўйича маҳаллалар кесимида 631 минг ўғил-қизлар қатнашган волейбол, 671 минг йигитлар иштирок этган футбол ва минифутбол баҳслари ҳам юқори даражада ташкил килинди. Ушбу мусобақалар ёшларнинг спортга кизиқиши жуда юқори эканини кўрсатди.

Биз мамлакатимизда спортни янада оммалаштириш, хусусан, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш ҳақида кўп гапирамиз, қанчадан-қанча ишларни амалга оширганмиз. Бироқ савол туғилади: шунга яраша биз



кутган натижалар бўляптими? Соҳада қандай камчиликларга йўл кўйилмоқда?

Ўйлайманки, бу масалага танкидий ёндашиб, зарур чора-тадбирларни амалга ошириш вақт-соати келди.

Жорий йилдан бошлаб 36 та спорт федерацияси, 274 та спорт мактаби ўз ҳудудидаги маҳаллалар, ўрта мактаблар, коллеж ва техникумлар билан ҳамкорликда ишлайди. Ҳар бир кўча, маҳалла, мактаб, коллеж ва техникумда футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича жамоалар тузилади.

Бундан буён барча спорт мусобақалари “маҳалла – туман – вилоят – республика” занжири асосида ташкил этилади.

Албатта, бундай ишларни амалга ошириш маҳалладаги ёшлар етакчиларидан катта масъулият ва ташаббускорлик талаб этади.

Ислохотларимиз навқирон авлод ҳаётига янада чуқур кириб бориши учун ёшлар етакчиларига кенгроқ имконият ва ваколатлар берсак, ўйлайманки, сизлар ҳам буни қўллаб-қувватлайсиз.

Бундан буён ҳар йили олийгоҳларнинг сиртки бўлимига ўқишга қабул қилинган 500 нафар энг фаол ёшлар етакчиларининг контракт тўловлари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлаб берилади. Шунингдек, “Ёш раҳбар кадрлар захираси” шакллантирилиб, унинг 30 фоизи ёшлар етакчилари ҳисобидан тўлдирилади.

Мен ёшлар етакчилари тимсолида бўлажак ҳокимлар ва вазирларни, йирик банк ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар лидерларини кўраман.

Қадрли фарзандларим!

Биз “Бетакрор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш – барчамизнинг бош мақсадимиздир” шиори остида ислохотларимизнинг янги даврини бошламоқдамиз.



Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегиясида ёшлар билан ишлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ислохотларимизнинг бош мезонларидан бири сифатида белгиладик.

Шу кунларда Конституциямизни умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқиб, уни такомиллаштириш бўйича жуда муҳим сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада келиб тушган таклиф ва ташаббусларнинг 70 фоиздан ортиғи айнан ёшларимиз томонидан билдирилгани мени жуда қувонтирди.

Албатта, янгиланаётган Конституция, бу – сизларнинг Конституциянгиз.

Янгиланаётган Конституциямизда ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан сизларга, бутун мамлакатимиз ёшларига мурожаат қилиб айтмоқчиман.

Ҳеч қачон унутманг, сизлар инсон ҳар томонлама эркин, озод ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистон ҳамда Учинчи Ренессанс бунёдкорларисиз.

Ана шундай шарафга муносиб бўлиш йўлидаги интилишларингиз ва ҳаётда ўзингизнинг муносиб ўрнингизни топишингиз учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этамиз.

Мен Президент сифатида сизлар ўз олдингизга қўйган режа ва марраларга эришишингиз учун барча шароитларни яратиб беришга тайёр эканимни бугун яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бугун сизларнинг ёниб турган кўзларингиз, шодликка тўла гўзал чехрангизга қараб, академик шоиримиз Гафур Ғуломнинг

*Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,  
Не учун елкамни тутиб бермайин? –*

деган оташин сатрлари ёдимга тушмоқда.



Мен сиз, азиз фарзандларимдан бир нарсани сўрайман: тинимсиз ўқиб, изланиб, замонавий билимларни эгаллашдан, кўнглингиздаги эзгу мақсадлар сари ҳаракат қилишдан ҳеч қачон тўхтаманг!

Қорақалпоғистондан Андижонгача, Сурхондарёдан Тошкентгача – барча ҳудудлардаги ёшларимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадимиз йўлида бир тану бир жон бўлиб, дадил олға интилишлари керак.

Мен сизларнинг бу йўлда маррани баланд олиб, ягона куч бўлиб ҳаракат қилишингизга ишонаман.

Сизлар бунга албатта қодирсиз.

Мен сизларга ишонаман ва сизлар билан фахрланаман, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни бугунги унутилмас байрамингиз билан яна бир бор табриклайман.

Сизларга мустақкам соғлиқ, туганмас куч-ғайрат, улкан ютуқ ва зафарлар тилайман.

*Ёшлар кунига бағишланган  
тантанали маросимдаги нутқ*

*2022 йил 30 июнь*



## МУНДАРИЖА

<b>Халқлар ва цивилизациялар ўртасидаги ишончли ҳамкорлик – юксалиш асосидир</b> <i>“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқ</i> 2021 йил 16 июль .....	3
<b>Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити табриги</b> 2021 йил 19 июль .....	16
<b>Халқлар дўстлиги кунини муносабати билан байрам табриги</b> 2021 йил 30 июль .....	19
<b>Марказий Осиё давлатлари минтақада барқарор тараққиёт ва фаровонлик сари интиломда</b> <i>Туркманистоннинг “Аваза” миллий сайёҳлик ҳудудида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувидagi нутқ</i> 2021 йил 5–6 август .....	23
<b>Азму шижоатли ва ватанпарвар спортчи ёшларимиз – энг катта бойлигимиздир</b> <i>Токиода бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари билан учрашувдаги нутқ</i> 2021 йил 13 август .....	31
<b>Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмокда</b> <i>“Янги Ўзбекистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар</i> 2021 йил 17 август .....	48
<b>Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир</b> <i>Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтган учрашувдаги нутқ</i> 2021 йил 20 август .....	91
<b>Моҳир дипломатлар тимсолида биз юртимизнинг чинакам дўстларини, энг яқин ва фаол ҳамкорларини кўрамиз</b> <i>Хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчилари томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидаги нутқ</i> 2021 йил 25 август .....	120
<b>Янги Ўзбекистоннинг ёрқин тимсоли</b> <i>“Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументи очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ</i> 2021 йил 31 август .....	127



<b>Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси</b>	
<i>Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамга бағишланган тантанали маросимдаги нутқ</i>	
<i>2021 йил 31 август.....</i>	<b>133</b>
<b>Фаол ҳамкорлик ва ўзаро кўмаклашиш орқали замонавий муаммоларга қарши тура оламиз</b>	
<i>Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ислоҳ тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилишидаги нутқ</i>	
<i>2021 йил 2 сентябрь .....</i>	<b>152</b>
<b>Янги Ўзбекистон – инсон кадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатдир</b>	
<i>Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съездидаги нутқ</i>	
<i>2021 йил 9 сентябрь .....</i>	<b>160</b>
<b>“Марказий Осиё – жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро маданият форуми иштирокчиларига</b>	
<i>2021 йил 15 сентябрь .....</i>	<b>203</b>
<b>Минтақада дўстлик, яхши кўшничилик ва ишонч мустаҳкамланади</b>	
<i>Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳри (Тожикистон)да бўлиб ўтган мажлисидаги нутқ</i>	
<i>2021 йил 16 сентябрь .....</i>	<b>206</b>
<b>Афғонистон ҳудуди хавфсизлигимизга таҳдид ва хатарлар манбаи бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди</b>	
<i>“Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти” форматида бўлиб ўтган учрашувдаги нутқ</i>	
<i>2021 йил 17 сентябрь .....</i>	<b>212</b>
<b>II халқаро бахшичилик санъати фестивали иштирокчиларига</b>	
<i>2021 йил 17 сентябрь .....</i>	<b>215</b>
<b>Мақсадимиз – Марказий Осиёни ишонч ва дўстлик маконига айлантиришдир</b>	
<i>Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош Ассамблеясининг видеоанжуман шаклида ўтган 76-сессиясидаги нутқ</i>	
<i>2021 йил 21 сентябрь .....</i>	<b>219</b>
<b>Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига</b>	
<i>2021 йил 29 сентябрь .....</i>	<b>225</b>
<b>Она тилимиз – миллий ўзлигимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли</b>	
<i>Ўзбек тили байрами куни муносабати билан йўлланган табрик</i>	
<i>2021 йил 20 октябрь .....</i>	<b>229</b>



<b>Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига</b>	
2021 йил 24 октябрь .....	233
<b>Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик</b>	
<b>ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз</b>	
<i>Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришни</i>	
<i>тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис</i>	
<i>палаталари қўшма мажлисидаги нутқ</i>	
2021 йил 6 ноябрь .....	238
<b>Ўзбекистон қасаба уюшмалари ходимлари ва фаолларига</b>	
2021 йил 11 ноябрь .....	264
<b>Умумий тил ва муштарак кадриятлар бирлиги</b>	
<i>Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқ</i>	
2021 йил 12 ноябрь .....	268
<b>Янги Ўзбекистонни барпо этишга фақат соғлом халқ,</b>	
<b>соғлом миллатгина қодир бўлади</b>	
<i>Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига</i>	
<i>йўлланган табрик</i>	
2021 йил 13 ноябрь .....	275
<b>Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлик</b>	
<b>II форуми иштирокчиларига</b>	
2021 йил 17 ноябрь .....	279
<b>“Янги Ўзбекистон таълими: ислохотлар йўлида</b>	
<b>муваффақиятли ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро форум</b>	
<b>иштирокчиларига</b>	
2021 йил 24 ноябрь .....	283
<b>Ҳамкорликнинг институционал механизмларини</b>	
<b>ривожлантириш – давр тақозосидир</b>	
<i>Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи саммитидаги нутқ</i>	
2021 йил 28 ноябрь .....	286
<b>Ўзбекистон халқига мурожаат</b>	
2021 йил 3 декабрь .....	291
<b>Биз ёруғ келажагимизни биргаликда курамиз</b>	
<i>Қозғистон Республикасига давлат таширфи чоғида</i>	
<i>“Егемен Қазақстан” ва “Казахстанская правда”</i>	
<i>газеталари мухбирига берилган интервью</i>	
2021 йил 4 декабрь .....	297
<b>Ижтимоий давлат тамойили Янги Ўзбекистоннинг бош</b>	
<b>мақсади бўлади</b>	
<i>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг</i>	
<i>29 йиллиги муносабати билан йўлланган табрик</i>	
2021 йил 7 декабрь .....	315



<b>Ўзбекистон – ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори</b>	
<i>Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йиғилишидаги нутқ</i>	
<i>2021 йил 10 декабрь .....</i>	<i>324</i>
<b>Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига</b>	
<i>2021 йил 11 декабрь .....</i>	<i>329</i>
<b>Бахшичилик санъати намояндалари ва мухлисларига</b>	
<i>Хива шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро бахшичилик санъати фестивали широқчиларига йўлланган табрик</i>	
<i>2021 йил 16 декабрь .....</i>	<i>335</i>
<b>Янги Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг яққол намоёни</b>	
<i>Қашқадарё вилоятининг Ғузур туманида “Uzbekistan GTL” заводининг ишига туширилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ</i>	
<i>2021 йил 25 декабрь .....</i>	<i>338</i>
<b>Биз дунёга, дунё эса бизга очик бўлиши керак</b>	
<i>Ўзбекистон Республикасида фаолият бошлаган хорижий давлатларнинг Фавқулодда ва мухтор элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олиш маросимидаги нутқ</i>	
<i>2021 йил 27 декабрь .....</i>	<i>350</i>
<b>Ўзбекистон халқига Янги йил табриги</b>	
<i>2021 йил 31 декабрь .....</i>	<i>358</i>
<b>Мард ва жасур ҳарбийларимиз Ўзбекистоннинг чинакам баҳодирларидир</b>	
<i>Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан йўлланган табрик</i>	
<i>2022 йил 13 январь .....</i>	<i>361</i>
<b>Бизнинг мақсадимиз – кўпқиррали шериклигимизни янада мустаҳкамлашдир</b>	
<i>Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарлари саммитидаги нутқ</i>	
<i>2022 йил 25 январь .....</i>	<i>366</i>
<b>Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – яқин ва ўрта истикболга мўлжалланган муҳим стратегик дастур</b>	
<i>Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни 2022 йилда амалга ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқ</i>	
<i>2022 йил 26 январь .....</i>	<i>372</i>
<b>Муштарак интилишлар</b>	
<i>Покистонга расмий ташриф муносабати билан тайёрланган “Урдуча – ўзбекча муштарак сўзлар лугати” китобига ёзилган сўзбоши</i>	
<i>2022 йил 1 март .....</i>	<i>384</i>



<b>Юкори даражадаги “БМТ глобал Аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига</b> <i>2022 йил 3 март</i> .....	389
<b>Аёл кадрни улуғланган юртда тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлади</b> <i>Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ</i> <i>2022 йил 7 март</i> .....	396
<b>Кучли ва самарали тиббиёт тизимини шакллантириш – халқпарвар давлатнинг энг асосий вазифаси</b> <i>Соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтган учрашувдаги нутқ</i> <i>2022 йил 18 март</i> .....	405
<b>Наврўз – инсонийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик байрами</b> <i>Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ</i> <i>2022 йил 21 март</i> .....	438
<b>Инвесторлар учун қулай ва жозибадор шароит яратишга қаратилган амалий ишларимизни янада жадаллаштирамиз</b> <i>Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг тантанали очилиш маросимидаги нутқ</i> <i>2022 йил 24 март</i> .....	444
<b>Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси Кенгашининг тантанали мажлиси иштирокчиларига</b> <i>2022 йил 29 март</i> .....	457
<b>Ўзбекистон маданият ва санъат соҳаси ходимларига</b> <i>2022 йил 15 апрель</i> .....	460
<b>“Лазги” халқаро ракс фестивали иштирокчиларига</b> <i>2022 йил 26 апрель</i> .....	464
<b>Ўзбекистон халқига Рамазон хайити табриги</b> <i>2022 йил 1 май</i> .....	468
<b>Ўзбекистон Олимпия ҳаракати иштирокчилари ва бутун спорт жамоатчилигига</b> <i>2022 йил 6 май</i> .....	472
<b>Ўзбекистон – ЕОИИ: ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш йўлида</b> <i>Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши йигилишидаги нутқ</i> <i>2022 йил 27 май</i> .....	477



**Конституциявий ислохотларимизнинг бош  
мақсади – инсон қадри, халқ манфаатини амалда  
таъминлашдир**

*Конституциявий комиссия аъзолари*

*билан учрашувдаги нутқ*

*2022 йил 20 июнь ..... 481*

**Мустаҳкам дўстликнинг ёрқин тимсоли**

*Тошкент шаҳрида Озарбайжон Республикасининг*

*атоқли сиёсат ва давлат арбоби Ҳайдар Алиев номи*

*билан аталган кўча ва унинг хотирасига ўрнатилган*

*хотира мажмуасининг очилиши маросимидаги нутқ*

*2022 йил 21 июнь ..... 510*

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига**

*2022 йил 27 июнь ..... 515*

**Азму шижоатли ёшларимиз – Янги Ўзбекистон**

**бунёдкорларидир**

*Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ*

*2022 йил 30 июнь ..... 519*



**Мирзиёев, Шавкат Миромонович**

М 54

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. 6-жилд [Матн] / Ш. Мирзиёев. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2023. – 536 б.  
ISBN 978-9943-7953-1-0

УЎК 321.7:323(575.1)  
КБК 66.3(5Ўзб)

*Расмий нашр*

***Шавкат Миромонович Мирзиёев***

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ  
СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА  
ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР  
ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЙ ДАВОМ  
ЭТТИРАМИЗ**

6-жилд

Мухаррирлар: *С. Хўжааҳмедов, Т. Ҳасанбоев*  
Бадний муҳаррир *Ш. Мирфаёзов*  
Дизайнер *Б. Тухтаров*  
Техник муҳаррир *Е. Толочко*  
Кичик муҳаррир *З. Маҳкамова*  
Саҳифаловчи *Ш. Буриева*

Лицензия рақами № 4642. 22.07.2020.

Босишга 2023 йил 27 мартда рухсат этилди. Бичими 70x100  $\frac{1}{16}$ .  
Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 43,21. Нашриёт-ҳисоб табоғи 25,98.  
Адади 5000 нусха. Шартнома № 19-1/23. Буюртма № 929

Оригинал макет Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг  
“O‘zbekiston” нашриётида тайёрланди.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефон: (71) 244-34-38. Факс: (71) 244-24-91.

“KolorPak” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
100206, Тошкент, Янгишаҳар кўчаси, 1-А



